

633.
6-99
Ҳ. БҮРИЕВ, Л. АБДУРАҲМОНОВ, А. ЖОНОНБЕКОВА

ГУЛЧИЛИК

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан қишлоқ хўжалиги олий ўқув юртлари талабалари учун дарслик синфатида тавсия этилган

Ушбу дарсликда иссиқхона, томорқа ва истироҳат боғларида, уй шароитида, ойнавон иссиқ биноларда, айвонларда, токча ва хоналарда эрта баҳордан то кеч кузгача гул этиштириш ҳамда уларни кўпайтириш масалалари илмий асосда ёритилган. Шунингдек, гулли ўсимликларнинг ўсиш ва ривожланишига ташқи муҳит омилларининг таъсири ҳамда ҳарорат, ёргулик, ҳаво, сугориш ва озиқлантириш тадбирларига батафсил тавсиф берилган. Китобда гулли ва манзарали ўсимликлар биологияси, уларни очиқ ёни ғарбий шароитларда кўпайтириш агротехникаси, бир, иккى ҳамда кўй йиллик гулли ўсимликларни ўстириш ва кўпайтириш, уругчиликни ташкил этиш, ургуларни териб олиш ва сақлашга кенг ўрин берилган.

Китоб қишлоқ хўжалиги институти талабалари ҳамда ҳаваскор гулчилар учун мўлжалланган.

Тақризчилар: И. В. БЕЛОЛИПОВ — биология фанлари доктори, профессор, О. А. АШУРМЕТОВ — биология фанлари доктори, профессор.

Муҳаррир: Т. ҲАЙИТОВ

Китоб Тошкент Давлат аграр университети буюртмаси асосида чоп этилган.

1652

КИРИШ

Үсимликлар — бу аҳоли яшаш жойларини ободонлаштиришнинг асосий таркибий қисмларидан биридир. Кишиларга эстетик завқ беришдан ташқари, улар шаҳар ва қишлоқларни тутун, ишланган газ ва ҳоказолардан сақлашдек жуда катта санитар аҳамиятга молидир. Кўпгина ўсимликлар фитонцидлик (ўсимликтан чиқадиган, бактерияларни йўқотадиган учувчан моддалар) хусусиятига эга. Шуни айтиш керакки, боғ ва хиёбонлар шаҳар ҳавосини тозаловчи ўзига хос артерия ҳисобланади. Дараҳт ва буталар ҳарорат тебраниш кўламини маълум даражада меъёрлайди, иссиқ кунларда ҳаво намлигини кўпайтиради, мелиоратив ва сув сақлаш хусусиятига эга бўлади. Яшил ўсимликлар турли хил ишлаб чиқариш жараёнида юз берадиган айрим ҳолатларга ва кўча шовқинларига қарши курашда айниқса, катта аҳамият касб этади.

Кўкаламзорлаштиришнинг комплекс ечимларига шаҳар ташқарисидаги ва аҳолиси гавжум бўлган яшаш жойларига яқин ўрмон майдонларини ободонлаштирилган истироҳат боғларига айлантириш масаласи ҳам киради. Завод, фабрика, болалар муассасалари ва бошқа жойларни кўкаламзорлаштиришга катта аҳамият берилади. Янги яшаш мавзелари эса кўкаламзорлаштириш ишлари бажарилгандан қейингина фойдаланишга топширилади. Йил бўйи зарур бўладиган гуллар кўкаламзорлаштириш жойларида, шунингдек, очиқ ва ёпиқ ерларда буташ материалларини олиш учун, турли кўринишдаги оранжировкалар (гулдаста, сават, композиция ва ҳ.к.) қўлланилади. Кўпгина гул ўсимликлари эстетик завқдан ташқари, амалий аҳамиятга ҳам эгадир, яъни улар озиқ-овқат, дори-дармон ва эфир мойи ишлаб чиқаришда ишлатилади.

Аҳоли яшаш жойларини кўкаламзорлаштириш, катта яшил мавзеларни яратиш, меҳнаткашлар ҳаётига манзарали ўсимликларни киритиш — бунинг ҳаммасини

қатъий режа асосида ва яшил қурилиш талабларини чуқур билган ҳолдагина түғри амалга ошириш мумкин. Бу ишда қуйидагилар катта аҳамиятга эгадир:

— манзарали ўсимлик навларини аниқ танлаш ва ўстириш;

— уларни ҳудуд бўйича түғри тақсимлаш.

Кўкаламзорлаштириш ишларида дараҳт-буталар, гуллар ва майсазор ўсимликлари қўлланилади. Аҳоли яашаш жойларини кўкаламзорлаштириш ва турли яшил масканлар барпо этишда шу ўсимликлар гуруҳларини усталик билан уйғунлаштириш зарур.

Гул кўчатлари очиқ ва ёпиқ ерлардаги ўсадиган ўсимликларга бўлинади. Ўз ўрнида, очиқ ердаги ўсимликларга бир йиллик, икки йиллик ва кўп йиллик, кўп йиллик ўсимликларга эса очиқ ерда қишлоғчи ва қишлоғламайдиган турлари киради. Ёпиқ ердаги ўсимликлар ҳар доим кўм-кўк, чиройли гулловчи (давомли ишлаб чиқариш) ва тезлаштириб етиштириладиган ўсимликларга бўлинади.

Тўғри ташкил этилган гулчилик — юқори фойдали тармоқ ҳисобланади. Шунинг учун гулчилик ҳам қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқлари сингари ишлаб чиқариш унумдорлигини ошириш асосида ривожланиши зарур. Бу масалаларни муваффақиятли ечишда соҳа мутахассислари ва гулчилик билан шуғулланувчилар ўз билимларини янада бойитиш билан кўпроқ тарқалган манзарали ўсимликларни етиштириш, уларнинг навларини кўпайтириш, агротехникасини мукаммаллаштиришлари зарур.

I. ГУЛЧИЛИҚ ТАРИХИ, ТАРҚАЛИШИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

Инсонни қадим замонлардан бери турли хил кўркам ўсимликлар дунёси ўраб олган. Ибтидоий одамлар ўз гўшаси атрофида ўсувчи егулик ва кўп касалликларга даво бўлувчи ўсимликларни қидириб топишга ҳаракат қилишган. Археологик қазилмалардан ҳам шу нарса маълумки, қадимги дунё халқлари ўсимликлардан егулик, доривор ва манзарали ўсимликлар сифатида фойдаланишган. Осиё, Европа, Африка ва Америкадан тошлигина қоялардаги тасвиirlар гулларнинг ва манзарали ўсимликларнинг бекиёс гўзаллигини бизнинг давримизгача етказиб келган. Эрон, Ҳиндистон, Япония, Марказий ва Жанубий Америка халқлари қадим вақтлардан бери йирик ва очиқ гулли ёввойи ўсимликлардан, шунингдек, доривор хусусиятга эга бўлган ўсимликлардан ўз эҳтиёжларига яраша фойдаланишган. Бу ўсимликлар билан улар ўзлари яшаган жойларни безашга ва уларни тиббиёт соҳасида ишлатишган.

Олимларнинг фикрига кўра, энг биринчи манзарали ўсимликлар атиргўл билан лотос бўлган. Қадимги обидаларнинг гувоҳлик беришича, бу ўсимликлардан жамиятда 5,5—6 минг йил, гулсафсар ва хризантемадан эса 4 минг йил аввал фойдаланилган. Ота-боболаримизнинг бу гулларга бўлган муҳаббатини қояларга ва уй-жой жиҳозларига туширилган тасвиirlардан, кашталарга тикилган гуллардан, нақшлардан, эски қўллёзмалардан билиш мумкин.

Крит оролида олимлар томонидан 3500 йил илгариги атиргул тасвири топилган. Умуман, бу гулларнинг тарқалиши 1000 йил аввал бошланиб Месопотамия, Ҳиндистон, Хитой, Эрон, Яқин Шарқ, Мисрдан ўтиб Юнонистон ва Римгacha етиб келган. Қадимги Юонда атиргул гўзаллик худоси Афродитага бағишланган, унинг эҳроми атрофларини атиргуллардан ташкил топган гўзал боғлар ўраб турган.

Римликларда атиргул «жасорат» тимсоли ҳисобланған. Бу гуллардан ишланған гулчамбарлар ғолибларнинг бошларига кийдирилган. Ҳар баҳорда оламдан ўтганлар хотираси учун атиргуллардан иборат «гуллар байрами» ўтказилган.

Қадимги Миср ҳунармандлари әхром, сарой ҳамда жамоат жойларини ғаройиб мевали дараҳтлар ва гуллар билан безашган. Уша замонларда ёқ тропик ва субтропик ўсимликлар сарой боғлари ва хоналарни кўкаламзорлаштиришда қўлланилган.

Тель-Эль-Амарандан топилган тошдаги ёзувлар шундан далолат берадики, бу ерларда йўл четларига қатор қилиб манзарали дараҳтлар экилган. Сарой ва уй олдиларидағи боғлар биринчи марта ясси томли уйлар қурилиши одат тусига кирган, Яқин Шарқда пайдо бўлган. «Осилиб турувчи боғлар» маркази Вавилон, Ассирия бўлиб, у Ефрат ва Йўлбарс дарёлари ёнидаги серҳосил водийларда жойлашган. Вавилон боғи, боғ ташкил этиш санъатининг намунали тимсолидир, бошқача айтганда, Семирамиданинг «осилиб турувчи боғлар»и қадимги дунё ажойиботларининг биридир. Бу ғаройиб боғлар. Вавилон шоҳининг кўрсатмасига биноан, унинг севимли маликаси шарафига ташкил этилган.

«Осилиб турувчи боғлар» тўрт қаватли кенг минораларда жойлашган бўлиб, унинг айвонларида пальмалар, кипарислар, мевали дараҳтлар, манзарали ноёб ўсимликлар ва чиройли гуллар ўстирилган. Мевали дараҳтлар, гулли ўсимликлар, ҳаттоқи ноёб қушлари бўлган қадимги Соломон боғлари ҳақидаги маълумотлар бизгача етиб келган.

Эрамизгача бўлган XVI аср тарихий ҳужжатлари бизга шундай маълумотлар берадики, сарой олдиларида тўғри бурчакли квадрат шаклда жойлашган бу боғлар девор билан ўралган. Боғ ўртасида тўрт бурчакли ҳовуз қурилиб, унга тошлардан ясалган зиналар билан борилган.

Қадимги Мисрнинг манзарали боғдорчилигига сувдаги боғлар алоҳида ўрин тутган. Эҳром сарой олдидаги тўрт бурчакли ҳовузларда Мисрнинг ажойиб оқ ва ҳаворанг нилуфарлари, лотослари ўстирилган. Италияда манзарали боғдорчилик бир мунча бошқачароқ ривожланган. Римда эса ясси томлар ва балконларни тувакда ўсуви гуллар билан безаш урф бўлган. (Адонис бай-

рами). Томларда балиқли осилиб турган ҳовузлар ташкил қилингандар.

Италия боғбонлари бундан иккى минг йил илгари манзарали субтропик ўсимликлар: яшил самшит, лавр, олеандр, ясмин, анор, пальмалар, ҳар хил яшил нина баргли дараҳтлар ва турли хил уй гуллари етиштиришган. Римликлар мевали ва гулли ўсимликларни ўзига хос иссиқхоналарда ҳам кўкартиришган. Уйларни, саройларни кўкаламзорлаштириш қадимги Юнон ва Византия шаҳарларида, уларга ёндош мамлакатларда кенг қўлланилган. Хоналарни ички кўкаламзорлаштиришда йирик тропик ўсимликлар: пальма, кодеум ва нафис гуллардан фойдаланилган. Унинг маълум қисмини ҳовуз безаб турган. Кўкаламлаштиришда Яқин Шарқ мамлакатларидан фарқли равишда Эрон ва айниқса, Хиндишонда ўсимликлар архитектураси катта ўрин тутган. Бу боғлар очиқ ва ёпиқ жойларда етиштирилган ўсимликлардан ташкил топган бўлиб, ҳозирги даврда сақланиб қолинмаган.

Бизнинг давргача бўлган 500-йилда форслар биринчи бўлиб чиройли ҳовузлар, турли туман гаройиб гуллар ва манзарали дараҳтлардан иборат бўлган истироҳат боғларини кўпайтиришган. Баъзан бу боғларда ёввойи ҳайвонлар ҳам бўлгани учун форслар уни «ҳайвонлар боғи» деб аташган. Форс империясининг ҳайвонлар боғи ва шу билан бир қаторда гулзорлари шоҳлар ва юқори табақали амалдорлар яшаган жойларда ташкил этилган.

Шарқий Туркистонда манзарали боғдорчилик хўжалигининг пайдо бўлиши Ўрта Шарқ халқларида тупроқшунослик, боғдорчилик, сабзавотчиликни келиб чиқиши ва ривожланиши билан узвий боғланган.

Бу халқлар Афғонистон, Эрон, Хиндишон, Кичик Осиё мамлакатлари билан савдо ва маданий алоқалар ўрнатишган. Шарқий Туркистон шаҳарларидан ўтувчи буюк ипак йўли ана шундан далолат беради.

Эҳром деворларидаги расмлар, тарихнинг турли даврига доир бўлган эски ёзувлар бизга у ёки бу мамлакатнинг гуллари, узумзорлари ва боғлари ҳақида маълумот беради. Масалан, X-XIV асрдаги тарихий ёдгорликлар уйғур давлатининг гуллаб-яшнаганлигини кўрсатади. Уйғур бойларининг ҳаёти ва яшаш шароити деворлардаги расмларда муҳрланган. Бу расмлардан бирида тасвириланган князъ қўлидаги гул тинчлик тим-

солидир. Гуллар етиштиришни касбга айлантирган уйғурлар қизларга, баъзан йигитларга ҳам гулларнинг номини қўйишган. Бу ҳол ҳозир ҳам давом этмоқда. Боғларда ва хоналарда пеларгония, бальземин (хнагул) фуксия (томчигул), алоэ (тикангул), гиппеаструм (пиззгул) фикус, лавр, олеандр ва бошқа ўсимликлар етиштирилган. Гуллар, манзарали дараҳтлар, буталар ҳақида халқ қўшиқларида куйланган, шоирнинг шеърларида, бадиий санъат асарларида акс этилган.

Узоқ Шарқ мамлакатларида, Жанубий-Шарқий Осиёда, айниқса, Корея, Япония, Вьетнамда ўзгача боғдорчилик санъати XIII асрдан бери яшаб келмоқда. Бу мамлакатларнинг халқлари манзарали боғдорчилик гуллари билан безашнинг беқиёс усуllibарини ишлаб чиқишишган ва бу сингари ўсимликларнинг жуда бой хилларини йиғишишган. Японларда бансеки, бонзай сингари манзарали санъатнинг ҳамда гулли безаклардан икобана, икенаборикка, нагиери, морибана каби кўпгина турлари мавжуд. Бонзай ва бансеки усулида асосан император саройлари кўкаламзорлаштирилган бўлиб, ундан шу вақтга қадар кичик боғларини безашда ҳам фойдаланиб келинмоқда.

Пакана (кичкина) ўсимликлар хилига субтропик нина баргли ва оддий баргли дараҳтлар, буталар киради. Хризантема эса Япония ва Хитойда асосий гулли ўсимликлар ҳисобланган. XIII аср ўрталарида Ўрта Европа шаҳарларида ҳар-хил ғаройиб ўсимликлар учун маҳсус хоналар ташкил қилина бошланди. Рейнда биринчи марта қишки боғ яратишга уриниб кўрилди. Уша даврда ғаройиб ўсимликлардан хоналарни кўкаламзорлаштиришда фойдаланиш манзарали боғдорчиликни ривожланиши учун янги бир туртки бўлди.

Ботаника боғлари 1400 йилда Флоренцияда, 1530 йилда Мантуда, Римда ва бошқа шаҳарларда ташкил қилинди. Бу боғлар машҳур архитекторлар Г. Голливитцев ва В. Вирсингнинг ёзишича, Семирамидадаги боғлардан ҳам аълодир. Пруссияда император Фридрих III, Франция қироли Карл V ва унинг ўғли Филипп II ўз саройларида апельсин, лимон дараҳтларидан ва турли хил доривор ўтлардан иборат боғлар барпо эттиришган, маҳсус аквариумларда эса ноёб балиқлар ва ҳатто хонбалиқни кўпайтиришган.

Европа мамлакатларида XIV аср охири ва XV аср бошларинда бўтакўз, лолақизғалдоқ, наргис, бинафша,

лилия (пиёзгул), хайрнгүл, гулсафсар манзарали ўсимликларнинг асосий хили ҳисобланган. Булар асосан Европа флораси ҳамда Осиё ва Шимолий Африканинг айрим ўсимлик турларидан ташкил топган. Яқин Шарқ мамлакатларининг баъзи ўсимлик турлари ҳам аста-секин ботаника боғлари орқали шулар таркибига кирди. Ботаника боғларида пиёзгулли ўсимликлар ҳам пайдо бўлди. Лола, наргис, гулисунбул, bog puфаги, тугмабошлар шулар жумласидандир.

Туркиядан XVI аср ўрталарида Италияга биринчи марта оддий сирен (настарин) ўсимлиги, кейинроқ олча ва bog ясмини келтирилди. Кейинроқ Европага тропик манзарали ўсимликлардан: чечак, мирабилис, тагетислар, шунингдек, Шимолий Американинг баъзи ўсимликлари келтирилди. XVI асрда кўкаламзорлаштиришнинг янги босқичи бошланди, бунда асосий диққат балкон ойналарини, айвончаларни манзарали ўсимликлар билан безашга қаратилди. Бу пайтда санъатнинг яна бир тури — ўсимликларни қайчи билан қирқиб, уларга турли шакл бериш бунёдга келди. Жанубий ва Марказий Европада самшит ўсимлиги кўпайтирилган ва қайчи билан турлича думалоқ, тўртбурчак, цилиндрик ва ҳоказо шакллар берилган. Сарой ичкарисини, қишки боғларни ва баъзи тўрар-жойларни кўкаламлаштириш учун ҳам ўсимликларга ҳар хил шакллар берилган.

XVI асрнинг иккинчи ярмида хусусий ва давлат ботаника боғлари сони, четдан келтирилган манзарали ўсимлик турлари кескин кўпайди. Иқтисоди ривожланган давлатлар ва баъзи бой — бадавлат кишилар ўз ҳисобидан экспедициялар ташкил қилишиб, сайёҳларни ва олимларни узоқ мамлакатлардан ўсимликлар олиб келиш учун жўнатишди. Шимолий Американинг маданийлашган ўсимлик турлари сони XVII асрга келиб анча кўпайди. Шу даврга келиб Европанинг манзарали ўсимликлар турига редбекия, монарда, гелениум, канада аквилегияси, кўп йиллик астралар (қўқонгул), шойигуллар, манзарали буталар, баъзи дўланалар, пўрсилдоқлар (пузыроплодник), Жанубий туж ўсимлиги кабилар кирап эди. Европада XVII асрда совуққа чидамсиз ўсимликларни парваришлаш учун иссиқхоналар қура бошланди. Сал вактдан сўнг катта ботаника боғларининг иссиқхоналарида Ўрта Ер денгизи, Шарқий ва Жанубий Осиё, Австралия, Янги Зеландия, Марказий ва Жанубий Америка, Жанубий ва Марказий Африка, Ҳин-

дистон, Атлантика ва Тинч океани оролларидан келтирилган тропик ва субтропик ўсимликлар жой олди.

Қишки боғларни, саройларни кўкаlamзорлаштиришда пальмалар учун алоҳида жой ажратиларди, буларни ва ғаройиб ўсимликларни йифиш, тропик ўсимликлар флорасини ўрганиш учун маҳсус экспедициялар ташкил этиларди. Келтирилган ўсимликлар хили ошган сари қишки боғлар барпо этишнинг янги тури, яъни уй томларида қишки боғ яратила бошланди. Шу тариқа ясси томлар қуриш ва каттароқ қишки боғларни кўпайтириш тавсияномалари ҳам пайдо бўлди.

Европа боғларида XVIII асрда Шимолий Америкада ўсуви турли хил буталар, дараҳтлар, кўп йиллик ўсимлик-гуллардан нилуфар ва флокслар пайдо бўлди. Бу каби ўсимликларга қизиқиш борган сари ортиб, Европада янги гўзал қишки боғлар бунёдга келди. Германияда 1874 йилда қурилган қишки боғ катта шов-шувга сабаб бўлди. Бу боғда пальма, бамбук, шакарқамиш, банан, агава, церус ва бошқа субтропик ва тропик ўсимликлар билан бир қаторда ҳар хил ноёб қушлар ҳамда сув ўтлардан ташкил тонган ҳовуз ва шаршара ҳам бўлган. Германияда майдони 800 м², баландлиги 13 м бўлган яна бир ажойиб қишки боғ бор эди. У боғ 1922 йилгача сақланиб келган. Қишик боғда субтропик ва тропик ўсимликларни бир меъёрда ўсиши учун маълум миқдордаги иссиқликни етказиб берувчи мослама бўлган. Боғда апельсин, лимон ва пальмалар, мексика мимозалари, олеандр, сарв дараҳти, цикломенлар, яшил эман дараҳтлари, чирмасиб ўсуви ўсимликлар (лианалар) ўғсан. Бу ерда фавворалар, уйчалар, дам олиш учун ўриндиқлар ҳам мавжуд бўлган.

Томда боғлар барпо этиш Европа ва Шимолий Америкада авжига чиққанди. Майдони 4000 м² бўлган энг катта том боғи 1929 йилда Берлин шаҳридаги Карлштат савдо растасининг томида бунёд этилди. Боғда тахта тувакларда, вазонларда ҳар хил ўсимликлар ва гуллар, шунингдек, маҳаллий флоранинг маданий буталари ўғсан.

XVII асрнинг иккинчи ярмида, Россияга Европадан иссиқхоналарда ўсуви турли хил ўсимликлар келтирилди. Москвада Измайлов боғлари барпо бўлди, бу ерда бъязи Жанубий фойдали ўсимликлар кўпайтирила бошланди, 1974 йилда Кремль боғлари ҳақидаги ёзувларда хушбўй, доривор, истеъмол қилинувчи ўсимли-

лардан ташқари, пионлар, лолақизғалдоқлар, бир йиллик дельфиниумлар ҳам ўрин олган. Измайлов номидаги боғда оқ лилиялар, пионгуллар, лолалар, чиннигуллар, атиргуллар ва манзарали сарв дарахти буталари бўлган. 1702 йилда Кремль боғларида иссиқсевар ўсимликлар орасида 8 туп узум кўчати ва 100 дона тувакда ўсувчи ҳар хил гуллар ва манзарали ўсимликлар бор эди. Кейинчалик мартабали боярлар ва сарой билимдоналари боғларида ҳам иссиқхоналар бунёдга келди.

Эрондан Москвага XVIII аср ўрталарида иссиқсевар мевали дарахтлардан лимон, кофе дарахти, анор, шафтоли, шунингдек, сарв дарахти ва 40 турдан ортиқ фикус, лавр, ясмин, размарин, баксус, алоэ каби ғаройиб ўсимликлар келтирилди.

Москвадаги янги боғлар ғарбий услубда ташкил қилинди. Бу боғларда геометрик шаклдаги тўғри йўлкалар, ҳовузлар ва доира шаклидаги гулпушталарда чиройли гуллар экилган. Қишида ўсимликларни маҳсус иситилган хоналарда ва ойнавон иссиқ биноларда эман дарахти ёғочидан ясалган тувакларда ёки чўян гулдонларда сақлашган. Хон саройининг пойтахт Петербургга кўчиши муносабати билан янги боғлар ва ойнавон иссиқлик хўжаликлари шаҳар ва шаҳар чеккаларига жойлаштирилган. Аста-секин фаввора ва шаршараси бўлган ойнавон иссиқлик бинолари қурила бошланди. Мана шу тарзда Петербург атрофларида бу сингари бинолар пайдо бўлди. Россияда манзарали боғдорчиликни янада ривожлантириш учун Петр I чет элдан моҳир боғбонларни таклиф этарди, уларга пул тўлаб, ёш, қобилиятли рус ўшларига боғбончилик сирларини ўргатишни талаб қиласиди.

Катта байрамларда сарой ичкарисини турли хил чиройдаги ўсимликлар билан безаш урф бўла бошлагач тропик ва субтропик ерлардаги табиат бойликларини ўрганиш мақсадида узоқ ва иссиқ ўлкаларга саёҳат қилувчи ёш ўлкашунослар сони кўпайди. Турли жамият табақаларида ботаникани севувчилар сони ортди, чет элдан келтирилган ажойиб ўсимликларни етиштирувчи хусусий ойнавон бинолар ҳаттоқи ботаника боғлари вужудга кела бошлади.

«С.— Петербургская ведомость» рўзномаси саҳифаларида ёзилишича, Гамбург ва Голандиядан кемаларда келтирилган ҳар хил ўсимликлар: лавр дарахти, апел-

син, цитрус ўсимликлари биржасы орқали «ким ошиди» савдоларида сотилган.

Сарой ва баъзи бадавлат дворян боғларининг боғбонлари Санкт-Петербург тибиёт боғининг ойнавон иссиқ билоларида ўсувчи анжир, алоэ, ананас, цитрус, гулли ва пиёзгулли каби турли хилдаги ўсимликларни сота бошладилар. Савдо-сотиқ саноатининг ривожланиши билан бирга, катта боғлар ва ойнавон иссиқлик хўжаликларини барпо этиш янада кўпайиб борди. «Садоводство» журналининг ўша даврдаги сонларидан бирида бу боғлар ва хўжаликларида 1000 тагача лимон дарахтлари 500 та ананас ва ҳар хил манзарали ўсимликлар ўстирилаётгани таъкидланган.

Янги ўсимликларни маданийлаштириб ҳаётга йўллашда Петр I бошчилигига барпо этилган доришунослик томорқаси ҳамда Москва ва Петербургдаги бошқа томорқаларда ҳам катта ишлар қилинди. (кейинчалик бу томорқалар ботаника боғларига айлантирилди).

* * *

Гулчилик бизнинг республикамизга Узок Шарқдан, Хитой ва Ҳиндистондан Буюк ипак йўли орқали кириб келган ва биринчи бўлиб Самарқандда, сўнгра Бухоро, Кўқон ва бошқа шаҳарларда тарқалган. 1920 йилдан бошлаб Урта Осиё Давлат университетининг қошида 12 гектарлик Ботаника боғи ташкил қилиниб, 60 дан зиёд гул навлари етиштирилган.

Гул навлари 300 тага кўпайтирилгач, бу боғ 1943 йилда Академия ҳисобига ўтказилган ва янги Ботаника боғи ташкил этилиб, сеъ майдони 80 гектарни ташкил қилган.

1962 йилдан бошлаб республикамизниң еттига шаҳри — Андижон, Ангрен, Олмалиқ, Бухоро, Самарқанд, Фарғона ва Урганчда ўсимликшунослик хўжаликлари ташкил топди. Бу хўжаликларининг ер майдони 592 гектар эди.

1977 йилга келиб Ўзбекистон Республикасида 15 та ўсимликшунослик комбинатлари ташкил топди. Булардан энг йириги ҳисобланган Тошкент гулчилик совхозининг экин майдони 1279 гектар эди. Ойнавон иссиқ билолар майдони 5,9 гектарни ташкил этарди.

1980 йили Ботаника боғида гулчилик лабораторияси

ташкىл топди ва у 2000 дан ортиқ гул навлари етиширишга муваффақ бўлинди. Бунга фан докторлари, профессорлардан Ф. Н. Русанов, З. П. Бочаниева, А. П. Печеницин, фан номзодларидан П. К. Озолин, Л. К. Кровченко, А. К. Кияткин, Н. М. Қармишина, А. Х. Шарипов, Л. А. Абдураҳмонов, Н. Ф. Зиновьевна, Е. М. Залевская, кичик илмий ходимлардан М. Юнусова, С. Абдураҳмонова, Л. А. Александровалар ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшдилар.

II. ГУЛЛИ ЎСИМЛИҚЛАРНИ ЎСИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИГА ТАШҚИ МУҲИТНИНГ ТАЪСИРИ

Ўзбекистоннинг кўпгина шаҳар ва қишлоқлари Тянь-Шан ҳамда Туркистон тизимлари тоғолди водийларида, Бухоро билан Термиз эса чўл текисликларида жойлашган.

Тоғолди минтақаси иқлими юқоридаги тоғлар ва пастдаги чўл иқлимига нисбатан деярли юмшоқ бўлади, ёз вақтида ҳарорат чўлга нисбатан бир мунча мўътадил ва тоғдагига кўра бир мунча юқоридир. Бу ерда шамол ҳам нисбатан кам.

Гулчиликни тўғри ташкىл қилиш учун берилган жойнинг иқлим хусусиятларини ҳисобга олиш зарур, чунки шунга кўра манзарали ўсимликлар навларини танлаш осон бўлади. Иқлим маълумотларига кўра қўйидагилар аниқланади: вегетация ва гуллаш вақтлари, ўсимлик уруғларини баҳорда сепиш ва кўчатларини ўтқазиш, кузда эса йиғиш муддатлари, шунингдек, кўп йиллик гулларнинг қишлиш имкониятлари. Қишки энг паст ҳарорат — қишловчи кўп йиллик гулларни танлаш учун ҳал қилувчи омилдир.

Ўзбекистон шароитида намликтиннинг камлиги ёки ҳавонинг сув буғлари билан тўйинмаганилиги асосий хусусиятдир. Ҳавонинг сув буғлари билан энг тўйинмаганилиги Ўзбекистоннинг саҳро минтақаси иссиқ бўлувчи ва қуруқ келувчи шаҳарлари Бухоро ва Термизда учрайди. Шунинг учун бу жойларга, шу омилларга кўпроқ мослашган ўсимликларни танлаш керак.

Манзарали ўсимликлар кўп ўғитланган тупроқни талаб қилувчи интенсив экин эканлигига қарамай, аввал қўл остида мавжуд бўлган тупроқни қўллаш зарур-

дир. Агар бу тупроқ гулчиликка тұғри келмаса ва бошқаси топилмаса, мавжуд тупроқ таркибини тузатиш, қайта ишлаш, салбий хусусиятларини йүқотиш бўйича барча усуллардан фойдаланиш керак. Тупроқ ва унинг хусусиятлари ҳисобга олинмаса, қатор қўпол хатоларга йўл қўйиш мумкин.

Ўзбекистон шаҳарларида қадимдан суфориладиган бўз тупроқли ерлар мавжуд. Бу тупроқлар маданий-суфориш тупроғи деб аталади, чунки уларга инсоннинг суфориш ва қайта ишлаш бўйича кўп асрлик малакаси ўз таъсирини ўтказган. Деҳқонлар тупроқни доимо суфориб, сув билан биргаликда тупроққа лойқа зарраларни киритишга сабаб бўладилар. Ўсимликни ўстиришда инсон тупроқнинг юқори қисмини чопиб, унга у ёки бу кўринишдаги ўғитларни солади ва шу билан тупроқ таркибини ўзгартиради. Шуни унутмаслик керакки барча шаҳарлар тупроғи оҳакли тузларга бой ва ишқорий реакцияга эгадир.

Республикамиз шаҳарларининг анчагина қисми шўрланмаган ёки кучсиз шўрланган тупроқли тоғолди водийларида жойлашган. Аммо Қўқон, Бухоро ва бошқа жойлардаги тупроқ — шўрҳок, экинларга таъсир қилувчи эрувчан тузларга бой тупроқдир. Шу боисдан шўрни ювиш учун мелиоратив ишларни амалга оширишни талаб этади. Фарғона ва Қўқон шаҳарларида шағал тупроқли жойлар ҳам мавжуд бўлиб, уларга манзарали маданий ўсимликларни экишдан аввал чуқур ўзгартиришларни амалга ошириш зарур. Бу тупроқларни шағал ва тошлардан тозалаш ҳамда бойитиш лөзим.

Мўътадил иқлим тупроғига кўра, хусусан, қора тупроққа кўра, маданий-суфориладиган тупроқ гулчи ҳисобланиши шарт бўлган бир қатор ўзига хос хусусиятларга эгадир. Бу тупроқларнинг кўпчилиги механик таркиби бўйича оғир сертупроқ ер ва енгилроқ лой тупроққа бўлинади. Айрим жойларда, аксинча, тупроқ енгил қумли бўлади.

Сертупроқ ва лой тупроқлар, айниқса, юзаки суфоришинан сўнг тез зичлашади. Уларнинг юзасида ўсимликларнинг меъёрида ўсишга ҳалақит берувчи қатқалоқ пайдо бўлади. Қатқалоқ тагида тупроқ тез қурийди, зичлашади ва кучсиз тўйинади, яъни унга ҳаво кам киради.

Қатқалоқ билан курашишнинг ягона йўли — бу тупроқни юмшатишdir. Тупроқни юмшатишнинг энг мақбул ва яхши вақти — бу тупроқни суфориб, сўнг қуритиб,

кетмонга ёпишмайдиган ҳамда қўлга олиб эзганда етари нам, майда бўлакларга осон бўлинниб кетадиган вақтидир. Тупроқнинг юмшатилган юқори қисми нам тупроқни тез қуришига йўл қўймайди ва тупроқ осон шамоллайди. Бундай ҳолат ўсимлик ривожига яхши таъсир кўрсатади.

Тупроқни юмшатиш — кўп меҳнат талаб қилувчи иш. Гулчиликда тупроқ қўлда (кетмонда, тешада) юмшатилади. Шунинг учун қатқалоққа қарши ҳар қандай иш таҳсинга сазовордир. Бундай ишлар қаторига — қумлаш, тупроққа чиринди, компост, баргли тупроқни қўшиш, гулловчи ўсимликлар тагидаги тупроқни енгил юмшатиш, унинг устини толали юмшоқ моддалар (ярим чиригана ўғит, йирик заррали қум, шоли қипики ва ҳ.к.) билан ёпиш кабилар киради. Шағалли тупроқлар асосан, ташқаридан юмшоқ тупроқни қўшиш, баъзан эса бутунлай шагал тупроқни юмшоқ тупроқ билан алмаштиришни талаб этади.

Шўр тупроқни ўзгартириш ва яхшилаш масаласи мураккаброқдир. Бу ишлар, аввало, ё оқизоқ қилиб, тузларни сувда эритиб камайтириш ёки тузларни тупроқ остига ювиш билан амалга оширилади.

Ишқорий реакция — гулчилик учун ўсимлик навлари танлашда ҳал қилувчи омилдир. Ўсимлик навлари асосан ишқорли ёки оҳакли маҳаллий тупроқда яхши ўсадиган навлар орасидан танланади. Оҳакка чидамсиз, нордон тупроқда кўкарувчи кўпгина ўсимликлар маҳаллий тупроқда ўса олмайди.

Эрта баҳорда ойнавон ва иссиқхоналарда экиш ишлари учун об-ҳавонинг умумий ҳолати ва қўёшли кунларга кўра — февралнинг охири ёки марта ғониҳи боши мақсадга мувофиқдир. Уруғлар енгил тўйимли тупроқ билан тўлдирилган саёз идишчаларга экилади. Экиш учун энг зўр тўпроқ бу, яхши тайёрланган, ўрта заррали дарё қуми билан мъяълум миқдорда аралаштирилган, серажриқ, серилдиз ёки баргли тупроқдир. Тупроқ яхши қурувчан бўлиши керак, яъни суғорилгандан ва тўлиқ сув билан ҳўллангандан сўнг ортиқча намликтан тез қутилиши ҳамда ўз вақтида тупроқда намлик бўлиши керак.

Оддий боғнинг яхши қумланган тупроғи ҳам гул уруғларини экиш учун яроқлидир. Шуни унутмаслик керакки, гулчилик учун тўлиқ чиримаган чиринди билан ўғитланган тупроқ мутлақо ярамайди. Бундай тупроқда

одатда, мавжуд бўладиган замбуруғ ва мөғор экинга катта зарар етказади. Гул кўчати экиладиган саёз идишларнинг баландлиги 5—6 см, диаметри эса 15 смдан 25 см, гачадир. Идишнинг тубида идиш диаметрига кўра 1-3 та тешикчалар бўлиши керак. Идишга тупроқ солишдан аввал бу тешикчалар сопол синиқлари билан беркитилади. Сўнгра идиш тубига 5-7 мм қалинликда қум солинади. Қумнинг устидан майда тупроқ шундай солинади-ки, кўчат сугорилганда, унинг юзаси идиш деворларидан 5-7 мм. паст бўлиб турсин. Уруғлар экиш олдидан намланган тупроққа қўлда сепиб экилади. Сўнгра уруғлар майда тешикли элакдан ўтказилган тупроқ билан кўмилади. Бунда тупроқ қалинлиги ўруғнинг бир ёки икки диаметрига teng бўлади. Саёз идишчалардаги кўчатни майда тешикли гулчелак билан сугорилади, идишчалар ойнавон иссиқ бинолардаги сўриларга, иссиқхона ёки уйлардаги дераза токчаларига қўйилади.

Экиш учун тайёрланадиган яшиклар қўпол бўлмаслиги керак. Яшикнинг энг яхши ўлчамлари: узунлиги 50 см, эни 30 см ва чуқурлиги 6-8 см. Унинг тубида бир қатор сув оқувчи тешикчалар қўйилади, ҳамда яшикни тупроқ билан тўлғазиш ва уруғ сениш худди саёз идишчалардагидек амалга оширилади.

Уруғдан кўкариб чиқсан кўчатлар қўёшли кунларда тўлиқ ёруғлик ва иссиқлик олишлари, ҳамда мўътадил сугориб турилиши шарт. Кўчатли яшикларни ёруғлик яхши тушадиган дераза ва дарчаларга яқинроқ қўйган маъқул. Булутли ва серёғин кунларда кўчат турган хона ҳароратини пасайтириш керак. Пасайтирилган ҳарорат /8-10°/ кўчатлар ўсишини тўхтатади. Кўчатлар кучга кириб, баргчалар чиқарганда, кўчатни серўғит ерга ўтқазиш (яъни рассад қилиш) керак. Янги униб чиқсан кўчатларни олиб, бошқа жойга ўтқазиш ёш кўчатга тупроқда — илдизларнинг ва ҳавода — баргларнинг эркин ўсиши учун жой ажратиш мақсадида қилинади. Саёз идишча ёки яшикда ўсиб кетган узун ўқ илдизлар қисқартирилади, бу эса ён илдизларнинг ўсишига ва ўсимликнинг яхши ривожланишига ёрдам беради. Кўчатлар юмшоқ ўғитланган тупроқли яшик ва идишчаларга ўсимлик ўлчамига ва бир ойлик ўсишига кўра турли муддатларда ва турли масофаларга кўчириб ўтқазилади. Масалан, астра қўқонгул биринчи кўчириб ўтқазишда бир-биридан 3-4 см. масофа-

да; бирмунча майда күчатлар — тамаки, лобелия, петуния бир-биридан 2-3 см. масофада ўтқазилади; ипомея, шойигул ва бошқа йирік үсимликларни эса яхши-си бир йўла биттадан тувакчаларга ўтқазиш мақсадга мувофиқдир. Күчатларни бошқа жойға ўтқазиш күчатлар орасидаги масофа ва күзда тутилган рассад қилиш сонига ҳам bogliq. Агар бир марта рассад қилиш күзда тутилган бўлса, күчатлар орасидаги масофа, күчатни бошқа жойға ўтқазилгунига қадар ўсишини назарда тутилган ҳолда; агар икки марта рассад қилиш күзда тутилган бўлса, унда масофа, келгуси рассадга қадар ўсишига кўра белгиланади. Үсимликларни бошқа жойға ўтқазиш қаторлар тарзида шахмат тартибида амалга оширилади.

Рассад қилинган күчатлар парвариши қуйидагиларни ўз ичига олади:

- ўз вақтида сугориш;
- хонани шамоллатиб туриш;
- күчатларни етарли даражада ёруғлик ва иссиқлик билан таъминлаш;
- иккинчи рассад қилиш күзда тутилган бўлса, уни ўз вақтида амалга ошириш.

Баҳорда кунлар исиши билан аёзлар тугагунча ва үсимликлар ерга экилгунича хоналарни кўпроқ шамоллатиш зарур. Агар имконият бўлса, күчатли яшиклар совуқ иссиқхоналарга олиб чиқилади. Бунда күчат кучга кириб, ҳавога ва қуёш нурларига аста-секин мослаша бошлайди. Бунинг учун күчатлар очиқ ҳавода қолдирилади, кундузлари иссиқхоналарнинг деразалари дастлаб қисқа, сўнгра узоқроқ вақтга ва ниҳоят бир кунга очилади, кечалари эса ёлиб қўйилади. Кечалари ҳаво исий бошлагандан ҳамда совуқ уриш эҳтимоли бўлмаганда күчат ерга экилади. Бу вақтга келиб, күчат кучли, тетик, соғлом, илдизи бақувват, тўқ яшил баргли ва экилган тупроқни яхши қамровчи илдиз тизимли бўлиши керак.

Иссиқхонадаги күчатларни ойнавон иссиқ бинодаги күчатлар билан бир вақтда тайёрлаш мумкин. Иссиқхонада уруғлар яшик ва идишчаларга экилади, рассад қилишда эса иссиқхона ерига кўчириб ўтқазилади. Уруғлар бевосита иссиқхона ерига камдан-кам экила-ди. Рассад қилиш ҳам уруғ экиш сингари иссиқхонада бир хил ҳарорат ўрнатилгандан сўнг амалга оширила-ди.

Рассад қилинаётган ўсимлик тагидаги тупроқ, бошқа ҳоллардагидек, юмшатилған, ўғитланған ва енгил бўлиши керак. Ўсимликларни парваришташ иссиқхоналарни ўз вақтида шамоллатиш, сугориш, бегона ўтлардан тозалаш, рассад қилиш ва ҳоказолардан иборат бўлади.

Ойнавон бинода эрта баҳорда экиш ишларини ўтқазиш асосан узун вегетация муддатли ўсимликларниң гулли кўчатларини тайёрлаш учун амалга оширилади. Иссиқхона ёки ойнавон бино ичиға сепилған зангори ишомея июн ойнда гуллай бошлайди ва кузда пишган уруғлар беришга ҳам улгуради. Уни бёвосита очиқ ерга экиш эса, гуллашни 1-1,5 ойга кечиктиради ва ҳар доим ҳам пишган уруғлар бера олмайди.

Кўпгина бир йиллик ўсимликлар эрта баҳорда ёки ёзда гуллаши учунгина ойна тагига сепилади. Кўчатни бундай усулда етиштириш кўпинча кўчатларни маълум бир жойга экишга, яъни чиройли боғлар ва гулзорлар ташкил этишга жуда қўл келади.

Кўчириб ўтқазишни ёқтирилдиған ўсимликларниң, яъни қалампиргул, мак, эшшолъияниң уруғи бёвосита клумбаларга сепилади. Очиқ ерга уруғ сепишниң салбий томони — бу уруғ миқдорининг кўп сарфланишидир. Бундай жойга сепилдиған ўсимликлар уруғи орасида паст ва ер бағирлаб ўсадиди ўсимликлар — портулаклар яхши натижа беради.

Ҳар хил ўт-майсалар, шунингдек, йирик уруғли ва йирик баргли серҳашам ўсимликлар — канакунжут, маккажўхори ва бошқаларниң уруғи одатда очиқ ерга сепилади. Бу ўсимликларниң кўпчилиги яхши ишланган клумбаларга сепилади. Уларниң тагидаги тупроқ ўз вақтида ўғитланған бўлиши зарур. Уруғлар қўлда сийрак қилиб сепилади. Майда уруғларни бир текис сепиш учун уларни қуруқ, майда заррали қум билан аралаштириш мумкин. Ҳар қандай зич экиш ўз вақтида яганалаш ва ёввойи ўтлардан тозалашни талаб қиласиди.

Ўсимликлар ҳаёти ташки муҳит шароитларига бевосита боғлиқдир. Уларниң ўсиши ва ривожланишига таъсир кўреатувчи асосий омиллар — иссиқлик, сув, ёргуллик, ҳаво ва озиқ моддалардир.

Гулчи гулни етиштиради экан, уларниң ривожланиши учун қулай шароит яратиш, яъни юқоридаги барча омиллар ўзаро энг қулай муддатларда бўлишига эришини керак.

Бир хил ўсимликлар ўсиш ва ривожланишининг турли даврида яшаш шароити ва муҳитининг боғлиқлик омиллари муносабатидан ҳар хил таъсирланади. Бу ерда турли гуруҳ, нав, турларга тегишили ўсимликлар ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Озиқланиш тартиби, ёруғлик ва ҳоказоларни йўлга солини билан ўсимликларниң яшаш фаолияти учун энг қулай шароит яратиб, улардан мумкин қадар кўпроқ натижга олиш мумкин.

Иссиқлик режими. Ҳаво ва тупроқ ҳарорати — ўсимликлар яшаш фаолиятини белгиловчи асосий омиллардан биридир.

Очиқ ер шаронтида иссиқликнинг аниқ белгиланган тартиби ноҳиянинг инсолацияси, географик жойлашиши ва ўсимликни етиштириш шаронтига (ҳимоя чизиқлари, мўлжал олиш, нишаб тикилги ва бошқалар) боғлиқдир. Ёпиқ ерда иссиқликнинг аниқ белгиланган тартиби иситиш, ҳаво ҳарорати ва намлик бир хилда сақлаш, соя ҳосил қилиш, шамоллатини ва бошқалар ёрдамида йўлга қўйилади.

Иссиқлик — ўсимлик ҳаёти учун зарурий шартлардан биридир. Фотосинтез, транспирация, нафас олиш ва ҳоказолар каби физиологик жараёнларнинг кечиши унга боғлиқдир. Кўпгина ўсимликларнинг ўсиши ҳарорат 15° дан 35° гача кўтарилиганда тезлашади, 15° дан 0° гача пасайганда — секинлашади. $35\text{--}38^{\circ}$ дан юқори ҳароратда ўсиш жараёни интенсивлиги тез пасаяди. Иссиқликнинг узоқ вақт кўп бўлиши ёки етишмаслиги ўсимликнинг ҳалок бўлишига олиб келади.

Гулли ўсимликларнинг иссиқликка эҳтиёжи, уларнинг ўсиши ва ривожланиши турли даврда турличадир. Вегетация бошида пастроқ ҳарорат зарурдир. Кундузи кечасига қараганда, кўпроқ иссиқлик талаб қилинади.

Турли манзарали ўсимликларнинг иссиқликка турлича муносабати кўпинча уларнинг келиб чиқиш иқлим минтақалари шароитларига боғлиқдир. Манзарали ўсимликлар иссиқликка бўлган муносабатига кўра, очиқ ва ёпиқ ер (ойнавон иссиқ бино, иссиқхона) ўсимликларига бўлинади.

Биринчи гуруҳга очиқ ер шаронтида етиштирилган ўзининг манзарали хусусиятига эга ўсимликлар киради.

Очиқ ер ўсимликлари вегетация даври мобайнида иссиқликка муносабати бўйича шартли равишда совукча чидамли ва иссиқсевар ўсимликларга бўлинади.

Совуққа чидамли ўсимликлар — бу, вегетация даврида ҳароратнинг 0-1° гача, ҳатто қисқа муддатда — 2-3° гача пасайишига чидамли бир йиллик ва қишлоғчи кўп йиллик ўсимликлардир.

Иссиқсевар ўсимликлар вегетация даврида ҳароратнинг қисқа муддатга 0-1° гача пасайишини ҳам кўтара олмайди. Баъзи бир йилликлардан ташқари, бу гурӯҳга қиша иссиқхоналарда, ёзда эса очиқ ерда ўсувчи тропик ўсимликлар — пальма, агава, юкка ва гилам ҳосил қилувчи ўсимликлар — эхеверия, клейния, альтернатера ва бошқалар киради. Ойнавон бинода ёки ёпиқ ўсувчи ўсимликлар — бу ўзининг манзаравий хусусиятига фақатгина иссиқхоналар шароитида эришувчи ўсимликлардир, яъни уларнинг ривожланиши учун ижобий ва кўпинча жуда юқори ҳарорат зарурдир.

Ойнавон бино ўсимликларнiga ўзининг тузилиш ҳолатига кўра турлича бўлган ўтсимон ва ёғочсимон ўсимликлар киради. Энг кўп тарқалгани цикламен, цинерария, кринум, кливия, пальма ва бошқалардир.

Ёпиқ ер ўсимликлари қишки (энг паст) ҳароратга, муносабатга кўра уч гурӯҳга бўлинади:

1. Совуқ ойнавон бино ўсимликлари — улар учун қиши даврида, яъни декабр, январ, феврал ойларида 3° дан 7-8° гача ҳарорат зарур. Лавр дарахти, абутилон, геран, рододенронлар, фуксия ва бошқалар юқори ҳароратда яхши ўсади, аммо қиша ёруғликнинг катта тақчиллигига учраб, қийналадилар ва нобуд бўлишлари ҳам мумкин.

2. Мўътадил ойнавон бино ўсимликлари — 8° дан 15° гача ҳароратга муҳтождирлар, пастроқ ҳарорат уларга ёмон таъсир кўрсатади. Бу гурӯҳ ўсимликларига пальмалар, хурмо, хамеропс, шуннингдек хона ясмини, альтернатерлар, кофе дарахтлари, панкракиум, кактуснинг (опунция) баъзи турлари ва кўпгина бошқа ўсимликлар киради.

3. Иссиқ ойнавон бино ўсимликларига 15° дан 25° гача бўлган ҳарорат зарур. Паст ҳароратда улар қийналибгина қолмай, нобуд бўлишлари ҳам мумкин (орхидеялар, бромелия, ананас, кротонлар, кокос пальмалари, каладиум, узамбар гунафшаси, кўпгина папоротниклар (қирққулоқлар) ва бошқалар.

Барча ойнавон бино ўсимликлари субтропик за тропиклардан келиб чиқади ва ҳаммаси иссиқсевар. Улар орасида гулловчи ўсимликлар кам учрайди. Асосан

барғли манзаралы ўсимликлар пальмалар, қирқүлоқлар ички күкаламзорлаштиришда, яъни хона ўсимликлари сифатида, қиши боғлар ташкил қилинди ишлатилади. Баъзан ойнавон бино ўсимликлари безак (аранджировка) учун, яъни гулдасталар, гул саватлари, гулчамбарлар, гул маржонлар, кийимга тақиладиган гулдастачалар ясашда қўлланилади.

Иссиқлик тартиби бузилганда, ўсимликлар узоқ гуллай олмайди, гуллаганлари ҳам номукаммат гулларга эга бўлади, барғли манзаралы ўсимликлар эса керакли самара бермайди. Бир гуруҳ ўсимликлар иссиқ хоналарда ҳам бемалол ўсаверади (алоэ, аспидистра, драцена, кливия, филлокактус, эпифиллюм ва бошқалар).

Ўсимликтининг бир меъёрда яшаш фаолияти учун тупроқ ҳарорати ҳам катта аҳамиятга эга. Очиқ ерда тупроқ ҳароратини қўйидаги агротехника усуллари билан маълум даражада бошқариш мумкин: мульчалаш (ўғит, торф, илёнка ва бошқа материаллар билан), органик ўғитлар бериш, юмшатиш ва бошқалар. Ёпиқ ерда махсус ўрнатилган иситиш қувурлари ёрдамида тупроқни иситиш мумкин.

Сув режими. Ўсимликларнинг тупроқ ва ҳаво намлигига эҳтиёжи жуда катта бўлади. Сув — ўсимлик ҳаёти учун зарурӣ манбадир яъни:

а) сув — ўсимликтининг асосий ташкилий қисмидир. У ҳужайра миқдорининг 50—80 фоизини ташкил этади. Сув ўсимликларнинг бугланиш жараёнида катта миқдорда сарф қилинади ва бир вақтнинг ўзида уларга тупроқ орқали етказилади.

б) карбонат ангидрид гази ва минерал бирикмалар билан бир қаторда сув ўсимликтининг органик моддалари синтези учун зарурдир. Унинг иштирокида ўсимликдаги барча асосий биокимёвий жараёнлар амалга ошади.

в) тупроқдаги озиқ моддалар ўсимликка фақатгина сувда эриган ҳолда етказилади.

г) сув — ўсимликда озиқ моддалар ҳаракати узлуксизлигини таъминлайди.

д) ўсимликтининг мувофиқ даражада ўсиши ва яшаш фаолияти тупроқ ҳамда ҳаво намлигига боғлиқдир, чунки ўсимликларнинг яхши ривожланиши сув билан тўлиқ тўйингандагина меъёрий кечади.

Ўсимликларнинг сув режими учта жараёндан ташкил топган:

- 1. Ўсимликка сувнинг илдиз тизими ва барглардан келиши.

2. Ўсимлика сувнинг илдиздан баргларгача ва аксича ҳаракати.

3. Барглардан сувнинг буғланиши — транспирация, бу тупроқдан илдиз орқали баргга борувчи озиқ моддали сувнинг узлуксиз оқимини юзага келтиради. Ўсимликлар томонидан сувнинг буғланиши уларни қизиб кетишидан сақлайди.

Ўсимликлар яшаш фаолияти жараёнида органик моддалар ишлаб чиқарадилар. Ўсимлик бир қисм қуруқ органик модда ишлаб чиқариш учун 200 дан 500 қисемгача сув сарф қиласи. Жуда аниқ ҳисоб-китобларга кўра, маданий ўсимликларга ёз даврида ривожланиши учун 1 га ерга 2500 дан 7000 тоннагача сув зарурдир.

Ўсимлик сувни фақат илдиз тизимидан эмас, балки барглардан ҳам олиши мумкин. Шунинг учун сувни пуркатиб сепиш (эрталаб ва кечқурун) ижобий самара беради.

Кўнгина гулли-манзарали ўсимликларнинг интенсив ўсиши ва ривожланиши учун атмосфера ёғинларига кўра 1,5-2 баравар кўп намлик талаб қилинади. Шунга кўра ўсимликтининг энг қулай шароитда ўсиши ва ривожланишини таъминлаш учун тупроқ намлигини сақлаш, ўсимликтин ортиқча буғланишдан муҳофаза қилиш, алоҳида даврларда эса унинг захираларини тўлатиш зарурдир. Бунга бοғлиқ агротехник усусларга сугориш, сув пуркатиб сепиш ва ёмғир ҳосил қилиш, бегона ўтларни ўйқотиш, тупроқни юмишатиш ва мульчалаш ўсимликтин шамолдан муҳофазалаш, соялаш ва бошқа ишлар киради.

Ўсимликтин сув балансида муҳим ўринни транспирация эгаллайди, унинг интенсивлиги ҳарорат, қуёш радиацияси, шамол кучи ва бошқалар кўтаришганда жуда ошиб кетади.

Ўсимлик ҳужайрасига келиб тушаётганидан кўпроқ сув сарф этилса, ҳужайралар қақрайди, бунинг натижасида новда ва барглар эгилади ва сўлийди. Қақраш ўсимликтин физиологияк фаолиятининг бузилишига олиб келади: ўсиши, гул оргапларининг шаклланиши, меваларнинг ишишини ва ҳоказолар тўхтайди. Бу вақтда барглар, новдалар қурийди, баъзан эса қовжираш бутун ўсимликтин нобуд бўлишига олиб келади.

Ўсимликларнинг сувга эҳтиёжи уларнинг ҳолати ва ташқи шароитлари (тупроқ, ҳаво ҳарорати, намлиги, ёритиш интенсивлиги ва ҳоказолар), ривожланиш даври ва илдиз тизимининг қуввати билан аниқланади. Гупроқда намликнинг кўплиги, унинг кам миқдорда бўлиши каби ўсимлик учун зарарлидир. Жуда кучли намликда илдиз тизими кислород етишимаслигидан кучизланади, касалланади ва ўсимлик нобуд бўлади.

Сувга эҳтиёжи бўйича ўсимликлар тўртта гуруҳга бўлинадилар:

1. Гидрофитлар — бу гуруҳ ўсимликларга кўп миқдорда сув зарур бўлади. Булар сувсевар ўсимликлардир, масалан, диаметри 1,5 м. ли жуда катта баргли виктория, регия, циперус, нимфа ва бошқалардир.

2. Гигрофитлар — булар ортиқча намлик шаронтида яшовчи намсевар ўсимликлардир. Уларга ольха, антуриум, аспидистра, фикус башнилар киради.

3. Мезофитлар — намликка талаби ўртача эҳтиёжли ўсимликлар. Бу энг кўп соили гуруҳга аичагина ўсимликлар киради, булар орасида атиргул, қалампиргул, астра қўқонгул ва бошқалар бор. Бу гуруҳ ўсимликларни намликка эҳтиёжи бўйича кам, ўрта ва кўп эҳтиёжли ўсимлик гуруҳчаларига ҳам бўлини мумкин.

4. Ксерофитлар — жуда кам миқдорда сув истеъмол қиливчи ўсимликлардир. Бу гуруҳ ўсимликлар жуда кам. Улар чўл, ярим чўл ва дашиб миңтақаларида қуруқ тупроқда ўсуви ўсимликлардир. Асосан сувни барг ва поясда сақловчи суккулентлар кўп. Бундай ўсимликларга кактус, агава, алоэлар киради.

Табнатда юқорида келтирилган гуруҳлар ўртасида аниқ чегара мавжуд эмас, айрим ўсимликлар ўзининг сувга эҳтиёжи бўйича оралиқда жойлашади.

Еруғлик режими. Еруғлик — Ерда ҳаётининг зарурий шартларидан биридир. Ўсимликлар маълум бир интенсивли, кучли, спектр таркибли ва давомий ёруғликаданга меъёрий равишда ўсиши ва ривожланиши мумкин.

Очиқ ерда ёруғлик режими ўсимлик ўстириш жойининг жуғрофика ҳолатига кўра аниқланади. Ёритиш интенсивлигини камайтириш учун ўсимликларни бақувват ўсгани дарахтлар тагига экиш айрим ҳолларда эса у ёки бу енгил панажойларни барпо этиш ҳам мумкин. Ёпиқ ерда ёруғлик интенсивлиги қопламалар, турли ёруғлик маибалири, соя ташкил қилиш ва бошқа усувлар билан назорат қилинади.

Ёруғликда ўсимликтеги мұхым физиологик жараён — фотосинтез амалға ошады, унинг интенсивлігі ёруғлик күчига боғлиқ бўлади.

Фотосинтез қизил, тўқ сариқ нурларда кўпроқ интенсив, кўк-бинафша нурда кучсизроқ кечади ва ўсимликларни яшил нурда ёритганда фотосинтез рўй бермайди. Ўсимликтининг меъёрида ривожланиши учун тўлиқ спектр зарур бўлади, акс ҳолда ривожланиш уйғулиги бузилади.

Яшил ўсимликлар — бу, ягона ва буюк «лаборатория» ҳисобланиб қуёш энергиясини йиғиб, фотосинтез натижасида юзага келган органик моддалар кўринишида сақланади. Ёруғлик таъсирида анорганик моддалар органик моддаларга айланади. Ўсимликларнинг ўсиш ва ривожланиш давридаги тақчиллигига, ҳатто агар бошқа ҳаётий зарурий омиллар (иссиқлик, намлик, озиқлантириш) ва ҳоказолар мавжуд бўлганда, ўсимлик фақатгина ички захираларни сарф қилиб яшайди, бунда у бўш, кучсиз рангли новда ва барглар ҳосил қиласиди.

Манзаради ўсимликлар ёруғлик интенсивлігига мунносабати бўйича ёруғсевар, соясевар ва сояга чидамли ўсимликларга бўлинади.

Ёруғсевар ўсимликлар ёруғликнинг юқори интенсивлігига яхши ўсиб, ривожланади. Бу гуруҳга картошкагул, цинния, қўқонгул, настурция, гулидовуд ва бошқа қўпгина гул ўсимликлари киради.

Соясевар ўсимликлар — қорақарағай, жўка дарахти, ольха, наврўзгулнинг айрим турлари ва бошқалар — тўлиқ бўлмаган ёруғликда, сояда яхши ўсади. Бу ўсимликларнинг кўпчилигига кучли ёргуда азобланади ва дарахт, буталар соясида жуда яхши ривожланади. Соясевар ўсимликлар хоналарда ўстириш учун яроқли ҳисобланади, чунки бу ерда ўсимлик кўпинча ёритиш тақчиллигини бошидан кечиради. Ҳатто кам ёртишда аспидистра, монстера, қирққулоқлар, тисс, фритилярия ва бошқа ўсимликлар яхши ўсади.

Сояга чидамли ўсимликлар тўлиқ ёртилган жойда ҳам, ярим сояда ҳам яхши ўсиб ривожланаверади. Ёритилган жойларда манзаравий кўринишга тезроқ киради, сояда эса бетиним гуллайди ва ўз манзаравий сифатларини сақлайди. Бу гуруҳ ўсимликларга аквилегия, гулсапсар, бўтакўз, астильба, печак ва бошқалар киради.

Айрим ҳолларда, табиий ёруғликнинг камчилигиги ба-

тақчиллигига сунъий ёритиш амалга оширилади. Бунда у ёки бу манзарали ўсимликнинг биологик хусусиятларига кўра ҳарорат режими тузилади.

Гулли-манзарали ўсимликлар яшил қаламчаларда тез илдиз отиши учун электр орқали ёритиш қўлланилади. Ёритиш давомийлигини оширганда бегония, ёронгул, ирезина, самбигтул, туядарахт, фуксия, хризантема, эхевериянинг яшил қаламчалари тез илдиз отади.

Электр ёрдамида ёритиш, ўсимликларни углекислота билан ўғитлашда жуда яхши самара беради, чунки бу омиллар ўсимликнинг синтезлаш фаолиятини кучайтиради.

Ҳаво режими. Барча ўсимликларга ҳаёт фаолияти учун ҳаво зарур, яъни очиқ жойнинг рельефи, ҳимоячи зифи турлари, тупроқ хусусиятлари ва ҳоказоларга кўра ўзгарувчи маълум газ мұҳити зарур. Епиқ ерда газ мұҳитини шамоллатиш, карбонат ангидрид гази билан тўйинтириш орқали назорат қилиш мүмкін.

Ўсимликлар ассимиляция (ўзлаштириш) ва нафас олиш жараёнларида ҳаводан карбонат ангидрид ва кислородни ютадилар, бунинг интенсивлиги ёритилганлик, намлик, ҳарорат ва ўсимликларни озиқ моддалар билан таъминлашга боғлиқдир.

Ўсимликларнинг нафас олиш интенсивлиги ривожланишнинг турли даврида турлича. Айниқса, унаётган уруғлар кўп нафас олади. Ўсиш суръати ошиши билан нафас олиш интенсивлиги ҳам ошади, шунинг учун ёш ўсимликлар катталарига кўра актив нафас олади. Қишида ўсимликларда бу жараён минимал даражага қадар насаяди.

Ўсимликнинг барча органлари, шунингдек, илдизлар ҳам нафас олади. Шунинг учун тупроқни юмшатиш талаб этилади. Бундан ташқари, яхши ишланган тупроқда фойдали микроорганизмлар ҳаёт фаолияти яхши кечади. Бу микроорганизмлар ўсимлик қолдиқлари ва бошқа органик моддаларни минералларга айланишини таъминлайди.

Айрим ҳолларда ўсимликнинг нафас олишига ҳалақит қилувчи ҳоллар юзага келганда унинг кислородга талаби ортади сўнг ўсимлик кучсизланади, касалланади ва нобуд бўлади. Бундай ҳоллар жойларни сув босганида, муз қатлами ҳосил бўлганида юзага келади. Шундай вақтда дарҳол сувни тўхтатиш ёки муз қатламини бузиш зарур.

Нафас олиш маълум иссиқлик чиқариш билан юзага келади. Айниқса, замбуруғ ва бактериялар нафас олганда кўп иссиқлик ажралади. Иссиқхоналарда биоёқилғи сифатида қўллаш ҳам шу хусусиятга асослангандир. Нафас олиш жараённада баъзи ўсимликлар ҳарорати ташқи муҳит ҳароратига нисбатан юқори бўлади. Шунинг учун ўсимликни тоза ҳаво, бой кислород мунтазам таъминлаб туриш шарт. Айниқса, бу иш уруг униши, кўчатлар пайдо бўлиши, қаламчаларнинг илдиз отишида ва ўсимликнинг гуллаш вақтида муҳимдир. Худди шунинг учун ҳам, уруғ сепиш, қаламчаларни экиш, кўчатларни бошқа жойга кўчириш ишларини юмшатилган ҳаво ўтказувчан тупроқда бажариш зарурдир, шунингдек, очиқ ерда ва тувакларда экилган ўсимликлар атрофидаги тупроқни ҳар доим юмшатиб туриш керак.

Ўсимликларнинг ҳаёт фаолияти учун, умумий ҳаво ҳажмининг 0,03 фоизини ташкил қилувчи карбонат ангидрид гази ҳам зарурдир. Фотосинтез жараённада карбонат ангидрид ва сувдан органик модда ҳосил бўлади. Тажрибалар шуни кўрсатадики, ўсимлик атрофидаги ҳаво муҳитини карбонат ангидрид билан бойитиш ўсимликлар ўсишини кучайтиради ва унумдорликни оширади ҳамда турли касалликларга қаршилигини оширади.

Ўсимликларнинг углерод билан озиқланишини кучайтириш — тупроқка кўмир кислотаси тузи кўринишида карбонат ангидрид ўғитини солни, карбонат ангидридга тўйинган сув билан суфориши, шунингдек, қисмларга бўлинмайдиган органик ўғитларни қўллаш ёрдамида амалга оширилади. Карбонат ангидрид билан озиқлантириш фақат қуёшли кунларда самара беради, мақбул миқдори эса ҳавонинг карбонат ангидрид билан 0,3 фонзгача тўйинишидир. Алоҳида ўсимликлар ҳавони қарбонат ангидрид билан камроқ тўйинганида ҳам яхши самара беради. Айни вақтда концентрациясини жуда ошириб юбориш (3 фонздан юқори) ўсимликларни нобуд бўлишига олиб келади.

Ўсимликларни озиқлантириши. Ўсимликларда мураккаб биокимёвий ва физиологик жараёнлар кечади. Ҳужайра асосан оқсили, углероддан, ёғсимон моддалардан ташкил топган. Оқсили — углерод, кислород, водород, азот, фосфор, олтингугурт, темир ва бошқа элементлардан ташкил топган. Бундан ташқари, ўсимликларда ки-

чик миқдорда бор, марганец, мис, рух, йод ва баъзи бошқа микроэлементлар ҳам мавжуд.

Ўсимликда ўртача (ўсимлик қуруқ массаси оғирлигининг фоизларида): углерод — 45, кислород — 42, водород — 6,5, азот — 1,5, бошқа моддалар (фосфор, калий, кальций, магний, темир ва бошқа) 560 миқдорларда мавжуддир.

Ўсимлик барча озиқ элементларини тупроқ ва ҳаводан олади. Асосийлари — азот, фосфор, калий, кальций тупроқда катта миқдорда мавжуд бўлса ҳам, кўпинча ўсимлик учун яроқсиз шаклдадир. Шунинг учун, мавжуд унумдорликни самарали унумдорликка айлантириш шароитларини яратишга, тез таъсир қўлувчи омиллар — ўғитлар (органик ва минерал)ни қўллашга тўғри келади. Бу ўсимлик ўстиришда муҳим агротехник усуллардан биридир.

Минерал ўғитлар. Манзарали боғдорчилик бўйича илмий изланишлар ва амалиётлар шуни кўрсатадики, ўсимликлар унумдорлигининг юқори даражасига ва минерал ўғитларни кенг қўллаганда эришилади.

Кенг маънода «ўғит» номи билан минерал, органик моддалар ва тупроқ ҳусусиятини ҳамда ўсимликни озиқлантириш шартларини яхшилаш учун амалда ишлатилувчи материаллар тушунилади.

Минерал ўғитлар ўсимликлар ҳосилдорлигининг миқдори ва сифатига ижобий таъсир кўрсатибгина қолмайди, у кейин ўсувчи ўсимликларга ҳам яхши таъсир кўрсатади.

Азотли ўғитлар — мамлакатимизнинг кўпгина табиий иктисадий зоналаридағи барча қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилини оширишда муҳим рол ўйнайди. Азот оқсилилар синтези учун — ҳар қандай организм ҳаёт фолияти асоси учун қўлланилади. Усиш ва ривожланиши, янги барглар, илдиз, гуллар, мевалар ва бошқа органлар ҳосил бўлиши — ўсимликка азотининг етарли солинганига боғлиқдир.

Азот тақчиллигига ўсимликлар учун қуйидаги белгилар тегишлидир: нозик тупли, қисқа, ингичка новдалар, ривожланишининг бошида сариқ-яшил раигли ва охирда сариқ ёки қизғиши рангли майдагарлар. Баргларнинг сарғайниши қарн барглардан бошланади. Муддатидан илгари барг тўқилиши кузатилади, натижада гуллаш секинлашади ва ўсимликнинг ташқи кўринини ўзгаради.

Кўпинча қўйидаги азотли ўғитлар қўлланилади (уларнинг кимёвий ва физик хусусиятлари 1-жадвалда кўрсатилган):

Аммиакли селитра ўсимликлар томонидан яхши ўзлаштирилади ва турли тупроқда турли нав ўсимликларнинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига тез таъсир кўрсатади. Ўсимлик томонидан биринчи йили 90-100 фонз қўлланилади. Аммиакли селитра барча нав ўсимликларга турли усулларда солинади. Яхшиси уни баҳорда экиш олдидан ҳамда қўшимча равишда солиш зарур.

Мочевина — энг тўйинган қаттиқ азотли ўғитdir. У тупроққа солингандан сўнг қисқа муддатда бактериалар фаолияти натижасида карбонат ангидрид аммонийга айланади. Карбонат ангидрид аммоний эса тезда нитрат шаклига ўтиб, ўсимлик томонидан ўзлаштирилади.

Мочевина — барча тупроқда ва барча навлар учун яхши ўғитdir.

Аммоний сульфат. Бу ўғитнинг аммиаки тупроқда ўсимликлар учун қулай кам ҳаракатли ҳолатга келади, сувда ювилмайди. Бу ўғит нордон бўлганлиги учун уни ишқорли тупроқда қўллаган маъқул. Турли ўсимликларда баҳорда, шунингдек, эрта кузда ҳам қўллаш мумкин.

Фосфорли ўғитлар. Фосфор ўсимликлар ҳаётида като рол ўйнаиди. У ўсимликда катакли ядро бўлиниш жараёнида ва янги органлар ҳосил бўлишида қатнашувчи мураккаб оқсиллар таркибиға кириб, крахмал, шакар ва ёғларнинг йигилишига ёрдам беради. Фосфорнинг тақчиллигига, айниқса, бошланғич даврда ўсимликнинг илдиз тизими кучсиз ривожланади. Ўсимликнинг ўсиши ва ривожланиши тўхтайди. Баргларда қизил ва бинафша додлар пайдо бўлади, секин-аста қурийди ва тўкилади. Ўсимликларнинг ҳосилдорлиги пасаяди, кўриниши дағаллашади.

Фосфорли ўғитлар барча навларга ва барча тупроқка зарур бўлади. Уни кузда ҳайдалган ерга, эрта баҳорда ер экиш олдиндан қайта ишланганда, экин экилаётгандага ва озиқлантиришда сепилади, чунки фосфор тупроқда ссон ушланиб қолади, сувда эса ювилмайди. Ўсимликлар кўпроқ гуллаш ва мева тувиш вақтида фосфорга эҳтиёж сезадилар. Фосфорли ўғитлар тавсифномаси ва уларнинг хусусиятлари 1-жадвалда келтирилган.

Аесий азоти, фосфорли ва калийли ўгитлар, уларнинг кимёвий ва физик хусусиятлари

Угитлар	Азот биринчи маси шакли. Амалданнинг ўргача мидори (фонз ёки кг ларда) 1 и. учун	Ўгит реакцияси ва 1 и. ўгитни нейтраллаш учун зарур оҳак мидори п. да.	Сувла эрнуванлик	Соҷилув-чанчик	Саклаш жараёнида нам торгини ва ёпишиб кетиш хусусияти	Бошқа ўғитлар билан аралаштириш шартлари
	аммиакли селитра (азотли нордон аммоний, аммоний нитрат) майдага кристалли ёки донадор.	нордон 0,75	жуда яхши	дона-дорда Копи-Карли, Майдага Крис-талли-да ёмни	майдаги-стадда кучли, доладорда кучсиз	калийли ўғитлар, преренинг ат, суюкли ва фосфорли унлар ва азотли ўғитлар билан, кальций циамиддан ташқари аралаштириш мумкин
1	2	3	4	5	6	7
калийли селитра (азотли нордон аммоний, аммоний нитрат) майдага кристалли ёки донадор.	аммиакли селитра (азотли нордон аммоний, аммоний нитрат) майдага кристалли ёки донадор.	нитратли 15,5	ишқорли	яхши	дона-дорда Копи-Карли, Майдага Крис-талли-да ёмни	маидада яхши, жуда яхши, ўта ёнишкок
натрийли (чили) селитра (азотли нордон кальций нитрат, оҳакли селитра) — оқ, кристалл кукун.	натрийли (чили) селитра (азотли нордон натрий нитрати) — оқ, сарич кристалл	натрийли 15,0—16,1	ишқорли	кони-Карли	бумол Копи-Карли	суперфосфат, кальций циамид ва аммоний сульфат билан аралаштириш мумкин эмас

1	2	3	4	5	6	7
моңғынна (донадор ва майды кристалл) -өк кристалл күкүн. аммоний сульфат (олттынугуртлы нор- дон аммоий) — оч кутрапан зангори рангын кристалл	Аммиак 46,0	нордон 0,83	яхши	—»—	нам торгади, күчсиз ёнида	оҳак, томасылак ва калдий цианамид бизал араалатыриш мұмкін эмас.
суви аммиак (амм акли суу) 1-нав 2-нав	Аммиактты 20,5—24,0	ўта нордон 1,3	яхши	ўчит- нинг босити+ ланған памчи- ғида яхши	кам пам тојта ди, кам ёнида, ди.	оҳак, нағрийли се- литра, томасылак ва калдий цианамид бизал араалатыриш мұмкін эмас.
суперфосфат бойи- тилган донадор	Аммиакли 20,5 16,4	нордон 14—20 0,1	жуда яхши	—	—	максус машиналар- да, суюқ холда кири- тилади.
унсисон күкүн фки донадор	оддий суперфосфат кукунды ёки дона- дор—өк ёки күрәні унсисон күкүн фки донадор	жуда яхши	донадор- лари яхши со- чилади	нам тортмайды, ва ёнишмайды	донадор нам тортмайды ва ёнишмайды	тимеси олдидан ара- алаптирилады —»—»—»—»—»—
суперфосфат бойи- тилган донадор	24	негізгіл	жуда яхши	донадор яхши сочилади —»—	—»—	—»—
унсисон күкүн фки донадор	48—50	нордон эмас	—»—	—»—	—»—	—»—

1	2	3	4	5	6	7
кунсимон—ок уисимон күкүн ёки донадор Фосфор уни—түк кулранг ёки жигарранг күкүн	19—25	нейтрал	эрүүчэн эмас	яхши	—»—	охакдан ташкәри, барча ўйтлар билән аралаштыриләди
мартено фосфоплак-лар түк кулранг оғир күкүн	8—20,7	—»—	—»—	—»—	—»—	Аммиак ва калий түзләри билән арада шынырыш мумкин эмас
хлорли калий—ок хлорли калий—ок ёки бишкек рангдаги майда кристалл күкүн	52,4—60,0	нордон 1,5	яхши	куруғи яхши, узок саклашыца ёниша	кам нам тортади, узок саклашыца ёниша	кам нам торта-ди, узок саклашыца ёниша
калий түзләри-кулранг майда (кристалл) күкүн олтиңгүүртли калий (калий сульфат)	30 ёки 40 фоиздә	нордон 0,5	—»—	—»—	нам тортмайди на ёнишмайди	нам тортмайди на ёнишмайди
кулранг майда (кристалл) күкүн магнезия (шенинг) күлранг күкүн	45—52	нордон	яхши	—»—	—»—	копи-карли
калий ва	26—28	нордон	—»—	—»—	кам нам торта-ди, ёнишмайди	кам нам торта-ди, ёнишмайди
11—18 магнезий						

Оддий суперфосфат — сувда яхши эрийди, ўсимликлар томонидан яхши ўзлаштирилади. Тупроқда тезда ўсимлик учун қийин ўзлашадиган айниқса, ку-кунсимон шаклга ўтади. Донадор суперфосфатнинг таъсири энг самаралидир.

Икклемчи суперфосфат — концентрланган фосфорли ўғит. Оддий суперфосфат сингари тупроқ билан яхши аралашмайди. Барча тупроқ ва навлар учун яроқлидир.

Фосфор уни — тупроғи нордон бўлган ноқора-тупроқ зоналарда компост усулида сочиладиган асосий ўғитдир. Сифат ва самарадорлигининг муҳим кўрсаткичи — тоиниа помола ҳисобланиб, у қанчалик майдада бўлса, шунча яхши бўлади. Фосфор унининг таъсири йиллар давомида сезилади, ноқоратупроқ минтақанинг нордон сериллиз ва кулранг ўрмон тупроқларида у оддий суперфосфат билан тенглаша олади. Уни яхши си ҳайдалган ерга оҳакдан олдин солиш керак, акс ҳолда сувда эримайдиган тузлар ҳосил бўлади.

Қалийли ўғитлар. Қалий цитоплазма хусусиятларига, оқсил ва углеводларнинг ҳосил бўлиши ва айланишига таъсир кўрсатади. У ўсимликнинг тез ўсишига, ўсимликда озиқ моддалар ҳаракатига, совуқ ва замбуруғли касалликлар ва бошқа ёқимсиз шароитларга чидамлиликнинг ошишига ёрдам беради. Қалий тақчиллигида ўсимликнинг ўсиши секинлашади, илдиз тизими ёмон шаклланади, пояллар бўгини калталашади, барглар хира кўк-яшил рангда бўлади, барг пластинкаларида, асосан томирлар орасида, хлоротик доғлар пайдо бўлади. Қари баргларнинг четлари саргаяди, жигарранг доғлар пайдо бўлади, барглар буралиб, пастдан қурийди.

Қалий тақчиллигида ўсимликларнинг уруғ берниши кескин камаяди. Қалий ўсимликларда қайтадан қўлланishi мумкин, яъни эски барглардаги қалий янги барглар ва ўсуви органларга ўтиши мумкин.

Қалийли ўғитлар тавсифи ҳам Ў-жадвалда берилган.

Кальций хлор — кўп тарқалган ўғит. Турли тупроқда ва турли экинда қўлланилади. Таркибида хлор мавжуд бўлган барча ўғитни экишдан анча олдин — ҳайдалган ерга сепиши маъқулроқ. Қалий қумли тупроқдан ташқари, бошқа тупроқда яхши сингади ва ювилиб кетмайди. 30 фоиз ва 40 фоизли қалий тузларида кўпроқ хлор мавжуд. Бу эса хлорга таъсирчан ўсимлик-

ларга солиш бесамара эканлигини кўрсатади. Уларнинг бошқа ўсимликларга таъсири, хлорли калий таъсири билан бир хилдир.

Олтингугуртли калий сульфат таркибида хлор мавжуд эмас. Бу жуда қимматбаҳо юқори тўйинган калийли ўғит — хлорга таъсирчан барча ўсимликлар учун яроқлидир. Таркибида оз миқдорда магний (3 фоиз) ва кальций (0,4 фоиз) борлиги эса унинг қимматини оширади.

Магнезия енгил қумли ва қумлоқ тупроқларда жуда самарадордир.

Кўрсатилган оддий ўғитлардан ташқари, ўсимлик озиқланишини учун зарурӣ бир нечта элементлардан ташкил топган, кўпроқ тўйинган мураккаб ва аралаш ўғитлар ҳам ишлаб чиқарилади. Масалан, мураккаб уч ҳиссали ўғит — хлорсиз нитрофоска таркиби (фоизларда): N_{13,9}, P₂₀₅—14,5 ва K₂—14,4; нитроаммофоска: N—18,1, P₂₀₅—14,6 ва K₂₀—14,6; калийли селитра: K₂₀—46,5, N—13,5; полимикроўғит (ПМУ): —25, —13, —13, —1,5 —0,5 ва —0,5 бошқалар.

Микроўғитлар. Ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланishi учун асосий озиқ моддалар билан бир қаторда, маълум миқдорда баъзи элементлар ҳам зарур. Булар микроэлементлардир.

Магний тақчиллиги барглар хлорозини (хлорофил ҳосил бўлиши камаяди) келтириб чиқаради, кучли заарланган барглар қуриб, тўкилади. Магнийга кучли очиқишдан хлороз ўсимликнинг ёш барглардан ташқари, барча баргларини заарлайди.

Натрий тақчиллигига барглар тўқ яшил ва хира бўлади, сувнинг озроқ камчилигига ҳам қурийди. Барг четларида куйғанга ўҳшаган сариқ додлар пайдо бўлади.

Олтингугурт тақчиллигига эса кўчатлар ингичка сариқ рангли бўлиб, эрта ёғочга айланади. Барглар азот тақчиллигидаги симптомларга эга бўладилар.

Темир тақчиллигига асосан ёш барглар хлорози кузатилади. Айрим ҳолларда бутунлай яшил рангни йўқотади, кўпинча эса хлоротик доғлар ҳам мавжуд бўлади.

Марганец тақчиллигига ҳам барглар хлорози юзага келади. Ўта тақчилликда барглар тўлиқ рангизланади ва фақат томирлар яшил рангда қолади. Хлорозли қисмлар хира, сариқ кулранг бўлиб қурийди.

Бор тақчиллигіда күпгина ўсимликларда ўсиш нұқталари қурийди. Барларда куйғансимон ола-чипор доғлар ва пигментлар ҳосил бўлади. Улар буралиб кетади.

Органик ўғитлар — бу ўсимлик ва ҳайвонот олами материалларидир. Уларнинг таъсири кўп қирралидир. Улар тупроққа солингандан сўнг, тупроқнинг сув, ҳаво ва иссиқлик хусусиятлари яхшиланади. Органик ўғитларнинг парчаланиши натижасида ўсимликларга керакли карбонат ангирид ажралади. Улар ўсимлик учун фагатгина озиқ моддагина бўлмай, балки тупроқдаги жараёнларни биологик фаоллаштирувчи манба ҳамdir. Органик ўғитлар тупроқ микроорганизмларини ривожлантиради ва фаолиятини кучайтиради. Ўсимликларнинг тупроқдан озиқланишида микроорганизмлар катта аҳамиятга эга. Улар — қуриган ўсимликлар қолдиқларини парчалайди; оқсил ва таркибида азот, фосфор, олtingугурт ҳамда бошқа элементлар мавжуд бўлган мураккаб органик бирикмаларни ўсимлик учун қулай шаклга айлантиради; тупроқнинг эрувчан озиқ моддалари ва минерал ўғитларни ювилиб кетишдан, кимёвий сингиш ва бошқа сарфлардан асрайди; ўзининг нордон ажратмалари билан тупроқ минерал бирикмаларини ўсимлик учун яроқли ҳолга келтиради; ўсимлик илдизларининг яаш фаолиятини оширади; ўсимликларда касаллик ўғитувчи микроорганизмларни йўқотувчи омиллар, витаминлар, антибиотиклар ишлаб чиқаради.

Органик ўғитлар кулранг тупроқнинг меъёридан ортиқ кислоталилиги ва шўр ернинг ишқорийлигининг салбий таъсирини йўқотади.

Гўнг — муҳим органик ўғит. Унинг таркиби ҳайвонларнинг турига, улар озиқланган ем-хашакка, тўшамаларнинг тури ва миқдорига, гўнгни сақлаш усуллари ва ҳоказоларга боғлиқ.

Асосан тўшама учун донли экинлар похоли, торф, айрим ҳолларда — қипиқ, қыринди, дарахт ва бута барглари, мох, тупроқ ва бошқалар ишлатилади. Энг яхши материал — қуруқ мохли торф ва майда қирқилган похолдир.

Гўнг барча қишлоқ хўжалик экинларига энг яхши ва ҳар жиҳатдан ижобий таъсир кўрсатувчи ўғит ҳисобланади. У ўз таркибида ўсимликлар учун зарур бўлган барча озиқ-моддаларга эга. Шунинг учун гўнгдаги озиқ

моддаларни исроф қилмасликнинг энг яхши самара́дор усули уни маҳсус сандиқларда зичлаб сақлашдир.

Гўнгни ўсимликларга солиш миқдори — унинг сифатига, тупроқ ва ўсимлик турига, минерал ўғитлар билан мос келишига боғлиқдир. Ноқоратупроқ зоналарда бу миқдор 1 гектар ерга ўртача 30-40 тоннани ташкил қиласди. Гўнг оғир тупроққа қараганда снгил тупроққа камроқ солинади. Кўпроқ ёғингарчилик бўлиб турадиган жойларда тупроққа гўнг баҳорда 24-27 см чуқурликка солинади; жанубий ва иқлими қурӯқ бўлган туманларда гўнгни кузда солиш мақсадга мувофиқдир. Гўнгни минерал ўғитлар билан бирга солининг самараси яхши бўлади. Масалан, гўнгга 1 дан 10 фоизгача фосфор унини аралаштириб ва уни 2-4 ой сақлаб, сўнг ишлатса таъсири кучли бўлиб, кутилган натижаларни беради.

Иссиқхона хўжалигига сунъиӣ иситиш йўлга қўйилмаган бўлса, бунинг учун янги гўнгни кенг қўллаш мумкин. Барча тур гўнглар ичидаги гулчилик учун энг самаралиси от гўнги ҳисобланади. Гўнгни иссиқлик бериш хусусияти қўйидагича: от гўнги ёндирилганда, энг юқори ҳарорат 70° бўлиб 50-60 кун, сигирники эса 45° да 35—40 кун-ёнади.

Гўнг шираси — бу тез таъсир этувчи, самарали, асосан азот-калийли ўғитдир. У компостлар тайёрлашва ўсимликларга солиш учун асосий ўғит сифатида ҳам ишлатилади. Бунда 1 гектарга 5 т. дан 16 т. гача 2-2,5 ц. фоофорли ўғитни аралаштириб солинади. Ўғитлаш учун гўнг шалтоғини 1 гектарга 2-3 т. бунда 2-4 баравар сув қўшилса жуда яхши бўлади. Агар уни тупроққа 3-4 см. чуқурликда солинса, сув қўшмаса ҳам бўлади. Гўнг шалтоғини қўллашда зарурий шарт — солингандан кейин тупроқ билан беркитишдир. Энг яхшиси уни булути кунда солган афзалроқ. Гўнг шалтоғини энг яхши самарали қўллаш бу турли қишлоқ хўжалик чиқиндилари билан, торф қўшиб компост тайёрлашдир.

Қуш ахлати. (товуқ, ўрдак, гоз, каптар ва бошқа қушлар) органик моддаларга бой, тез ва кучли таъсир қилувчи ўғитдир. Ўз таъсирига кўра қуш ахлати, асосан, товуқ ва каптар ахлати гўнг, торф, люпин (яшил ўғит) ва бошқа органик ўғитлардан афзалдир. Қуш ахлати майдалангандан кўринишда асосий ўғит сифатида ишлатилади. Ишлатилиш миқдори, унинг сифати, тупроқ ва ўсимлик турига кўра, 1 гектарга 15 ц. дан 40 ц.

ғача. Уни яхшиси ёмғирдан кейин ўғитлашда ёки 1 гектарга 3-5 ц. га 8-10 баравар сув аралаштириб суғориша қўллаш мақсадга мувофиқдир. Ўғитлангандан сўнг, албатта юмшатиш ёки суғориш зарур. Қуш ахлатни ерга солиш миқдори 1 гектарга 8-10 ц. дир. Қуруқ ахлатни қўллашда унинг миқдорини икки баравар камайтириш керак.

Компостлар. Бодорчиликда компостлар кенг қўлланилади. Уни тайёрлашда сабзавот ва гул ўсимликлари пояси, барг ва яшил қолдиқлари, бегона ўтлар, тўкилган барглар, қулупнай палаги қирқимлари, уй ахлати, ювинди, похол ва бошқа чиқитларни ишлатиш мумкин. Компостлаш турли органик чиқинди ва чиқитларни ўсимликлар томонидан ўзлаштиришга ёрдам берибгина қолмай, микроорганизмлар фаолияти ҳисобига ҳаводан азот йиғишини йўлга қўяди.

Компостлар текис майдонларда ёки 1 м. гача чуқур ўраларда тайёрланади. Гўнг, гўнг шалтоғи, фекалия, фосфор уни, оҳак, кул ва бошқа органик ҳамда минерал ўғитлар билан тайёрланган торфли компостларга катта аҳамият берилади. 1 қисм гўнг учун 1-3 қисм ихтиёрий торф олинади. Бундай компостга 2-3 фоиз фосфор уни қўшса яхши бўлади. Компостлар қуриб қолиши мумкин эмас, уларни доимо намлаб туриш зарур.

34—40 см. ли торф қатлами, 20—30 см. ли гўнг қатлами билан кетма-кет жойлаштирилади. Компостнинг умумий баландлиги 1,5-2,0 м. бўлади. Унинг юқори қатлами торф бўлиши зарурдир. Торф билан оҳак, кул ва фосфор унидан яхши компост тайёрланади, уларни 2-4 фоиздан оғирлиги бўйича қўшилади. Бу компост 1 гектарга 15—30 т. миқдорда ишлатилади.

Яшил ўғит ёки сидератлар — янги ўсимлик массаси ҳисобланиб тупроқни органик модда ва азот билан бойитиш учун солинади. Барча турдаги тупроқлар учун у ижобий таъсир кўрсатади, айниқса, енгил тупроқда самараси кўпроқдир. Яшил ўғитларнинг таъсiri 4-6-йилга етади. Сидератлар кўчатларнига фосфорли ва калийли ўғит солинади. Ҳайдашдан олдин, қайтадан фосфорли ўғит солинса мақсадга мувофиқ бўлади.

Минерал ўғитларнинг органик ўғитлар билан боғланиши. Минерал ўғитларга озгина органик моддаларни қўшиш ҳам (1 гектарга 2-5 т.) ижобий натижга беради. Бундан ташқари, бу ўғитларни бирга ишлатиш, уларни алоҳида-алоҳида ишлат-

гандан кўра кўпроқ ҳосил олинишига олиб келади. Ўсимликлар озиқланишида ўсиш ва ривожланишнинг турли даврида ўғитларни қатлам-қатлам (гетероген) жойлаштириш катта аҳамиятга эгадир. Уларни турли чуқурликка жойлаш тупроқни қайта ишлаш турига кўра аниқланади (2-жадвал).

2-жадвал

Тупроққа турли усулда ўғит солиш (%) да)

Чуқурлик (см. ҳисобида)	Қайта ишлаш воситаси				
	енгил боро- на	оғир борона	оғир култи- ватор	плуг	чиқири- қар плуг
0—3,0	92	76	55	11	3
3,1—6,0	8	22	21	12	4
6,1—9,0	—	2	23	16	12
9,1—12,0	—	—	—	16	14
12,1—15,0	—	—	—	23	20
15,1—18,0	—	—	—	22	47

Бир йиллик гулли ўсимликларга азотли ўғитларни солиш — тупроқни охирги қайта ишлаш, кўчат экиш ёки ургу сепиш олдидан амалга оширилади. Бир йиллик ўсимликларнинг ўсиш ва ривожланиш даврида азотли ўғитлар 2-3 марта, ва охиргиси июл ўрталарида солинади.

Кўп йиллик ва икки йиллик ўсимликларга азотли ўғитлар эрта баҳорда кўчатлар униб чиқа бошлаганда, кейинроқ эса 2-3 марта, охиргиси июл охирларида солиниши зарур. Фосфорлаш ва калийли ўғитларни органик ва азотли ўғитлар, микроэлементлар, оҳак билан бир вақтда ҳайдалган ерга асосий ўғит сифатида солиш мақсадга мувофиқдир.

Механик таркибига кўра турли тупроқларга солинадиган ўғитлар миқдори турлича бўлади. Енгил қумлоқ ва қумлоқ ерларда, қумлоқ тупроқли ва гилли ерларга нисбатан бу миқдор анча юқори бўлади. Гўнг ва минерал ўғитларни биргаликда ишлатганда, фосфор ва калий ўсимлик учун яроқли кўриннишда, азот эса гўнг аралаштирилган йилда фақат ярмигина ўсимлик учун яроқли бўлишини назарда тутиш шарт. Шунинг учун

гүнгга талабгор ўсимликларга гүнгни ишлатишни минерал азотли ўғитлар билан мослаб олиб бориши керак. Гүнгни калийли ўғитлар билан тұлдиріш сингил құмлоқ ерларда мақсадға мувофиқдир. Ўғитларнинг түлиң таъсири тупроқнинг оптимал сугорилишида энг мақбул вақтда амалға ошади.

Ерни оқак билан ўғитлаш. Тупроқ ва тупроқ аралашмасыннан ассоций таркибий қисми — кальцийдир.

Күпгина маданий ўсимликлар ва тупроқ микроорганизмлари — тупроқнинг ним нордон ёки нейтрал реакциясида яхши ривожланади. Юқори кислоталилыкда эса ҳосилдорлик пасаяди. Нордон тупроқларни нейтраллаш учун таркибиде кальций бўлган оқак ишлатилади. Кальций ўсимликлар таркибига ҳам киради, шунинг учун кулранг тупроқларда оқак тупроқни нейтраллаш учунгина эмас, балки ўсимликлар озиқланишини яхшилаш учун ҳам керак. Ўсимликларда кальций кислотали-ишқорли мувозанатни, калий билан бирга эса — ўсимлик томонидан истеъмол қилинаётган сувни бошқаради. Кальций тақчиллигига илдиз ёмон ривожланади, ўсимликнинг ўсиш нуқтаси тұхтайди, барглар шакли ўзгаради, четлари эса ўралыб қолади, бундан ташқари, барглар хлоротик чизиқлар билан қопланади.

Қишлоқ хўжалик экинлари, шу жумладан, гулли ўсимликлар тупроқ кислоталилыгига турлича муносабатда бўлади. Шу ҳусусият бўйича улар тўрт гуруҳга бўлинади.

Нейтрал реакцияли ўсимликлар — тупроқни оқак билан ўғитлашда катта ҳосилга ва яхши ривожланишга эришиш мумкин (қўқонгул, агератум, манзарали карам, беда, кохия, шаббўй, атиргул, хрезантема, тилларанг смородина ва бошқалар).

Бироз нордон ёки нейтрал реакцияли ўсимликлар — аспарагус, амариллис, альнернантера, олма, наъматак, ловия, традесканция, нўхат, қўнфироқгул, пеларгония, примула ва бошқалар.

Үртача кислотали ўсимликлар — (тупроқни ним оқаклаш мумкин) азалия, калла, монстера, акроклиnum, қулуңнай, малина, қирқулоқ ва бошқалар.

Юқори кислотали ўсимликларга (оқак билан ўғитлашга мұхтож эмас) люпин, нортензия, сераделла ва бошқалар киради.

Оқак минерал ва органик ўғитлар самарасини оши-

ради. Оҳак миқдорини билиш учун, тупроқ кислоталилги (рН) аниқланади, бунда ўсимликнинг биологик хусусиятлари, ўғитлар тизими ва бошқа омиллар ҳисобга олинади (3-жадвал).

3-жадвал

Оҳак миқдори (1 гектарга т. ҳисобида)

Тупроқнинг механик таркиби	Тупроқ рН ва ундан туз миқдори					
	жуда нордон	ўртача нордон	бироз нордон			
	4,5	4,6	4,8	5,0	5,2	5,4-5,5
Кумлоқ ва сигил қумлоқ ерлар	4,0	3,5	3,0	2,5	2,0	2,0
Ўрта ва оғир қумлоқ ерлар	6,0	5,5	5,0	4,5	4,0	3,0

Оҳакнинг ҳисобланган миқдори бир йўла ёки бир неча марта солинади. Миқдорнинг ярмисини ҳам солиш мумкин. Бу икки баравар кўп майдонни оҳак билан ўғитлаш имкониятини беради. Оҳак миқдорини қисмлаб солиш эса яхши натижаларга олиб келади. Ерни оҳак билан ўғитлашда оҳактош ишлатилади. Унинг самараси майдалаш даражасига боғлиқдир. Диаметри 2,5 мм. дан ортиқ бўлган оҳактош тупроққа ҳеч қандай таъсир кўрсатмайди ва уни ўғитлаш учун ишлатмаган маъқул.

Ерни оҳак билан ўғитлаш учун асосий материаллар қўйидагилардир: майдалангани доломитли оҳак тош — таркибида таъсир қилувчи модда (75 дан 100 фоизгача) секин таъсир қиласди, жуда кўп майдалаш талаб қилинади; бўр — 90—100 фоиз тезроқ таъсир қиласди, жуда майдалаш зарур; куидир илган сўндирилмаган оҳак — 178 фоиз, куидир илган оҳак — 138 фоиз, оғир тупроқларда самарали; оҳактошли туф — 75-96 фоиз, тупроқ яхши ўзлаштиради, элаш талаб қилинади; дефекацион тойлар — 70 фоизгача, 1-2 йил мобайнинда қуритиш зарур; гажа (кўл оҳаги) — 80—100 фоиз, барча тур оҳакдан яхшиси; торфли кул — 14 дан 27 фоизгача; ёнувчи сланецлар кули — 65-80 фоиз, бир вағтнинг ўзида микроўғитларнинг жуда қимматбаҳо манбани ҳамдир, шунингдек, доломит, мергел, цемент

чанги, қофоз ва целлюлоза ишлаб чиқариш чиқитлари ва бошқалар.

Солинадиган оҳакли ўғитнинг миқдорини аниқлаш учун тупроқ кислоталилиги бўйича ўринатилган оҳак миқдори (3-жадвалга қаранг) 100 га кўпайтирилади ва ўғитдаги таъсир қилиувчи модда фонзига бўлинади. Борли ва магнийли ўғитлар асосида оҳак билан ўғитлаш самараси фақат оҳакнинг катта миқдорида ошади. Фосфорли унни қўллашда, оҳак билан ўғитлаш фақат 1 йилдан кейин амалга оширилади. Агар улар 1 йилда ишлатилса, фосфор унни ер ҳайдалаётганда, оҳакни эса культивация ёки бороналашда солинади. Нордон тупроқларни оҳак билан ўғитлашда яшил ўғитлар, (сидератлар) айниқса, уларни бир вақтда тупроқ билан кўмиб қўйилса самараси кучаяди.

Бактерияли препаратлар. Тупроқ ҳосилдорлигини оширишда, атмосфера азотини микроорганизмларга жалб қилиш катта аҳамиятга эгадир. Шундай бактериялар мавжудки, улар ўсимлик учун яроқсиз ҳолдаги бирикмаларни улар учун яроқли кўринишга келтира оладилар. Тупроқда бундай микроорганизмларнинг ривожланишини кучайтириш учун бактерияли препаратлар қўлланилади.

Нитрагин фақат дуккакли ўсимликлар илдизида яшовчи тугунакли бактерияларни ўз ичига олади. Улар ҳаво азотини ўзлаштирадилар. Турли дуккакли ўсимликлар учун махсус бактерия турлари мавжуд. Улар уруғ билан бирга жуда кам миқдорда солинади. 1 гектар ерга етадиган уруғни қайта ишлаш учун шу бактериядан 500 см^3 талаб қилинади. Нитрагин олдин сувда эритилади, сўнг шу суюқлик билан экиш учун мўлжалланган уруғлар чайлади.

Қайта ишлаш соя жойда амалга оширилади, чунки қуёш нурлари бактерияларни нобуд қиласади. Шунинг учун уруғлар булутли кунда сепилади ва тупроққа яхшилаб кўмилади. Бактериялар илдизларда ривожланиб, тугунаклар кўрининишида илдизни йўғонлаштириб туради.

Азотобактер тупроқда эркин яшовчи микроорганизмлар — азотобактеринларни ўз ичига олади. Улар ҳавонинг эркин азотини ўзлаштириб, уни ўсимлик озиқланиши учун яроқли бирикмаларга айлантиради. Азотобактер ўсимлик, айниқса, кўп йиллик ўтлар илдизлари ажратадиган органик кислоталар билан озиқланади.

1 г. азотобактеринда 50—100 млн. ҳужайра мавжудлар. Азотобактеринни ёзинг биринчи ярмида органик ўғитлар, суперфосфат, кул билан бирга, албатта, нам тупроқса солинади. Маданийлаштирилган тупроқда ва айниқса, органик қолдиқлар билан компостлаштирилиб қўлланилганда яхши натижа беради. Уни уруғ ва туғуналар билан бирга солиш мумкин. Шу мақсадда уруғларни сув билан ҳўллаб, азотобактерин сепилади ва пухталик билан аралаштирилади. Меъёри гектарига 3 кг. дан (1-2 бутилка) б кг. гача (2-3 бутилка) бўлади.

Фосфоробактерин. Фосфорли бактериялар органик бирималар фосфорини ажратиш (минераллаштириш) хусусиятига эгадир. Бу препарат каолин билан аралашган бактериялар спораларини ўз ичига олади. 1 гектар ерга экиладиган уруғ миқдори 1 л. сувда эритилган 5-10 г. препарат билан қайта ишланади.

АМБ препарати аммиак чиқарувчи, яъни нитрификация жараёнини амалга оширувчи органик моддаларни парчаловчи бактерияларни ўз ичига олади.

Силикатли бактериялар тупроқнинг асосий таркиби қисмларидан бири — алюмосиликатларни парчалаш хусусиятига эгадир, уларнинг маълум бир қисми ўсимликлар учун яроқли ҳолга келтиради.

III. ГУЛЛИ ЎСИМЛИКЛАРНИ ОЧИҚ ВА ЁПИҚ ЕРЛАРДА ҚЎПАЙТИРИШ

Манзарали ўсимликлар уруғидан ва вегетатив усуlda, яъни она ўсимликда унинг қисмлари — барги, куртаги, кўчати, шохи, илдизи, туганаги ва ҳоказоларни ажратиш йўли билан қўпайтирилади. Қўпгина бир йиллик ўсимликлар уруғидан қўпайтирилганда, шу навга тегишли хусусиятларни сақлаб қолади. Қўп йиллик манзарали ўсимликларни, шу жумладан, пиёзсимон ўсимликлардан уруғдан қўпайтириш, қонда бўйича, турли туман авлодлар келиб чиқишига сабаб бўлади. Бу ўсимликлар кўпинча вегетатив йўл билан қўпайтирилади.

Уруғдан қўпайтириш

Манзарали ўсимликларни қўпайтиришнинг энг кўп тарқалган усули — уруғдан қўпайтиришидир. Уни гулли ўсимликларнинг янги навларини ҳосил қилишда, бир

йиллик, икки йиллик, бир қатор ўтсимон кўп йилликлар ва мавсумда гулловчи ойнавон иссиқ бино ҳамда хона ўсимликларини етиштиришида қўллади.

Уруғ сифати. Экиш учун мўлжалланган уруғ юқори экиш ва нав сифатларига эга бўлиши зарур.

Уруғнинг экиш сифатлари кўкариш энергияси, униб чиқиши, яаш қобилияти, ўсиш суръати, тозалиги, йиреклиги, намлиги, зааркунанда ва касалликлар билан касалланганлиги аниқланади. Уруғлар экиш сифатлари бўйича уч синфга бўлинади (1—2—, 3-синф) ва ГОСТ талабларига мос келиши шарт. Масалан, қўқонгул ва шабо чиннигулнинг 1-синфи 98 фоиздан кам бўлмаган тозаликка ва 90 фоиздан кам бўлмаган униб чиқиш қобилиятига эга бўлиши керак; 2 — синфи мос равишда 95 ва 70 фоиз, 3-синф — 90 ва 40 фоиз ҳушбўй нўхат уруғи мос равишда 98 ва 80 фоиз, 95 ва 60 фоиз, 93 ва 40 фоиз, сальвия — 98 ва 60 фоиз, 95 ва 40 фоиз 90 ва 20 фоиз.

Уруғларнинг нав сифати нав тозалигини англаатади. Манзарали ўсимлик уруғлари нав сифати бўйича, нав тозалиги элита (сара), биринчи (I) ва иккинчи (II) категорияларга бўлинади. Нав тозалиги элита ва биринчи категорияли уруғларда бошқа навлар ва турли гибридлар аралашмасига йўл қўйилмайди. Масалан, қўқонгулда элита уруғларнинг нав тозалиги 95 фоиз бўлиши керак, I категория уруғлари — 90 фоиз II — категория — 80 фоиз шабо чиннигулида мос равишда 95, 85, 75; ҳушбўй нўхатда — 98, 95, 85; левкойда — 100, 98, 90; сальвияяде — 95, 90, 85 фоиз ва ҳоказо.

Уруғларни экиш учун тайёрлаш. Юқори сифатли манзарали ўсимликларни фақат соғлом нав уруғлардан олиш мумкин. Пуч, лат еган, пишмаган уруғларда яшаш хусусияти йўқ ва уларни саралаш зарур. Кам қимматли аралашмаларни ишлатмаслик керак.

Экиладиган уруғлар униб чиқиш қобилияти ва тозаликнинг юқори кўрсаткичларига эга бўлишлари лозим. Бу кўрсаткичлар ГОСТ ўрнатган усуслар билан давлат уруғчилик назорати инспекциясида аниқланади.

Униб чиқинини текшириш учун тўртта синовда асосий навининг 100 тадан уруғи олинали ва уларни Петри косачаси ликопча, саёз идишчаларга солиб, сув билан намланади. Уруғлар тагига фильтр қофози тўшалса мақсадга мувофиқ бўлади. Уруғни иссиқ жойда, яхшиси термостатларда ундирилса айни муддао бўлади. Ҳар

куни унга уруғлар пинцет ёрдамида олиниб, санаб ёзиб борилади. Униб чиқариш сўнггида синов бўйича уиган умумий уруғлар сони ҳисобланади ва униб чиқишнинг ўртача фоизи аниқланади. Тозаликни аниқлаш учун 0,5 дан 10 г. гача бўлган уруғларни катталигига кўра икки қисем қилиб олиниади. Қисмлар асосий нав уруги ва чиқитларга ажратилади. Таҳлил (анализ) учун олинган қисем оғирлигига кўра, асосий нав уруги оғирлиги фоизларда белгиланади.

Экиладиган уруғ эҳтиёжини белгилаш учун уларни хўжалик ишларига яроқлилигини аниқлаш зарур, бу эса униб чиқиш фоизини, тозалик фоизига кўнайтириб, кейин 100 га бўлиб топилади. Гул уруғларининг хўжалик ишларига яроқлилиги 50 дан 95% гача бўлади.

Барча уруғларни йирик-майдалигига кўра қуидаги тоифаларга бўлиш мумкин:

1) жуда майдада (бегония, примула, любелия) — 1 г. да 250000 гача;

2) майдада (тамаки, петуния, шероғзи, агератум, антирринум, портулак) — 1 г. да 5 мингдан 12,5 минггача;

3) ўртача (ёзги қўқонгул, левкоя) — 1 г. да 500-600 та;

4) йирик (цинния, бальзалин, календула) — 1 г. да 100-300 та;

5) жуда йирик (хушбўй нўхат, рицинус, настурция, ловия) — 1 г. да 1 тадан 35 тагача;

6) улкан — кокос ёнғоғи 1 таси 0,5-0,8 кг.

Бундан ташқари уруғлар шакли бўйича юмалоқ, ясси, понасимон, ранги бўйича оқдан қорагача ва сирти бўйича силлиқ, ғадир-будир, сертуқ ва ҳоказо бўлади..

Уруғлар жуда яхши униб чиқиши ва улардан соғлом ўсимликлар олиш учун маҳсус тарзда қайта ишланади.

Уруғларни тайёрлашнинг асосий усуллари қуидагилардир.

Уруғларни дорилаш ўсимлик кўчватларини касалликлардан асрайди. У қуруқ ва нам бўлиши мумкин.

Қуруқ дорилаш учун одатда гранозан (фақат бўёвчи билан) препарати ишлатилади. 1 кг. уруғни дорилаш учун 1 г. перпарат етади. Экишдан 3-5 соат олдин уруғларга препарат сепилади ёки аралаштирилади. Гладиолус ва қўқонгулнинг бактерияли чириш ва фузариоз билан курашиш учун ТМТД қўлланилади. Голландия

гвоздикаси (чиннигули) уруғини экишдан олдин дока халтага солиб, 40 фоизли формалии суюқлигиде 5-10 дақыла мобайнида дориланади, сүнгра 2 соат мобайнида худди шу суюқлик билан намланган халтача ёки латта билан ўраб димланади. Дорилашдан әаввал уруғлар 2 соатга яқин сувда ивитилади. Дориланган уруғлар құнт билан ювилади, сүнг қуритилади ва әкілади.

Уруғларни термик қайта ишлаш үсімліклар турла-рига күра 50-55 даража иссиқ сувда 2 соатдан 12 соат-гача ўтказилади.

И в и т и ш . Хүшбүй нұхат, настурция, аспарагус ва бөшқа үсімліклар уруғи тез униб чиқиши учун уларни экишдан олдин 1 кун давомида $20-30^{\circ}$ ли сувда ивитиб қўйиш зарур. Сүнг уруғларни салгина қуритиб әкілади.

Музлатиш уруғлар униб чиқиши даврни қисқартириш ва үсімліклар яшаш фаолиятини яхшилаш учун амалга оширилади. Уруғни яшикларга жойлаб ўралади ва қорга кўмилади, улар бу ҳолда эрта баҳоргача қолдирилади.

Иссиқ ҳавода қайта ишлаш — уруғлар қатламларини дорилаш ва қуёшда иситишдир. Бу усул уруғларнинг униб чиқиши энергиясини оширади.

Сカリфикация — қалин сиртли уруғ қатлами-ни шикастлашыдир (масалан, канна). Шикастланган қатламдан куртакка сув бир зумда ўтади ва уруғ тезроқ униб чиқади. Механик шикастлашда уруғларнинг қаттиқ қатламини эҳтиёткорлик билан куртагига зарар етказмасдан арраланади (эговланади), кесилади, ёрилади, уруғларни йирик қум ёки шағал билан ишқалаб шикастлайди. Шойигул, банан, аконит ва бошқа үсімлікларнинг қийин кўкарувчи уруғларини қайта ишлашда, олдин музлатилади, сүнгра уруғ қатлами ёрилгунча устидан бир неча марта қайнаган сув қуйилади. Шундан сүнг куртакка намлик осон киради ва тез униб чиқади. Қимёвий таъсир кўрсатишда уруғ қатламига 2-3 фоизли туз ёки олtingугурт кислотаси эритмаси ёрдамида таъсир кўрсатилади (пальма, канна, мевали дараҳтлар уруғларин). Уруғларни хлорли сувда (1 стакан сувга 2-3 томчи) 10-12 соат давомида ивitiш ҳам мумкин.

Стратификация — уруғларни бир неча ой давомида (кўпинча куздан бошлаб) ғаст ҳароратда ($0-5^{\circ}$) сақлашыдир. Стратификациядан олдин уруғларни нам қум, торф, янчилган мўйна билан 1:3 писбатда аралантирилади. Сирти қаттиқ уруғлар (наъматак, иргай ва

башқалар) стратификация қилинади. Зарурый шароитларда уруғларни намлаш мүмкін. Агар стратификация үчүн маңсус хоналар мавжуд бўлмаса, уруғли яшиклар қорга кўмилади. Кеч кузда очиқ ерга уруғ сепиши яхши натижа беради, бунда уруғ стратификацияси табий шароитларда кечади.

Уруғларни экиш. Уруг экишининг 3 хил: қаторли, уяли ва сепиши усули мавжуд. Экиш усули экилётган уруғ миқдорига, экиш жойи ва вақтига, шунингдек, ҳажмига боғлиқ.

Қаторли экиш — маркер ёки чизғич билан белгиланган эгатчаларга ҳамда катта майдонларга уруғларни сеялка ёрдамида экишдир.

Экишининг уяли усулида йирик уруғлар (боғ ловияси, хушбўй нўхат ва башқалар) 2-3 донадан чуқурчаларга экилади.

Уруғлар сепиши усулида қаторли ва уяли экишга кўра бир текис жойлашади. Бу усул билан уруғлар иссиқхоналарга, яшикларга ва саёз идишчаларга сепилади, кўчатлар эса кейинчалик башқа жойларга кўчириб ўтқазилади. Уруғларни сепишда уларни майдон бўйича имконияти борича бир текис, зич қилмасдан сепиши керак, акс ҳолда кўчатлар сиқилиб, нозик бўлиб қолади ва уларни сийраклатиш учун кўп вақт сарф қилишга тўғри келади. Майда уруғларни бир текис сепиши учун қум ёки бўр билан аралаштирилади, жуда майда уруғларни эса, масалан, бегония яхши кўриниши учун юпқа қор қатлами ёки оқиши пейтран материал устига сепилади. Уруғлар қанчалик майда бўлса, улар шунчалик юзароқ экилади. Оғир тупроқларда енгил тупроқдагига кўра юзароқ, қуруқ тупроқларда эса бирмунча чуқурроқ экилади.

Уруғларни экиш меъёри 4-жадвалда келтирилган.

4-жадвал

Уруг экишининг тахминий меъёри
(г. ҳисобида)

Уруг катталиги	1 яшикка (30x50см)	1 м ² иссиқхона ёки кўчатзор
эрг майда	0,5	—
майда	1,0—1,5	7—10
ўрта	2,0—3,0	13—18
йирик	4,0—5,0	25—30
жуда йирик	—	20—150

Манзарали ўсимликлар уруғи бөвосита очиқ ерга сепилади ёки күчтегінде усули билан етиштирилады. Иккінчи ҳолда уруғлар иссиқхона токчаларига, күчтазорга, яшик, тувак, саёз идишічаларға әкілады. Уруғни экиш учун серажкриқ, сербарг, чириндиң жаңы түрлерден құмлардан қажып бүйінча турли нисбатта аралашмалар олинады (5-жадвал).

5-жадвал

Аралашмалар таркиби

Бог тупроқлари	1-аралаш-ма	2-аралаш-ма	3-аралаш-ма
Серажкриқ тупроқ	—	2	2
Чириндиң тупроқ	1	1	2
Сербарг тупроқ	1	1	—
Құм	1	1	1

Ҳар хил гул ўсимликларига турли тупроқ аралашмалари олинады. Уругларни иссиқхоналарға экиш учун 2-аралашма ишлатылады, бошқа жойға күчириш учун эса 3-аралашма. Аралашмаларни тупроққа солишдан, аввал, формалин, гранозан ёки бүг билан дезинфекция қилинады.

Очиқ ерга қойылады хусусиятлы ўсимлик уруглары әкілады:

- а) талабчан әмас ва чидамли (календула, маттиола, кореопсис);
- б) тез ўсуучан (ловия, настурция);
- в) күчли ривожланған ўқ илдизли ва күчириб ўтқашынша чидамсиз (дельфиниум, бир йиллик люпин, күкнори, резеда);
- г) кеч гулловчы (левкоя, құқонгул);
- д) уруғлари қийин ивиідінган пүчоқлы (аконитум, анемос, ирис, лилия);
- е) күчтегінде түрлі тупроқтарда чиришінде майил болған (гесперис, иберис, люпин ва бошқалар);
- ё) әкілгандан 1 йил ўтғач, униб чиқады (күп йилліктер — адонис).

Буташга мүлжаллаңған бир йиллик ўсимликтарни етиштиришда, шунингдек, уларнинг давомли гуллашини

таъминлаш учун, уруғлар бир неча муддатларда экилади (5-7 кун оралиғида).

Бир йиллик ўсимликларни күчатсиз етиштириш усули меңнат сарфини ва ўсимлик таннархини маълум даражада камайтиради, бунда ўсимлик кучли ривожланиши билан ажралып туради, камроқ касаланади. Бу усулининг камчилиги шундан иборатки, ўсимликлар күчат билан етиштирилгандағы қараганда бирмұнча кеч гуллайды ва уруғ 2,5-3 баравар күп сарф бўлади.

Гул уруғлари экиш учун тупроқ қуент билан тайёрланади. Кузги ҳайдалган ёки шудгорланиб ёз бўйи экилмаган ерларга режага мувофиқ жойлаштирилади. культивация ва борона солинади. Бир йиллик ўсимликларни күчатсиз усулда етиштиришда уруғлар баҳорги дон экинлари сингари март охири — апрел бошларида (қачонки ер етилганда) экилади.

Қатордаги ўсимликлар ва қаторлар орасидаги масофалар экин вазифаси ва ўстирилаётган ўсимлик биологик хусусиятларига кўра аниқланади. Уруғлар ариқ тортувчи трактор ёки қўлда тайёрланган қаторларга экилади.

Ер ҳайдалаётганда ёки культивация пайтида ўғит тўлиқ солинмаган бўлса, у ҳолда жўяқ тортиш давомида 1m^2 ерга 30-50 г. суперфосфат, 20-30 г. аммиак селитраси ва 10-15 г. калий тузи берилади. Юқори кислотали тупроқларни оҳак билан ўғитлаш тавсия қилинади. Уруғ яхши шамоллатилган торф, қум ёки чириндилаар билан кўмиб беркитилади. Уруғни ғалтакмола билан текислаб, эҳтиёткорлик билан сугорилади. Катта майдонларда кенг эгатли лентали 3-4 қаторли сеялкалар билан уруғлар экилади. Бу сеялканинг қаторлари орасидаги масофа 20-30 см. ва лента орасидаги масофа 60 см. бўлиши лозим..

Ноқоратупроқли минтаقا шароитларида экиш ишлари қишдан олдин, тахминан октябрнинг 3-ён кунлигига ўтказилади. Экиш учун тупроқ ва жўякли қаторлар олдидан тайёрланади. Кеч кузги экишда уруғлар торф ёки чиринди билан 2-3 см. қалинликда кўмилади. Баъзи хўжаликларда қиши даврида очиқ ерга экиш амалга оширилади. Экиш учун жойлар кузда тайёрланади. Қор қатлами 15-20 см. қалинликда бўлганда, олдиндан тайёрланган майдонларга қор устидан чуқурлиги 1,5-2,0 см. бўлган жўяклар тортилади ва уруғлар сепилади.

Сүнгра шу вақтгача мұзламайдыган хоналарда сақланған, шамоллатилған торф ёки чиринди билан күмилади.


Күчатларни яганалаш. Үз вақтида үтказилған ягана, очиқ ерда ўстирилаётган ўсимликлар ривожига муҳим таъсир күрсатади. Бевосита ерга сепилған уруғ күчатлари иккі марта яганаланади. Биринчи марта 1 жуфтадын барг чиққанда, күчатларнинг ярми қолдирилади. Иккінчи яганалашда эса 3-5 та барглар пайдо бўлганда, яъни таҳминнан 2 ҳафтадан сўнг, ўсимликлар орасйда шу нав учун белгиланған масофа қолдирилади. Яганалашда нозикроқ ўсимликлар олиб ташланади, соғлом күчатлар эса бошқа жойга кўчириб үтқазиша ишлатилиши мумкин. Яганалашдан аввал ўсимликларни яхшилаб сугориш керак.

Күчат етиштириш. Вегетация даври кўпгина манзарали ўсимликлар, очиқ ерга экилганда мамлакатимиз ўрта минтақасининг қисқа ёзи давомида гуллашга улгурмайды ёки жуда кеч гуллайди. Бундай ўсимликларни етиштиришда гул күчатларини тайёрлаш талаб қилинади. Бунинг учун уруғлар яшик ёки саёз идишчаларга сепилади, бошқа жойга кўчириб үтқазилған күчатлар эса кейинги күчат қилгунча иссиқхонада сақланади. Яшиклар, саёз идишчалар, туваклар экишдан олдин 40 фонзли формалин (1:300) эритмаси билан дезинфекция қилинади.

Иссиқхоналарда гул күчатларини етиштириш, манзарали ўсимликлар хилини маълум даражада тўлдириш имконини беради.

Күчат үтқазиладыган яшикларда ёзда гуллаши учун лобелия, матрикария, тагетес, цинерария, маритим, ҳардоним гулловчи ва туганакли бегония, виола ва ҳоказо күчатлар етиштирилади. Бу ўсимлик уруғлари яшикларга сепилади ва күчатлар ҳам яшикларда сақланиб бошқа жойларга олиб үтқазилади. Агар уруғлар кам бўлса, саёз идишча ёки тувакларга сепилади. Бу идишларнинг дренаж тешиклари сопол ёки чинни синиқларининг қабариқ томони тепага қилиб беркитилади, синиқлар устидан йирик донали қум ёки майда шағал, керамзит, ғишт синиқлари 2-3 см. қалинликда солинади, сўнгра тўйимли боғ тупроғи билан тўлдирилади. Бу тупроқ таркиби сепилаётган ўсимлик турига кўра ўзгаради.

Яшикни мос тупроқ билан тўлдиргандан сўнг силитилади, устки қатлами эса зичланади. Айниқса, яшик бурчакларига тупроқ солиш ва зичлашга асосий эъти-




1-расм.

бор берилади. Шундан сүнг чизғич ёки текис силлик тахтачани яшик четлари ойынча ҳаракатлантириб, ортиқча тупроқ олиб ташланади, бунда тупроқ сирти яшик четлари билан бир текис бўлиб қолади. Сўнгра тупроқ шиббаланиб, яшик четларидан 0,5-1 см. паст қилиб зичланади. (1-расм). Яшикдаги тупроқ устидан майда ғалвирдан ўтказилган тўйимли юмшоқ тупроқ (яхинси баргли тупроқ) 1-2 мм. қалинликда солиниб уруғ сепилади. Сепилган уруғ катталигига кўра улар уруғ диаметрининг икки бараварига teng, аммо 0,5 см. дан катта бўлмаган қатламни кўл қуми билан кўмилади. Жуда майда уруғлар кўмилмайди. Улар тупроққа енгил бостирилади, пуркагичлар орқали сепилади, ойна ёки плёнка билан ёпилади ва дастлабки суғориш амалга оширилади. Жуда кўп ҳолларда энг майда уруғлар олдиндан тайёрланган яшикларга солинган ва зичластирилган қор устидан сепилади. Қорда уруғлар яққол кўринади, шунинг учун бир текис сепиш осонроқ бўлади. Қор эриши билан уруғлар намлик орқали тупроққа тортилади ва шу билан суғориш шарт бўлмай қолади. Алоҳида ҳолларда энг майда уруғларни оқ қум ёки бўр кукунининг қатлами устидан сепиш ҳам мумкин.

Яшик ва саёз идишчаларга сепилган йирик уруғлар эҳтиёткорлик билан илиқ сув солинган ($20-25^{\circ}$) майда тешикли кичик гулчелакларда суғорилади ёки сув пуркалади. 4-5 та яшикларни бир қатор қилиб қўйиб суғориш мақсадга мувофиқдир, бунда суғоришнинг боши ва охирида гулчелак учидан оқувчи йирик томчилар

яшиклардан ташқарига тушиди. (2-расм). Кейинги парваришларда жуда күп сугориши ва тупроқни қуритиб



2-расм.

юбориш мумкин эмас. Гулли ўсимлик уруғлари кўкариши учун 15° дан $20\text{-}25^{\circ}$ гача ҳарорат зарурдир.

Гул кўчатларини етиштиришда тупроқ ҳароратини атроф-муҳит ва ҳаво ҳароратидан $2\text{-}3^{\circ}$ баланд ушлаб туриш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун кўчатли яшик ва саёз идишчаларни иссиқ сувли ёки буғли иситиш қувурлари устига қўйиш тавсия қилинади, чунки кўргина ўсимликлар қоронғулликда ҳам ўса оладилар (глоксина ва узамбар бинафшасидан ташқари). Кўчатлар пайдо бўлганда яшик ёруғ жойларга қўйилади, лекин тикка қуёш нурларидан ўсимликни сақлаш керак. Хона ҳароратини $2\text{-}3^{\circ}$ га пасайтирилади. Иссиқ кунлар келиши билан кўчатли яшиклар шамоллатиб туриладиган иссиқ ёки иссиқроқ хоналарга қўчирилади.

Тувакларга ёки торф-чириндили кубикларга экиш қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:


— ўсимликлар кўчириб ўтқазиша чидамсиз бўлганда (резеда, кўкнори, кохия, левкой);

— йирик манзарали ўсимликлар кўчатини етиштиришда (боғ ловияси, ипомея, хушбўй нўхат, настурция, манзарали қовоқ, канакунжут).

Хушбўй нўхат ва настурция уруғини экишдан олдин үндирилади ва диаметри 10-12 см. бўлган тувакларга 3-5 тадан уруғ, ловияни эса торф-чириндили кубикларга 3 тадан ёки 1 тадан уруғ қилиб экилади.

Иссиқхона ва кўчатзорларга экиш февралнинг иккинчи ярмидан март охиригacha амалга оширилади. Иссиқхоналарни экиш учун тайёрлашда гўнг устидан 10-

12 см. қалинликта тупроқ аралашмасы сепилади, пухталик билан текисланади ва бирмунча зичланади. Экилгандан сүнг ер ва иссиқхона роми ойнаси ёки плёнка орасидаги масофа 8-10 см. дан кам бўлмаслиги керак. Иссиқхонадаги ер бирмунча қизигандан сүнг, уни суфориб, уруғлар сепилади. Уруғлар юза бўйича бир текис қилиб сепилади ва ҳаскаш билан ёки майда элакдан ўтказилган юмшоқ қумли тупроқ билан кўмилади (экиш яшиклардаги қатлам қалинлиги сингари) ва енгил шиббаланади.



З расм.

Агар кўчатлар бошқа жойга кўчириб ўтқазилмаса, у ҳолда уруғларни 3x3 дан 5x5 см. гача оралиқдаги уяларга экилади ёки 5-10 см. гача масофадаги эгатларга сепилади. Иссиқхона ёки кўчатзорлар ромлар ҳамда плёнкалар билан беркитилади ва кўчатлар униб чиққунча соя қилиб қўйилади. Кўчатлар пайдо бўлгандан сүнг иссиқхона ва кўчатзорларнинг ромлари иссиқ ҳавода (ташқи ҳаво ҳарорати 14-16°) очиб шамоллатилади. Кейинчалик улар кундузи очиб қўйилади кечаси эса ёпилади. (З-расм).

Иссиқхонада қўқонгул, рудбекий, ёзги хризантема ва бошқа йирик ўсимлик кўчатлари етиштирилади. Кейинчалик кўчатларни бошқа жойларга кўчириб ўтқазиш учун уруғлик яшикларга ва бир йўла иссиқхона ёки

кўчатзорларга сепилади. Бир йиллик кўчатлар олгандан сўнг, иссиқхоналарни икки ва кўп йиллик ўсимликларни экиш учун ишлатиш мумкин.

Экинлар парвариши. Иссиқлик ва намлик — уруғ униб чиқиши учун зарурий омилдир. Аммо қуруқлик ҳам, ортиқча намлик ҳам асло мумкин эмас. Ойна билан ёпилган экинларни ҳар куни шамоллатиш зарур. Дастралаб кўчатлар тик қуёш нурларидан ҳеч бўлмаса қофознинг сояси ёрдамида сақланишлари керак. Кучга кирган кўчатларга ёруғ жой зарур, акс ҳолда улар бўйларига чўзилиб кетадилар. Гул кўчати ўз вақтида бошқа жойларга кўчириб экилади, тувакларга эркин жойланади ва иссиқхоналарни шамоллатиш йўли билан чиниқтирилади.


Экинларни ҳисобга олиш. Экишда навларни аралаштириб юбормаслик жуда муҳимдир. Шунинг учун уругларни яшик, саёз пидишча, тувакларга, кўчатзор ёки стеллажларга экиш билан бир вақтда уларга ёрлиқчалар осилади. Ёрлиқчалар юқорисида ўсимлик номи, нави, экилган вақти, эккан кишининг исми-шарифи ёзилади. Янги нав экила бошланган жўяқ ва қаторларнинг бошига дала ёрлиқчалар ўрнатилади, уларда ҳам экиш ёрлиқчаларидағи маълумотлар ёзилади. Ёрлиқчалар оч рангли ёғли бўёқ билан бўялади ва оддий қалам билан ёзилади. Бир вақтнинг ўзида юқоридаги маълумотлар махсус тутилган экиш китобига ҳам ёзиб борилади.

6-жадвал

Мазкур китоб қўйидаги кўринишга эга:

Экин нави	Уругларнинг хўжалик яроқ-лиллиги (Фонз хисобида)	Экилган вақт	Пакет №	Экилган уруглар Г. Хисобида	Яшиклар ёки ромлар сони	Кўчат униб чиққан вақт	Кўч приб экилгач вақти	Олинган кўчлар сони	Изоҳ
1. Гренадин чиннигули	...	1.04	9	40	20	8.04	20.04
2. ва ҳ.к:									

Очиқ ерга экиладиган ўсимликлар учун ҳам худди шундай экиш китоби ёзиб борилади.



6-расм.

Янги жойга күчириб экилган ўсимликлар пуркаш ёки майда тешекли гулчелак билан сув сепиб суғорилади. Күчатларни шамолдан асраш, яхши ёруғликда сақлаш, аммо тик қүёш нурлари таъсиридан муҳофаза қилиш керак. Күчатлар янги жойга күчирилгандан сүнг биринчи 2-3 кунда ҳаво ҳарорати уруғ экишдаги ҳарорат сингари бўлиши, кейин эса 2-5° га пасайтирилиши керак. Күчатлар етиштиришда тупроқ ҳар доим юмшоқ бўлиши, вақтида суғорилиши ва бегона ўтлардан тозаланиши лозим.

Вегетатив кўпайтириш. Манзарали боғдорчиликда ўсимликларни вегетатив кўпайтириш усуллари бошқа ўсимликшунослик соҳаларига қараганда кўпроқ қўлланилади. (6-расм).

Вегетатив кўпайтиришга қўйидагилар киради:

1. Уруғдан кўпайтирилганда ота-она хусусиятларини такрорламайдиган манзарали ўсимликлар. Бу — гладиолус, флокс, ирис, лола, георгина, настарин, атиргул ва бошқа кўп йиллик ўсимликлардир.

2. Уруғ тутмайдиган ёки пишган уруғ бермайдиган ўсимликлар. Бизнинг шароитда эса кактуснинг баъзи турлари, хона ясмини, геран, панкринум, пиёзнинг манзарали навлари, манжеткалар уруғ боғламайди.

3. Ўсимликлар ривожининг бошланғич даврини сақлашга интилиш (гуллашга қадар).

4. Вегетатив кўпайтириш кўпгина сабабларга кўра иқтисодий жиҳатдан самаралидир (маълум бўйли ўсимликлар олиш учун, эрта гуллаши учун ва ҳ.к.).

5. Ўсимликларнинг вегетатив кўпайтиришга биологик мослашганлиги (гиацинт, гладиолус, амариллус, саксифрага ва бошқалар).

Вегетатив кўпайтириш табиий ва сунъий бўлиши мумкин.

Табиий вегетатив кўпайтириш қуидаги вегетатив органлар ёрдамида амалга оширилади.

1. **Барглар** тўпи, «мўйловлилар», буни қулупнай, хлорофитум, саксифраги (тошёрувчи) ва бошқаларда кузатиш мумкин.

2. **Палаклилар** — ер ости ўқ илдиз, уларда уйқудаги куртаклар мавжуддир (марваридгул, ирис, пион, солидаго, шойигул, буғдоийқ).

3. **Илдизпоя** — ер ости ўқ илдиз, уларда уйқудаги куртаклар мавжуддир (марваридгул, ирис, пион, солидаго, шойигул, буғдоийқ).

4. **Бачки илдиз** — ўсимлик илдизида уйқудаги куртаклардан ҳосил бўлувчи новдалар. Ёввойи настарин, хризантема, олхўри, терак, тол, дерена, олча ва бошқа ўсимликларни кўпайтиришда кенг қўлланилади.

5. **Пиёзчалар**. Пиёзли ўсимликлар икки гуруҳга бўлинади: доим яшил — кринум, панкракциум ва барги тўкиладиган ўсимликлар — лилия, наргиз, лола, крокус, сцилла ва бошқалар. Иккинчи гуруҳ ўз вақтида пиёзчаларнинг жойлашишига кўра ер ости (лола, наргис ва бошқалар) ва ер усти — поясида, барглар қўлтиғида жойлашган (тигринум лилияси ва бульбонос лилиясида) ва бульбочкалар билан тўла тўпгул кўринишида (пиёзнинг айрим манзарали навларида) бўлади.

6. **Илдиз тугунаклари** ёки шакли ўзгарган илдиз — озиқ моддалар жойлашадиган жой. Айниқса, бу георгинада яхши кўзга ташланади. Аммо шуни эсда тутиш керакки, кўпайтириш учун илдиз тугунагининг





7-расм.



1



2




8,-9-расмлар.

ўзи яроқли эмас, чунки поядаги ҳақиқий тугунаклар (картошка) сингари уларда уйқудаги куртаклар мавжуд эмас, шунинг учун уларни илдизпояси билан бирга ажратилади. Поя тугунаклари эса бўлак-бўлак ҳолда ҳам кўпаяди. Улар чегарали ўсуви поя тугунакларига, яъни вегетация охирида ўсишни тўхтатувчи (картошка, топинамбур) ва ўсими давом этувчи поя тугунаклари кейинги вегетация даврларида ҳам ўсади (бегония, цикламена, глоксиния) (7-расм).

Тугунакпиёзлилар. Тугунакпиёзли ўсимликларга гладиолус, монтбрекия, шафран ва бошқалар киради. Улар тугунакпиёзларни бўлиш ва болачалари билан кўпаяди. (8, 9-расмлар).


Вегетатив кўпайтиришнинг сунъий усуллари

1. Тўпни бўлиш — кўпайтиришнинг энг оддий усулидир. Бу усул билан одатда илдизпояли ўсимликлар кўпайтирилади, айниқса, кучли тўпли ҳаётни катта миқдор-




10.-11-расмлар.


1



2



3



12-расм.

даги бачкили, яъни илдиз ёки илдизпоядан ўсувчи новдалар (флокс, дельфиниум, спереи, йирик гулли мойчечак, гелениум, молидаго, люпин, марваридгул, анемон, кўп йиллик хризантема, очиқ ер примуласи, диклита, кампанула, атиргул, настариннинг айрим навлари, чубушник, калина, бульдонеж ва бошқалар, ёпиқ ер ўсимликларидан эса — аспидистра, аспарагус ва бошқалар). Кавлаб олинган тўп ўткир белкурак, токқайчи ёки пиҷоқ билан тенг бўлакларга бўлинади, бунда ҳар бир илдизда 2-3 тадан новда ёки куртак бўлиши керак. Эрта баҳорда гулловчи ўсимликларни кузда бўлиб экиш керак. Ёз ва кузда гулловчи ўсимликларни кузда ва баҳорда бўлиш мумкин.

Илдиз бачкиларини сунъий ҳосил қилиш мумкин. Бунинг учун баҳорда тўпни икки қарама-қарши томони кесиб қўйилади ва кузда бу кесилган ерларда ҳосил бўлган қуюқ бачкиларни бўлиш, қаламча пайванд қилиш ва хоказоларга ишлатилади (10, 11, 12-расмлар).

II. Қаламча пайванд қилиш — ўсимликларнинг маълум қисмларини илдиз оттириш йўли билан вегетатив кўпайтириш усули. Қаламчалар пояли, илдизли, баргли бўлиши мумкин.

1. Поя қаламчалари. Ўз вақтида улар қуйидаги гуруҳларга бўлинади: а) ёғочлашган қаламчалар (смородина, терак, спиря, тол, мажнунтол) ва бошқалар. 15-30 см. узунликдаги пишган қаламчалар куз ёки баҳорда тайёрланади. Уларни 60—70° бурчак остида 1-2 куртакни ер устида қолдириб экилади, бунда қаламчанинг илдиз отаётган қисмига кўпроқ ҳаво тегиб туриши керак. Экилган қаламчаларни, албатта, суфориша ва нам сақлашни таъминлаш (мулчалаш) керак. Ёғочлашган қаламчаларнинг илдиз отиши ҳамма ўсимликларда ҳам бўлавермайди ва бундай ҳолларда ярим ёғочлашган қаламчалар ишлатилади.

б) ярим ёғочлашган қаламчалар. Улар баргли ва ҳали пўсти тўлиқ пишмаган бўлади. Бундай қаламчалар билан хона ясмини, чубушник, атиргул, настарин, фуксия ва бошқалар кўпайтирилади. Экиш учун 2-3 та кўзли қаламчалар қўлланилади, уларнинг узунлиги эса турлича бўлиши мумкин (тугунчаклар орасидаги узунликка кўра). Хона шароитида хонаки ясмин 40-50 кундан сўнг илдиз отади. (13-расм).



13-расм.

в) яшил қаламчалар, яғни пишмаган ва баргли ўса-
ётган новдалар. Ойнавон иссиқ бинода яшил қаламча-
лар билан күпайтириш эрта баҳордан бошланади ва ёз
ўрталарагача давом эттирилади; очиқ ерда бу күпай-
тириш усули ёш новдалар пайдо бўлиши билан қўлла-
нилади (14-расм.).



14-расм.

Турғли ўсимликлар қаламчаларининг илдиз отиш муддатлари турлича. Альтернатера, геран, чиннигул, ирезине, гелиотроп, колеус, люпин, дельфиниум, гулхайри, седум, флокс, кўргина хона ўсимликлари — тра-
десканция, фикус, олеандра, аукуба, лигуструм, хризантема, фуксия, очиқ ернинг ёғочли ўсимликларидан эса—
терак, толларнинг қаламчалари тез илдиз отади (6-8
кунда). Чиройли гулловчи буталар — атиргул, наста-
рин, чубушник, калина, бульдонеж — 20-24 кунда, кўп-
гина игнабаргли ўсимликлар — қорақарағай, оққарағай,
криптомерия, араукардия ва бошқалар экилгандан сўнг
3-4 ойдан кейин ва ҳатто 6 ойдан кейин илдиз отадилар.
Арча жуда секин илдиз отади. Унинг қаламчасини қиши-

да иссиқхонага әкиб, устини ёпиб, яхшилаб иситиш керак. Баҳорда ўсимликнинг бир қисми илдиз отади.


Қаламча билан пайвандлаш учун фақат соғлом, ишлаб чиқариш ва манзара хусусиятлари текширилган туплар қўлланилади: ўтсимонларнинг 1 дан 3-5 ёшдаги си, дарахтсимонларнинг — 10 ёшгачаси.

Қаламча билан пайвандлашда тозаликка риоя қилиш керак. Асбоб-ускуна, қўл, идишлар озиқлантирувчи муҳит (субстрат)лар ва ҳоказолар бўлиши зарур. Шу мақсадда, иш бошлашдан олдин яшиклар, туваклар, сўрилар, иссиқхоналар марганецли нордон калийнинг кучли эритмаси (қора рангда) билан дезинфекция қилинади.

Қаламча билан пайвандлаганда илдиз отиши учун, ўстириш омилларини ишга солиш катта рол ўйнайди. Ҳозирги вақтда индолил ёғли кислота ва гетерауксин жуда кам миқдорларда кенг ишлатилади. Қаламчаларнинг тутиб кетишига кесиш сифати ҳам таъсир қиласиди. У жуда текис, силлиқ бўлиши керак. Шунинг учун қаламчаларни ўткир асбоб билан кесиш тавсия қилинади, бунда турли касалликлар ривожига ёрдам берувчи гадир-будур ва кесилган яралар ҳосил бўлмайди. Барглари кетма-кет жойлашган ўсимликларда тугунак тагидан новда ўқига кичик бурчак ($50-70^\circ$) остида кесилади; барглари бир-бирига қарама-қарши жойлашган ўсимликларда (флокса, настарин, гортензия) эса тугунак тагидан новда ўқига перпендикуляр қилиб кесилади. Юқори кесими эса куртак тагидан олинади.

Ёш ўсаётган новдаларга она ўсимликнинг ўтган йилги қисмидан олинган «товоронли» қаламчасини пайванд қилиш яхши натижа беради (атиргул, калина, бульдонеж, игнабаргли ўсимликлар, флокс, чиннигул ва бошқалар). Қаламчаларнинг тутиб кетиши уларнинг ўсимлик шох-шаббасида жойлашишига ҳам боғлиқ. Ёш новдалар яхши илдиз отади. Қаламчаларнинг намлик билан тўйинганлиги (85—95 фоиз) талаб қилинади. Хўжаликда маҳсус ускуна мавжуд бўлмаса, қаламчаларга об-ҳавога қараб, ҳар бир соатда 1-2 марта сув пуркалади. Буғланишин камайтириш учун барг сирти, барг пластинкасининг узунлиги 1/3 ёки 1/2 қисмга камайтирилади. Айрим ҳолларда қаламчалар барглардан тўлиқ тозаланади (кальцеолярия) (15-расм).

Эхеверия, филлокактус, сансевьера, яъни барги ватанаси семиз ўсимликларнинг қаламчалари яхши ил-



15-расм.

диз отиши учун, олдин бирмунча қуритиб, кейин эса субстратга экиш керак. Сутсимон шираға эга ўсимликларнинг (фикус ва бошқалар) қаламчалари олдин $45\text{--}50^{\circ}$ ли сувда ювилиб, сўнг субстратга экилади. Уларни ювмасдан экиш шунга олиб келадики, сутсимон шира қотиб, томирларни беркитиб қўяди ва бундай қаламчалири илдиз отмайди, чириб, нобуд бўлади.

Қаламча билан пайвандлашда юмшоқ субстрат зарур, чунки қаламчанинг пастки қисми яхши аэрация бўлиши керак, бу эса илдиз отишига ёрдам беради. Қаламчаларнинг илдиз отиши учун энг яхши субстрат — кўл қумидир. Унга 50 фоиз торф қўшиш мумкин. Қум тагига тўйимли тупроқ солинади. Қум кесилган жойга ҳавони яхши ўтказади, бу эса каллус ҳосил бўлишига ёрдам беради. Қаламчаларнинг илдиз отишига ёруғлик ҳам кучли таъсир кўрсатади. Қаламчалар билан пайвандлашда тик қўёш нурлари заарлидир. Ёйилган ёруғлик олиш учун, пардали ромлар, бўйралар, ойналарни оқлаш ва бошқа усуllар билан соя ҳосил қилиш керак.

Қаламчаларнинг экиш чуқурлиги ҳам катта аҳамият-



16-расм.

га эгадир: чуқурлик унча катта бўлмаслиги зарур. Ёғочлашган қаламчалардан ташқари, барча қаламчалар қумга юзаки (1-2 см. ва ундан камроқ) кўмилади. Қаламчаларнинг яхши илдиз отиши учун ҳаво ва субстрат ҳарорати муҳим аҳамият касб этади. Ҳаво ҳарорати 12-18°дан паст бўлмаслиги керак. Седум ва хризантема 12°да, кўпгина бошқа ўсимликлар 18-22°да, иссиқсеварлари эса 28-30°да яхши илдиз отади. Субстрат ҳарорати ҳаво ҳароратидан 3-5° юқори бўлиши керак. Шу мақсадда қаламчалар иситилувчи сўрилар ёки иссиқхоналарга экиласди. Унда кўп бўлмаган қаламчали яшиклар ва туваклар эса иситиш қувурлари устига қўйилади. (16-расм).

2. Илдизли ва илдизпояли қаламчалар билан кўпгина илдизпояли ўсимликларни кўпайтириш мумкин. Шу мақсадда илдизпоя ёки илдизларни 5-8 см. узунликдаги бўлакларга бўлиб, олдиндан тайёрланган, тагига қум сепилган эгатларга қадалади. Так-



17-расм.

минаң горизонтал қаламчалар устидан қум ва тупроқ 2-3 см. қалинликда солинади.


Илдизли ва бачки илдизли қаламчалар билан яхши кўпаювчи ўсимликлар енгил стиштирилади — драцена, флокс, пеларгония, диклитра, хмел, пион ва бошқалар. (17-расм).

З. Баргли қаламчалар ёки барглар. Бегония рекс, эхеверия, сансевьера, фикус, узамбар бинафшаси, глоксиния, филлокактус, лилияning айрим турлари (гарриза) ва бошқа ўсимликлар барглар билан яхши кўпаяди.

Сансевьера зебринанинг барглари 6-8 см. узунлиқдағи бўлакларга бўлиб, 1/3 қисми тупроққа кўмилади. Бир неча ойдан сўнг қаламчалар илдиз отади. Қалин баргли ўсимлик қаламчаларини усти ёпилмайди, чунки уларда буғланиш катта эмас.

Сенполия барг билан яхши кўпаяди: максимал узуён бандли барг сувга солинади. Илдиз банднинг охирида ҳосил бўлади, кейин эса шу ерда янги ўсимлик новдаси ривожланади, ажратиб экиш бандли баргни эса қайтадан илдиз отишга қўйиш мумкин. Ёш, унча катта бўлмаган барглар ўзини яхши тутади. Глоксинияни ҳам шундай кўпайтириш мумкин.

Лилияning батъзи бир турларини, барг кўринишидағи тангачалар билан кўпайтириш мумкин. Улар таги билан ажратилиб, қумга экилади. Тангачаларнинг қуйи қисмида аввалига баргчалар, кейин эса пиёзчалар ҳосил бўлади (18-расм).



18-расм.

III. Пархиш — она ўсимликда ривожланган новдаларнинг илдиз отиши бўлиб, унинг қуйидаги турлари бор:

1. Г о р и з о н т а л п а р х и ш . Ч у қ у р б ё ү м а г а н ж ў я к л а р г а ёш ш о х л а р ж ойлаштирил а д и , у л а р қ а д а б қ ў й и л а д и в а н о в д а л а р н и н г ў си ш суръатига к є р а м а в с у м д а 2-4 м а р т а ч о п и л а д и . Б ў й и г а к е си ш ёк и ш о х л а р а соси я қини д а н 2-4 ў р а м ми с сим б и л а н т ортиб қ ў й и ш я х ш и һ а ти ж а бер а д и (ш у у с у л б и л а н а ти р г у л , г орт ензия , чу бушник , настаринни к ў пайтириш мумкин).

2. Е й с и м о н п а р х и ш . Олдиндан қ адал ган н овда қ исм ини в а қ ти нч а к ў ми б қ ў й и л а д и .

3. П уль п а — б у тупроққа к ў ми л г а н қ исм ю кори си д а н ян ги ў симли к ҳоси л б ў лиши д ир (малина , май мунжон в а бошқалар) .

4. Ҳ а в од а ги п а р х и ш . Б у у с у л б и л а н юкка , ф икус , ясмин , аралия , арония , родондендрон , драцена , юз ийллик , эхеверия в а бошқалар к ў пайтирил а д и . Б у у с у л ў симли к жуда ўси б кети б , унинг баландлиги н қ исқарт ириш зарур б ў ли б қ ол га н ҳ оллар да ишлати ла д и . Илдиз отиши мумкин б ўл га н ж ой лар даги барглар оли б ташланади . Тувакни кеси б , тагидаги тешикдан илдиз отиши зарур новда ўтқази ла д и . Новдани м ўйна б и л а н ў раб , унга мос равишда тувак я саб ўрнати либ , енгил тупроқ б и л а н т ўлдирил а д и в а суфори ла д и . Я хши илдиз отиши учун поя б ўй ламаси га кеси б қ ўй и ла д и .



19-расем.

Тувак ўрнига новданіи полнэтилен плёнка билан ўраб қўйса ҳам бўлади.

5. Чопмоқ, уни терак, липа ва бошқа ўсимликларни кўпайтиришда қўлланилади. Ағар ёш дараҳт кесилса, у ҳолда кучли ривожланган тўнка новдалари ҳосил бўлади. Новдалар 8-10 см. узунликка етганда, биринчи чопиқ ўтказилади (улар узунлигининг 2/3—3/4 қисми, албатта тўйимли тупроқда). Иккинчи чопиқ новдалар узунлиги 15-18 см, бўлганда бажарилади. Учинчи чопиқ 45-50 смли новдаларда амалга оширилади. Сентябр охирларида тупроқни очиб, илдиз отган новдалар кесиб олиниади ва уларни кўчатхона ёки доимий жойига эклиади (19-расм).

IV. Пайванд қилиш — бу бир ўсимлик қисмини бошқа ўсимликка ўтказиш ва уларниг бир бўлиб кетиши, бунда пайванд қилинаётган ўсимликнинг нав хусусиятлари сақланиши таъминланади. Пайванд билан атиргул, настарин, азалия, зангори қарагай кўпайтирилади.

Пайвандланаётган ўсимлик ёки унинг қисми пайвандтаг дейилади, пайвандланувчи қисми эса пайвандуст ёки пайванд дейилади. Пайванд пўстли ва ёғочли куртак (кўз ёки қалқон дейилади) ёки қаламча, яъни барча куртаклари билан новда (шох) бўлиши мумкин. Пайвандлашнинг жуда кўп усуллари мавжуд. Уларни танлаш қўйидагилардан аниқланади: а) ўсимликнинг нав хусусиятлари бўйича; б) пайвандлаш муддати, пайвандтаг ва пайванд ҳолати бўйича; в) пайванд ва пайвандтаг диаметрларининг мос келиши бўйича.

Пайвандлаш вақти бўйича икки даврни ажратиш мумкин. Биринчи давр — шира ҳаракати бошлагунча, яъни пўстлоқ қатламлари ёғочдан ажралмаганда. Бу ҳолда қаламчали пайванд, қўшимча тил билан, кўндаланг кесим, ёриқли ва бошқа усулларда пайвандлаш мумкин. Иккинчи давр — шира ҳаракати бошлангандан кейин, пўстлоқ ёғочдан яхши ажралганда. Бу даврда пайвандлашнинг пўстлоқни ажратиш билан боғлиқ усуллари қўлланилади: пўстлоқни ажратиш, куртак-пайванд, кўприк қўйиш ва бошқалар.

Ихтиёрий усулда пайвандлашида тутиб кетиши қўйидаги хусусиятларга боғлиқдир:

1. *Пайванд сифати ва ҳолати.* Пайванд қаламчалари соглом (совуқ урмаган, касалланмаган, зааркунандалар билан заарланмаган), кучли яхши ривожланган

ва пишған куртаклари бўлиши керак. Куртак пайванддан ташқари, барча пайванд турларига қаламчаларни қишиш бошларида қаттиқ совуқлар бошланмасдан илгари тайёрлаш керак. Пайванд қилингунча қаламчалар паст ҳароратда, нам ҳолда сақланади.

2. *Пайвандтаг ва пайванд камбиал қатламларининг мос келиш даражаси.* Пайвандланган таркибий қисм (компонент)ларнинг ўсиши асосан камбий қатламдан бошланади. Қамбий — бу ёғоч ва пўстлоқ орасидаги юпқа хужайралар қатламидир.

3. *Пайвандтаг ва пайвандни тўғри кесиши.* Кесимнинг силлиқ сиртли бўлиши уларнинг зич тегиб туришини таъминлайди.

4. *Битиш сирти катталиги.*


5. *Тўғри ўраш.* Ўраш барча пайвандлаш усулларида қўлланилади. У қаттиқ боғламлар билан, спирал шаклида кесим узунлиги бўйича бир текис ўралади. Куртак пайвандда тўлиқ бирор бир тешиксиз ўраш керак (фақат куртак ўралмайди). Қолган барча усулларда ўрамлар орасида тешиклар бўлиши мумкин.

6. *Ишни тартибли бажариш.* Куртак пайванддан ташқари барча пайванд усулларида пайвандтаг ва пайванд бирлашган жойга ўрам устидан ва барча очиқ қолган кесим юзалари ҳамда қаламчанинг юқори куртак кесимига ҳам сув ўтказмайдиган боғ ниқобламаси (замаска, вар ёки петролатум) сурилади.

Куртак пайвандда тайёр пайвандлар ҳўл тупроқ (лой) билан сувалади, қолган барча пайвандларда эса улар мўйна билан ўралади ёки бир неча қатламли (2-3) қоғоз билан ёпилади. Новдалар ўса бошлагандан сўнг пайвандлардан мўйна ёки қоғоз олиб ташланади.

Оддий куртак пайванд — настарин, атиргул ва бошқа айрим манзарали ўсимликнинг нав кўчатларини олиш учун кенг қўлланилади. Куртакпайванднинг бошқа пайванд усулларидан асосий устунликлари қўйидагилардир:

- а) кўигина ўсимликларда яхши тутади;
- б) қулай шароит ва бажаришнинг тўғри технологиясида тутиб кетиши юқори;
- в) техник жиҳатдан осон бажарилади;
- г) кам меҳнат сарфи эвазига юқори самара беради;
- д) кам миқдорда қаламчалар талаб қилинади;



20-расм.

- е) күпинча пайвандтаг ва пайвандустнинг бирикиб кетиши мукаммалдир;
ё) пайвандтагдаги кесилган жой сезиларли бўлмай, тезда битади.


Куртакпайванд шундан иборатки, керакли навнинг шу йилги новдасидан унча катта бўлмаган бўлак пўстлоқли (қалқонли) ва кичик миқдорда ёғочли битта куртак (кўзча) қирқиб олинади ва пайвандтаг пўсти тагига жойланади (20-расм).

Кўзчани кесгунча пайвандтагда «Т» кўринишили шакл ёки перпендикуляр кесим ҳосил қилинади. Бунинг учун пайвандтаг пўстлоғи шоҳда кўндаланг, сўнгра эса узунасига кесилади, кўндаланг кесим бирмунча ёриб (4-6 мм) ўтилади. Пичноқни қайириш, сўнгра эса унинг уни билан узунасига кесилган пўстлоқ очилади ва унга кўзча ўрнатилади. Кўндаланг кесим ярим ой кўринишида бўлади.

Куртакпайванд, пайвандтаг илдизидан 6-10 см. баландликда бажарилади, унинг йўғонлиги 8-16 мм.дан кўп бўлмаслиги керак. Пўстлоқ қалқончасининг умумий узунлиги тахминан 22-28 мм., куртак эса пастки чегарага 2-3 мм. яқин бўлиши лозим. Кўзчадаги барг банди 4-6 мм. узунликда қолдирилади.

Куртакпайванд муддати иқлим шароити ва ўсимликтининг биологик хўсусиятларига кўра аниқланади. Куртакпайвандга керакли йўғонликдаги, шу йилги яхши пишган, ривожланиб бўлган ва етарли ёғочлашган новдалар ишлатилади (21-расм).

Яхшиланган ёки тилчали қаламча пайванд — қаламча пайванднинг энг яхши усулларидан бири, аммо уни қўллаш чегаралангандир, чунки бу пайванд пайвандтаг ва пайвандустнинг тенг диаметр-



21-расм.

ларида ёки унча фарқи бўлмаганда мумкиндир. Бу усулнинг афзалликлари қуйидагилар:

- тез ва мукаммал бирлашиб кетиши;
- очиқ яранинг йўқлиги;
- бажаришнинг нисбатан оддий ва осонлиги.

Олдин пайвандтагда, сўнгра қаламчада тенг узунликда қия кесимлар олинади. Кесим узунлиги пайвандланётган шохлар диаметрининг 4-5 баравар катталигигдан кичик бўлмаслиги керак. Қаламчадаги қуйин куртак қия кесимга нисбатан бевосита унинг бошланишида ёки бирмунча пастроқда қарама-қарши тарафда бўлиши зарур. Қаламчадан ва пайвандтагдан тилча олиш учун ёғоч қатламлари бўйича қаламча бўйлаб ёриқлар ҳосил қилинади. Ериқ кесим ўртасидан 3-4 мм. юқори кесимнинг ингичка учига яқинроқ бошланади ва кесим ўртаси пастидан ҳам шунча масофада бўлиши керак.

Пайванд пайвандтаг билан шундай жойлаштирилди-ки, бунда пайвандтаг тилчаси қаламча ёриғига, қаламча тилчаси эса пайвандтаг ёриғига кириши керак. Кесимлар сирти түлиқ ёпишмагунча, уларни зичлаб итариш лозим. Айниқса, пайвандтаг кесимининг пастки қисмида икки ўсимликларининг камбий қатламларининг мос келиши муҳимдир. Агар пайванд ва пайвандтаглар кесим диаметрларида озгина фарқ бўлса камбий қатламлар кесимларининг бир томонида мослаштирилади. Одатда 2-5 куртакли қаламча пайвандланади.

Тилчали қўндоқли пайванд. Бу усулни пайванд ва пайвандтаг диаметрларининг нисбатан кичик фарқида (2-4 баравардан кўп эмас) қўллаш мумкин. Пайвандтагда керакли баландликдан юқорисидаги барча ўсимлик қисми кесиб ташланади. Кесим пайвандтаг ўқига перпендикуляр ҳолда ёки қаламча пайвандланётган бўлажак жойдан озгина орқага қиялаб кесилади. Ярим четлари личноқ билан қирқилади. Ҳосил бўлган тўнкачада диагонал бўйича эмас, балки шохнинг вертикал ўқига нисбатан қияроқ бўйлама кесим тайёрланади. Пайванд ва пайвандтаг диаметрларида фарқ қанча катта бўлса, пайвандтагдаги бўйлама кесим қиялик сиртини шунча кичик қилиш керак. Пайвандтагдаги кесим кенглиги пўстлоқнинг ички қисмида қаламча кесими кенглигига мос бўлиши зарур, бу ерда камбий қатламлари мавжуддир.

Қаламчадаги қия кесим ва тилча ҳосил қилиш учун ёриқни яхшиланган қаламча пайванддаги сингари амалга оширилади, унинг узунлиги ва қуий куртак жойлашишига худди ўша талаблар қўйилади. Пайванд қисмларини бирлаштиришда пайвандтаг ва қаламча камбий чизиқлари, айниқса, пайвандтаг кесимининг қуий қисмига мос тушиши зарур. Қаламча қия кесимининг юқори қисми пайвандтагнинг кўндаланг кесилган жойи сиртидан 3-5 мм. баланд бўлиши керак.

Ёғочга ёnlама кесимли пайванд. Пайванд ва пайвандтаг диаметрларининг қўндоқли пайвандида қўлланилади, аммо 6-8 бараваргача фарқ қилиши ҳам мумкин. Ёnlама кесимли пайванд афзалликлари:

- бажариш осонлиги ва тезлиги;
- қаламча кесимларининг пайвандтаг кесимида мукаммал бирлашиши;

— тўқис ўсиб кетиши.

Пайвандтаг пайвандлаш жойидан 15-25 см. юқоридан кесилади. Агар етарли пайвандлаш малакаси бўлмаса, пайвандтагни кесмаса ҳам бўлади, аммо бу ҳолда пайвандланган қаламча куртакларидан новдалар ривожланиши шу йили кучсиз бўлади. Пайвандтагни пайванд қаламчасининг бўртиши ва ривожланиши бошланишида кесиб ташлаш ҳам мумкин. Пайвандтаг ёғоч билан пўстлоқ шохча ёки новда ўқида кичикроқ бурчак остида ($10-20^\circ$) қия қилиб кесилади. Бунда кесимнинг бир томони бошқасига қараганда бирмунча узунроқ бўлиши керак. Кесим шундай чуқур бўлиши зарур-ки, бунда ўрнатилаётган қаламча кесимининг бутун сирти пайвандтаг кесими билан беркилиб кетсин. Пайвандтагни кесишда пичоқнинг сирти бўйлаб бошланғич бурчак оғишини сақлашига эътибор бериш керак, акс ҳолда кесим юзаси текис бўлмайди, қаламча ва пайвандтаг бирбирига зич ёпишмайди. Пайванд учун 2-5 куртакли қаламча ишлатилади, бунда қўйи куртак қия кесимнинг юқори қисмида бўлиши керак.

Ёнлама кесимли тишиз пайванд. Ёғочга ёнлама кесимли пайвандга жуда ўхшаб кетади. Бу усулнинг асосий фарқи шундан иборатки, пайвандга мўлжалланган пайвандтаглар олдиндан шох ўқига $60-70^\circ$ бурчак остида пайванд жойигача кесилади ва ёнлама кесим жуда кичик бурчак остида ҳосил қилинади. Пайванд учун қаламча олдинги ҳолдагидек тайёрланади. Қаламча пайвандтаг ёнлама кесимига жойлаштирилади, бунда пайванднинг таркибий қисмлари камбий қатламларига мос келиши зарур. Пайванд қаламчасининг қўйи куртаги пайвандтагнинг кўндаланг кесимидан 2-4 мм. паст бўлиши керак. Шундан сўнг кесимлар плёнка билан ўралади ва пайвандтаг ҳамда пайванднинг кўндаланг кесимлари боғ ниқобламаси (вар) билан сувалади. Агар ўрам учун мочалка ишталиса, у ҳолда ўрам ҳам сувалади.

Пўстлоқ пайванд. Бу усул пайванд ва пайвандтаг диаметрларининг турли муносабатларида қўлланиллади. Пўстлоқ пайванднинг салбий томони — пайвандтагдан пайвандланган қаламчалар осон синиб тушади.

Пайвандни пайвандтаг шохини кесиб ҳам, кесмасдан ҳам амалга ошириш мумкин. Биринчи ҳолда пайванд-

тагни керакли баландликда кесиб ташлагандан сўнг, пўстлоқни пайвандтаг ўқи бўйлаб қаламча қия кесими узуилигида ёки ундан камроқ узунликда кесилади; иккинчи ҳолда пайванд ўрнида «Т» кўринишli шакл ҳосил қилинади. Пичноқ учи билан пўстлоқ очилиб, бир томонли қия кесимли қаламча жойлаштирилади. Пайванд учун 2-5 куртакли қаламча олинади. Агар пайвандтаг сезиларли йўғон бўлса, у ҳолда яранинг тезроқ битиши учун, пайвандтаг айланаси бўйича бир неча қаламча бир-биридан 7-10 см. дан кўп бўлмаган масофада жойлаштирилади. Шунингдек, пайвандтаг жуда йўғон бўлса, уни ўрамасдан қаламчаларни ингичка михлар ($0,8 \times 15$ мм) билан қоқиб қўйиш ҳам мумкин.

Очиқ ерда ёзда пайвандлашдан ташқари, ўсимликларни қишида ҳам пайвандласа бўлади. Қишки пайванд манзарали ёғочсимон ва бутасимон ўсимликлар навини яхшилаш учун пайвандтагнинг илдизи яқинида амалга оширилади. Пайвандтаг ва қаламчалар кузда тайёрланади. Пайвандгача улар совуқ, лекин музламайдиган ертўлада нам қумга кўмиб қўйилади.

Қишки пайванд — яхшиланган қаламчали пайванд, тилчали қўндоқ пайванд, ёnlама кесимли тиҳсиз ва бошқа усуллар билан амалга оширилади. Пайванддан сўнг ўсимликлар қия қилиб, қаламчалар ўртасигача нам қумга кўмиб қўйилади. Пайвандларни қириндили ёки торфли яшикларда сақлаганда тезроқ бирлашиб ўсади. Уларни сақлашнинг биринчи даврида (18-20 кунча) ертўла ҳарорати $8-10^{\circ}$ чегарасида ушлаб турилади, бунда камбий хужайралар фаолияти ва пайвандланган негизлар бирлашиб ўсиши таъминланади, кейинчалик ҳарорат $2-4^{\circ}$ гача, баҳорда эса 0° гача пасайтирилади. Эрта баҳорда пайвандланган пайвандтаглар очиқ ерга экилади.

IV. ИССИҚХОНАДА ЖОЙ ТАЙЁРЛАШ

Иссиқхонада ва бошқа усулда уруғни кўпайтириш.

Гулчилик хўжаликларини маҳсулот сотиш манзиларига — йирик аҳоли пунктлари, кўкаламзорлаштириш обьектлари ва ҳоказоларга яқин жойлаштириш тавсия қилинади. Айрим ҳолларда гулчилик хўжаликлари ёпиқ ерни иситиш учун қўлланиладиган қайта ишланган иссиқ сув мавжуд бўлган туманларда жойлашади. Буни-

дай ҳолларда уларни темир йўл ёки автомобил йўлла-рига яқин жойлаштириш ёки хўжалик лойиҳасига, бетон ёки асфалт йўллар қуришни киритиш керак.

Ишлаб чиқариш майдонларини жанубий минтақаларга жойлаштириш зарур. Чунки бунда ўсимликлар вегестацияси ва гуллаши эртароқ бошланади. Бунинг аҳамияти эса каттадир. Ишлаб чиқариш плантацияларига қўйидаги талаблар қўйилади:

1. Ер ости сувлари ер сатҳидан 1,5 м. дан пастда бўлиши, хўжалик қурилишида эса — 1,75-2 м.дан яқин бўлмаслиги керак.

2.-Гулчилик хўжаликларига зовурсиз паст ва сойлик томорқалар ажратилмаслиги лозим. Чунки бу ерларга ёмғир ёки тошқин сувлар тўпланиб, совуқ ҳаво оқими келиши мумкин.

3. Тупроқ — юқори ҳосилдор, таркибли, чуқур ҳайдалган, қатламли (25-30 см. дан кам эмас), қумоқ ёки қора тупроқли, сув ўтказувчан тагзаминли бўлиши керак. Ер майдони танлангандан сўнг, аввало тупроқ текширилади, унинг харитаси тузилади ва таркибни яхшилаш бўйича агротехника тадбирлари тизими ишлаб чиқарилади. Албатта, ер майдони майда дараҳт, бута, тўнка ва бошқа ахлатлардан тозаланади, бир хил сатҳда текисланади. Минерал ўғитлар солингандан сўнг тупроқ 30 дан 60 см. гача чуқурликда, ерни ишлатиш йўналиши ва ўстириладиган ўсимлик турига кўра ҳайдалади. Бундай чуқур ҳайдаш ўсимлик ривожи учун қулай шароит яратади. Зарурий ҳолларда тупроқни оҳак ёки гипс билан ўғитлаш амалга оширилади.

Томорқа очиқ ер ўсимликлари ва турли ёпиқ ер иншоотлари қуриш учун, хўжалик ҳовлиси ҳамда ҳимоя кўчатларини экиш ва ҳоказолар учун майдонларга ажратилади. Хўжаликка электр узатувчи линиялар ва канализация ўтказилади. Сувга эҳтиёж катталиги сабабли хўжаликда водопровод, сув омбори ёки насосли қудуқ мавжуд бўлиши керак. Бир вақтнинг ўзида эса шамолдан ҳимоя тўсиқлари ҳам ўринатилиши лозим.

Экиш учун тез ўсуви, доимий яшил ва иғнабаргли ўсимликлар ишлатилади. Шамолдан ҳимоя тўсиғидаги дараҳтларни шундай экиш керакки, тупроқни қайта ишловчи ва бошқа механизмлар бир бўлимдан бошқа бўлимга ўта олсин. Ер майдонларининг тўғри жойлашиши уларни қайта ишлап, бир йиллик ва кўп йиллик

ўсимликларни жойлаштириш ҳамда маданий оборотни түғри ташкил қилишини осонлаштиради.

Иссиқхоналарнинг шимолий тарафидан хўжалик қурилишлари -- омберлар, кулолчилик бинолари, автосаройлар, идора, турли моллар учун майдончалар, қуритиши иишоотлари ва ҳоказоларга ер ажратилади. Ўртача хўжалик ҳовлиси учун иссиқхона (парник) хўжалиги умумий майдонининг 20-25 фоизи берилади.

Иссиқхоналар жанубида 20-30 м. узоқликда иссиқхоналар жойлаштирилади. Улар орасида 10 дан 20 м. гача кенгликтаги йўллар режалаштирилади. Бу йўллардан биоўғитлар, иссиқхона тупроқлари ташилади. Иссиқхоналар орасида кенглиги 0,5 дан 1 м. гача бўлгац йўлакчалар ҳосил қилинади. Қолган майдон очиқ ер учун ажратилади.

Янги иссиқхонали гулчилик комбинатларини қуриш, айрим саноатлашган гул ўсимликларини етиштириш технологияси турлича бўлаётганлиги сабабли, ҳозирги вақтда ёпиқ (иссиқхона) ва очик ер майдонларининг юқорида тавсия этилган мутаносиблиги ўзгаради.

Ёпиқ ёки ҳимояланган ер — бир йиллик ва бошқа ўсимликлар кўчатларини етиштириш ҳамда ҳамиша яшил ва гулли ўсимликларни тез етиштириш учун мослаштирилган иссиқхоналар, кўчатзорлардир.

Иссиқхоналар — ойнали ёки бошқа ёруглик қопламали иишоотдир. Улар — вегетация даври давомийлиги очиқ ерда етиштириш учун ноқулай ўсимликларни қўпайтириш ва етиштиришга мўлжалланган.

Кини давридаги иссиқлик тартиби бўйича иссиқхоналар қўйидаги турларга бўлинади:


а) 14 дан 18° гача ва юқори --- тропик ва тез етиштирилиши зарур бўлган ўсимликлар учун;

б) ўртача иссиқ, 9 дан 13° гача — камроқ иссиқсевар ўсимликлар учун;

в) совуқ 4 дан 8° гача — алоҳида ҳамиша яшил субтропик ўсимликлари, айрим тугунакчилар, қишики левкой, гибридли цинерарий ва бошқа ўсимликларни етиштириш учун.

Иссиқхоналар ойнали том учун таянч бўлиб хизмат қилувчи металл, темирбетон ва айрим ҳолларда ёғоч асосларга эгадир. Қонда бўйича, томлар учун бир қават ойна ишлатилади, икки қават ойна айрим ҳолларда ён деворлар учун қўллашлади. Иссиқхоналар каркаси


металл құвурлар ёки бурчакли темиридан ясалған бўлса, энг яхши ёруғлик ўтказувчи иссиқхоналар ҳисобланади. Ойнавон томлар нишаброқ қилинади, бунда ёргулар яхши тушади ва сув оқиб кетади. Қиялник бурчаги — маҳаллий кенгликка, иссиқхона тузилишига ва ўсимликларнинг ёруғликка бўлган муносабатига боғлиқ. Ойналар учун дераза ойналарига кўра пишиқроқ бир ярим ёки икки мм. қалинликдаги, шаффофлиги 95-98 фоизли ойналар ишлатилади, ангар типли иссиқхоналар учун шаффофлиги камроқ тарам-тарам ойналар қўлланлади. Иссиқхоналар учун энг қимматбаҳо ойналар — бу ультрабинафша нурларни ўтказувчи ульвиола ойналаридир (22-расм).



22 расм.

Ойнавон иссиқ бино қурилмаснга кўра бир нишабли, бир ярим нишабли, икки нишабли, кўп цишабли (ёки блокли), ангар ва бошқаларга бўлинади. (23-расм).

Бир нишабли иссиқхоналар — жанубга қараган қиялниги 25 дан 45° гача бурчакли иссиқхоналар ҳозирги вақтда деярли ишлатилмайди. Бир ярим нишабли иссиқхоналар бир нишабли иссиқхоналарга ўхшайди, аммо иккинчи ярим нишаб шимол тарафга юзлангандир. Улар ўзининг ишлаб чиқариш хусусиятини ҳам йўқотадилар.



23-расм.


Икки нишабли иссиқхоналар энг күп тарқалған. Уларни жанубдан шимолга қараб, аммо шарққа ки chick ($8-15^\circ$) оғиш бурчаги билан қурилади, яъни уларнинг нишаблари асосан шарқ ва ғарбга қарагандир.

Иссиқхоналар баландлиги, ангар иссиқхоналардан ташқари, 2,5 дан 3,5 м. гача бўлади. Қенглиги 6 дан 18 м. гача бўлиши мумкин. Ойнавон иссиқ бинолар узунлигини фақатгина уларнинг тузилишига эмас, балки, қатор бошқа омиллар — иситиш, маҳаллий рельеф ва бошқаларга ҳам боғлиқ. Сувли иситишда ўртача энг мақбул узунлик 30-40 м. ҳисобланади.

Кўп нишабли ёки блокли иссиқхоналар — бирлаштирилган икки нишабли иссиқхоналардир. Улар ойнали (ёки плёнкали) бўлиб, нишаблар йўналиши ғарб ва шарққа қараган бўлади. Ички деворлар устунларга алмаштирилган.

Кўп нишабли иссиқхоналар қурилмаси ва қўлланишга кўра қўйидагича бўладилар:

а) мавсумий, йиғилувчан, енгил металл ёки ёғоч каркасли, ойнавон ёки кўпинча икки қават плёнкали; улар марказий иситиш тармоғида, калорифер биоёқилғида ёки қуёш иссиғи билан ишлайди; улар кўчатлар етишириш, баҳорда қаламча пайванд қилиш, куз даврида хризантема ва бошқа ўсимликларни сақлаш учун ишлатилади (24-расм).




24-рәсем.

б) доимий — ойнавон қопламали, марказий иситиш тармоқли, ҳароратни, намликни, сугориши, құшимча озиқлантириши, карбонат ангидрид газ миқдорини автоматик бошқарадиган иссиқхоналар.

Күп нишабли иссиқхоналарда ўсимликлар асосан ерда, айрим ҳолларда эса токчаларда етиштирилади.

Ангар турли иссиқхоналар — баландлығи 5-7 м. ли ички оралық таянчларсыз ёруғ иншоотлардир. Уларнинг металл каркаси қувурлардан ишланган. Бу қувурлар алоҳида ҳолларда иситиш учун ҳам қўлланилади. Уларда ўсимликлар ерда етиштирилади, бу эса тупроқни қайта ишлаш ва ўсимликни парвариш қилишини механизациялаштиришга йўл беради. Иссиқхоналар жуда баланд бўлганлиги учун кўп ёқилғи талаб қилинади, шунинг учун улар баланд, ҳамиша яшил ўсимликлар: пальма, иғнабаргли ўсимликлар, лаврлар ва бошқаларни етиштириш учун қўлланилади. Айрим ҳолларда

атиргул, чиннигул ва бошқа ўсимликлар ҳам етиштирилади. Иссекхоналардаги ўсимликлар ерда, токчаларда, осма токчаларда етиштирилади, бу иссекхонанинг фойдалари ишлаб чиқариш майдонини ташкил қиласы (26-расм.).




26-расм.

Токчалар — иссекхонада узунасига жойлаштирилген бўлади. Ўсимликлар тувакларда, яшикларда ёки ург сепилган ерда етиштирилади. Токчалар баландлиги 0,8-1 м., ўртача кенглиги 2-2,25 м., ёnlама кенглиги 0,8-1,25 м. бўлиши тавсия қилинади. Токчалар орасидаги кенгликлар: ёnlама — 0,7-0,8 м.— 0,8-1 м. Токчалар металл устунлардаги тахталардан тайёрланади. Улар «иссек» дейилади, чунки бунда ўсимликлар яхши ўсади. 2-3 йилдан сўнг бундай токчалар яроқсиз бўлиб қолади ва уларни янгиларига алмаштириш керак. Айрим ҳолларда тахта ўрнига шифер ҳам ишлатилади. Темирбетон токчалар ўн йиллаб хизмат қиласы, лекин бу совуқ ва иссексевар ўсимликлар учун яроқсиз бўлади. Бу токчалар қум, керамзит ёки эланган шлаклар билан 2-4 см. қалинликда қопланиши зарур.

Оスマ токчалар ўтиши жойларида ўрнатилади, бу билан асосий токчалардаги ўсимликларга соя ташланмайди. Ёруғсевар ўсимликларнинг кўчатлари яшик ва тувакларда етиштирилади. Бу токчаларни яхшиси тарам-тарам ойнадан қурган афзал. Токчалар тагидаги майдон боғ тупроғини, тувакларни, шойигул, картошкагул илдизларини қишида сақлаш учун ишлатилади (26-расм.)

Ерли (токчаларсиз) иссекхоналар кўп йиллик ўсимликларни (чиннигул, атиргул) кесиб етиштириш учун қўлланилади. Уларда 50-70 см. чуқурликда ҳавза қази-



26-расм.

либ, туби ариқ тарафига қия қилиб қўйилади. Сўнгра унга дренаж қатлами 10-15 см. қалинликда сомонли лой, ёки майда шағал солинади, кейин ҳосилдор тупроқ тўкилади. Қеракли ҳароратни ҳосил қилиш учун сувли ёки буғли марказий иситиш тармоғи ишлатилади, бундан ташқари иссиқхона ва кўчатзорларда электр ва биологик иситиш усуллари ҳам қўлланилади.

Иссиқхона ёки ойнавон биноларнинг ҳавоси ва иссиқлигини алмаштириб туриш учун хизмат қиласидан қурилма (вентиляция)лар қўлланилади. Гулчилик билан шуғулланувчи йирик ишлаб чиқариш комбинатларида ҳарорат режими, ҳаво намлиги ва қўшимча озуқали сугоришда автоматик бошқариш тизимидан фойдаланилади. Ойнавон иссиқ биноларга иссиқсевар ўсимликларни сугориш мақсадида турли идишлар ўрнатилади, марказий иситиш қувурлари орқали иссиқ сувлар олиниади.

Меҳнат унумдорлигини ошириш ва етишитирилаётган маҳсулот таннархини камайтириш учун гулчиликда турли меҳнат жараёнларини механизациялаштириш катта аҳамиятга эга. Очиқ ер шароитида кўпинча сабзавотчилик ва бошқа қишлоқ хўжалик тармоқларида қўлланувчи машина-механизмлар асбоб-ускуналар ишлатилади. Аммо, ёпиқ ер гулчилигидаги айрим жараёнлар кам механизациялаштирилган. Сугориш, ҳавони намлаш ва ўсимликларга сув пуркаш меҳнат талаб жараёнларга киради. Бу жараёнларни механизациялаштириш учун ўсимликлар устидан сув, ўғит аралашмалари ва бошқа суюқликларни пурковчи турли хил тузилишдаги қувурлар ўрнатилади.

Иссиқхона (парник) хұжаликтери. Иссиқхоналар — бу мамлекеттегі ўрта миңтақасыда март ойдан ноябрьгача ишлатиладиган нисбатан арzon, чуқурлаштирилған ёпиқ ерли, оддий иншоотдир. Улар бир йиллик күчтегілерни етиштириш, чиниқтириш, пайвандлаш ва мавсумий гулловчи ўсимликтерни ёзда сақлаш, иссиқсевар ўсимликтерни ертөлаларга олингунча совуқ урдирмасдан асраш ҳамда тез етиштириш учун тайёрланған, настарин, атирғул ва пиёзли ўсимликтерни қиша сақлашга мүлжалланған.

Иссиқхоналар құйидагича бўлади:

1. Тузилиш бўйича бир нишабли — жанубга қараган ва икки нишабли — шарқ ва гарбга қараган, чуқурлаштирилған ёки ерли;
2. Кўлланиш тавсифи бўйича доимий ва вақтинчалик (яъни кўчирилувчи);
3. Биоёқилғи ва техник иситиладиган;
4. Тайёрланған материаллари бўйича ёғочсимон ва темирбетон (тошли). Бунда охиргиси биринчисига қараганда анча совуқ бўлади.

Иссиқхона ўлчамлари иншоот ромининг стандартг ўлчами билан аниқланади — 160×106 см. Шундай қилиб, кенглик доим бир хил — 160 см. бўлади, узунлиги эса ишлатиладиган ромлар сонига боғлиқ. Масалан, йигирма ромли — 21,2 м., ўн ромли — 10,6 м. ва ҳоказо... Иссиқхоналарнинг четлари ёғоч ёки темирбетонлар билан ўралади. Иссиқхонанинг шимолий девори жанубий деворидан 10-12 см. юқори бўлиши керак.

Икки нишабли иссиқхоналар — бу бирлаштирилған бир нишабли иссиқхоналардир, улар баланд тарафи билан бирлаштирилади. Иссиқхоналарнинг йўналиши шимолдан-жанубга қараб бўлади. Нишаблар 10 дан 18° гача қияликда шарқ ва гарбга қараган бўлади. Қияликнинг катта бурчаги шимолий туманларда қўлланилади.

Доимий иссиқхоналар қоида бўйича ўз чуқурлигига эга. Мазкур чуқурликлардан фойдаланиш вақти етиштирилаётган ўсимликтар учун зарур бўлган ҳарорат ва туманга боғлиқ. Энг чуқур иссиқхоналарнинг (70-80 см) ҳарорати биоёқилғи ишлатилгандага $18-20^{\circ}$ га етади. Бундай иссиқхоналар энг эртаги ўсимликтар учун қўлланилади. Ўрта иссиқхоналарнинг чуқурлиги 50-60 см. бўлиб, ҳарорати $14-16^{\circ}$ дир. Улар ярим иссиқ ҳисобланади ва қўлланиш вақти бўйича ўртача ҳисобланаб, февралнинг

оҳири мартнинг бошларида ишлатилади. Совуқ парниклар 30-40 см.ли чуқурликда бўлиб, ҳарорати қуёшнинг иситишига боғлиқ. Улардан март-апрел ойларида фойдаланилади.

Гулчиликда кўпинча ярим иссиқ ва совуқ парниклар қўлланилади. Чуқурлар, албатта, қия қилиб кавланади: пастда унинг кенглиги ўртacha 1,2 м. бўлса, юқорисига қараб 1,6 м.гача кенгаяди. Вақтинча ёки кўчириувчан (ердаги) иссиқхоналар тупроқ устига яъни чуқурларсиз, бироз жанубга қия қилиб ўрнатилади. Бу ҳолда биоёқилғи юзароқ чуқурчага жойланади ва тупроқ билан кўмилади. Юқориси эса 2-3 та ромларга тахталардан устунчалар ўрнатилиб ёпилади.

Иссиқхоналар кўпинча биоёқилғи (органик ўғит) — гўнг, ахлат ва бошқа чиқиндилар билан иситилади. Биоёқилғи чириганда иссиқлик ажралади. Бир ром учун 0,4 дан 1 т. гача биоёқилғи зарур. Энг яхши биоёқилғи — от гўнгидир. У секин исийди, бир текис ва узоқ «ёнади», ундан яхши чириндили тупроқ ҳосил бўлади. Биоёқилғи кузги-қишки даврда тайёрланади яъни иссиқхоналари (парник) мавжуд хўжаликларда цементланган маҳсус майдончаларга уюм-уюм қилиб тўпланади. Ўз-ўзидан ёниб кетишининг олдини олиш учун тайёрланган биоёқилғи «совуқ» усул билан сақланади, яъни гўнг уюмланаётган пайтда пишиқ зичланади.

Иссиқхоналарни қуришдан икки ҳафта олдин биоёқилғини секин исий бошлаши учун юмшатиш (бўлиш) зарур. Агар у исимаса, иккинчи марта юмшатилади. Алоҳида ҳолларда исимаган биоёқилғини иситиш учун қизитилган тошлар, темир ва ҳоказолар ишлатиш тавсия қилинади. Зарурий ҳолларда иссиқхонанинг олдиндан тозалangan чуқурлиги иссиқ масса билан шундай тўлдирилади-ки, юқоригача тахминан 20-25 см қолади. Биоёқилғини озроқ зичлагандан сўнг, юқорисидан серчиринди тупроқ 10-12 см. қалинликда солинади ва текисланади. Иссиқхона ромлар билан беркитилади бир неча кундан кейин агар биоёқилғи исиган бўлса, у ерда керакли ишларни бажариш мумкин. Ҳозирги вақтда иссиқхоналар ҳароратини кўтариш учун иссиқлик электр энергиясидан, ишлаб-чиқариш корхоналарининг буғ қозонлари ва ҳоказолардан кенг фойдаланилмоқда.

Гулчилик хўжаликларида бир ва кўп йиллик ўсимликларнинг кечки кўчватларини етиштириш учун кўчват-

зорлардан кенг фойдаланилади. Улар учун совуқ шамоллардан яхши ҳимояланган, қуруқ ва қуёшли жой ажратилади. Совуқ кўчатзорлар тупроқ устига жойлаштирилади, тупроқ олдиндан кавланади. Кўчатзорлар каркаси бурчаклари маҳкамланган тахталардан тайёрланади. Улар иссиқхоналардан ромлари йўқлиги билан фарқланади. Совуқ уриш ҳолларида кўчатзорлар похолли ёки қамишли бўйралар, плёнка ва бошқа материаллар билан ёпилади. Кўчатлар етиштириш учун айрим ҳолларда иссиқ жўяклар қўлланилади, улар учун 80-90 см. кенгликда 20-30 см. чуқурликда ҳамда ихтиёрий узунликда чуқур кавланади ва унга 15-25 см.ли иссиқ гўнг ва шунча тупроқ солинади.

Гул ўсимликлари етиштирилаётган иссиқхона ёки кўчатзорлар ҳарорати айрим кунлари, яъни биоёқилғи иссиқлиги ва қуёш энергияси ҳисобига жуда юқори бўлиб кетади. Бундай ҳолларда кундузи иссиқхоналарни шамоллатиш зарур: ромлар ҳамда плёнкалар кўтариб қўйилади ёки кечгача умуман олиб ташланади. Ўсимликларнинг айрим турларини етиштиришда юқори намлик, ҳарорат ва ёйик ёруғлик зарур бўлади.

Аҳолини гуллар билан узвий таъминлаш учун синтетик плёнкалар ишлатилган турли иншоотлар кенг қўлланилмоқда:

а) иситиладиган ва иситилмайдиган плёнкали иссиқхоналар, уларнинг асосий вазифаси турли ўсимликларнинг кечки, кузги, қишки ва эрта баҳорги навлари — чиннигул, хризантема ва ҳоказоларни етиштириш учун қўлланилади;

б) плёнкали техник ёки қуёш ҳарорати билан иситиладиган иссиқхоналар, улар гул кўчатларини, пиёзли ва бошқа ўсимликларни тез етиштириш учун қўлланилади;

в) тунеллар — вақтинча, турли ўлчамдаги плёнкали равоқсимон пана жой, улар ўсимлик кўчатларини ерга эккандан сўнг 1-2 ой ҳимоя қилиш, уруғлар экиш, икки ёки кўп йиллик ўсимликлардан эртаки маҳсулот олиш мақсадида уларни сақлаш учун қўлланилади.

Қўшимча хоналар. Йирик гулчилик хўжалигидаги қўшимча хоналарга турли омборлар, ертўлалар, саройлар ва ҳоказолар киради. Ҳарорати бошқариладиган ертўла ёки омборлар георгина, гортензия, қаламча қилинган атиргул, настаринларни қишида сақлаш учун ер

юзасида ва чуқурликда бўлиши мумкин. Уларга қўйиладиган асосий талаблар: яхши иссиқлик қопламаси хонани шамоллатиб турувчи қурилма, (вентиляция), электр ёруғлигининг бўлиши. Ертўлаларда ўртача ҳарорат $2\text{--}6^{\circ}$ бўлади. Уларнинг ўлчами ва тузилиши турлича. Ертўлаларда фойдали иш майдонлари ҳажмини кўпайтириш учун бир неча қисмли токчалар қурилади.

Бокслар (алоҳида хоналар), холодилник (совутгич) қурилмали хоналар — булар кесилган гулларни сақлаш учун мўлжалланган. Шунингдек, уни эрта баҳорда, кузда ва қишда, кузги ва кеч баҳорги тезлаштириб етиштиришга мўлжалланган ўсимликларни сақлаш учун қўллаш мумкин. Гулчилик хўжаликларида пиёз ва тугунакпиёзларни қуритиш, сақлаш учун марказий истиш тармоғли, хонаки шамоллатиб турувчи қурилма қисмли токчаларга эга маҳсус омборлар бўлиши керак. Йирик гулчилик хўжаликлари тезлаштириб етиштирилаётган пиёзгулларни сақлаш учун маҳсус хоналарга ҳам эга бўлишлари лозим. Асбоб-ускуналар, ўғитлар, идишлар, туваклар ва бошқа материалларни сақлаш учун асбоб-ускуна саройларини қуриш кўзда тутилади. Ҳамиша яшил ўсимликларни ёзда сақлаш ва илдиз ортириш учун шийпонлар қурилади. Бўйраларни тайёрлаш ва таъмиглаш учун айрим ҳолларда маҳсус хоналар қурилади.

Уруғдан ўстирилган гулларни ташқарига экиш учун чиниқтириш

Кўпгина бир йиллик ва гиламли ўсимликлар доимий жойига экилгунча ёпиқ ерда, яъни иссиқхона, бино, плёнкали пана жойлар ва ҳоказоларда етиштирилади. Шундай тайёрланган ўсимликлар қоида бўйича нозик бўлади ва уларни очиқ ерга экишдан олдин чиниқтириш зарур.

Ўсимликларни чиниқтириш — бу қатор усувлар бўлиб, уларга кўра ўсимлик очиқ ер шароитида етиштиришга мослашади. Бунда ўсимликларнинг ҳарорати, намлик тебранишларига ва ташқи муҳитнинг бошқа ёқимсиз таъсиirlарига чидамлилиги ортади.

Ўсимликларнинг совуққа бардошлилиги очиқ ерга экишга узоқ ва мураккаб тайёргарлик билан ортади, очиқ ерга экилган вақтда ҳужайралар цитоплазмасида

чуқур физиологик ўзгаришлар бўлади, бу ҳужайралар ўсимлик кўкаришининг ёмон шароитларга энг юқори мослашишни таъминлайди.

Чиниқтиришда секин-аста етиштириш шароити ўзгарди. Хоналар кўпроқ шамоллатилади, ҳарорат пасайтирилади, тик ёритилганлик кучайтирилади, бунинг натижасида ўсимлик ташқи муҳит шароитига секин-аста мослашади. Кўчатларни чиниқтириш учун 10-12 кун зарур, сўнгра улар очиқ ерга экилади.

Она ўсимликларни ёпиқ ерга кўчиришда, улар олдиндан сояли парникларда сақланади, секин-аста ҳарорат кўтарилилди, сўнгра иссиқхоналарга олиб кирилади.

Тезлаштириб етиштирилган ўсимликларни ҳам реализация қилишдан олдин чиниқтириш зарур, чунки бошқа шаронтда улар ўз манзаралигини йўқотиши мумкин.

Ўсимликларни кўчириш. Очиқ ерда ўсимликларнинг нормал ривожланиши иссиқхона, яшик ва туваклардан ўсимликтин доимий жойига кўчиришда техник усулларни тўғри бажаришга боғлиқдир. Кўчириб ўтқазиши жуда эҳтиёткорлик ва диққат билан ёндашиш зарур, акс ҳолда бундаги хатолар юқори сифатли кўчатни ҳам ҳалок қилиши мумкин.

Иссиқхона ёки пикировка яшикларида кўчатларни кўчиришдан 1-2 соат олдин кўпроқ суфорилади. Бу эса илдиз тизимини сақлашга йўл беради, кўчириб ўтқазишида яхши суфорилган ўсимликлар тупроқ бўлаги билан осон кўчирилади, бу кўчатларни тез тутиб кетиши учун жуда муҳимдир.

Кўчатларни булути кунда ёки эрталаб ва кечқурун кўчириб ўтқазиш мақсадга мувофиқдир. Экишдан олдин чуқурчалар ёки бир йўла ўсимликлар экилгандан сўнг суфорилади. Экиш учун чуқурчалар куракча билан ҳосил қилинади. Чуқурча ўлчами шундай бўлиши керакки, унга ўсимлик илдизлари осон сифиши зарур. Илдизнинг юқорига ёки четга қайирилиши мумкин эмас. Илдиз тупроқ билан кўмилади. Бунда илдиз тизими ва ўсимлик атрофидаги тупроқнинг енгил босилишига эътибор бериш лозим. Ўсимликлар иссиқхона ёки яшикларда ўсан чуқурликка teng чуқурликларга экилади.

Ўсимликнинг клумбалар ёки работкаларга экишдан олдин расм контури белгиланади. Гуллар клумба ёки работка марказидан четларига тамон экилади. Клумба

ва гулдонларга ўсимликларнинг ҳар бири ўзлари учун белгиланган масофаларда экиласди. Чунки ўсимликлар бир-бирини эзмасдан тўлиқ ривожланиши зарур. Кўчатлар одатда эҳтиёждагидан 10-15 фоиз кўп етиштирилади.

Агар ўсимликларни булатли кунда экиш шароити бўлмаса, у ҳолда экилгандан сўнг дарров уларга ўриб олинган ўтлар, қорақарағайнинг кесилган шохлари билан соя ҳосил қилинади.

Ойнавон бино ва хона ўсимликларини бошқа идишга қоида бўйича баҳорда (февралдан-майгача) кўчирилади. Одатда бунда катта туваклар олинади. Кўчирилаётган ўсимликнинг чириган ёки шикастланган илдизлари, шунингдек, дренаж учун солинган сопол парчаси илдиз билан ўралган бўлса олиб ташланади. Ўсимлик юмшатилган тупроққа экиласди. Экишда тувакдаги дренаж тешикчаси сопол парчаси билан қавариқ томони юқорига қилиб беркитилади. Ортиқча намлики камайтириш учун йирик донали қум, сўнгра 3-5 см. қалинликда шу ўсимлик учун мос келувчи озуқавий тупроқ солинади. Ўсимликнинг илдиз тизими жойланиб, унинг атрофига озуқавий тупроқ солинади ва зичланади. Тувакдаги тупроқ сатҳи ўсимлик экилгандан сўнг тувак ўлчамига мос равишда унинг четларидан 1-2,5 см паст бўлиши керак. Кўчириб ўтқазилган ва токчаларга жойлаштирилган ўсимликларни текис ва тўлиқ намланиши учун 2-3 усулда сугорилади. Алоҳида ҳолларда кўчириб ўтқазишдан олдин ўсимликнинг ер усти қисмлари ҳам кесилади: эски барглар, синган ёки шикастланган шохчалар, новдалар ва ҳоказо.

V. БИР ЙИЛЛИК ГУЛ ЎСИМЛИКЛАРИНИНГ ҚИСҚАЧА ТАЪРИФИ

Бир мавсум давомида ўзининг манзаравий қийматига эга бўлувчи, пишган уруғлар берувчи ва ўсуви ўсимликлар бир йилликлар дейилади. Ўзининг биологик хусусиятлари бўйича улар фақатгина бир йиллик (кларкия, календула ва бошқалар) эмас, балки кўп йиллик ҳам бўлиши мумкин (хушбуў тамаки, шер оғзи ва бошқалар). Айрим ҳолларда бир йиллик сифатида икки йилликлар ҳам қўлланилади, масалаң, январ, фев-

рал ойларида экилган виола. Ўсимликнинг ранги, гулининг ва тупининг шакли, гуллаш давомийлигининг хилма-хиллиги, унинг ривожланиши, кўчириб ўтқазишнинг турли даврларида яхши тутиб кетиши ва ҳоказолар туфайли бир йилликлар гулчиликда асосий ўринлардан бирини эгаллади. Бир йилликлар гуруҳига кўп йиллик гулдонларда қўлланувчи гиламли ўсимликлар ҳам киради, уларнинг она туплари ойнавон иссиқ бинода қишлиди ва ҳар йили вегетатив кўпаяди. Уларга альтернантера, гелиотроп, геран, презине, клейния, сантолина ва бошқалар киради.

Кўпгина бир йилликлар бизнинг юртимизга турли жуғрофик минтақалардан интродукциялангандир (мослаштирилгандир). Бир йилликларнинг келиб чиқиши турлича бўлганлиги учун уларнинг ўсиш шароитларига муносабати ҳам турлича бўлади. Кўпгина бир йилликлар — узоқ кун ўсимликлариидир (василек, хушбўй нўхат, наструция ва бошқалар), аммо қўқонгул, хризантемалар қисқа кунлардаёқ яхши гуллади.

Шундай қилиб, бир йилликлар гуруҳига ташқи кўриниши турлича ўсимликларгина эмас, балки биологик хусусияти ва ташқи мұхит шароитларига муносабати турлича ўсимликлар ҳам киради. Бир йилликлар ботаник белгиларига кўра турли оиласларга бўлинади. Кўпгина бир йилликларнинг, бошқа гуруҳ ўсимликлари сингари, энг қимматбаҳо хусусияти — гулларининг серяпроқлигидир. Бир йилликлар баландлигининг хилма-хиллиги билан ажralиб туради. Баландлиги 1 м. бўлган ўсимликлардан (космея ва канакунжут), бўйин унча катта бўлмаган, ер устидан салгина кўтарилиб турадиган ўсимликларгача (портулак, лобелия ва бошқалар) бўлади. Қоидага кўра тоғлик ва шимолий туманларнинг ўсимликлари, жанубий водий ўсимликларидан анча паст ўсади.

Бир йилликлар ўсиш хусусияти бўйича ҳам фарқланади. Бунга ампел (настурция), чирмашувчи (хушбўй нўхат, иромея)дан тортиб, то тик турувчи ўсимликлар (дельфиниум, люпин, канакунжут) ва бошқаларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Гулининг шакли, рангларининг хилма-хиллиги ва айниқса гуллаш давомийлиги бўйича кўпгина бир йилликлар бошқа гуруҳ гул ўсимликларидан юқори туради. Резеда, Шабо чиннигули, хушбўй тамаки каби кўпгина бир йилликларнинг гулла-

ри жуда хушбўйдир. Улардан айримлари хушбўй баргларга эга — геран, артемизия ва бошқалар.

Бир йилликлар клумбалар, рабаткалар, гуруҳлар ва гулдонларнинг бошқа элементларини ясаш учун, айвончалар, ойна токчалари, деворлардаги токчаларни кўкарамзорлाशтириш учун жуда кенг ишлатилади. Улар эрта баҳорги ёки кузги гуллаш учун туvak ўсимликлари сифатида ҳам ишлатилади. Кўпчилиги кесиш учун яхши материал беради. Барча бир йилликлар асосан уруғ билан кўпаяди, лекин баъзиларини қаламча билан кўпайтириш ҳам мумкин (петуния, хушбўй нўхат, сальвия ва бошқалар). Жуда кўп бир йилликларни бевосита очиқ ерга экиш мумкин, бу эса кўчат билан етиштиришга нисбатан гул маҳсулоти қийматини маълум даражада арzonлаштиради. Очиқ ерда етиштирилган бир йилликларни кесишда, рабаткалар (шоссе, кўча, боғлар, парклар, аллеялар бўйлаб), мураккаб бўлмаган клумбалар ва ҳоказоларни ташкил қилишда ишлатилади.

Мамлакатимизнинг ўрта зонасида турли муддатларда очиқ ерга аллиссум, боғ ловияси, василек, акроклиниум, гипсофиллу, годечия, хушбўй нўхат, дельфиниум, диморфотек, иберис, календула, кореопсис, кларкия, космeya, кохия, люпин, кўкнори, настурция, гулбеор, резеда, хризантема, эшшольция ва бошқа бир йилликларни экиш мумкин. Кўчатлар етиштиришда бир йилликлар вегетация муддатларининг турлича эканлигини ҳисобга олиб, уларни экиш турли вақтларда шундай амалга ошириладики, ёзги мавсум бошида ўсимликлар гуллашга тайёрланган бўлишлари керак. Ҳамиша гулловчи бегония, шабо чиннигули, вербена, лобелия, попукли петуния, маритим цинерария ва бошқалар экилгандан то гуллашни бошлагунча узоқ муддатга (130 дан 180 кунгача) эга. Шунга кўра уларни январ ёки февралдан экиш керак. Бунинг учун хўжаликда иссиқхоналар мавжуд бўлиши зарур. Кечки қўқонгул, агератум, левкой, шер оғзи, гултожихўroz, тамаки, хушбўй нўхат, ёзги флокс, духобагул, петуния, хризантема сингари бир йилликларда экилгандан гуллаш бошлангунча 100-120 кун бўлади. Шунга кўра уларни март ойида экиш керак. Годечия, дельфиниум, календула, космeya, люпин, кўкнори, резеда, тагетес, кларкия, линария ва бошқаларда бу давр 70 кунча давом этади, шунга кўра уларни март, апрел ойларида экиш керак. Совуққа чидамли

Бир йиллик кўчатларни очиқ ерга мартнинг охири — апрел бошларида, совуқдан заарар кўрувчи ўсимликлар кўчатлари эса 5-10 апрелдан сўнг экиласди.

Кўпгина ўсимликлар очиқ ердаги енгил қумоқ тупроқларни афзал кўради. Дўхобагул, бальзамин, бегония, сальвия, иромея, настурциялар жуда иссиқсевар ва салгина совуққа ҳам чидамсиздир. Адонис, қўқонгул, алиссум, антирринум, godeция, чиннигул, дельфиниум, хушбўй нўхат, календула, левкой, кўкнори, резеда, эшшользия эса аксинча, совуққа чидамлидир.

Ўсимликларнинг ҳаммаси ҳам кўчириб ўтқазишга мойил эмас: кўкнори, маттиола, резеда ва бошқаларнинг уруғлари бевосита ерга, сопал идишларга ёки торфчириндили, 7 дан 9 см.гача ўлчамли тувакларга сепиши йўли билан етиширилади. Хушбўй нўхат, рицинус тувакка биттадан уруғ билан экиласди, петуния — иккитадан, шер оғзи—учтадан ниҳол ҳолда янги жойга кўчат қилинади. Қўқонгул, календула, космея ва кўпгина бошқа ўсимликлар етарли сугорилганда кўчириб ўтқазиша чидамли бўлади. Кўчатлар очиқ ерга 3-4 та чинбарг ҳосил бўлган даврда, булутли кунда ёки кечқурун кўчириб ўтқазилади. Иссиқхонадан кўчатлар кўчиришдан олдин яхшилаб сугорилади.

Бир йиллик кўчатларни етишириш қимматга тушади. К. А. Тимирязев номли Москва қишлоқ хўжалик академиясининг Гулчилик тажриба станциясида, бевосита очиқ ерга экиб етишириш мумкин бўлган бир йилликлар ассортиментини ўрганиш бўйича катта иш олиб борилган.

Экиш учун учта мавсум қўлланилади: куз, қиши ва баҳор. Кузги экиш учун тупроқ, баҳорги экиш сингари тайёрланади. Кўчатларни кўчириб ўтқазиша ҳам худди шундай тартиб қўлланилади. Уруғлар октябр охири — ноябр бошларида шундай ҳисоб билан экиласдики, улар совуқ тушгунча униб чиқмасин. Уларни олдиндан тайёрланган 1-3 см. чуқур жўякларга экиласди ва тайёрланган мульча органик материал билан ёпилади. Очиқ ерга экишда уруғлар сарфи кўчат етиширишдан 3 баравар кўпdir. Қишида гул қор қатлами 15-20 см. бўлганда, декабр—январ ойларида экиласди. Участка кузда яхшилаб тайёрланади. Мульчалаш материали музламайдиган биноларда сақланади. Уруғлар қўлда экиласди, бир вақтнинг ўзида мульча ҳам солинади. Қишида

мульчаланган ерлар баҳорда тез эрийди ва күпинча бу ерларда ёғингарчилик сувлари билан уруғлар ювилниши ҳосил бўлмайди. Баҳорги экиш ер етилиши билан амалга оширилади. Ер майдони кузда тайёрланади. Баҳорда бороналаш ёки бороналашли ҳайдаш амалга ёширилгандан сўнг уруғлар экилади. Очиқ ерга экилган ўсимликлар, кўчатлар билан етиштирилган ўсимликлардан анча кеч гулласа ҳам соғломроқ ўсади.

Кўпгина бир йиллик ўсимликларни экилган вақти ва гуллаш муддатларига кўра уч гуруҳга бўлиш мумкин.

1. Экилгандан 8-9 ҳафтадан кейин гулловчи ўсимликлар. Бу бир йилликлар очиқ ерга экилганда манзарали қимматга эга бўлади ва пишган уруғ берадилар. Булар — аллиссум, василек, ёзги дельфиниум, диморфотека, хитой чиннигули, кларкия, календула, ёзги люпин, ёзги гипсофилла, космея, иберис, линум, эшшольциялардир.

2. 10-12 ҳафтадан сўнг гулловчи ўсимликлар. Улар вегетация даврида тўлиқ манзарага эришади ва қисман пишган уруғ беришга ҳам улгуради, булар — годенция, матрикария, резеда, силена, хушбўй нўхат, мускус василек, скабиоза, гелихризум, акроклиниум, сальпиглосис, роданте, шер оғзи, эртанги қўқонгул, паст тегеттесдир.

3. Экилгандан 13-14 ҳафтадан сўнг гулловчи бир йилликлар. Очиқ ерга экилганда гуллаши мумкин, лекин қоидага кўра пишган уруғ бермайди. Вербена, левкой ва кечки нав қўқонгуллар, баланд тагетес, ёзги флокс, цинния, лобелия, духобали петуния, сальвия ва бошқалар шулар жумласидандир. Учинчи гуруҳ ўсимликларини очиқ ерга экиш тавсия қилинмайди, яхшиси уларнинг кўчатларин етиштириш маъқул. Бир йилликларни бу сингари бўлиш шартлидир. Етиштириш жойи, обҳаво шароитларига кўра гуллаш ва пишиш муддатлари ўзгаради.

Барча бир йиллик ўсимликлар ишлатилиши бўйича бир неча гуруҳларга бўлинади:

1. Чиройли гулловчи бир йилликлар — турли гулли композицияларни тузиш учун клумбалар, работкалар, миксбордерлар, гуруҳли экиш, кесиш учун ва ҳоказо. Уларнинг катта қисми гуллаш давомийлиги, гуллар ёки гулбаргларнинг ёрқинлиги ва шакли учун қадрланади.

2. Чирмашувчилар — вертикал кўкаламзорлаштириш учун деворлар, айвонлар, ишкомлар, равоқлар, пирамидалар, устунлар ва ҳоказо.

3. Қуруқ гуллар — гулбарг баргчалари қуруқ, ёрқин рангидир. Бу ўсимликларнинг катта қисми қишки гулдасталарни ясаш учун қўлланилади.

4. Гилам ҳосил қилувчи ўсимликлар — «гиламлар» ва манзарали композициялар яратиш учун (клумбалар, рабаткалар ва бошқалар).

5. Баргли манзарали ўсимликлар — амарант, гречиха, манзарали карам, ёзги кипарис, канакунжут, каноп, маккажўхори, лаватера, лебеда, мангольд, паслен, перилла, эрмон ва бошқалар. Кичик гуруҳлар ва ягона ўсимлик кўринишида экиш учун қўлланилади. Кохич осон кесилади, бу эса ундан турли шаклдаги паст манзарали тўсиқлар ёки солитерлар ясаш имконини беради. Перилладан — яшил баргли шойигуллар атрофига баланд тўқ-қизил хошиялар ҳосил қилинади ёки ёрқин гулловчи паст бир йилликлар учун фон яратилади.

6. Тувак ўсимликлари, ёз вақтида очиқ ерда қўлланилади — минтақа пеларгонияси, тугунакли бегония, гелиотроп ва бошқалар.

Бир йиллик гул ўсимликлари. Қуйида жуда кенг тарқалган бир йиллик ўсимликларнинг тавсифи келтирилади.

Агератум, долготвртка — биологик хусусияти бўйича кўп йиллик ўсимлик, аммо бир йиллик сифатида қўлланилади. Қўқонгуллilar оиласига мансуб. Марказий Америкадан келтирилган. Нав таркиби унча катта эмас, турлари 30 тача. Мексика агератуми энг кўп тарқалган. Унинг тури ихчам, баландлиги 20-35 см. дан юқориyoқ ҳам бўлиши мумкин. Барглari чўзиқроқ тўмтоқ. Гулчалари майдо, диаметри 0,4-0,6 см. кўпгулга йигилган, гулбарглари тахминан шарсимон ёки зонтик кўринишидадир. Барча гулбарглар тупнинг юқори қисмида жойлашган. Ранги оқ, зангори кўк ва зангори бинафша. Сўнгги ранг гулчиликда алоҳида қимматга эгадир, чунки бундай ранг ўсимликлар орасида камдир. Июннинг иккинчи ярмидан, то совуқ тушгунча гуллайди. Гуллаб сўлиган гулбарглар ўсимликнинг манзарали кўринишига зарар етказмайди.

Ўсимлик уруғдан кўпайтирилади ва айрим ҳолларда бир текис қўчатлар олиш учун қаламча билан ҳам кўпайтирилади. Туплар совуқ биноларда тувакларда сақланади. Март ойида ҳар бир ўсимликтан 20-30 та қаламча кесиб олинади. 18-22°да қаламчалар тез илдиз

отади. Уруғларни бевосита очиқ ерга экишда, бир текис ўсимликлар олиш жуда қийин. Уруғлар феврал бошида яшикларга сепилади. Күчтегілар яшикка 200 донадан күчириб экилади. Улар очиқ ерга совуқлар тугаганда, яғни апрел бошларыда экилади, чунки у енгил совуқларга ҳам чидамсиз. Экишда ўсимликларнинг орасидаги массфа навига күра 15 дан 20 см. гача бўлади.

Ўсимлик тупроққа талабчан эмас, озуқали, нордон бўлмаган тупроқларда янги гўнг солмаса ҳам яхши ўсаверади. Очиқ, қуёшли жойларни севади. Алоҳида парваришга муҳтоҷ эмас. Агератумни кесгандан кейин, яхши ўсади ва тез гуллайди. Клумбалар, рабаткаларга ҳошияли ўсимлик сифатида экиш учун, айрим ҳолларда эса гултувакларга, яшикларга ва айвонларга экиш учун ҳам ишлатилади.

Алиссум, каменник, бурачок — крестгуллилар оиласидаги бир йиллик ўсимлик. Ўрта Ер денгизи ва Ўрта Европадан келтирилган. Жанубий Европа нави — денгиз, аллиссуми энг кўп тарқалгандир. Туплар навига кўра тарвақайлаган ёки ихчам, баландлиги 10-20 см. бўлади. Барглари ингичка наштарсимон. Гуллари оқ ва бинафша рангда, хушбўй қалин попукка тўпланган, тўлиқ ривожланганида бутун ўсимликни қоплайди. Йюлдан совуқ тушгунча гуллайди лекин манзарасини сақлаш ва гуллаш даврини узайтириш учун пояларини тўлиқ мева туғиши вақтида 5-8 см.га кесиш керак. Шундан сўнг ўсимлик тез ўсади ва иккинчи марта гуллайди.

Уруғлари мартда иссиқхоналарга ёки апрел бошларида очиқ ерларга сепилади. Ўсимлик совуққа чидамли бўлгани учун кеч кузда сепиш ҳам мумкин. Экишдаги ёки яганалашдан кейинги оралиқ масофа 10 см.дир. Қуёшли очиқ жойларда яхши ривожланади, лекин сояга ҳам чидамли. Исталган тупроқда ўсади, аммо енгил, озуқали ва мўътадил нам тупроқни афзал кўради.

Химоя (бордюр) ўсимлиги сифатида тошли томорқаларда, алъп тоғчаларида, гулдонлар ва айвонларда ишлатилади.

Антиринум, шер оғзи — биологик хусусиятга кўра кўп йиллик ўсимлик, лекин ўрта минтақада бир йиллик, Қрим ва Кавказнинг Қора денгиз соҳилларида эса иккى йиллик ўсимлик сифатида ишлатилади. Жанубий Европа ва Шимолий Африкадан келтирилган 400 га яқин навлари маълум. Пастак, тупининг баландлиги 15 дан

25 см. гача, ўрта бўйли — 35 дан 50 см. гача (энг кўп тарқалган) ва баланд бўйли — 55 дан 90 см. гача бўлади. Баланд бўйли нав тути устунсифат бўлади. Очяшил пояларнинг асоси кузга бориб ёғочлашади. Барглари йирик эмас, тўқ яшил рангда, ингичкадир. Гуллари попукка йиғилган. Тўлиқ гуллаш даврида гулли қисми ўсимлик баландлигининг тахминан ярмисини ташкил қиласди. Гулларнинг ранги тоза, ёрқин, хилманил, яъни оқ, сариқ, олов ранг, пушти, қизил ва турли ранг аралашмали. Май ойи охиридан ноябр ойигача гуллайди. Сўлиған гуллар ўсимлик манзарасига бирмунча таъсир кўрсатмайди, шунинг учун гуллагандан сўнг марказий поя олиб ташланади.

Феврал ойида уруғларни яшикларга сепиш билан кўпайтирилади. Диаметри 9 см. тувакларга ёки кубикларга 3 тадан кўчкат, шунингдек, яшикка 100 тадан ёки 1 та иссиқхона ромига 500 тадан ўсимлик кўчириб экиласди. Совуқлар тугагандан сўнг, очиқ ерга ўтқазилиди. Антиринум етарли даражада совуққа чидамли. Қишида ҳам экиш мумкин. Экиш учун масофалар (см. ларда): баланд бўйли навлар — 50, ўрта бўйлилар — 30, пастак навлар — 20 см. бўлади.

Ўсимлик жой танламайди (беор), лекин чириндиға бой, механик таркибиға кўра ўрта тупроқларда яхши ўсади ва ривожланади. Қуёшли жойни афзал кўрсада, соя жойда ҳам ўсади. Айниқса, қуруқ ва иссиқ вақтда озиқлантириш ва суғориш яхши натижаберади. Айрим ҳолларда кўчатларни исказа пайванд қилиш 4-5 жуфт барглари пайдо бўлгандан кейин тавсия этиласди. Пастак антиринум ҳимоя ва тувак ўсимлиги сифатида ишлатилади, ўрта ва баланд бўйлиси — кесиш учун, клумбалар, рабаткалар, айвонлар, миксбордерларда қўлланилади. Сувда гул ғунчалари очиласди ва 10-12 кунгача сақланади.

Қўқонгуллар. Кўп йиллик ва бир йиллик кўринишлари мавжуд. Бу ерда бир йиллик «хитой қўқонгулини» кўриб чиқамиз, у Шарқий Осиёдан келиб чиқсан. Ҳозирги вақтда катта сондаги, тахминан 600 та нави бор. Тупининг тузилиши, гулларнинг шакли бўйича синфлар ва гуруҳларга бўлиш мумкин.

Тупининг тавсифи — ихчам, устунсифат, ќенг тарважайлаган, баландлиги 15 дан 80 см. гача. Навига кўра, гуллар тупининг юқори қисмида ҳам, унинг четида ҳам

жойлашган. Қуи барглари жуда йирик, кенгайған чи-зиқсимон, барг шапалоғининг четлари тишли, поя баргларининг четлари эса бир текис ва ихчамроқдир.

Гулбарглар диаметри 3 дан 15 см. гача, ранги жуда хилма-хил тоза оқ, пушти ва қизилдан тортиб, то бинафша ва кўк рангларгача бўлади. Сўнгги йилларда сариқ рангли навлар яратилмоқда. Эртаки навлар июл-август ойлари бошида, кечки навлар август—сентябр ойида гуллайди. Ҳаво ҳароратининг озгина пасайишига ($-1\text{--}3^{\circ}$ га) яхши чидайди. Кўпгина навлари сўлиганда манзаралилигини йўқотади, шунинг учун сўлиган гуллари кесиб ташланади. Уруғларни феврал ойининг иккинчи ярмида яшикларга, март ойида иссиқхоналарга экиласди. Биринчи жуфт чин барглар пайдо бўлганда кўчатлар 1 м² га 400 та ҳисоби билан яшиклар, иссиқхона ёки кўчатзорга кўчириб ўтқазилади. Очиқ ерга экишга 10-15 кун қолганда кўчатлар чиниқтирилади. Апрел ойининг ўрталарида кўчатлар доимий ўсадиган жойига экиласди. Кўчатларни экиш оралиқ масофалари (см. ларда): пастак навлар учун — 20-25, ўрта бўйлилари — 25-30 ва баланд бўйлилари учун — 30-40. Уругларни очиқ ерга март ойи охирида, кеч гуллаши учун июл охири август ойи бошларида, эрта гуллаш учун эса кузда ёки қишида экиласди. Ўсимлик гуллаётган вақтида ҳам кўчиришга чидамлидир. Қумоқ ва қумлоқ, зичлиги ва намлиги ўрта; таркибида оҳак мавжуд бўлган тупроқ керак бўлади. Қўқонгулни чириндига бой, айниқса, янги гўнгли тупроқларга экиш мумкин эмас. Ўсимлик қуёшли жойларда яхши ривожланади. Экиш жойларини, айниқса, ўсимлик етиширишнинг кўчатли усули билан алмаштириб туриш зарур. Қўқонгулни гладиолус, помидордан сўнг экиш мумкин эмас, чунки улар бир хил касалликка эгадир. Суфориш, озиқлантириш, тупроқни юмшатиш каби парваришлар, айниқса, ёзниңг биринчи ярмида яхши натижা беради. Ёзги тувак ўсимлиги сифатида гулдонлар, клумбалар, айвонча яшикларига экиш учун ишлатилади.

Гулижавҳар (бархатең), тагетес қўқонгуллilar оиласига мансуб бир йиллик ўсимлик. Марказий Америкадан келтирилган. Ўсимликнинг шундай тур ва навлари мавжудки, улар баландлиги, тупининг тузилиши, гулбарглари шакли ва ҳоказолар бўйича фарқи катта. Ўсимлик баландлиги 15 дан 120 см. гача, туплари зич

ёки тарвақайлаган, поялари кучли шохланган. Гулбарглар тупнинг юқори қисмida жойлашган бўлиб, гул оёқчалари узундир. Оддий ва серяпроқdir, гулбаргларнинг диаметри 2 дан 12 см. гача, сариқ, олов ранг ва жигар франгларнинг турли тусларидаги навлари бор.

Гулчиликда қуйидаги турлари экилади: тўғри гулижавҳарлар, баланд бўйли (70-80 см. гача ва юқори), оддий ва серяпроқ гулбаргли; тарвақайлаган гулижавҳарлар, шохланган, баландлиги 40-45 см. оддий, япроқлари кам ва серяпроқ гулбаргли; пастак гулижавҳарлар, баландлиги 15-20 см. ихчам тупга эга.

Майдан октябр ойи охиригача гуллайди. Сўлиган гулбаргларни юқори шохлардаги новдалар беркитгани учун ўсимликнинг манзаралилиги камаймайди. Ўсимлик ўзига хос ўткир ҳидга эга. Уруғларни яшиклар ёки иссиқхона ерига апрел ойи бошларида экиш билан кўпайтирилади. Яшикларга, иссиқхона ва кўчатзор ерларига кўчириб ўтқазилади.

Очиқ ерга баҳорги совуқлар тугагандан сўнг апрел ойининг биринчи ўн кунлигига экилади. Ўсимликлар орасидаги масофалар (см. ларда): баланд бўйлилар учун — 50; ўрта бўйлилар — 30, пастаклар учун — 20. Улар жуда тез ўсади. Тупроққа талабчан эмас, лекин енгил ва нам тупроқлар мақсадга мувофиқдир. Очиқ, қуёш яхши тушадиган иссиқ майдонларни афзал кўради, лекин ярим соядга ҳам ўсиб гуллай олади. Парваришига мухтож, аммо намлик камчилигига уларнинг манзаралилиги деярли пасаймайди. Пастаклари — ҳимоялаш учун клумбалар, гуруҳлар ва тувак ўсимлиги сифатида, ўрта бўйлилари — кесиш учун работкалар ва даҳаларда экиш учун, баланд бўйлилари — работкалар, даҳалар, гузарлар ва кесиш учун қўлланилади.

Шабо чиннигули — кўп йиллик ўсимлик, лекин мамлакатимизнинг ўрта минтақасида бир йиллик сифатида ишлатилади. Чиннигуллilar оиласига мансуб, XIX аср охирларида Голландияда Маргарита чиннигулнинг турли навларини гибридлаштириш натижасида олинган. Ўсимликнинг баландлиги 30-50 см., тик ўсуви, гуллари фақат тупнинг юқори қисмida жойлашган. Барглари майда, ингичка, кўк-яшил рангда. Гуллари хушбўй, бўйи 4 дан 8 см. гача оқ, сариқ, пушти, қизил рангларда. Уруғдан ва қаламчалардан кўпайтирилади. Уруғ-

лар январ-феврал бошларида яшикларга сепилади. 6-8 кунда күчатлар униб чиқади, уларни олдин яшикларга 3x3 см., сүнг барглар зичлашганда 5x5 см. масофада янги жойга күчириб ўтқазилади. 2-3 жуфт барглар фазасида ўсимликлар 7-9 см. ли тувакларга, апрел ойида эса доимий ўстириладиган жойга күчирилади. Ўсимликлар орасидаги масофа 30-40 см. бўлади.

Совуқча анча чидамлидир. Жанубда бир марга бошқа жойга кўришиб экилгандан сўнг, март ойида очиқ ерга ўтқазилади. Уруғдан экканда, серяпроқ бўлмаган гулларнинг катта фоизи кузатилади. Шунинг учун 100 фоизли серяпроқ ўсимлик олиш учун Шабо чиннигули қаламчалар билан кўпайтирилади. Аммо шуни белгилаш лозимки, қаламча билан етиштирилган ўсимликлар камроқ гуллайди. Март ойида қаламча ҳосил қилинади. Йлдиз отгандан сўнг, уларни кубиклар ёки 7-9 см. диаметрли тувакларга 1 тадан экилади ва иссиқхоналарга қўйилади. Экилгандан 5-6 ойдан сўнг, яъни июл ўрталаридан совуқ тушгунча гуллайди. Гуллаш давомийлигини узайтириш учун, биринчи совуқ тушгандан сўнг ўсимликлар диаметри 13 см.ли тувакларга кўчириб экилади. Улар совуқ ва ёруғ хоналарга қўйилади ва уларнинг гуллаши давом этади. Сўлиган гуллар ўсимлик манзарасига кучли таъсир кўрсатмаса ҳам, кейинги гуллар ривожини секинлаштиради. Гулдонлардаги сўлиган гулларни кесиб ташлаш керак. Шабо чиннигули қумоқ, унумдор, етарли нам тупроқларда ва қўёшли очиқ жойларда яхши ўсади, гуллайди, бу эса ёрқин ранглилигини ва катта ўлчамини таъминлайди. Ўсимликни янги, парчаланмаган органик ўйтлар солиниши билан экиш тавсия этилмайди. Кесиш учун, ёзги-кузги тувак ўсимлиги сифатида, клумба ва работкаларга экиш учун ишлатилади.

Лобелия — биологик хусусиятига кўра кўп йиллик ўсимлик, лекин манзарали боғдорчиликда бир йиллик ўсимлик сифатида кўпаяди. Қўнғироқгулилар оиласига мансуб. Гулчиликда лобелия эринус тури кенг тарқалган. Жанубий Африкадан келтирилган. Паст, ихчам, баландлиги 10 дан 25 см. гача. Гуллари кўп, диаметри 1 см. гача, оқ, кўк, тўқ зангори рангда. Охирги тилга олинган ранги айниқса, манзарали боғдорчиликда юқори баҳоланади. Июн охиридан октябр гача гуллайди. Сўлиган гуллар ўсимлик манзаралилиги-

ни пасайтиради, ёммо кесілгандан сұнг ўсимлик тез қайта гуллайды ва ўзининг олдинги чиройини яна тиклайды.

Уруғларни январ-феврал ойларида яшикларга әкиш билан күпайтирилади. Қоңда бүйича, бир йўла бир нечта яшикларга кўчириб ўтқазилади, апрел ойида эса очиқ ерга — доимий жойига әкилади. Экишдаги масофалар 8 дан 15 см.гача. Қуёшли жойларда, юмшатилган унумдор қумлоқ ёки қумлоқ тупроқда яхши ўсади ва гуллайды. Чириндига бой тупроқда ва сояда ўсимлик «семиради» ва ёмон гуллайды.

Лобелия эринус гиламли гулдонларда ва ҳимоячи ўсимлик сифатида ишлатилади. Унинг узун палакли шакли ампел ўсимлик сифатида — гулдонларда, яшикларда, айвонларда ва ҳоказоларда ишалтилади. Тувак ўсимлиги сифатида лобелия бир неча йил ўсиб, гуллаши мумкин.

Кўкнори — кўкнорилар оиласига мансуб. Манзарали боғдорчиликда кўп йиллик ўсимлик сифатида ҳам (шарқий ва яланғоч пояли кўкнори), бир йиллик ўсимлик сифатида ҳам (ухлатувчи кўкнори ва лолақизғалдоқ) ишлатилади. Ухлатувчи кўкнорининг боғ кўриниши Кичик Осиё ва Мисрдан келтирилган. Тупининг баландлиги 60-100 см. Барглари нотекис кесилган, тишли, пояси сингари кўк-яшил рангда. Гуллари зич серяпроқдир, диаметри 12 дан 16 см. гача, оқ, пушти, тўқ-қизил, бинафша рангда. Серяпроқлиги уруғ бериш унумдорлигига таъсир кўрсатмайди. Гуллаш давомийлиги катта эмас — 1,5-2 ҳафта. Гуллагандан сұнг ўсимлик манзарасини йўқотади. Кўчириб ўтқазишда чидамсиз. Қуёшли жойларда, қумлоқ, унумдор, деярли нейтрал тупроқларда кўп ва ёрқин гуллайды. Сув тақчиллигига гуллари майдалашади. Очиқ ерга кўчириб әкиш йўли билан март охирлари апрел ойи бошларида кўпайтирилади. Уруғчилик хўжаликларида тупларни танлашда ўсимлик орасида 15 дан 30 см. гача жой қолдирилиб яганаланади. Араш ва гулли майсазорларда ишлатилади. Зарурый ҳолларда работкалар ва гуруҳларда әкиш учун қўллаш мумкин. Бу ҳолда уруғларни 5-10 кун оралатиб уч хил муддатда әкилади, бу гуллаш давомийлигини узайтиради. Кесиш учун ишлатилганида, гуллари ярим очилган бўлиши керак.

Лолақизғалдоқнинг боғ шакли Жанубий Европа ва

Осиёдан келтирилган. Тупларининг баландлиги 35-70 см. дир. Туплар қуидан барглайди. Гуллари оддий ярим серяпроқ, диаметри 6 дан 10 см.гача, тупнинг юқориси ва чеккаларида жойлашган. Серяпроқлик уруғ бериш унумдорлигига таъсир кўрсатмайди. Гуллари оқ, пушти, қизил, айрим ҳолларда четлари оқ ҳошияли бўлади. Май ўрталаридан июн ўрталаригача гуллайди. Гуллаб бўлгандан сўнг ўсимлик ўз манзарасини йўқотади.

Резеда — кўп йиллик ўсимлик, манзарали боғдорчиликда бир йиллик ўсимлик сифатида ишлатилади. Резедалар оиласига мансуб. Шимолий Африка ва Жанубий Европадан келтирилган. Ўсимлик баландлиги 20-40 см. Тупи ихчам, тик турувчи ёки чирмашувчи. Барглари майда, узунчоқ. Гуллари майда, кўримсиз, яшил-сариқ ёки қизгиш рангда, зич пирамида сифат попукларга йигилган, кучли хушбўй ҳидга эга, резеда шу ҳиди учун экилади. Гуллари тупнинг юқори қисмидаги жойлашган ва баландлигининг $1/2 - 1/3$ қисмини ташкил қиласиди. Июн ўрталаридан совуқ тушгунча гуллайди. Сўлиған гуллари ўсимлик манзарасига сезилмас таъсир кўрсатади.

Уруғни очиқ ерга март охири-апрел ойи бошида экиш билан кўпайтирилади. Резеда ўқ илдиз тизимида эга бўлганлиги ва кўчириб ўтқазишда чидамсиз эканлиги учун, кўчат етиштиришда улар кубиклар ёки тувакларга кўчириб ўтқазилади ва очиқ ерга май ойи бошларида экилади. Очиқ қуёшли жойларда ўрта зичликдаги чириндиға бой тупроқларда яхши ўсади ва гуллайди. Рабаткалар, ҳимоя тўсиқлари, ҳошиялар айвон яшикларига экиш, гулдасталар ясаш учун кесишга ишлатилади.

Сальвия, шалфей (маврак) — биологик хусусиятига кўра кўп йиллик ўсимлик, аммо бир йиллик сифатида ҳам ишлатилади, ярим бута. Жанубий Америкадан келтирилган. Манзарали боғдорчиликда ялтироқ шалфей, қизил шалфей, доривор шалфей, адир шалфейи, кумуш ранг шалфейлар кенг тарқалган. Энг кўпи ялтироқ шалфей дир. Ўсимликнинг баландлиги 40 дан 80 см.гача, тупи зич, ихчам. Барглари оч-яшил рангда кичик, тухумсимон. Йирик бошларга йигилган, гуллар туп баландлигининг $1/2 - 1/3$ қисмини ташкил қиласиди. Гуллари оқ, пушти, қизил-бинафша рангда, аммо, айниқса, ёрқин қизил рангдаги гулли навлар юқори ба-

ҳоланади. Май ойидан союқ түшгүнча гуллайди. Үсимликлар 9-12° даражали ёруғ иссиқхонадаги тувакларга экилганда, гуллашини узайтириш мумкин. Сүлиган гуллар үсимлик манзарасини бузади. Асосан уруғдан, айрим ҳоллардагина қаламча билан күпайтирилади. Охирги ҳолда күзде союқ түшгүнча яхши, ихчам сөглем күчатлар танланади, кавлаб олиниси, диаметр 11 см. ли тувакларга экилади ва ёруғ, салқын иссиқхоналарда сақланади. Март ойда қаламча қилинади. Илдиз отган қаламчалар диаметри 7 см.ли тувакларга күчирилади. Уруғ феврал ойи охирида енгил озуқали тупроққа сепилади, күчатларни диаметри 7 см.ли тувакларга і тадан күчириб экилади. Очық ерга май ойи бошларида экилади, орасидаги масофа эса 20-25 см. бўлади.

Үсимлик очық, иссиқ қуёшли ер майдонларида юмшатилган унумдор тупроқларда яхши ўсади ва гуллайди. Ярим сояга чидамли. Үсимликни нам, чириндига бой тупроқларга экиш мумкин эмас, бу ҳолда сальвия яхши ўсади, лекин кучсиз гуллайди. Клумбалар, работкалар, массивлар, гулдонлар, айвонларда экиш учун ҳамда тувак үсимлиги сифатида ишлатилади.

Хушбўй тамаки — кўп йиллик үсимлик, гулчиликда бир йиллик үсимлик сифатида ишлатилади. Итузумдошлар оиласига мансуб. Жанубий Америкадан келтирилган. Бир неча тур тамаки экилади, лекин энг кўп тарқалгани хушбўй тамакидир. Үсимликнинг баландлиги 70-80 см., тури тарвақайлаган, бир неча бор гулловчи, пояли. Илдиз олди кенг чўзиқсимон барглар бир тўпламга йигилган, поя барглари эса бирмунча майдароқ. Гуллари оқ рангда ёқимли ўткир ҳидли (шу ҳиди учун тамаки экилади), тупнинг юқори қисмидаги гулбаргларга йигилган. Фақат кечқурун ва булути кунда кундузи очилади ва ҳид тарқатади. Июн ойидан союқ түшгүнча гуллайди. Гуллари сўлигандан сўнг кўринишини йўқотади. Пушти ва қизил гулли навлари ҳам мавжуд, улар кундузи ҳам очилади, аммо ҳиди йўқ, шунинг учун унча қадрланмайди.

Уруғлари феврал ойининг иккинчи ярми ва март ойи бошларида сепиб кўпайтирилади. Кўчатлари яшикларга ёки иссиқхона ерига кўчириб ўтқазилади. Ортиқча намлик кўчатлар чиришига олиб келади. Очық ерга үсимликлар май ойи бошларида экилади. Айрим ҳол-

ларда бевосита очиқ ерга уруғ сепилади. Икки қаторли экишда масофалар 70x40 см., уч қаторда — 40x30 см. бўлади. Тупроққа ва парваришга талабчан эмас, сояга чидамли ўфитланган қумоқ тупроқларда яхши ўсади. Суғориш яхши натижада беради. Дам олиш жойлари яқинига экиш ва чиройли гулловчи ўсимликлар билан бирга работкалар, гуруҳлар ҳосил қилиш учун ишлатилади.

Эшшольция ёки калифорния кўкнориси — кўкнорилар оиласига мансуб бир йиллик ўсимлик. Шимолий Америка (Калифорния)дан келтирилган. Ўсимликнинг баландлиги 30—50 см. гача. Поялари кўк-яшил, 5 дан 8 см.гача диаметрли оддий ва серяпроқ гуллар тупнинг юқори қисмида жойлашган. Ранги оқ, сариқ, пушти, олов ранг ва қизиллар. Қуёшли ҳавода (соат 10 дан 16 гача) очилади. Июндан совуқ тушгунча гуллайди. Сўлиган гуллар ўсимлик манзарасини бироз бўлсада камайтиради.

Эшшольция уруғдан кўпайтирилади, кўчириб ўтқазишга чидамсиз, шунинг учун очиқ ерга март ойи охири апрел ойи бошларида сепилади. Қишилдида экиш ҳам мумкин, бу эрта гуллашни таъминлайди. Яганалашдан сўнг ўсимлик орасидаги масофа 20-25 см. бўлади. Қуёшли томорқаларда қуруқ, сув ўтказувчан тупроқларда яхши ўсади ва гуллайди. Клумбалар, работкалар, гулловчи майсазорлар, альпинариялар, тошли томорқалар ва жанубий иссиқ қояларда ишлатилади.

Гилам ҳосил қилувчи ўсимликлар — булар ўтсимон ўсимликларнинг катта гуруҳи ҳамда кучсиз ўсуви ёки кесишга чидамли ва чиройли рангдаги баргларга эга ўсимликлардир. Улар қоида бўйича гиламли клумбалар, ёзувлар, жадваллар, суратлар, портретларни майсазорлар асосидаги таг ранглар орқали тасвирлаш ва ҳоказоларда қўлланилади. Кўпгина гилам ҳосил қилувчи ўсимликлар биологик хусусиятига кўра — иссиқ ўлкалардан келтирилган кўп йиллик ўсимликлардир, шунинг учун улар қиши давомида биологик хусусиятига мос келувчи турли тартибдаги иссиқхоналарда сақланади. Гилам ҳосил қилувчи ўсимликлар — озроқ гўнг чириндиси ва йирик донали қум қўшилган тупроқларда яхши ўсади ва гуллайди. Бундай ўсимлик парваришининг зарурий усуллари — даврий суғориш ва кесишdir.

Альтернантера — амарантлар оиласига мансуб кўп

йиллик ўсимлиқ. Жанубиј Америка (Бразилија) дан келтирилган. Альтернантера — гиламли гулчилика қўлланувчи асосий ўсимликлардан биридир, чунки унинг барглари ёрқин рангли, бир текис ўсади ва гулдонларнинг тоза кўринишини таъминлайди. Пастак, ихчам, баландлиги 8-12 см. гача бўлган ўсимлиқ. Барглари ништарсимон, ранги қизғиши-пушти ёки сарғиши-кўқдир, қуёшда уларнинг ранглари ёрқинлашади. Манзарали боғдорчиликда энг кўп тарқалгандар қўйидагилар: Ёқимли альтернантера баландлиги 10 см. гача бўлган ўсимлиқ, ингичка эллиптик баргли, яшил, қизил ва олов рангининг турли тусларида. Бетзик альтернантера раси — турлари катта миқдорда мавжуд, барглари яшил, қизил ва сариқ рангда. Шу гуруҳга тилла ранг альтернантера — тилла-сарғиши рангидаги баргли ва уч рангли альтернантера, унинг барглари яшил, қизил, пушти рангларда, айрим ҳолларда эса сариқ рангда ҳам бўлади, турли рангли альтернантера — баландлиги 15 см. гача, ялтироқ-бинафша рангли баргларида пушти-қизил ва сок доғлари мавжуд.

Қаламчалар билан қўпайтиришда туплар қиши давомида ёруғ иссиқхонада $14-16^{\circ}$ ҳароратда сақланади. Ўзгарувчан ҳарорат нотекис суғориш ўсимлика ёмон таъсир қиласди ва нобуд бўлиши мумкин.

Қаламчалар март ойида олинади. Қаламчалар субстрат ҳарорати $20-22^{\circ}$ бўлган иссиқ токчаларда ёки токчаларга ўрнатилган парникчаларда илдиз отади. Апрел ойининг иккинчи ярмидан улар яхши иситилган иссиқхоналарда ҳам тез илдиз отади. Иссиқхона ёки токча ерини $0,5-1$ см. қалинликдаги ёланган қум билан қопладилар. Қаламчалар экилгандан кейин иссиқхона ромлари бирмунча муддатга соя солинади. Март ойида қаламчалар $10-12$ кундан кейин, апрел ойида эса $5-8$ кундан кейин илдиз отади. Шундан кейин, совуқ уриш эҳтимоли бўлмаса, ромларни очиш мумкин. Бу ҳолда қаламчалар тоза ҳавога ўрганади, барглар эса қуёшда ёрқин рангда товланади. Совуқ тугаши билан, май ойи бошларида кўчатлар доимий жойига экилади. Экишда ўсимликлар орасидаги масофа $6-10$ см. бўлади.

Альтернантера иссиқ, қуёш яхши тушадиган томорқада, енгил, унумдор, нордон бўлмаган, ўртача нам тупроқларда яхши ўсади. Кесилганда ўсимлиқ кучли шохланади ва катта миқдорда барглар чиқаради, бу

билан у чиройли күринишга эга бўлади. Ўсимлик баландлиги 20 см. гача чегарада кесиш билан таъминлаш мумкин. Альтернантера гиламли, клумбалар, ҳошиялар, расмлар, портретлар ва ҳоказолар учун ишлатилади. Уни яна манзарали — баргли тувак ўсимлиги сифатида ва гуллар кўргазмасида таг ранглар ташкил қилиш учун ҳам экиш мумкин.

Ахирантес — биологик хусусиятига кўра кўп йиллик ўсимлик, манзарали боғдорчиликда гилам қилувчи ўсимлик сифатида ишлатилади. Амарантлар оиласига мансуб. Жанубий Америкадан келтирилган. Қуйидаги турлари энг кўп тарқалган, Веरшафель ахирантеси — барглари қизғиши рангда ва Бимюллэр ахирантеси — пастак ўсимлик, барглари қизғиши жигарранг. Ўсимлик баландлиги 30—60 см. Барглари ясси узунчоқ, учлари бўлинган.

Асосан қаламчалар билан кўпайтирилади. Она тупларни қиши даврида ёруғ иссиқхоналарда 8-12° да сақланади. Қаламчаларнинг илдиз отиши иситилган ерда февралдан майгача амалга оширилади. Илдиз отгандан сўнг ўсимликлар диаметри 7 см. бўлган тувакларга экилади. Очиқ ерга май ойлари бошларида экилади, чунки ўсимлик енгил совуққа ҳам чидамсизdir. Ўсимлик 8 дан 12 см. гача оралиқда экилади. Иссиқ, ёруғ томорқаларда яхши ўсади, шунингдек, ўртача унумдор тупроқларда яirim соядга ҳам ўсиш хусусиятига эга. Янги солинган гўнгли ўғитга экиш мумкин эмас. Суфориш зарур, акс ҳолда, узоқ муддат намлик етишмаса, ўсимлик қуви қисмидан яланғочлашади. Кесганда ўсимлик яхши шохланади ва манзараси ортади. Мавсумда 2-4 марта кесилади. Гиламлар ташкил қилиш клумбалар ва рабаткаларда экиш ҳошияли безатиш, тўғри чизиқ ҳосил қилиш учун, айrim ҳолларда гуруҳлар кўринишида, алоҳида экишда гулдонларда ишлатилади.

Гнафалиум, сушеница — қўқонгуллilar оиласига мансуб кўп йиллик ўсимлик. Жанубий Европадан келтирилган. Қўчатлар баландлиги 30—50 см. Барглари майда, узунчоқ, кумуш ранг. Феврал ойи ўрталарида қаламчалар билан кўпайтирилади. Яхши илдиз отиши ва ўсиши тупроқнинг қизишига боғлиқ. Илдиз отгандан сўнг кўчат диаметри 7 см. бўлган тувакларга экилади. Очиқ ерга май ойи бошларида ўтқазилади. Ўсимликлар орасидаги масофа экиш даврида 6—8 см. бўлишига эътибор берилади.

Тайёрлаб қўйилган она туплар ёруғ қуруқ иссиқхо-

наларда, бир меъёрда суғориш ва мўътадил ҳароратда ($6-10^{\circ}$) қишлияди. Туваклар токчалардаги ерларга кўмилади. Ортиқча намлиқ, томчилар, кўп суғориш ўсимликнинг чиришига ва нобуд бўлишига сабаб бўлади. Қуруқ тупроқларда яхши ўсади. Кесгандан сўнг тез ривожланади. Гиламли клумбаларда ва уларни ҳошиялашда ёзги ампел ўсимлик сифатида — яшиклар, гулдонлар, туваклар, айвонларда экиш ва безак учун ишлатилади.

Ирезине — биологик хусусиятига кўра кўп йиллик ўсимлик, амарантлар оиласига мансуб. Марказий Америкадан келтирилган. Қўкаламзорлаштиришда ирезиненинг бир нечта тури ишлатилади. Тўқ-қизил ёки сариқ-яшил рангли барглари учли ва қизғиши-жигар рангда, барглари юмaloқ ўсимлик. Қўриниши жиҳатдан ахирантесдан ўтиб кетади ва кесгандан сўнг яхшироқ кўкаради. Тупларнинг баландлиги 30—40 см., гуллари хира. Шунинг учун ўсимликни тез-тез кесиб, гулашига йўл қўйилмайди.

Кузда тайёрланган туплари ёруғ, қуруқ иссиқхоналарда $10-12^{\circ}$ да сақланади. Қишлош давомида иоқулай шароит туғилса, ўсимлик баргларини тўкиб юборади. Қаламчалар олиш даврида яхши ўсади. Битта яхши ривожланган она тупдан 8-10 та қаламча олиш мумкин. Қаламчаларнинг илдиз отиши март—апрел ойи бошларида токчаларда ёки иссиқхоналарда амалга оширилади. 3-4 жуфт барғ пайдо бўлганда бошқа жойга ўтқазилади. Очиқ ерга совуқлар тугагандан кейин экилади. Ўсимликлар 8-12 см. оралиқдаги масофада экилади.

Ёруғ, иссиқ томорқаларда, юмшатилган унумдор тупроқларда яхши ўсади, лекин уни янги гўнг устига экиш мумкин эмас. Кесишига мойиллиги яхши. Гиламли экинлар сифатида, ҳошиялар ҳосил қилинади ва яшиклар, гулдонларга экиш учун, айрим ҳолларда хона ўсимлиги ўрнида ишлатилади.

Клейния — биологик хусусиятига кўра кўп йиллик ўсимлик. Қўқонгуллилар оиласига мансуб. Жанубий Африкадан келтирилган. Ўсимлик пастак, баландлиги 7-10 см. Барглари кичкина, ингичка, цилиндричесимон, серсув, кўк ва оқиши рангда. Туплари қуруқ, ёруғ иссиқхоналарда $5-7^{\circ}$ да қишлияди. Қиши даврида суғориш талаб қилинмайди. Қаламча кўчатларни чиrimаслиги учун суғориш шарт эмас. Қаламчалар тез илдиз отгач, диаметри 7 см. бўлган тувакларга кўчириб экилади.

Очиқ ерга май ойи бошларыда ўтқазилади. Құмлоқ тупроқтарда, қүёш яхши тушадиган томорқаларда яхши ўсади. Суғорышга талабчан эмас.

Гиламли гулдонларда — ҳошиялар ва зангори рангдаги аниқ чизиқлар ташкил қилиш учун ишлатилади, гилам ҳосил қилувчи ўсимликлардан бунёд этиладиган портретлар учун тенгсиздир. Хона ўсимлиги сифатида ҳам фойдаланса бўлади.

Мезембриантейум ёки полуденник — биологик хусусиятига кўра кўп йиллик ўсимлик. Аиз оиласига мансуб. Африкадан келтирилган. Ўсимликнинг бўйи пастак, чирмашиб ўсадиган, пояли. Барглари серсув, юмaloқ-тухумсимон, ола-була сариқ рангда. Ўсимликнинг тўлиқ зичлигига тўлиқ гилам ҳосил бўлади. Гуллари майдা, қизил-нафармон рангда, фақат қуёшли кунда очилади, кўриниши чиройли.

Уруғдан кўпайтирилади, лекин кўпинча феврал ойи охирида қаламчалардан ҳам кўпайтириш мумкин. Қуйидан қизитилганда яхши илдиз отади, шунинг учун қаламчали яшиклар иситиладиган токчалар ёки иссиқхоналарга жойлаштирилади. Очиқ ерга май ойи бошларыда экилади. Ўсимликларни 8—12 см. оралиқдаги масофада экиш лозим. Она туплар диаметри 11 см. бўлган тувакларда ёки кўчатлар кўчириб экиладиган яшикларда қуруқ ва ёруғ иссиқхоналарда 6—8° да сақланади. Қишида ўсимлик кам сугорилади. Иссиқ, қуёшли, қуруқ жойларда яхши ўсади, экишга енгил тупроқ тавсия қилинади. Гиламли экинзорларда оч-сариқ ранг ҳосил қилиш учун ишлатилади.

Овсяница, фестука — кўп йиллик ўсимлик, злаклар оиласига мансуб. Европа ва Осиёнинг мўътадил иссиқ зоналаридан келиб чиққан.

Кўк овсяница ўсимлигининг (кўпроқ гиламли гулчиликда ишлатилади) баландлиги 10 см. га етади. Барглари ингичка, чўзинчоқ, кўк-кумуш рангда. Асосан тупини бўлиш йўли билан, баъзи ҳолларда уруғдан ҳам кўпайтирилади. Туплар совуқ тушгунча тайёрланади ва диаметри 7 см. бўлган тувакларга экилади. Қишида туплар ёруғ ва қуруқ ҳамда шамоллатилиб туриладиган иссиқхоналарда сақланади. Нам хоналарда ўсимликлар чирийди ва нобуд бўлади. Феврал—март ойларида тупларни бўлиш билан кўпайтирилади, уларни яшикларга (ёки диаметри 7 см. бўлган тувакларга) чириндили тупроқ ва 1/4 қисм йирик донали қум ара-

лашмасига экилади. 5 майдан сүнг доимий жойга экилади. Экишда ўсимликлар орасидаги масофа 4 дан 8 см. гача бўлади. Овсянича қуёшли жойлардаги юмшатилган қуруқ тупроқларда яхши ўсади. Ортиқча намликин ёқтиримайди.

Гиламли экинзорларда, кескин ажralиб турувчи ингичка чизиқлар ўтказиш, таг ранглар ҳосил қилиш учун ва тошли томорқаларда ишлатилади.

Седум, очиток — кўп йиллик ўсимлик, этдорлар оиласига киради. Зангори седум — очиқ ерда қишлиди, ола-була баргли седум — очиқ ерда қишиламайди. Булар гулчиликда кенг қўлланилади.

Лидум седуми жуда пастак, баландлиги 3—4 см, барглари яшил-кул рангда ёки хира-сариқ. Қаламчалар ва туп бўлиш йўли билан кўпайтирилади. Бир хил таг рангли расмлар ташкил қилиш учун ишлатилади.

Ола-була баргли седум — кўп йиллик, Шарқий Осиёдан келиб чиқсан, чирмашувчи ўсимлик, баландлиги 5 см. гача бўлиб, этдор, ёрқин ола-була баргли. Тез илдиз отувчи қаламчалар билан кўпайтирилади. Кўкариш жойида қаламча пайванд қилиш мумкин. Очиқ ерга экиш ёки қаламча қилиш феврал—март ойларининг биринчи ярмида амалга оширилади. Усимлиknинг она тури қиша ёруғ ва қуруқ иссиқхоналарда 4—5° да сақланади. Бир ўсимликтан 10—12 та қаламча олинади, кесишга чидамли.

Гиламли гулчиликда яссиликлар, айланаларни тўлдириш, ёзувлар битиш ва паст ҳошиялар учун ишлатилади.

Эверс седуми — кўп йиллик, Олтойдан келиб чиқсан. Ўсимлиknинг баландлиги 10—15 см. поялари чирмашувчи, улар тўлиқ гилам ҳосил қилади. Барглари кул ранг, ола-чипор, кузда паст ҳароратда қизаради. Уруғ экиш йўли билан ва қаламчалар ёрдамида кўпайтирилади. Очиқ, қуёшли жойларда, ўғитланган ўртача нам тупроқларда яхши ўсади. Гиламли гулчиликда ишлатилади.

Манзарали боғдорчиликда яна аччиқ седум, ёлончи седум ва бошқалар ишлатилади.

Сантолина — биологик хусусиятига кўра кўп йиллик ўсимлик, қўёнгугуллилар оиласига мансуб. Жанубий Европадан келтирилган. Жанубда очиқ ерда қишилайди ва жуда йирик тупли, диаметри 80 см. гача бўлади.

Тупларининг баландлиги 50—60 см., ихчам, зич, барглари кумуш рангда, нинасимон, ўткир ҳидга эга. Феврал ойларида тайёрланган қаламчалар билан кўпайтирилади, улар яшиклар ёки токчаларга экилади ҳамда ойналар ёки иссиқхона ромлари билан беркитилади, 10—12° да сақланади. Илдиз отган қаламчаларнинг диаметри 7 см. бўлган тувакларга 1 тадан экилади. Очик ерга экишдан олдин ўртача шамоллатиладиган соясиз парникларда сақланади. Доимий жойга май ойи бошларида 6—10 см. масофада экилади.

Она туплари ёруғ иссиқхоналарда 6—8° да сақланади. Қўёшли жойларда енгил оҳакланган тупроқларда яхши ўсади. Кесишга ва шакл беришга чидамли. Ҳошиялар, ёзувлар, гуруҳлар учун, гиламли экинзорларда ингичка чизиқлар ҳосил қилиш, тошли боғчаларда ва альп тоғларида ишлатилади.

Тилла ранг фуксия — биологик хусусиятга кўра кўп йиллик ўсимлик, қизилбарглилар оиласига киради. Жанубий ва Марказий Америкадан келтирилган. Тупларининг баландлиги 15—20 см., ихчам. Барглари сарғиши-тилла рангда, тўғри жойлашгандир. Ўсимлик жуда манзарали. Қаламчалар билан, айрим ҳолларда уруғлардан кўпайтирилади. Уруғлар билан кўпайтирилганда бир хил ўсимликлар олинмайди. Она туплар олдиндан, кузги совуқлар тушмасдан олиб қўйилади. Қишида фуксия ўсимлиги тиним даврида бўлади. Улар ёруғ, қуруқ иссиқхоналарда 5—6° да сақланади. Ўртача сугорилаади. Эрта баҳорда фуксия кесилади, шундан сўнг пояларидан тез, янги ёш новдалар ўсиб чиқади. Улар қаламча сифатида ишлатилади. Май ойида совуқлар туғагандан сўнг очик ерга 8—12 см. оралиқ билан экилади. Фуксия очик, қуёшли жойларда яхши ўсади. Соядада эса рангларининг ёрқинлиги йўқолади. Гиламли экинзорларда, айрим ҳолларда ойнавон иссиқ бино ва хона ўсимлиги сифатида ишлатилади.

Эхеверия — биологик хусусиятига кўра кўп йиллик ўсимлик, этдорлар оиласига мансуб. Марказий ва Жанубий Америкадан келтирилган.

Гулчиликда асосан қуйидаги турлари экилади: кўк эхеверия, агава сифат эхеверия, металл эхеверия.

Эхеверия уруғлар ва қаламчалар билан кўпайтирилади. Поялари ҳамда барглари қаламча бўлади. Қиши вақтида она туплар қуруқ иссиқхоналарда 5—8° да

сақланади, кам сүфорилади. Гул феврал ойнда 16—20° ли иссиқхоналарда әкилади. Күчатлар яшикларга күчириб ўтқазилади ва иссиқхоналарда сақланади. Ўсимлик диаметри 2 см. га етганды кичик тувакларга әкилади, бу туваклар 4 қисм серажриқ тупроқ, 2 қисмдан чириндили ва сербарг тупроқлар, 1 қисм йирик донали қум аралашмаси билан тұлдырилади.

Баргли қаламчалар күпайтиришнинг энг күп тарқалған усулидир. Кесилган ёки бўлинган барглар март-апрел ойларида енгил сўлитилади ва қумга әкилади. Қаламчали яшиклар иссиқхоналарга сақлаш учун қуийлади. Тез орада барг негизида кейинги мавсумда ишлатиш учун қулай бўлган янги ўсимлик юзага келади. Эхевериянинг баланд бўйли, пояли турларида ўсимлик шохларининг юқори қисмини қаламча қилиш яхши натижа беради. Совуқ уриш эҳтимоли бўлмаганда эхеверия очиқ ерга 8—12 см. оралиқда әкилади. Очиқ, қуёшли жойларда, сув ўтказувчан енгил тупроқларда яхши ўсади. Гиламли экинзорларда ва пастак ҳошиялар ҳосил қилишда ишлатилади.

Чирмашиб ўсувчи ўсимликлар. Чирмашувчи бир йилликлар — жуда қимматли ўсимликларнинг кичик гуруҳидир, улар вертикал кўкаламзорлаштиришда, яъни деворларни, айвончаларни, устунларни, трельяжларни, перголларни безатишида ва майсазорларда устунлар, пирамидалар кўринишида экиш учун ишлатилади. Барча чирмашувчи бир йилликлар фақат юқори агротехникада — чуқур юмшатилган тупроқда, катта миқдорда ўғитлар солинганда, узлуксиз сугоришида, кесиб туриш ва ҳоказоларда яхши ўсиб гуллайди. Күчатлар учун таянч сифатида кўпинча симлар қўлланилади.

Қуидаги ўсимликлар кўпроқ әкилади: ипомея, хушбўй нўхат, манзарали ловия, палакли настурция. Партонацисус (беш бармоқли узум).

Вьюнок, қирмизи ипомея — бир йиллик ўсимлик, чирмовуқлар оиласига мансуб, Марказий ва Жанубий Америкадан келтирилган. Ипомея жуда тез ўсади ва қисқа муддатда кўчатлар баландлиги 3—4 м. га етади. Барглари оч-яшил рангда, кетма-кет жойлашган, тухумсимон учли. Гуллари воронка кўринишида, диаметри 4 дан 6 см. гача оқ, пушти, қизил-қирмизи, зангори, кўк, бинафша рангда, бир тусда ёки ола-чипор. Серяпроқ шакллари ҳам учрайди. Июн ойн охиридан

октябр ойигача гуллайди. Сүлиган гуллар ўсимлик манзарасига таъсир кўрсатмайди.

Уруғдан кўпайтирилади. Уларни апрел ойида донмий жойга ёки тувакларга 2—4 тадан уруғ қилиб экилади. Кўкариб чиққан ўсимликлар очиқ ерга апрел ойининг иккинчи ярмида экилади. Кўчириб ўтқазишда тупроқ билан олинади, акс ҳолда тутишиб кетиши қийин бўлади. Экишда ўсимликлар орасидаги масофа 15—20 см. бўлишига эътибор бериш лозим.

Қуёшли, кучли шамоллардан ҳимояланган жойларда яхши ўсади, тупроққа талабчан эмас. Иломеяни парвариш қилишда муҳим воситалардан бири — бу ўсимлик атрофига каноп ип тортишdir. Айвончалар, деворлар, панжарааларни кўкаламзорлаштириш ва айрим ҳолларда пирамидалар ўрнатиш учун майсазорларда ишлатилади.

Хушбўй нўхат — бир йиллик чирмашувчи ўсимлик, ловиялар оиласига киради. Ўрта Ер денгизи туманлари ва Шарқий Ҳиндистондан келтирилган. Хушбўй нўхатнинг қовурғасимон ингичка пояларининг узунлиги 0,3—3 м. га етади. Барглари яшил рангда, мураккабдир, баргчалари 2—3 жуфт бўлиб, кетма-кет жойлашган. Гулларининг диаметри 3 дан 5 см. гача, битта гул тўпламида 3—12 тадан гул мавжуд, ранги оқдан то қирмизигача, бир хил ва ола-була, ёқимли ўткир ҳидли. Айрим ҳолларда серяпроқлилари ҳам учрайди. Май ойидан август ўрталаригача, агар гуллари узлуксиз кесиб турилса совуқ тушгунча гуллайди. Гуллаб бўлгандан сўнг ўсимлик ўз манзарасини йўқотади.

Уруғдан кўпайтирилади, апрел ойида диаметри 9 см. ли кубикларга экилади (яхшиси ундирилган уруғлар) ва иссиқхоналарга қўйилади. Очиқ ерга апрел ойи бошларида экилади. Кечки гулларга эга бўлиш учун эса, май ойида очиқ ерга 50—70 см. кенгликда жўяк олинади. 15—20 см. оралиқда ўсимликлар экилади. Пастак навлар ипга тортишга ярамайди баланд бўйли ўсимликларни эса ўсиш бошида 2—3 жойидан горизонтал тортилган симга ёки каноп ипга боғланади. Уруғчилик мақсадида хушбўй нўхатнинг элита уруғини олиш учун асосининг диаметри 80 см. бўлган пирамидаларда ўстириши мақсадга мувофиқдир. Бунда айлананинг ўртасига 2 м. ли қозиқ қоқилади, қозиқча эса ўсимликлар атрофидаги майда қозиқчалардан каноп ип

тортилади. Катта уругчиликда хушбүй нўхат ишкомларда етиширилади.

Хушбүй нўхат қўёшли жойларда, ўрта, чуқур кавланган ва яхши ўғитланган қумоқ тупроқларда чиройли кўринишда бўлади. Ўтоқ қилиш, юмшатиш, суғориш—гуллашни узайтиради. Тупроқда намлик кам бўлса, гул ва ғунчалари тўкилади. Вертикал кўкаламзорлаштириш, майсазорда пирамидалар, ишкомлар ташкил қилиш, айвонларга экиш учун ишлатилади.

Манзарали ловия, боғ ловияси, турк ловияси — ловиялар оиласига мансуб бир йиллик ўсимликдир. Ҳиндистон ва Жанубий Америкадан келтирилган. Гулчинликда қўйиндаги навлари экилади: Қапалак, Френч, Мамонт, иккни рангли ва бошқалар.

Жуда тез ўсуви ўсимлик, поясининг узунлиги 4—5 м. га етади. Барглари тўқ-яшил рангда, учланган мураккаб, йирик. Гуллари кичик, оқ, пушти, қизил ва олабула рангда, бир нечтадан гулбаргларда йиғилган. Ўсимлик манзараси гуллаб бўлгандан сўнг сезилмас дараражада пасаяди. Уруғдан кўпайтирилади. Эрта гуллаши учун март ойида кубиклар ёки диаметри 9 см. бўлган тувакларга 1—2 тадан экилади. Кубиклар иссиқҳоналар ёки кўчатзорларга қўйилади, улар тез-тез шамоллатилади. Совуқ уриш эҳтимоли тугаши билан, ўсимликлар доимий жойига кубикни сақлаган ҳолда ёки тупроқ билан экилади, экишда ўсимликлар орасидаги масофа 15—20 см. бўлиши лозим. Қечки гуллаш учун уруғлари очиқ ерга апрел ойида экилади.

Қўёшли жойларда, яхши оҳак билан ўғитланган тупроқларда ўсимлик ўзининг чиройли кўринишга эга бўлади. Янги солинган гўнг устига ловияларни экиш мумкин эмас. Қуруқ ҳавода кўпроқ сугорилади. Кўчатлар ўстириш учун ўз вақтида иплар тортиш керак. Айвонлар, деворлар, пирамидалар ва бошқаларни кўкаламзорлаштириш учун ишлатилади.

Қуруқ гулдасталар ҳосил қилувчи ўсимликлар. Манзарали боғдорчиликда жуда кам ўсимликлар гуруҳини қуруқ гуллар ташкил қиласи, уларни айрим ҳолларда ўлмасётлар ёки иммортеллар дейилади. Тўғри тайёрланганда улар табиий рангини сақлайди ва бундан қишики гулдасталар ташкил қилиш учун ишлатиш мумкин, айрим турлари клумбалар, работкалар ва гуруҳларга экилади. Уларнинг гуллаши авжига чиқсан даврда гулдасталар тайёрланади. Кесилган гуллар кичик

даста-даста қилиб (10—15 тадан) боғланади ва гуллари пастга қилиб соя жойга осилади. Бир неча кундан сўнг улар қуриб, гулдасталар ва бошқа оранжировкалар тузиш учун тайёр ҳолга келади. Қуритилган ўсимликлар узоқ муддат сақланиши мумкин.

Қуйидаги ўлмасўтлар кенг тарқалган:

Акроклиниум, стеблеклонник — қўқонгуллилар оиласига мансуб бир йиллик ўсимлик. Австралиядан келтирилган. Тупининг баландлиги 45—50 см. гача, барглари кичик. Гулбарглар диаметри 4 см. гача бўлиб узун пояларнинг учларида, ўсимликнинг юқори қисмида жойлашган. Найсимон сариқ рангдаги гулчалар — саватча бўлиб гулбаргларга йифилган ва оқ ёки пушти рангдаги ҳошиялар билан ўралган, булар ўсимлик манзарасини қасб этади. Июн ойи охиридан сентябр ойигача гуллайди. Гуллаш сўнгидаги гулбарглар ўз манзарасини йўқотади.

Март ойида уруғ сепиш йўли билан кўпайтирилади. Кўчатларни яшикларга ёки иссиқхонага кўчириб экилади. Апрел ойи охирида очиқ ерга ўтқазилади. Совуқка чидамли, экишда туплар орасидаги масофа 20—25 см. бўлиши лозим. Қуёшли жойларда, енгил қумлоқ, бироз нордон ўғитланган тупроқда яхши ўсади ва гуллайди. Ортиқча намлиқ ва янги гўнгга таъсирчан. Қишки гулдасталар (тўлиқ очилган гулбарглар кесилади) учун, айрим ҳолларда гуруҳларда, массивларда, миксбордерларда ишлатилади.

Гелихризум, ўлмасўт — кўп йиллик ўсимлик бўлса ҳам бир йиллик ўсимлик сифатида экилади. Қўқонгуллилар оиласига мансуб. Австралиядан келтирилган, лекин ёввойи турларининг кўпчилиги Европа, Осиё ва Африкада ҳам ўсади. Гулчиликда катта гелихризум кенг тарқалган.

Тупининг баландлиги 80 дан 100 см. гача, тарвақайлаган, аммо пастак хиллари ҳам мавжуд. Гулбарглар тупнинг юқори қисмида жойлашган, ўртача ва кучли серяпроқ, диаметри 7 см. гача, турли тусларда — оқ, бронза-сариқ, пушти, қизил, тўқ-бинафша. Гуллаб бўлгандан сўнг ўсимлик ўз чиройини йўқотади.

Уруғларни феврал ойи охири ва март ойи бошларида экиш билан кўпайтирилади. Кўчатлари иссиқхона ерига ёки яшикларга кўчириб ўтқазилади. Май ойида кўчатлар очиқ ерга экилади, бунда туплар орасидаги масофалар 20—30 см. бўлиши керак.

Қуёш нури яхши түшадиган очиқ жойларда, етарли үфитланган, юмшоқ тупроқларда яхши ўсади ва гуллайди. Рабаткаларга, гуруҳларга экиш, қишки гулдасталар тайёрлаш учун ишлатилади.

Гомофrena — амарантлар оиласига мансуб бир йиллик ўсимлик, Ҳиндистондан келтирилган. Гулчиликда шарсимон гомфrena ва унинг пастак оқ-қизил гулли шакли маълумдир. Ўсимлик баландлиги 40—50 см. Барглари кулранг, ялтироқ. Гуллари майда, шарсимон гулбаргларга йифилган, уларнинг диаметрлари 2,5 см. гачадир, ранги оқ, пушти, қизилдир. Июл ойидан сентябр ойигача гуллайди. Гуллари сўлигач ўсимликларнинг манзарали кўриниши камаяди.

Уруғидан кўпайтирилади. Апрел ойида экилади ва иссиқхонага кўчириб кўчат қилинади. Совуқлар тугагач, кўчатлар очиқ ерга экилади, оралиқ масофалар эса 15—20 см. бўлади. Очиқ, иссиқ, қуёшли шамолдан ҳимояланган жойларда яхши ўсади ва гуллайди. Ортиқча сувга чидамсиз. Асосан қуруқ гулдасталар, работкалар, гуруҳлар, миксбордерларда экиш учун ишлатилади.

Кермек, статица, лимониум. Бир йиллик турлари ҳам, кўп йиллик турлари ҳам мавжуд. Манзарали гулчиликда бир йиллик сифатида ишлатилади. Жанубий Европа, Ўрта Осиё, Жазоир адирлари, қумлоқ ва шўр ерларда ўсади.

Гулчиликда қуидаги турлари экилади: татар кермеки, кенг баргли кермек, баланд бўйли кермек. Бошқа турлари эса камроқ учрайди. Тупининг баландлиги 25—90 см., турли шаклда. Барглари йирик, илдиз олдига тўпланган, юқоридаги барглари қалин, майдароқдир. Гулларининг катталиги турлича (диаметри 1 дан 3 см. гача), ранги оқ, сариқ, пушти, кўк-бинафша, бир хил тусда ва ола-була. Июл ойидан совуқ тушгунча гуллайди. Гуллаб бўлгандан сўнг ўсимлиknинг манзаравий қиёфаси бирмунча пасаяди.

Уруғлари феврал ойида экиш билан кўпайтирилади. Кўчатлари диаметри 9 см. ли тувакларга учтадан кўчириб ўтқазилади. Апрел ойи охири, май ойи бошларида очиқ ерга кўчат қилинади. Кўчатлар орасидаги масофа, навига қараб 20 дан 40 см. гача бўлади. Қуёшли жойларда, юмшатилган, сув ўтказувчан тупроқларда яхши ўсади ва гуллайди. Гул экинзорларига, тошли

жойларга, миксбордерларга, гурухларга әкіші, кесишів қишки гулдасталар тайёрлаш учун ишлатилади.

Роданте—құңғуллар оиласига мансуб бир йиллик ўсимлик. Австралиядан көлтирилган. Ўсимликнинг баландлығы 25—35 см. Туплари тарвақайлалан, барглари тухумсимон чүзинчоқ. Гулбарглар ўсимликнинг юқори қисміда жойлашган, унча катта әмас, (диаметри 2,5 см. гача) пушти ва пушти-қизил рангда. Июн ойидан сентябр ойигача гуллайды. Гуллар тугаганда ҳам ўсимликнинг манзарали күриниши пасаймайды. Уруғларни феврал-март ойларыда әкиб күпайтирилади. Иссиқхона ерига ёки яшикларга күчириб күчат қилинади. Совуқлар тугаши билан оқиқ ерга әкилади. Ўзбекистон шароитида бевосита оқиқ ерга әкиш йўли билан етишириш мумкин. Әкиш даврида ўсимликлар орасидаги масофанинг 15—20 см. бўлишига эътибор бериш лозим. Қуёшли, иссиқ жойларда, юмшоқ тупроқларда яхши ўсади, совуқса, нам жойларга чидамсиз.

Қишки гулдасталар ташкил қилишда, рабаткалар ва гурухларга әкиш учун ишлатилади.

VI. ИККИ ЙИЛЛИК ГУЛ ЎСИМЛИКЛАРИНИНГ ҚИСҚАЧА ТАЪРИФИ

Етиширишнинг иккінчи йилида манзарали ўсимлика — иккі йиллик ўсимлик деб айтилади, яъни иккі йиллик ўсимликларга уруғи баҳорда ёки ёз бошларыда әкилиб, кейинги йили гулловчи ўсимликлар киради. Алоҳида ўсимликлар («маҳмаданаалар») ва уларнинг айрим турлари биринчи йилда ёк гуллаши мумкин (масалан, виола), аммо кучли ривожланиш ва кўп гуллаш иккінчи йилда кузатилади. Шундай қилиб биринчи йили ўсимликда илдиз олди барглари, иккінчи йили эса — гулпоялари, гуллар ва уруғлар ривожланади.

Деярли барча иккі йилликлар — кўп йиллик ўсимликлардир, аммо учинчи ва кейинги йилларда вегетация давом этса ҳам, туплари пала-партиш, гуллари ва гулбарглари майда бўлади ҳамда ўзининг манзарали қиёфасини йўқотади. Бундан ташқари, ҳаётининг учинчи йилида қишдан чиққан ўсимликлар сони кескин камаяди, улардан кўпчилиги нобуд бўлади. Иккі йилликлар-

ни асосан март — апрел ойларида яшиклар, иссиқхоналар, күчтазорлар ёки очиқ ернинг жўякларига экилади. Бир йиликлар сингари янги жойга кўчириб кўчат қилинади. Доимий жойнга ёки заҳирадаги жўякларга улар май—июн ойларида экилади. Айрим ҳолларда виола сингари незабудка, маргариткалар ҳам эрта баҳорда гуллаши учун октябрда экилади.

Ҳаётининг иккинчи йилида парвариш — тупроқни юмшатиш, ўташ, сугориш ва озиқлантиришдан, зарурӣ ҳолларда — каноп ипларга тортиш ва қуриган гуларни кесишдан иборатdir. Иккинчи вегетация даврида икки марта — 10 л. сувга 15 г. аммиакли селитра, 30 г. суперфосфат ва 8—10 г. калий хлор қўшган ҳолда ($2-3\text{ m}^2$ кўкарамзорлаштириш майдони) озиқлантирилади. Икки йиллик ўсимликлар гулзорларни баҳорги безашда ишлатилади, чиннигул, насперстянка, ўрта қўнғироқгул кабилар. Кўпгина икки йиллик ўсимликларни эрта баҳорда тезлаштириб етиштириш учун қўллаш мумкин.

Кенг тарқалган икки йиллик ўсимликларнинг қисқача тавсифлари қўйида келтирилади:

Виола, уч рангли бинафша, анютанинг кўзлари — биологик хусусиятларига кўра кўп йиллик ўсимлик, лекин манзарали боғдорчиликда икки йиллик, айрим ҳолларда эса бир йиллик сифатида ишлатилади. Бинафшагуллilar оиласига мансуб. Европа ва Осиёда тарқалган 45 га яқин турлари маълум. Вноланинг боғ шакллари — уч рангли бинафша ва айрим бошқа турларини гибридлаш ва танлаш натижасида келиб чиққан. Виола — маълум даражада кенг тарқалган, эрта ва узоқ гулловчи, жуда ажойиб рангли ўсимлиkdir. Ўсимликларнинг қўйидагича гуруҳлари мавжуд: 1) эрта гулловчи, 2) ўрта гулли, 3) йирик гулли.

Поялари шохли, баландлиги 20—30 см., барглари яшил юмaloқ ясси, нотекис шаклда, ҳажми 4 дан 10 см. гача ва ундан каттароқ. Оқ, сариқ, зангори, кўк, бинафша рангда. Ранги одатда ола-була бўлиб, бирбирига ўхшашиб уч хил тусли, кичик сонли навларда эса бир хил бўлади. Ҳар бир гул 6—8 кун гуллайди. Ўсимлик экилган муддатга қараб, эрта баҳорда ёки бутун ёз давомида гуллайди. Ёз иссиғи бошланиши билан, кузда экилган ўсимлик гуллари майдалашади ва манзараси йўқолади. Қишида ва баҳорда экилган ўсимликлар ўз манзарасини бутун ёз давомида сақлайди. Ало-

ҳида сўлиган гуллар билан ўсимликнинг манзаравий кўриниши пасаймайди. Уруғдан кўпайтирилади. Эрта баҳорда гуллаши учун уруғ кўчатзорлар ёки салқин иссиқхоналарга сепилади ва бошқа жойга кўчириб ўтқазилади. Август-сентябр ойлари бошида доимий жойига кўчирилади. Ёзда ва эрта кузда гуллаши учун уруғ январда сепилади. Яшикларга кўчат қилинади. Апрел ойида $20 \times 10 - 15$ см оралиқда доимий жойига экилади.

Қуёшли жойларда, юмшатилган, етарли ўғитланган ва суфорилган қумлоқ тупроқда ҳам яхши ўсади, ҳам гуллайди. Виолани янги солинган гўнг устига экиш мумкин эмас. Соя жойда узоқроқ гуллайди. Қуруқ ҳавода кўпроқ суфорилади. Қишлош вақтида виола кўпинча ивиш ва музлашдан зарар кўради. Клумбалар, работкалар, ҳошиялар, айвонлар, гулдонларда экиш учун ишлатилади.

Гренадин чиннигули — биологик хусусиятига кўра кўп йиллик ўсимлик, аммо манзарали боғдорчилика икки йиллик ўсимлик сифатида фойдаланилади. Голландия чиннигули гуруҳига киради. Чиннигуллilar оиласига мансуб. Жанубий Европадан келтирилган. Поялари тўғри, баландлиги 25 дан 70 см. гача, кучли тарвақайлаб кетгунича туплари тик туради. Барглари яшил рангда, гулларининг ўлчамлари 3 дан 6 см. гача, 1 та гулбандида 3 дан 8 тагача бўлади. Ранги хилмаҳил — оқ, сариқ, пушти, қизил, бинафша. Бир хил тусда ҳам, ола-була (кам) ҳам бўлади. Гуллари оддийдан кучли серяпроққача бўлади, охиргиси, қоида бўйича уруғ бермайди. Ўтқир ёқимли ҳидга эга. Май ои охиридан август оишига гуллайди. Кўп гулландан сўнг ўзининг манзарали кўринишини йўқотади.

Уруғдан, айрим ҳолларда қаламчалардан кўпайтирилади. Уруғларни экканда, туслари ва япроқлари турлича бўлган авлодлар олинади. Март ойининг охири апрел ойининг бошларида, айрим ҳолларда май оида экилади. Кўчатлар 7—9-куни униб чиқади. Яшиклар, совуқ иссиқхоналар ёки кўчатзорларга кўчириб кўчат қилинади. Июн ойида доимий жойига экилади. Ўсимликлар орасидаги масофа 20—25 см. бўлади. Экилган йили калта, кучли шохланган новдали тупқилиб шакллантирилади. Очик, қуёшли жойларда, унумдор, қумоқ тупроқларда яхши ўсади ва гуллайди.

Нам тупроқда ва совуқда касалланади. Ўсимликлар қиши олдидан сичқонларга қарши ишлатиладиган зат-харли химикатлар (ТМТД ва бошқалар) билан дори-ланади ва қорақарагайнинг кесилган шохлари билан беркитилади. Шу мақсадда чиннигул томорқасининг атрофи қишида қор билан беркитиб зичланади. Қиши давомида чиннигул чириши мумкин. Қиши тугаганда қуёшдан куймаслиги учун шохларини эрта олиб ташламаслик керак. Шохлар булаты ҳавода олиб ташланади. Асосан кесишга, айрим ҳолларда майсазорларда ва микс-бордерларда ишлатилади.

Түрк чиннигули, гулпопук — биологик хусусиятларiga кўра чиннигуллilar оиласига мансуб кўп йиллик ўсимлик, аммо манзарали боғдорчиликда икки йиллик ўсимлик сифатида ишлатилади. Жанубий Европадан келтирилган. Тупларининг бўйи 35—50 см. гача етади, экилган йили барглар тўплами ҳосил бўлади. Гуллари оддий, айрим ҳолларда серяпроқ, диаметри 1,5—2,5 см., четлари майда тишли, кўп гулли гулбаргларга йигилган, унинг диаметри 10—15 см. Ранги оқ, тўқ-қизил, бир тусли ва ола-була. Май-июн ойларида гуллайди. Гуллагандан сўнг ўсимлик ўз кўринишини йўқотади.

Апрел ойида уруғни сепиш йўли билан кўпайтирилади. Салқин иссиқхоналар ва кўчатзорларга кўчириб кўчат қилинади. Август ойида доимий жойига экилади. Айрим ҳоллардагина ёзда ёки кузда очиқ ерга экилади. Қаламча билан ҳам кўпайтириш мумкин. Экиш даврида ёки яганалагандан сўнг ўсимликлар орасидаги масофа 25—30 см. бўлиши лозим.

Қуёшли жойларда, қумоқ ўйтланган тупроқда яхши ўсади ва гуллайди. Парваришни севади. Қишида ўсимлик қора қарағай шохлари билан беркитилади. Асосан кесишга, айрим ҳолларда гулдонларга солиш учун ишлатилади.

Қўнғироқгул, кампанула — биологик хусусиятларiga кўра кўп йиллик ўрта минтақада икки йиллик ўсимлик сифатида ишлатилади. Қўнғироқгулдошлар оиласига мансуб. Жанубий Европа ва Осиёдан келтирилган. Унинг боғ шакллари энг кўп тарқалган. Пояси шохланган, баландлиги 50 дан 90 см. гача. Тули пирамидасимон, барглари билинар-билинмас кесилгансимон, илдизолди барглари эса бир жойга тўпланган. Гуллари букилган; диаметри 3 дан 8 см. гача, оддий ёки серяпроқ. Ранги оқ, пушти, зангори, бинашфа ва бошқа турли

тұсларда. Май-июл ойларидә гуллайды. Гуллаб бүлгандан сүңг, ўсимлик манзарасини түлиқ йўқотади. Сўлий бошлаган гуллар эрта олиб ташланса, кузда гуллаши мумкин.

Апрел ойи бошларидә уруғ сепиш йўли билан кўпайтирилади, иссиқхоналар ёки кўчатзорларга кўчириб ўтқазилади. Август ойида ўсимлик доимий жойига экилади. Бунда ўсимликлар орасидаги масофа 30—40 см. бўлиши керак.

Қуёшли жойларда, унумдор, оҳак билан ўғитланган, суфориладиган ерларда яхши ўсади ва гуллайды, аммо ортиқча намлик бўлса заарланади. Ўрта минтақанинг кам қорли қишлоғида ўсимлик устини ёпиш шарт, қуруқ ҳавода суфориш керак. Гуруҳларда, миксбордерларда экиш ва тезлаштириб етишириш учун кесишига, туvak ўсимлиги сифатида ишлатилади.

Мальва, (гулхайри) штокроза — гулхайрилар оиласига мансуб кўп йиллик ўсимлик, икки йиллик ўсимлик сифатида экилади. Ўрта Ер денгизи мамлакатлари ва Осиёдан келтирилган. Поялари тўғри, баландлиги 2—2,5 м. гача боради. Барглари жуда йирик, юраксимон шаклда. Ўсимликнинг бутун танаси барг билан қопланган. Гулларининг диаметри 8 дан 12 см. гача бўлиб, марказий ўқда жойлашган, оддий ва серяпроқ. Ранги оқ, тўқ-қизил. Июн ойидан сентябр ойигача гуллайди. Гуллари тўкилгач ўз манзарасини йўқотади.

Уруғи апрел ойида сепилиб кўпайтирилади. Иссиқхона ёки кўчатзорларга кўчириб экилади. Август ойида кўчатлар доимий жойига, ораси 40 дан 60 см. гача масофада экилади.

Ўсимлик қуёш яхши тушадиган жойларда, чуқур кавланган, унумдор тупроқли ерларда яхши ривожланниб чиройли манзара ҳосил қиласи. Қурғоқчиликка чидамли. Кўчатлар ўсиш билан улар каноп илга тортилади. Қишида музлаши мумкин, шунинг учун қуруқ барглар билан беркитиш лозим. Гуруҳларда, миксбордерларда ва деворларнинг четларига экилади.

Маргаритка — биологик хусусиятига ўқра кўп йиллик ўсимлик, боғдорчиликда икки йиллик сифатида ишлатилади. Қўқонгуллilar оиласига мансуб. Калта пояли ўсимлик, баландлиги 18 см. га етади. Барглари чўзинчоқ бўлиб, илдиз олдига тўпланган. Гуллари оқ, пушти ва қизил рангда, оддий, серяпроқ, диаметри 3 дан 10 см. гача бўлган гулбарглар саватчасига тўпланган.

Апрел ойида, айрим ҳолларда март ойи охирида гуллайди, чунки барглари ва ғунчалари қиши давомида қор тагида сақланади. Яхши парвариш қилинса кеч кузгача ҳам гуллайди. Гуллари алоҳида-алоҳида тўкилса ҳам ўсимлик манзараси йўқолмайди. Тупни бўлиш ва уруғ сепиш йўли билан кўпайтирилади. Тупни бўлиш қимматли шаклларни асраш учун қўлланилади, чунки уруғдан кўпайтиришда турли тусли ва турли серяпроқ авлод олинади. Бўлинган туплар иссиқхона ромлари остида ёки ерда, кўп сугорилганда ва соядга яхши илдиз отади. Ургулари апрел ойида сепилади. Салқин иссиқхона ёки кўчатзорга кўчириб ўтқазилади. Август ойида доимий жойига экиласди. Баҳорда экиш ҳам мумкин, чунки маргаритка гуллаётган ҳолда ҳам кўчириб ўтқазишга чидамли. Экишда ўсимликлар орасидаги масофа 15—20 см. бўлиши лозим.

Қуёшли ва соя жойларда ҳам, унумдор ҳамда сув ўтказувчан тупроқларда ҳам яхши ўсади ва кўп гуллайди. Клумбалар, работкалар, миксбордерлар, айвонлар, гулдонлар, майсазорларда экиш, ҳошиялар ҳосил қилиш учун тувак ўсимлиги сифатида ишлатилади.

Наперстянка, дигиталис — норичниклар оиласига кирувчи икки йиллик ўсимлик. Европа ўрта қисмининг тоғли районлардан келиб чиққан. Манзарали боғдорчиликда асосан қирмизи напрестянка ишлатилади. Ҳаётининг биринчи йилида илдиз олди барглари ҳосил бўлади. Иккинчи йилда тўғри, қаттиқ, баландлиги 60—150 см. бўлган поялар ҳосил бўлади. Барглари йирік, илдиз олдидан ўса бошлайди. Гуллари букланган, ангишвона шаклини эслатади. Оқ, пушти, сариқ, қизил, оч бинафша рангда, кўпинча дөғли бўлади. Барглари ва гуллари заҳарли. Июн ойидан август ойигача гуллайди. Гуллаб бўлгандан сўнг, ўсимлик манзараси йўқолади. Сўлиган гуллар кесиб ташланса, яна гуллайди.

Уруғи апрел ойида сепиб кўпайтирилади. Ниҳоллар кўчатзорларга кўчириб ўтқазилади. Доимий ўсадиган жойига кузда ёки кейинги йилнинг баҳорида экиласди. Айрим ҳолларда қиши олдидан ҳам экиш мумкин. Узи кўпаяди. Экиш ёки яганалашда ўсимликлар орасидаги масофа 25—30 см. бўлиши лозим.

Қуёшли ва ярим соя жойларда, ўртача нам, торфли, яхши иситиладиган ва ўғитланган тупроқларда барқ уриб ўсади ва гуллайди, қурғоқчиликка чидамли. Гу-

руҳларда экиш учун ва миқсбордерларда, тезлаштириб етиширишда ишлатилади. Доривор ўсимлик сифатида ҳам қўлланилади.

Незабудка — бурачниклар оиласига мансуб кўп йиллик ёки икки йиллик ўсимлик. Европадан келтирилган. Манзарали боғдорчиликда ботқоқ, альп ва ўрмон незабудкаси экилади. Ўсимлик шохли, баландлиги 15—40 см. Гуллари майдага, диаметри 7—10 см. бўлган гулбаргларга йигилган, ранги зангори, оқ, пушти. Эрта баҳордан июн ойи ўрталаригача гуллайди, секин-аста ўзининг манзарасини йўқотади. Июн ойи ўрталарида гулдонлардаги незабудка бошқа ўсимликларга алмаштирилади.

Май—июн ойларида уруғ сепиши билан кўпайтирилади. Салқин иссиқхоналар ёки жўякларга кўчириб кўчат қилинади. Август—сентябр ойларида ўсимликлар доимий ўсадиган жойига экилади. Ўзи кўпаяди, кўчириб экишда ўсимликлар оралиғи 10x10 ёки 10x15 см. бўлиши керак.

Салқин ёки ярим соя жойларда, яхши ўғитланган, нам тупроқда яхши ўсади. Қуёшли жойларда эса гуллаш давомийлиги қисқаради. Суғоришни хуш кўради. Гулдонларни, яшикларни эрта баҳорда безаш ва кесиш, қишида эрта етишириш учун экилади.

VII. КЎП ЙИЛЛИК ГУЛ ЎСИМЛИКЛАРИ ВА УЛАРГА ҚИСҚАЧА ТАЪРИФ

Кўргина турли-туман манзарали ўсимликлар орасида катта ўрин эгаллаган ўтсимон кўп йилликлар манзарали боғдорчилик ва истироҳат боғларида кенг ишлатилади. Айрим кўп йиллик ўсимликлардан дори тайёрлаш, озуқа етишириш, атирчилик ва ҳоказоларда фойдаланилади. Боғдорчиликда кўп йиллик ўсимлик сифатида чиройли гулловчи ўтсимонлар ёки бир ерда ўсиб, бир неча йил давоминда ўз чиройини йўқотмайдиган манзаравий баргли ўсимликлар тушунилади. Уларнинг гуллаши ва ҳосил бериши бир вегетацион давр билан чекланмайди, балки ҳар йили тикланади ва бир неча йил давом этади. Баъзи кўп йиликларнинг барглари қишида тўкилади ва фақат ер ости органлари сақланади. Баҳорда куртаклардан янги кўчатлар ҳосил бўлади.

Кўп йилликларнинг катта қисмини кўп гулловчи ўсимликлар ташкил этади. Уларнинг гул тузилиши турли-туман ва тусларга бой. Айрим кўп йилликларда (пион, пиёзли турлари ва бошқалар) вегетация даври тугагандан сўнг ер усти бир йиллик кўчатлар ва репродуктив органлари қурийди, кейинги йилда эса ўсимлик сақланган илдизлар, илдизпоялар, пиёзлар ва туганаклардан қайта кўкаради, шу ёзда гуллар ва уруфлар беради. Бошқа кўп йилликларда (судралувчи флокс, ясколка, седумнинг айрим турлари ва бошқалар) кўчатлар қишида қуrimайди, аммо бу даврда улардаги ҳаёт жараёнлари тўхтайди. Кейинги йилнинг баҳорида уйғониб, куртакларидан кўчатлар ўсиб чиқади, гуллайди ва ҳосил беради.

Кўп йиллик ўсимликлар асосан ҳаётининг 2—3-йилларида манзарали кўринишга эга бўлади, бу 3—4 йил, пионларда эса бошқа жойга кўчириб ўтқазилмаса 15 йилгача ва ундан кўп сақланади.

Барча кўп йиллик ўсимликлар гул куртакларининг ҳосил бўлиш тури бўйича тўрт гуруҳга бўлинади:

1. Наргис, лолалар — гул органлари кейинги йилда гуллаш учун ёзда ҳосил бўлади.

2. Пион, ирис, примула, бадан, арабис — гул органлари кейинги баҳорда гуллаши учун кузда ҳосил бўлади.

3. Дельфиниум, люпин, ахиллей, альп қўқонгули, аквилегияларда шу йилда гуллаш учун ғунчалар баҳорда ҳосил бўлади.

4. Астильба, солидаго, гелениум, бўронсимон флоксларда шу йилда гуллаш учун ғунчалар ёзда ҳосил бўлади. Кўп йиллик ўсимликлар катталиги бўйича турли-тумандир. 1 м² майдонга қўйидаги миқдорда ўсимлик экиш мумкин: юриклари — 1—4, ўрталари — 6—8, майдалари — 15—25 юрик пиёзлилар — 40—60, жуда майда пиёзлилар — 60 донадан кўп.

Бир неча йил давомида кўчатлар етиштириш, кўп йилликларни экиш ва уларни кўкаламзорлаштириши жойларида асраш, худди шунча майдонни бир йилликлар билан кўкаламзорлаштиришдан кўра арzonга тушади. Кўп йиллик ўсимликлар манзарали ва истироҳат боғларни эрта баҳорда безаш, кесиш материали олиш учун камёб ҳисобланади. Кўп йилликларнинг кўргина турлари апрел ойи охирида, май ва июн ойида гулла-

ши мумкин. Май ойида кўп йилликларнинг кўпгина турлари ўсади, тез ривожланади ва экилган жойларни ўзининг ёрқин кўк ранги билан безайди. Шунингдек, бу ойда пионлар, лилиялар, флокслар ва лола сингари, кўп йилликлар жуда чиройли гуллайди.

Кўп йиллик ўсимликларнинг ассортименти турлар сони билангина эмас, балки навларнинг турли-туманилиги билан ҳам улкан ва бир йиллик ўсимликлар ассортиментидан анча бойдир. Пионларнинг навлари 2000 тагача, флокслар — 1500 та, лолалар — 8000 та, ирислар — 4000 тачадир.

Барча кўп йиллик ўсимликлар ёруғликка муносабати бўйича қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

1. Ёруғсевар ўсимликлар — қўқонгуллар, гайллардия, кўкнори, флокс, юпиа баргли пион, лола ва бошқалар. Улар учун очиқ, яхши ёритилган жой зарур.

2. Сояга чидамли ўсимликлар — аквилегия, борец, примула, хушбўй ва шохдор бинафша, астильба, гулсапсар — унча қуюқ бўлмаган соядава ёйилиб турвчи ёруғликда яхши ўсади.

3. Соясевар ўсимликлар — спирея, папоротник, марваридгул, функциянинг яшил баргли шакллари. Уларни дараҳт ва буталар тагидаги соя, қуёш нурлари кучсиз ўтувчи ерга жойлаштириш мумкин.

Кўп йиллик ўсимликларни тупроққа муносабати бўйича З гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Озуқ моддалари кам бўлган тупроқларда ўса оловчи ўсимликлар — пастак гулсапсар, кўкнори, седум ва бошқалар.

2. Унумдорлиги ўртача бўлган тупроқларда яхши ўсузвчи ўсимликлар — аквилегия, қўқонгул, гипсофилла, дельфиниум, бор ва сибир гулсапсари, люпин, шарқ кўкнориси, бойчечак, фрутіллярия ва бошқалар.

3. Юқори унумдор тупроқларни талаб қилувчи ўсимликлар — гиацинт, крокус, марваридгул, лилия, наргис, пион, лола, хризантема ва бошқалар.

Кўп йиллик ўсимликларни қишлиш шароитига муносабати бўйича қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

1. Очиқ ерда, усти ёпилмасдан қишлидиган ўсимликлар — аконит, аквилегия, кўп йиллик қўқонгул, вероника, чиннигул, дельфиниум, иберис,

гулсафсар, лилейники, люпин, марваридгул, лютик, наргиснинг айрим навлари; незабудка, кўкнори, папаротниклар, пион, примула, рудбекия, бинафша, флокс ва бошқалар.

2. Урта мінтақада, усти ёпилган ҳолда қишилайдиган ўсимликлар — Генри лилияси, Регале лилияси, гортензия, тацетлар гуруҳидаги нарғислар.

3. Очиқ ерда қишиламайдиган ўсимликлар — георгина, канна ва ҳоказо. Уларнинг илдиз туғанаклари ёки илдизлари қиши давомида омборхоналарда сақланади.

Кўп йиллик ўсимликлардан юқари бадиий гулли композицияларни яратиш учун, уларнинг барча манзарали ва биологик хусусиятлари, баландлиги, тупининг шакли, баргларининг ранги ва ҳоказоларни қунт билан ўрганиш керак. Кўп йиллик ўсимликларни баландлиги бўйича қўйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

1. Баҳайбат (азим) ўсимликлар, баландлиги 2 м. дан ортиқ. Истироҳат ва манзарали боғларга экиш, гуруҳлар, гулловчи ўсимликлар ва алоҳида экинлар учун таг ранг ташкил қилишда ишлатилади. Шу мақсадда сахалин ва япон гречихаси, боршевик, рудбекия, коровяк ва бошқалардан фойдаланилади.

2. Балауд бўйли кўп йилликлар, баландлиги 1 дан 2 м. гача, бу жуда катта ўсимликлар гуруҳидир. Улар — борец, шпорник, солидаго, дельфиниум, кўп йиллик қўқонгул. Бу гуруҳ кўп йилликларнинг ишлатилиши турличадир.

3. Урта бўйли кўп йилликлар, баландлиги 0,5 дан 1 м. гача. Жуда кўп сонли гуруҳ. Улар — бўронсимон флокс, пион, гипсофилла, ромашка, аквилегия, минг йиллик ва бошқа кўпгина ўсимликлар. Асосан, массивлар, рабаткалар, ҳошиялар яратиш, кесиш учун ва ҳоказоларга ишлатилади.

4. Паст бўйли кўп йилликлар, баландлиги 0,24 дан 0,5 м. гача. Ҳошиялар ясашда, паст клумбалар, рабаткалар ва массивларда жуда чиройли кўринади. Улар баҳорги примула, лоланинг эртаги навлари, наргис, гиацинит, пастак гулсафсар, седум, вероникалар.

5. Митти кўп йилликлар, баландлиги 10 дан 25 см. гача, гиламли ўсимликлар сифатида, алъп тоғчаларини безаш ва бошқа экинзорлар учун ишлатилади.

Улар — марваридгул, бойчечак, хушбүй бинафша, флокс, шафран ва бошқалар.

Кўп йиллик ўсимликлар турли усулларда кўпайтирилади: уруғидан (дельфиниум, аквилегия), илдизларини бўлиш, пиёзи (лолалар, нарғислар), илдизтугунаклар (георгина), пайванд қилиш (атиргул, дараҳтсимон пион) ва бошқа усуллар билан. Кўп йилликлар қоида бўйича; бир жойга 2-5-10 йилга экилади. Шунга кўра ҳар йили қўчат тайёрлаб, экиш шарт эмас. Ўсимликларнинг ўзлари она туплардан кўлайишга тайёр бўлади. Кўп йилликлар йиллар давомида бир жойда ўсанлиги учун, улар тагига солинадиган тупроқ жуда қунт билан тайёрланиши керак. Ер 35-50 см. чуқурликда ҳайдалиши ва ҳар гектарига 100-150 т. органик ўғит солиниши мақсадга мувофиқдир. Бир вақтнинг ўзида катта миқдордаги минерал ўғитлар ҳам солинади.

Мамлакатимизнинг ўрта миңтақасида кўп йиллик ўсимликлар баҳорда ёки эрта баҳорда экилади, бунда ўсимликлар яхши илдиз отади. Экиш муддатини аниқлашда эса қуийдаги қоидага амал қилиш мумкин: баҳорда гулловчи ўсимликларни, август-сентябр ойларида экиш тўғри бўлади, гуллаш муддати ёз-куз бўлган ўсимликларни эса баҳорда экиш керак. Кўп йиллик ўсимликлар олдингига тенг чуқурликда экилади. Алоҳида ўсимликларда илдизлар тўлиғича қолдирилади, бошқаларида эса илдиз узуунлигининг 1/3 қисми кесиб ташланади. Экишда ўсимликлар орасидаги масофа уларнинг ўсиш ва ривожланиш кучига кўра аниқланади. Зин қилиб экиш фақат алоҳида туп ўсимликлар учун, кўкаламзорлаштириш мақсадида биринчи йилларнда қўлланилади, кейинги йилларда эса улар ўсиб зичлашади ва бир-бирларни соя қилиб қўядилар.

Қўйида кенг тарқалган айрим кўп йилликларнинг қисқача тавсифи келтирилган.

Аквилегия, водосбор, орлик — лютиклар оиласига мансуб ўсимлик. Мамлакатимизда 14 та тури мавжуд. Аквилегиянинг боғ шакли ва навлари асосан зангори водосбор ҳамда оддий водосборлардан, шунингдек, айрим бошқа турлардан келиб чиққан. Ўсимликнинг боғ турлари бўйи 40-100 см. Туплари ихчам, барглари яшил, кичик кесилган. Гулларининг диаметри 3 дан 8 см. гача, тупнинг юқори қисмида жойлашган, буқланган, чўзинчоқ гулоёқчали, қўнғироқсимон. Оқ, сариқ пушти, қизғиши, зангори кўк, бинафша ва олов

ранг. Май ойи охиридан июл ойи ўрталаригача гуллайди, шудан сўнг ўсимликнинг кўриниши, пасаяди. Ўзидан кўпаяди.

Тупларни бўлиш (кузда ёки баҳорда) ва янги уруғни экиш йўли билан кўпайтирилади. Уруғлар қиши олдидан очиқ ернинг жўякларига, шунингдек, салқин иссиқхоналар ёки кўчатзорларга экилади. Кўчатлари доимий жойига кўчириб ўтқазилади. Катта ёшли ўсимликлар кўчириб ўтқазишга чидамсиз. 1 м² ерга 10-20 туп ўсимлик ҳисобида, оралиқ 20-30 см. қилиб экилади. Ёруғ жойларда ҳам, ярим сояда ҳам яхши ўсади ва гуллайди. Тупроққа талабчан эмас, лекин юмшатилган ва озуқали тупроқда яхшироқ ривожланади. Намсевар, аммо ўрта намлика ҳам ўсади. Гуллаб бўлгандан сўнг, гуллари кесиб ташланади. Бир жойда 3-5 йилгача ўсиши мумкин.

Кўп йиллик қўқонгул. Қўқонгулдошлар оиласига мансуб. Жанубий Европа, Осиё ва Шимолий Америкадан келтирилган. Кучли шохланган тупларининг баландлиги 1,6 м. га етади. Барглари тўқ яшил рангда, кичикроқ чўзинчоқ. Гулбанддаги гулчалар пушти, зангори, кўк ва бинафша рангларда, ўртасидаги эса сариқ рангда бўлади. Диаметри 1,5-4 см. бўлган гулбарглар қалқонига йифилган. Кеч кузда гуллайди. Паст ҳароратда манзарали кўринишини йўқотмайди.

Асосан, тупини бўлиш ва уруғи билан кўпайтирилади, айрим ҳолларда салқин иссиқхоналарга қаламча қилинади. Кўп йиллик қўқонгул уруғлари униб чиқиши хусусиятини тез йўқотади, шунинг учун йифиб олиш биланоқ уларни очиқ ерга ёки иссиқхоналарга қиши олдидан экиш керак. Баҳорда кўчатлар бошқа жойга кўчириб кўчат қилинади. Кузда ёки кейинги йил баҳорда доимий ўсадиган жойига 30 дан 40 см. гача оралиқда экилади. Ҳар 3-4 йилда ёши катта ўсимликларни бўлиш ва бошқа жойга кўчириб ўтқазиш керак. Кўп йиллик қўқонгуллар ёруғ ёки ярим соя жойларда, қумоқ, етарли нам ва ўғитланган тупроқларда яхши ўсади, гуллайди. Қургоқчиликка чидамли ёки намлика ўртacha талабчан ўсимлик бўлса ҳам сугоришни хуш кўради.

Гуруҳлар, тошли жойлар, работкалар ва ҳимоя ҳошияларда экиш учун ҳамда кесишга ишлатилади, кесилган гуллар сувда 10—14 кунгача сақланади.

Бруннера — Говзабонгулдошлар оиласига мансуб ўсимлик. Келиб чиқиши макони Олтой ўлкаси. Ўсимлик-

нинг баландлиги 40—60 см. Пастки барглари йирик, юқоридағилари майдароқ, юраксимон, май ойида гулчайди. Оч зангори рангдаги гуллари незабудка гулларини эслатади. Гуллаб бўлгандан сўнг ўсимлик манзараси йўқолади.

Кузда тупларни бўлиш ва уруғ экиш йўли билан кўпайтирилади. Баҳорда доимий ўсувчи жойига 25-35 см. масофада экилади. Тупроққа ва парваришга талабчан эмас, сояга чидамли. Клумбалар, работкалар, миксбордерлар, гуруҳларни баҳорги безаш учун, айрим ҳолларда кесиш учун ишлатилади.

Гайлардия гибридли йирик гулли — мураккабгулдошлар оиласига кирувчи ўсимлик. Америкадан келтирилган. Кучли шохланган, лекин ихчам тупли, баландлиги 35 дан 70 см. гача, барглари чўзинчоқ. Гул-баргларининг диаметри 4 дан 10 см. гача, оддий ёки серяпроқ, сариқ, олов ва жигар рангларда ола-була бўялган. Май ойи охиридан совуқ тушгунча гуллайди. Кузги совуқларга чидамли. Гулбаргларнинг сўлиши билан ўсимлик манзарасидаги чирой ўз хусусиятини йўқотади.

Тупларни бўлиш ва март ойида сепиладиган уруғлар орқали кўпайтирилади. Ниҳоллар кўчатзор ёки салқин иссиқхоналарга кўчириб ўтқазилади. Ўсимликлар кузда очиқ ерга доимий ўсиши учун оралиғи 20 дан 26 см. гача масофада экилади. Гайлардия бир жойда 4-5 йил яхши кўкаради, сўнгра ўсимликни бўлиш ва янги ерга кўчириб ўтқазиш керак. Ўрта минтақада қиши совуқларига чидамли. Қуёш яхши тушадиган жойларда, қуруқ, сув ўтказувчан, енгил тупроқларда яхши ўсади ва гуллайди. Суғорилишга мойил. Ҳошиялар, ҳосил қилинда клумбалар, тошли боғчаларда экиш учун ва кесишга ишлатилади.

Геленум — қўёнгугуллилар оиласига мансуб ўсимлик. Шимолий Америкадан келтирилган. Гулчиликда асосан кузги геленум экилади. Ўсимлик баландлиги 1 дан 1,8 м. гача. Барглари ништарсимон, четлари майда тишли. Гулбарглари диаметри 3 дан 6 см. гача бўлади. Тилчали гуллари сариқ, қизил, олов ва жигар рангларда. Ўртадаги гуллари эса тилчали гуллар рангидан тўқроқ.

Август ойида совуқ тушгунча гуллайди. Салгина совуққа чидамли. Гулбарглар сўлиши билан ўсимликнинг манзарали қиёфаси пасаяди. Тупларни бўлиш йўли билан баҳорда ёки кузда, қаламчалар билан кўпайтирилади. Геленум уруғдан ҳам кўпайтирилади, лекин бу

йўл билан олинадиган авлоднинг манзарали сифати турличадир. Шунинг учун кўпинча кўпайтиришнинг вегетатив усули қўлланилади. Доимий ўсадиган жойига ҳар бир туп оралиги 30-40 см. масофада экилади. Бир жойда 3-4 йилгача етиштирилади.

Қўёшли ва ярим соя жойларда, унумдор, юмиюқ ҳамда сув ўтказувчан тупроқларда яхши ўсиб гуллайди. Қурғоқчиликка чидамли ёки сувга эҳтиёжи ўртacha. Баланд бўйли навларга ип тортиш керак. Ҳар 2-3 йилда туплар тагига озуқали тупроқ солиш керак. Гуруҳларда, миксбордерларда ва кесишга ишлатилади.

Дельфиниум — айиқтовондошлар оиласига мансуб ўсимлик. Европа, Осиё, Шимолий Америка ва Африканинг жанубий ва ўрта қисмларида бу тур кенг тарқалган. Гулчиликда экиладиган дельфиниумнинг шакллари ёввойи ҳолда ўсуви ўсимликларни гибридлаш натижасида олинган.

Ўсимликнинг бўйи 0,8 дан 1,5 м. гача, гулбаргининг диаметри 2—3 см. Гулларининг ранги оқ, зангори, кўк, бинафша. Кўпинча бу туслар ўзаро уйғунлашган бўлади. Оддий ва серяпроқ шакллари мавжуд. Июл ва айрим ҳолларда сентябр ойларида қайта гуллайди. Гуллаб бўлгандан сўнг манзараси йўқолади.

Тупларни бўлиш орқали ва уруғдан кўпайтирилади. Уруғ апрел ойида экилади, ниҳоллари салқин иссиқхона ёки кўчатзорларга кўчириб ўтқазилади. Кузда доимий ўсадиган жойига экилади. Уруғдан етиштирилган кўпгина она ўсимлик навлари ўзининг манзарали хусусиятларини йўқотади. Тупларни бўлиш кузда, айрим ҳолларда баҳорда амалга оширилади. Иссиқхона ёки кўчатзорларга 6-10 см. узунликдаги поялар қаламча қилинади. Йлдиз отгандан сўнг ўсимлик очиқ ердаги доимий жойига экилади. Экиш пайтида туплар орасидаги масофа 30 дан 40 см. гача бўлиши керак. Ўсимлик бир жойда 4 йил ўсиши мумкин.

Қўёшли ва сояроқ жойларда, ишланган боғ тупроғида яхши ўсади ва гуллайди, намлиқка ўртacha ва кам талаб қиласи. Гуллаб бўлган кўчатлар кесиб ташланади. Гуруҳлар, миксбордерлар, алоҳида экинлар, бир томонлама работкалар учун, айрим ҳолларда кесишга, деворларни манзарали безашга ишлатилади.

Боғ гулсафсар, касатик — сафсаргулдошлар оиласига мансуб ўсимлик. Кенг тарқалган, гулчиликда бир неча минг навлари мавжуд. Манзарали боғдорчиликда

гиридли гулсафардан келиб чиққан наува шакллари тарқалган. Улар гулларининг ранги, ҳажми ва шакли бўйича фарқланади. Гиридли гулсафардан ташқари, пастак бўйли гулсафар (баландлиги 30 см. гача) ҳам экилади, у Шимолий Кавказ ва Украина нинг жанубида ёввойи ҳолда ўсади. Қэмпфер гулсафари Узоқ Шарқда ўсади, барглари жуда ингичка, ранги ҳар ҳил, қишида унинг устини ёниш шарт. Сибир гулсафари ёввойи ҳолда Европанинг ўрмон-дашт минтақаси ва Сибирда ўсади, барглари ингичка, гуллари майдароқ, тўқ-кўк ва оқ рангларда, хушбўй, ўткир ҳидли. Гиридли гулсафарнинг боғ шакллари — поясиз, ўтсимон, баландлиги 30 дан 90 см. гача бўлган ўсимликдир. Барглари ингичка, тик турувчи, қиличсимон. Диаметри 8 дан 15 см. гача бўлган гуллари чиройли, оригинал шаклда, узун баргиз гулбандларда бир нечтадан (5-9 та) бўлади, 2—3 та гуллар бир вақтда очилади, хушбўй ҳидга эга, ранги оқ, сариқ, пушти, хира қизил, зангори, кўк, бинафша тусларда.

Апрел, май ойлари охиригача, айрим ҳолларда июн ойининг биринчи ўн кунлигига гуллайди. Гуллашдан тўхтагач, ўсимлик манзараси кўримсиз бўлиб қолади.

3-4 йилдан сўнг ёз охири ва куз бошларида илдиз пояни бўлиш йўли билан кўпайтирилади, чунки илдиз поя бўлингандан сўнг гуллаш сезиларли пасаяди ва кейинчалик умуман тўхтайди. Кавлашдан олдин барглар калта қилиб (ердан 10-15 см.) кесилади. Тупни кавлаб олиб, шундай бўлиш керакки, бунда ҳар бир қисмда илдиз поянинг 2-3 та ўсиш куртаклари мавжуд бўлсин. Баҳорда ёки кузда экилади.

Уруғдан гулсафарнинг ёввойи ҳолда ўсувчи турлари кўпаяди. Бу кўпайиш усули уруғчиликда (селекцияда) ҳам қўлланилади. Уруғлар кузда ёки баҳорда сепилади. Тугунакли гулсафарни болачалари билан кўпайтириш мумкин. Гуллар 25—30 см. масофада экилгани маъқул. Ёруғ жойларда яхши ўсади ва гуллайди, лекин сояроқ жойларда, юмшоқ ёки механик таркиби ўрта унумдор тупроқларда ҳам ўса олади, намсевар. Қишига тупроқ юмшатилиб, илдиз поялар кўмилади. Сувда гунчалари яхши очилади.

Марваридгул — лилиядошлар оиласига мансуб ўсимлик. Ўрмонда ёввойи ҳолда ўсади. Тупининг баландлиги 15-30 см. Илдизпоя куртакларидан 2—3 та чўзинчоқсимон барглар ўсиб чиқади. Гуллари майда қўнфироқ

шаклида, чиройли, ранги оқ, ҳиди ёқимли, гулпоясіда 8-12 тадан бўлади, серяпроқ. Апрел ойи охири май ойи бошларида гуллайди. Гуллаб бўлгандан сўнг, марваридгул экилган жойлар қисман манзарасини йўқотади. Асосан илдизпояларини кузда бўлиш йўли билан кўпайтирилади. Уруғдан ҳам кўпайтириш мумкин. Кўчатлар 3-4 йил гуллайди. Бир жойдан бўлинмаса ва кўчирилмаса 10 йилдан ортиқ ўсади. Экиш пайтида туплар орасидаги масофа 12 дан 16 см. гача бўлади. Со вуққа чидамли. Соя жойларда, дараҳтлар тагида яхши ўсади ва гуллайди. Тупроқ гўнг ва баргли чириндилар билан ўғитланган, озуқали, юмшатилган ёки ўртача зичликда бўлиши керак. Тупроқ қатламини чиринди билан юмшатиш мақсадга мувофиқдир.

Истироҳат боғларида чиройли ер қопловчи ўсимлик сифатида ишлатилади. Боғ шакллари кесишга, тезлаштириб етиштиришга, миксбордерларда ишлатилади.

Люпин (лупин) — дуккакдошлар оиласига мансуб ўсимлик. Шимолий Америкадан келтирилган. Баландлиги 40-60 см. дан 1,2 м. гача бўлиб, барглари чиройли, бармоқсимон. Диаметри 1-1,5 см. бўлган гулдари зич конуссимон гулбаргларга йиғилган. Ранги оқ, пушти, сариқ, қизил, кўк, бинафша. Май, июн ойларида гуллайди. Кузда қайта гуллаши мумкин. Гуллаб бўлгандан сўнг ўсимлик манзараси пасаяди, шунинг учун сўлиган кўчатларни кесиб олиб ташлаш керак.

Асосан уруғдан кўпайтирилади, тупларини бўлиб кўпайтириш кам қўлланилади. Апрел ойида уруғ сепилади. Ниҳоллар кўчатзорлар, салқин иссиқхоналарга ва очиқ ердаги жўякларга кўчириб ўтқазилади. Август-сентябр ойларида ўсимлик доимий ўтқазадиган жойинга, 30-40 см. масофада экилади. Қишдан олдин ҳам экиш мумкин. Яхшилаб қайта ишланган тупроққа туп атрофида пишган уруғлар тўкилиб, одатда кўчатлар униб чиқади, буни ўзидан кўпайиш дейилади. Буларни кўчатлар сифатида ишлатиш мумкин.

Қўёшли, иссиқ ва соя жойларда, унумдор, сув ўтказувчан, нам тупроқларда яхши ўсади ва гуллайди. Бир жойдан иккинчи жойга кўчириб ўтқазилмаса ва бўлинмаса 4—5 йил ўсиши мумкин. Илдизининг юқори қисми ҳар йили ўсгани учун ҳар кузда устига унумдор тупроқ сепиш тавсия этилади. Люпин ўсимлиги тупроқни азот билан бойитади, бу унинг илдизида ривожланадиган тугунак бактерияларининг ҳаёт фаолиятига боғлиқдир.

Гуруҳли ва алоҳида экиш учун, миксбордерлар ва кесишига ишлатилади.

Шарқ қўқнориси — кўқноригуллилар оиласига мансуб ўсимлик. Кавказдан келтирилган. Поялари қаттиқ, баландлиги 60-100 см. Барглари илдиз олдинга йифилиган, йирик кертикли. Гулларининг диаметри 10 дан 18 см. гача, ранги қизил ёки пушти, оддий ва серяпроқ.

Апрел ойи охирида, май ойида ва айрим ҳолларда июн ойида гуллайди. Битта гул 2-3 кун гуллайди, шундан сўнг ўсимлик манзараси камаяди, ёзининг иккинчи ярмида эса манзараси бутунлай йўқолади. Кузда ёмғирдан сўнг янги барглар пайдо бўлади.

Уруғдан, айрим ҳолларда тупни бўлиш ва илдизпоя қаламчаси билан кўпайтирилади. Март ойида уруғ сепилади, кўчатзорлар, иссиқхоналар ёки очиқ ердаги доимий жойига кўчириб ўтқазилади. Қишидан олдин ҳам экса бўлади. Бир жойда 10 йилгача ўсиши мумкин. 40-50 см. оралиқ масофада қиласиди.

Очиқ қуёшли жойларда сув ўтказувчан ҳамда яхши ҳайдалган боғ тупроғида яхши ўсади ва гуллайди. Намлилка эҳтиёжи ўртacha. Безак учун фойдаланилган гулларининг сўлиган қисмини кесиб туриш тавсия қилинади. Гуруҳли ва алоҳида экиш мақсадида, миксбордерлар, кўп йил гулловчи майсазорлар, шунингдек, гулларидан фойдаланишда кесиш учун ҳам ишлатилади. Бунда энди очила бошлаган ғунчалар кесилади, чунки, гуллари сувда узоқроқ сақланади.

Яланғоч пояли кўқнори. Сибирининг тоғли туманларидан келиб чиқсан. Баландлиги 35-45 см. Гуллари оқ, сариқ, олов рангларда. Май ойидан сентябр ойигача гуллайди. Уруғларини очиқ ерга апрел-май ойларида сепиш йўли билан кўпайтирилади. Яганалашда ўсимликлар орасидаги масофа 15—20 см. бўлиши керак. Ғунчалари ярим очилганда кесилади. Еруғ жойларда яхши ўсади. Сувга эҳтиёжи ўртacha.

Пиретрум, майдо гулли ромашка — мураккабгуллилар оиласига мансуб ўсимлик. Қавказдан келтирилган. Тупининг баландлиги 40-80 см. поялари шохланган. Барглари майдо кесилган. Гулбарглар диаметри 2 дан 3 см. гача. Улар оддий, ярим серяпроқ ва серяпроқ бўлади. Ранги оқ ва тўқ пушти кўринишида. Май-июн ойларида гуллайди, сўлиганлари кесиб турилса, август ойининг иккинчи ярми ва сентябр ойининг бошларида

қайта гуллаши мумкин. Гуллаб бўлгандан сўнг эса ўсимлик ўзининг манзарали кўринишини йўқотади.

Бўлиш йўли билан куртакдан, айрим ҳолларда уругдан кўпайтирилади. Уруғлар апрел ойида кўчатзорларга сепилади. Очиқ ердаги жўякларга эрта баҳорда ва қишидан олдин экиш ҳам мумкин. Доимий жойига кўчириб кўчат қилинади. Ўсимликлар август-сентябр ойларида бўлиб, доимий жойига 25-35 см. масофада экилади. Бир жойдан бошқа жойга кўчириб ўтқазилмаса ва бўлинмаса 3-5 йил ўсади. Қишига чидамли, ўрта зонада қишида усти ёпилмайди.

Қуёшли, ярим соя жойларда, қумлоқ, унумдор, сув ўтказувчан тупроқларда яхши ўсади ва гуллайди. Рабаткалар, миксбордерлар, гуруҳларда экиш ҳамда гулларидан фойдаланишда кесиш учун ҳам ишлатилади. Сувда 4—6 кун сақланади.

Примула, первоцвет — бинафшагулдошлар оиласига мансуб ўсимлик. Қўйидаги турлари кенг тарқалган: поясиз, баланд, тилла ранг, майда тишли, баҳорги, оддий ва бошқалар. Ўсимлик баландлиги 10 дан 30 см. гача. Илдиз олди барглари чўзинчоқ. Гулларининг диаметри 1 дан 2,5 см. гача, турига кўра соябонли ёки бошчали гулбаргларга йифилган. Ранги оқ ва тўқ қирмизи тусларда. Қорлар эриши билан 3-4 ҳафта гуллайди. Гуллаб бўлгандан сўнг ўсимлик манзараси пасаяди.

Асосан тупни бўлиш билан ва янги йифилган уруглардан кўпайтирилади. Кўчатлар доимий жойига кўчириб ўтқазилади. 15-20 см. оралиқ масофада экилади. Тупи бўлинмаса ва кўчириб ўтқазилмаса, бир жойда 4-5 йил давомида ўсиши мумкин. Соя жойларда, енгил, серчиринди, сув ўтказувчан тупроқларда яхши ўсади ва гуллайди. Парваришни ёқтиради, қишига чидамли. 1—2 йилдан сўнг кузда илдизига озуқавий тупроқ сепилади, аке ҳолда ўсаётган илдиз поялар музлаб қолинши мумкин. Гуруҳли экинлар, клумбалар ва гулзорларнинг ҳошияларини баҳор пайтида безашда ишлатилади.

Спаржа, аспарагус — пиёзгулдошлар оиласига мансуб ўсимлик. Ёввойи ҳолда Европанинг барча жанубий туманларида учрайди. Тупининг баландлиги 180 см. гача етади, ихчам бўлади. Гуллари хира, новдалари жуда манзарали.

Уруғдан ва айрим ҳолларда тупини бўлиш билан кўпайтирилади. Уруғлар апрел ойида сепилади, май

ойида доимий жойига күчат қилинади (уяга 2-3 тупдан), чунки күчириб ўтқазишга чидамсиз. Туплар куз ёки баҳорда бўлинади, уларни эҳтиётини қилиб тупроқ билан бирга кавлаб олинади. Экиш пайтида оралиқ масофа 40-60 см. бўлиши лозим. Бир жойдан бошқа жойга күчириб ўтқазилмаса ва бўлинмаса 10--15 йил ўсиши мумкин. Очиқ ва ярим соя жойларда, жуда унумдор енгил, юмшатилган тупроқларда яхши ўсади ва гуллайди.

Гулдасталар оранжировкаси учун кесишга, шунингдек, гуруҳли манзарали экилар ва сабзавот ўсимлиги сифатида ишлатилади, лекин бунда унинг агротехникиси кескин ўзгариади.

Тоғ бинафша — бинафшадошлар оиласига мансуб ўсимлик. У ёввойи ҳолда Европа ва Ўрта Осиёning тоғли туманларида ўсади. Пояларининг баландлиги 20-25 см. Барглари йирик тишли, гулларининг диаметри 4-5 см., ранги оқ, зангори, тўқ-кўқ, сариқ, бинафша ва бошқа туслари ҳам бор. Бутун ёз давомида гуллайди. Гуллаб бўлгандан сўнг, жуда кам ҳолларда ўсимлик манзараси ўзгариади.

Тупини бўлиш ва уруғ билан кўпайтирилади. Апрелмай ойларида сепилади. Кўчатлари салқин иссиқхоналар ёки кўчатзорларга күчириб экилади. Кузда ўсимликларни доимий жойига, орасидаги масофа 10 дан 20 см. гача қилиб экилади. Бир жойдан бошқа жойга күчириб ўтқазилмаса ва тури бўлинмаса 4-5 йил ўсиши мумкин. Қўёшли жойларда, қумоқ тупроқларда яхши ўсади ва гуллайди.

Ҳушбўй бинафша ёввойи ҳолда Европада учрайди. Гулчиликда кўпгина маданий шакллари етиштирилади. Ўсимликнинг баландлиги 15-20 см. барглари тухумсimon-учли, тишилдири. Гулларининг диаметри 1,5 дан 2,5 см. гача, ҳушбўй ҳидли, ранги оқ, пушти-қизил, тўқ-бинафша тусида. Апрел ойида гуллайди, айrim ҳолларда кузда қайта гуллаши ҳам мумкин.

Тупларини бўлиш билан, айrim ҳолларда уруғидан кўпайтирилади. Туплари оралиғи 10 дан 15 см. гача масофада экилади. Бир жойдан бошқа жойга күчириб ўтқазилмаса ва тури бўлинмаса 3-5 йил ўсиши ва гуллаши мумкин. Қўёшли жойларда яхши ўсади ва гуллайди, ярим сояга чидамли, тупроққа талабчан эмас, қишига чидамли. Миксбордерлар ва ҳошиялар ўрнида экиш учун ишлатилади.

Фукция, хоста — пиёзгулдошлар оиласига мансуб ўсимлик Узоқ Шарқдан келиб чиққан. Ўсимликнинг баландлиги 40 дан 50 см. гача, гуллаш даврида эса 100 см. гача. Барглари йирик, узунчоқ, ранги оч-яшил ёки олабула. Гулларни ингичка, қўнғироқ шаклида, оқ ва бинафша-пушти рангда. Йюл ойида сентябр ойигача гуллайди. Гуллаб бўлгандан сўнг туплардаги чиройли баргларнинг мавжудлиги сабабли ўз манзарасини сақлайди. Тупини бўлиш билан кўпайтирилади. Экиш пайтидаги оралиқ масофа 30 дан 50 см. гача. Тупи бўлин-маса ва бошқа жойга кўчириб ўтқазилмаса 4-6 йил ўсиши мумкин. Қишига чидамли. Етарли намда сув ўтказувчан, серчиринди тупроқларда яхши ўсади ва гуллайди. Соясевар, парваришни, суфоришни, озиқлантиришга талабчан. Барг ва гуллари манзара ҳамда чирой берувчи ўсимлик сифатида, гуруҳларни майсазорлар фонида ташқил қилиш учун, работкалар ва йўлакчалар бўйлаб ҳошияларда, миксбордерларда, шаршаралар ва тошли жойларда экилади.

Оқ ромашка, мойчечак, нивянник — мураккабгулдошлар оиласига мансуб ўсимлик. Ёввойи ҳолда Европа ва Осиёда кенг тарқалган. Ҳозирги вақтда унинг кўпгина боғ шакллари ва навлари мавжуд. Тупининг баландлиги 50—90 см. га етади, маданийлаштирилган шакллари эса ундан ҳам баландроқ. Пояси кучсиз шохланган, барглари тўқ-яшил рангда, қаттиқ, асосан илдиз олдинга йиғилган, поя барглари кам. Гулбаргининг диаметри 7-12 см. ва ундан кўпроқ, четки гулларининг кўп қисми оқ рангда, ўртасидагилари (найсимонлари) сариқ рангда бўлади. Йюн—июл ойларида гуллайди. Гуллаб бўлгандан сўнг, ўсимлик манзарали кўринишини йўқотади. Ўсимлик илдиз пояларини бўлиш ва уруғини очиқ ерга сепиш орқали кўпайтирилади. Кўчатлари иккӣ йилдан сўнг гуллайди. Экинларнинг оралиқ масофаси 30-40 см. бўлади. Ўсимликнинг илдиз пояси бўлин-маса ва бошқа жойга кўчириб ўтқазилмаса, 3-4 йил ўсиши мумкин. Совуққа чидамли, лекин ҳар йили чиринди сепиб туриш керак. Офтоб жойларда, маданийлаштирилган боғ, етарли нам тупроқларда яхши ўсади ва гуллайди. Гуллик безак бериладиган жойда гуллаб бўлган гулбарглар кесиб ташланади. Гуруҳларда, миксбордерларда экилади, фойдаланиш учун эса асосан гулшохлари кесилади.

VIII. ПИЕЗГУЛДОШ ҮСИМЛИКЛАР ВА УЛАРГА ҚИСҚАЧА ТАЪРИФ

Чиройли гулловчи кўп йиллик ўсимликлар орасида, пиёзгулдошлар, сафсаргулдошлар ва амариллислар оиласига мансуб пиёзли ўсимликлар ажралиб туради. Улардан кўпчилиги юқори манзарали сифатларга эгадир. Улар баҳорда гулдонларни безаш ҳамда гулларидан фойдаланиш учун гулбаргларини қесишда кенг ишлатилади. Гулисунбуллар, лолалар, наргислар ва бошқа пиёзли ўсимликларни тезлаштириб етиштириладиган ўсимлик сифатида ҳам экилади, чунки тезлаштириб етиштирини оддий бўлиб, улар нисбатан кам майдонни эгаллайди ва тезлаштириб етиштириш қисқа муддатда амалга оширилади. Кўпгина пиёзли ўсимликларни-кри нум ва бошқалар тувак ва хона ўсимлиги сифатида қўлланади. Пиёзли ўсимликлар орасида лилиялар жуда катта манзарали аҳамиятга эгадир, чунки улар турли-туман ва чиройли гулларнинг шакли билан фарқланади. Улардан гулли безатишларнинг турли усуllibарда қўлланилади. Кўпгина пиёзли ўсимликлар — лолалар, наргислар, гулисунбуллар, крокуслар ва бошқалар қисқа вегетация даврига эга ва эрта баҳорда гуллаб бўлади. Ёзниг ўрталарида ер усти қисмлари қуриб, пиёзлари эса тупроқда узоқ даврли уйқуга кетади. Пиёзли ўсимликлар вегетация даврида куртак ҳосил қиласди. Куртакдан эса пиёз ҳосил бўлади. Бу куртакпиёз кузгача тўлиқ «уйқу»да бўлиб, ер ости органларини ривожлантирмайди. Куз бошида, совуқлар тушгунча янги пиёз илдиз отишга улгуради ва шу ҳолда қишлияди, баҳор келиши билан тез ўса бошлайди. Кўпгина пиёзли ўсимликлар енгил, юмшатилган, кучсиз нордон, яхши дренажланган ва маданийлаштирилган тупроқларни афзал кўради, наргислар эса ўртacha қумоқ тупроқларда ҳам ўсади. Пиёзли ўсимликлар учун нам тупроқлар, айниқса, қатлам сувларнинг юқори даражада бўлиши умуман тўғри келмайди. Пиёзли ўсимликлар учун энг яхши ўғит—чириган гўнг, шунингдек, баргли чиринди дир. Янги гўнгни ишлатиш тавсия этилмайди. Торф-фекал ва торф-тукли ўғитлар ҳам қимматбаҳодир. Пиёзли ўсимликларни етиштиришда минерал ўғитлар ҳам ишлатилади. Катта миқдордаги фосфорли ўғитлар янги пиёзлар ҳосил бўлишига ёрдамлашади. Қуруқ озиқлантиргандан сўнг суғориш ҳам яхши натижадаради.

Мамлакатимизда пиёзли ўсимликлар очиқ ерда усти очиқ ҳолда қишилайди. Ўрта миңтақада айримлари (гулисунбул, наргис, регале лилияси)нинг устини ёпиш кепрак. Гиацинти ва айрим бошқа қишиламайдиган пиёзли ўсимликларни кавлаб олиб, қишида музламайдиган хоналарда сақланади. Кўпгина пиёзли ўсимликлар одатда уларнинг ер усти органлари қуригандан сўнг кавлаб олинади.

Кавлаб олинганинг пиёзлар қуёш ва ёмғир тегмайдиган жойда яхшилаб қуритилади. Қуритилгандан сўнг улар артилиб, майда пиёзчаларга (болачаси) бошқалардан фарқ қиласидиган алоқада гуруҳлар бўйича ҳавларга ажратилади. Баҳорги гуллаши учун пиёзларни кузда шундай ҳисоб билан экиш керакки, бунда улар совуқ тушгунча илдиз отишга улгурсинлар. Наргис, гулисунбулда илдиз 20—25 кунда, лолаларда 30—45 кунда ҳосил бўлади. Кеч экилгандан ва эрта совуқ тушганда усти ёпилади. Пиёзли ўсимликлар учун пиёзларни экиш чуқурлиги катта аҳамиятга эгадир. Оғир тупроқларда пиёзларни юзароқ, енгил тупроқларда эса чуқурроқ экилади. Шунингдек, катта диаметрли пиёзлар чуқурроқ, кичиклари эса юзароқ экилади. Амалиётда кўпинча пиёзларни уч диаметр чуқурлигига экиш кўидасидан фойдаланилади.

Мускари, сичқонсимон гулисунбул пиёз — пиёзгулдошлар оиласига мансуб ўсимлик. Европанинг жанубида ўсади. Поясининг баландлиги 10—20 см. гача, илдиз олди баргларининг узунлиги 20—25 см. гача. Гуллари майда, ранги кўк, бинафша, кам ҳолларда оқ бўлади, хушбўй ҳидли, апрел-май ойларида гуллайди. Пиёзи, болачаси билан ва уруғидан кўпайтирилади. Пиёзи кичикроқ, диаметри 3 см. гача, кўп йиллик. Очиқ ерга сентябр ойи охирларида, 4—6 см. чуқурликда 5-10 см. оралиқ масофада экилади. Кўпинча мускари болачалар билан кўпайтирилади. Бу йўл билан экилган ўсимлик кейинги йили гуллайди. Тупи бўлинмаса ва бошқа жойга кўчириб ўтқазилмаса 3—5 йил ўсиши мумкин. Уруғлари сентябр ойи охирларида сепилади, кўчатлари 2-3 йилдан сўнг гуллайди.

Жой ва тупроқга талабчан эмас, қуёшли ерда ҳам, сояда ҳам яхши ўсаверади. Ихтиёрий яхши қайта ишланган ва озуқавий моддали тупроқлар уни етишиши учун ярайди. Майсазорлар, ҳошиялар ва тошли жойларда кичикроқ гуруҳлар ташкил қилишда ишлатила-

ди, тезлаштириб етиштириш учун ҳам қўлланиши мумкин.

Наргис — чучумагулдошлар оиласига мансуб ўсимлик. Еввойи ҳолда Европанинг жанубида ўсади. Алоҳида турлари Ҳитой ва Японияда ҳам учрайди. Ҳозирги вақтда 8000 га яқин навлари маълум. Улар бир-биридан гулининг катталиги, шакли ва ранги, гуллаш вақти ва давомийлиги бўйича фарқланади. Ўсимлик бўйининг баландлиги 20 дан 60 см. га етади. Ўрта минтақа шароитида май-июн ойларида гуллайди. Илдиз олди барглари тўғри шаклда. Энг кўп тарқалган гуруҳ шоир наргининг гуллари хушбўй, тоза оқ, кичикроқ, тожи сариқ ёки олов рангда. Серяпроқ турлари ҳам учрайди.

Наргисларни гуруҳлар бўйича наисимон, майдада тожли, йирик тожли, цикламен кўринишиларга бўлиш мумкин. Гулбарги атродидаги баргчалар оқ ва тўқ сариқ, найчалари эса оқ ва олов рангларда тусланади. Тацетталар ва жонкиллиялар гуруҳи (гульдаста наргислар гуруҳи) пояди бир нечта гуллари бор. Улар нозик хушбўй ҳидга эга. Гуллари майда, оч-сариқ рангда.

Наргислар уруғидан (янги навлар ҳосил бўлиши учун) ва вегетатив — майда пиёзчалар билан кўпайтирилади. Пиёзнинг катталиги ва шакли наргининг гуруҳи ва турига боғлиқ ҳамда тез ўзгаради. Яхши агротехникада пиёзлар диаметри 10-12 см. гача ўсади. Катта пиёзлар майда пиёзчалар уяси ҳосил қилинган ҳолда кесилади. Наргислар боғ лолаларининг асосий гуруҳидан эртароқ гуллайди ҳамда уларнинг гуллаш давомийлиги гиацинг ва лолаларга нисбатан узоқроқдир.

Қуёшли ва бироз соя, аммо шамолдан ҳоли жойларда яхши ўсади ер ва жой танламайди. Лекин юмшатилган, сув ўтказувчан ва ўғитланган тупроқда яхшироқ ўсади. Наргисларни қумлоқ, чириндига бой, pH кўрсаткичи 6,8-7,2 (цикламен кўринишлilar учун — 6,0) тупроқларда етиштириш жуда яхши натижалар беради. Парваришда тупроқнинг зичлашишига йўл қўйиш мумкин эмас. Юмшатишдан олдин, чиринди сепиш керак. Янги гўнг пиёзларни экишдан 1 йил олдин солинади.

Наргислар сентябр ойида экилади. Бир жойда 2 дан 5 йилгача яхши ўсади, сўнгра улар кавлаб олиниади. Энг яхши гуллар экилгандан сўнг 2-3-йил кузатилади. Экишда пиёзлар орасидаги масофа 15-25 см., экиш чуқурлиги 10-15 см., бу уларнинг диаметрига боғлиқ.

Бунда пиёзни диаметри 2-3 см. чуқурликка ва тупроқ турига қараб экиш керак. Ўсимлик экилгандан сўнг, айниқса, кеч экилган бўлса унинг турига кўра тупроқни органик моддা� билан 5-20 см. қалинликда мульчаланади.

Ишлаб чиқариш хўжаликларида нарғислар ҳар йили июн-июл ойида, барглари қуригандан кейин кавлаб олинади. Сояда қуритилиб, навларга ажратилади ва кузда қайта экилади. Биринчи хили диаметри 5-6 см. ва иккинчи хили диаметри 3 дан 4 см. гача пиёз навларга ажратилади. Нарғис пиёзи болачасининг диаметри 3 см. дан кам. Ер усти барглари қуригунча суфориш шарт. Нарғисларни паст ҳароратда органик моддалар (чиринди, торф ва бошқалар) билан 10 см. қалинликда устини ёпиш керак (поэтикус гуруҳидан ташқари), тацеттлар гуруҳи нарғислар эса 20 см. қалинликда ёпилади. Баҳорда, қорлар эриши билан, мульчалаш моддалари олиб ташланади.

Нарғислар работкалар ва клумбалар, дарахтлар ва буталар орасидаги гуруҳларни экиш учун, майсазорларда (айниқса, улар иғнабаргли ўсимликлар атрофида жуда яхши манзара беради) ишлатилади, кесиш ва тезлаштириб етиширишда кенг қўлланилади.

Бойчечак, (галантус) — чучмўмагулдошлар оиласига мансуб ўсимлик. Ёввойи ҳолда Европа ва Осиёда ўсади. Пояси баланд эмас — 12-25 см., барглари тўғри, ингичка. Гуллари катта эмас, диаметри 3 см. гача, қўнгириқсимон, ранги оқ, баргларида яшил доғлари бор.

Апрел-май ойи бошларида гуллайди, аммо алоҳида навлар кузда ҳам гуллайди. Пиёзлар ва уруғидан кўпайтирилади, айрим ҳолларда эса ўзидан кўпаяди. Гулнинг пиёзлари вегетация охирида кавланади ва кўчириб ўтқазилади. Улар сентябр ойи охирида 5-10 см. масофа да ва 8-10 см. чуқурликда экилади. Уруғидан ўсган ўсимликлар 3-4 йил гуллайди. Ўсимлик тупи кавланмаса ва бўлинмаса бир жойда 4-6 йил кўкаради, қишига тидамли.

Қуёшли жойларда яхшироқ ўсади ва гуллайди. Тупроққа талабчан эмас, лекин қумоқ тупроқларни афзал кўради, янги гўнгга чидамсиз. Янги экилган ўсимликларни қишдан олдин, 3-5 см. қалинликдаги мульч билан ёпиш керак. Дарахт ва буталар орасидаги майсазсрларда ва ўтлоқларда гуруҳли экиш учун, тезлаш-

тириб етиштириш, миннатюралы безатиши ва баҳорда гулдасталар тайёрлаш учун ишлатилади.

Пушкиния — пиёзгулдошлар оиласига мансуб ўсимлик. Кавказнинг тоғли туманларидан келтирилган. Пролеска кўринишни пушкиния. Гулпояларининг баландлиги 15 дан 25 см. гача. Илдизолди барглари кенг ва чўзинчоқ. Гуллари оқ ёки зангори рангларда, кичикроқ, қўнғироқсимон, кучли хушбўй ҳидга эга. Апрел-май ойларида гуллайди.

Гиацинтили пушкиния. Гул пояларининг узунлиги 10-18 см. Барглари гул пояларидан узунроқ, ингичкадир. Гуллари хира зангори рангда, кичикроқ, карнайсимон. Пиёзбоши, майдапиёзчалар ва уруғлар билан, айрим ҳолларда ўзидан кўпаяди. Кўчатлар 2-4 йилда гуллайди. Пиёзбоши ва майдапиёзчалар тухумсимон шаклга эга. Улар 8-10 см. масофада ва 6-10 см. чуқурликда экилади. Тупи бўлинмаса ва кўчирилмаса бир жойда 5-8 йил ўсиши мумкин. Ўсимликнинг иккала тури ҳам очиқ ва ярим соя жойларда, сув ўтказувчан озуқали тупроқда яхши ўсади ва гуллайди. Гуруҳли экиш ҳамда альпинариялар учун, баҳорда эса гулдасталар ва композициялар тайёрлашда ишлатилади.

Шафран, крокус — заъфарон ирислар оиласига мансуб. Ёввойи ҳолда Европа ва Осиёнинг жанубий туманларида ўсади. Асосан поясиз, пиёзтугунакли баландлиги 12-15 см. гача бўлган кўп йилликдир. Илдизолди барглари ингичка, гуллагандан сўнг пайдо бўлади.

Гуллари карнайсимон, диаметри 3,5 дан 6 см. гача. Ранги турлича: оқ, кўк, бинафша, сариқ, март-апрел, май ойларида гуллайди, алоҳида турлари кузда ҳам гуллайди.

Пиёзтуганаклар, болачалар ва уруғлар билан купайтирилади. Пиёзтуганаклар ва майда пиёзчалар (кичикроқ, ясси думалоқ)ни кузда 6-12 см. чуқурликда ва оралиқ масофа 8 дан 12 см. гача бўлади. Уруғлар кузда сепилади. Экилганидан сўнг 3-4 йил гуллайди.

Барглар сарғайиши билан йиғим бошланади. Экилгунча пиёзтуганаклар шамоллатиладиган хоналарда сақланади. Қуёшли, шамолдан ҳоли жойларда, озуқавий, пухта дренажланган тупроқларда яхши ўсади ва гуллайди. Тупи бўлинмаса ва кавланмаса 3-5 йил ўсиши мумкин, совуқقا чидамли. Гуруҳлар, даҳалар, майсазорлар, ўтлоқлар ва ҳошия ўрнида экилади, айрим ҳолларда қишида тезлаштириб етиштириш учун ишлатилади.

IX. ЧИРОЙЛИ ГУЛЛАЙДИГАН БУТАЛАР ВА УЛАРГА ҚИСҚАЧА ТАЪРИФ

Буталар деб, шундай кўп йиллик дараҳтсимон ўсимликларга айтиладики, уларда асосий шоҳ бўлмайди ёки жуда нимжон ривожланади, шохланиш тупроқ сатҳидан бошланади ва уларнинг баландлиги тўлиқ ривожланганда 4-6 м. дан ошмайди. Баландлиги 1 м. дан ошмаган ўсимликлар бутачалар дейилади.

Буталарни манзарали хусусиятларига кўра: чиройли гулловчи, манзарали-баргли, чирмашувчи ёки гажаксимон ва игнабаргли буталарга бўлиш мумкин. Буталарнинг манзаралилиги тупнинг умумий тури (габитуси), барглари, поялари, гуллари ва меваларининг шакли ҳамда ранги бўйича аниқланади. Кўкаламзорлаштиришда фойдаланиладиган чиройли гулловчи буталар алоҳида қимматга эга. Гуллашининг кўплиги ва давомийлиги, хушбўй ҳиди ва ташқи кўринишнинг чиройлилиги — бу гуруҳ буталарнинг фарқланувчи хусусиятларидир. Бу гуруҳга атиргул, настарин, чубушник (боғ ясмини), очиқ ер гортензияси, калина бульдонеж, дўлана, дукёфоч, япон беҳиси, рододендрон, форзиция, будлея, гибиснус (пахмо гули) ва бошқалар киради. Чиройли гулловчи буталар ичидаги атиргул ва настарин ўзининг юқори манзарали хусусиятлари билан алоҳида бошуринни эгаллади.

Атиргул — қадимги гул ўсимликларидан биридир.

Атиргуллар табиий шароитларда Қутб доирасидан (игнали атиргул) тортиб то субтропик ва тропикларгача (мультифлор, сариқ ва бошқа атиргуллар) тарқалган. Атиргул атиргуллар оиласига мансуб бўлиб, бир неча юз тури ва кўринишлари мавжуд. Мамлакатимизда уларнинг 200 га яқин тури ўсади. Ҳозирги вақтда атиргулнинг боғ шакллари ва навлари сони 20 000 дан ошади. Барги тўкилувчан ва ҳамиша яшил турлари мавжуд. Улар тупининг баландлиги (10-15 см. дан 3-5 м. гача) ва пояларининг тузилиши бўйича (тик ўсуви, тарвақайлаган ва чирмашувчи) ҳам фарқланади. Атиргул пояси турли шакл ва рангдаги, турлича зичликдаги тиконлар билан қопланган. Атиргулнинг турлари ҳамда навлари кўплиги сабабли, унинг морфологик хусусиятлари, биологик ўсиш ва ривожланиш шарт-шароитлари бўйича ўхшаш навлардан иборат, боғ синфлари ёки гуруҳларига бўлинади.

Хиёбон атиргуллари. Бу гурухга кўпгина ёввойи ҳолда ўсувчи атиргуллар (наъматак), уларнинг боғ шакллари ва навлари киради. Хиёбон атиргулларини қишида устини ёпиш шарт эмас. Уларнинг туплари баҳайбат бўлиб, баландлиги 1,5 дан 3 м. гача бўлади. Айрим турларининг (галлик атиргули) бир йиллик шохларини учлари қишида музлайди ва улар баҳорда кесиб ташланади. Хиёбон атиргуллари кўкаламзорлаштиришда фойдаланилади. Улар турли мақсадларда: жонли деворлар, гуруҳлар, массивлар ҳосил қилинганда ҳошиялаш ва сайқаллаш ишларида ишлатилади. Тупроқ танламайди, лекин маданийлаштирилган қумоқ тупроқларда яхшироқ ўсади. Илдизи чуқур жойлашганлиги сабабли, (1,5-3 м. гача) экиш учун мўлжалланган ҳандакларда қайта ишлаш (плантаж) амалга оширилади. Хиёбон атиргулларини экишда шохлари кесиб олинади, бунда асосидан бошлаб ҳисобланганда 2-3 та яхши шаклланган куртаклар қолдирилади. Кейинги йилларда хиёбон атиргулларининг фақат қариган, ўз манзарасини ўйқотган шохлари кесиб ташланади.

Хиёбон атиргуллари уруғидан бачкилари орқали ва тупни бўлиш қаламча йўли билан кўпайтирилади. Уларнинг ичидаги турлари кагта аҳамиятга эга:

1. Буришган атиргул ёки ругоза атиргули. Тупининг баландлиги 1,5-2 м. га етади. Поялари семиз, тўғри, йирик тиконлар билан зич қопланган. 7, 9, 10 тадан тўқ-яшил рангдаги баргчалардан ташкил топган, уларнинг усти силлиқ, орқаси эса қайрилган, буришган бўлади.

Май ойида гуллайди ва ёз давомида қайта гуллаши ҳам мумкин. Гулларининг ранглари қирмизи, қизил, лекин оқ ва пушти гулли турлари ҳам мавжуд. Гулларнинг диаметри 5-7 см. серяпроқ, ярим серяпроқ, шунингдек, серяпроқ бўлмаган турлари ҳам мавжуд. Турига кўра хушбўй ҳидга эга.

Ругоза атиргулининг мевалари йирик (диаметри 4 см. гача), жуда манзаралидир. Айниқса, тўқ рангли бағлар фонида жуда чиройли кўринали. Айрим ҳолларда тупларда бир вақтнинг ўзида ҳам гуллар, ҳам мевалар мавжуд бўлиши мумкин. Ругоза атиргулининг гибрид навлари кўпдир. Шимол Қироличаси гибриди ўзининг қизил серяпроқ гуллари билан жуда чиройлидир. Унинг оқ серяпроқ гулли турлари ҳам мавжуд. Ругоза атиргулининг Мичурин навлари кенг тарқалган. Гулдаста,

Шарқ Юлдузи ва бошқалар шулар тоифасидан. Ругоза атиргулийнинг сариқ рангли гулли гибриidlар орасида Ағнес нави кенг тарқалгандир.

2. Майдада баргли атиргул. Тупларининг баландлиги 1,5—2 м. га етади. Барча поялари, шохчалари ва барг қаламчалари майда тиконлар билан қопланган. Барглари жуда майда, ҳар бир барг 5-11 та оч-яшил рангли баргчалардан ташкил топган. Кузда барглар сариқ-қизғиши ранг тусиға киради. Эрта гуллайди — апрел ойи охири. май ойи бошларида, икки ҳафга давомида бир марта гуллайди. Гулларининг ранги оч сариқ, ярим серяпроқ, ўтган йилги поя узунлиги бўйича қалта гулоёқчаларда зич жойлашган бўлади. Мевалари майда, шарсимон шаклда, қора ёки тўқжигар рангда. Майда баргли атиргулнинг кўпгина боғ шакллари мавжуд. И. В. Мичурин Светлана навини ругоза ва майда баргли атиргул гибридидан яратган.

3. Юз гулбаргли атиргул. Тупининг баландлиги 1-1,25 м. Тупи тарвақайлаган. Гуллари оч-пушти рангда, зич серяпроқ (битта гулда 150-170 та гулбарглар мавжуд бўлади), ҳиди ўткир. Май ойининг иккинчи ярмида, икки ҳафта давомида бир марта гуллайди. Қишида музлаши мумкин, устини ёпиш зарур.

4. Сариқ атиргул. Ватани — Ўрта ва Кичик Осиё. Тупларининг баландлиги 0,5 дан 2 м. гача. Поялари тиканлар билан қопланган. Май ойида гуллайди. Гуллари сариқ рангда, йирик, алоҳида, ҳиди ёқимсиз. Шунинг учун уни иккинчи ном билан, сариқ атиргул деб ҳам аташади. Қишининг совуқ кунларида музлайди, шутуфайли устини яхшилаб ёпиш керак. Унумдор тупроқни ёқтиради, ортиқча намлика чидамсиз.

Гулбарглари икки хил рангли. Жан Биколор шакли энг катта қизиқиши уйғотадиган нав. Гулбаргининг усти оч-сариқ, ич томони эса қизил рангда.

5. Қизил баргли атиргул. Марказий Европадан келтирилган. Туплари тўғри ўсуви, баландлиги 2 м., поялари ингичка, бинафша рангда, деярли тикансиз. Барг ва пояларининг такрорланмас ранги — қизил баргли атиргулларнинг ўзига хос манзарали хусусиятидир. Айниқса, уни гуруҳли ва алоҳида экишда ишлатиш жуда яхши натижга беради. Май ойининг иккинчи ярмида, уч ҳафта мобайнода оч-пушти рангда гуллайди. Асосан оддий, лекин серяпроқ шакллари ҳам мавжуд. Шарсимон, йирик, тўқ қизил рангли мевалари ҳам жуда

манзарали. Қишига чидамли, ўсиш даврида шароит танламайди.

6. Рубигоноза ёки занг-қизил рангли. атиргул. Бутун Европа бўйича кенг тарқалган. Кўп пояли тик ўсувчи, тупининг баландлиги 1,5—2 м. га етади. Поялари кўплаб ўткир тиканлар билан қопланган. Барглари майда, яшил рангда, жуда хушбўй олма ҳидга эга. Май ойи охирида, икки ҳафта мобайнода гуллайди. Гуллари катта эмас, оч-пушти рангли, оддий ва ярим серяпроқ. Рубигоноза атиргулининг турли рангдаги оддий ва ярим серяпроқ гибриidlари ҳам мавжуддир.

7. Галлик ёки француз атиргули. Ватани Европа, Қрим ва Қавказдир. Тупларининг баландлиги 1 м. га етади. Апрел-май ойлари бошида гуллайди. Гулларининг диаметри 6 см. гача, тўқ пушти ва тўқ қизил рангда, жуда хушбўйдир, ярим серяпроқ ва серяпроқ бўлади. Ўрта минтақа шароитларида қишига чидамли. Гуруҳлаб экилади ва гуллари фойдаланиш учун кесилади.

Кўпгина гибриidlар ва навлар учун бошланғич манба ҳисобланади. Галлик ва жигарранг атиргуллардан жуда қизиқ гибрид — ярим серяпроқ қизил рангли, ялтироқ, йирик гулли француз атиргули олинган. У қишига жуда чидамли.

8. Дамашқ атиргули. Галлик ва канин атиргулларини чатиштиришдан олинган. Дамашқ атиргули — хушбўй атиргул ёғини олиш учун экилади. Тупининг баландлиги 1,5 м. кучли шохланган, тиканлари жуда кўп ва илмоқсимондир. Барглари йирик, узунилиги 10-15 см. ли 5-7 га баргчалардан ташкил топган, тўқ яшил рангда. Гуллари пушти рангда, зич серяпроқ, кучли хушбўй ҳидли. Май-июн ойларида деярли бир ой давомида гуллайди. Қишига чидамсиз.

9. Канина ёки кучуксимон атиргул. Ватани Жанубий ва Ўрта Европа ҳамда Ўрта Осиёдир. Тупининг баландлиги 1 м. га етади. Поялари ингичка, камроқ тиконлар билан қопланган. Барглари оч-яшил рангда. Гуллари оддий, пушти-қизил, майда ва ҳидсиз. Манзараси камроқ, лекин атиргулнинг бу тури энг яхши пайвандтаг ҳисобланади.

10. Игнаси мон атиргул. Ватани Европадир. Тупларининг баландлиги 1 м. гача боради. Поялари ингичка, жигар рангда, сертикан, 3-7 та баргчалардан ташкил топган, усти тўқ яшил, орқасига қайрилган. Гул-

лари қирмизи-пушти рангда, жуда хүшбүй, биттадан ёки 2-3 тадан жойлашган. Апрел ойи охири — май ойи бошларида гуллайди. Меваси жуда манзарали ясси шаклида, катта эмас, қызил-олов рангда. Қутб доира-сида ҳам ўсади, қишига ва сояга чидамли, кесишга енгил бўй беради. Жонли деворлар ташкил қилишда кенг ишлатилади.

11. Ремонтант атиргуллар гуруҳи. Ремонтант атиргуллар — бу гибридлар бўлиб, уларнинг бошлангич навлари, иссиқсеварベンガлия(ҳинд) ва хитой(чой) атиргулларини Осиё(Дамашқ атиргули), Европа(галлик атиргули) ва бошқа наъматакнинг ёввойи турларни билан чагишириб олинган. Тупларининг баландлиги 1-1,5 м. га етади. Гуллари зич серяпроқ, ранги оқ, пушти ва қизил, кучли ҳидга эга. Май ойида тўлиқ, кузда эса қайта гуллайди, лекин кучсизроқ бўлади. Ўзбекистон шароитида қишига чидамли, аммо ўрта минтақада қишида ҳимояга муҳтоҷ. Кўкаламзорлаштиришда камроқ ишлатилади, чунки гуллаб бўлгандан сўнг, туплар ўз манзарасини йўқотади. Айрим ҳолларда улар битта навдан гуруҳ ташкил қилиш учун ишлатилади.

12. Чой гибридли атиргуллар. Ремонтант гуруҳ навлари билан чой ва ҳинд атиргулларини чатиширишдан келиб чиқсан. Тупларининг баландлиги 40-80 см., тик ўсуви ёки тарвақайлаган бўлади. Ремонтантларга нисбатан қишига чидамсизроқ. Гуллари турли тусда ва нозик, ўткир ҳидга эга. Биринчи галда ҳам, қайта вегетация даврининг охирида ҳам тўлиқ гуллайди.

13. Пернеция атиргуллари. Ўзининг биологик хусусиятлари бўйича чой гибридли атиргулларга жуда яқин. Улар ремонтант атиргуллар(Антуан Дюшевани) билан сариқ Эрон атиргулини(Першен Иеллоу) чатиширишдан келиб чиқсан. Пернеция атиргулиниң биринчи гибридиди(Солейль д, Ор нави) чой гибридли атиргулларнинг турли навлари билан чатиширилган.

14. Полиант ёки кўп рангли атиргуллар. Кўп рангли чирмашувчи атиргулнинг пастак(карлик) туридан танлаш, уларни ўзаро, бошқа гуруҳ ва иш атиргуллари билан гибридлаш орқали олинган. Полиант атиргулиниң тупи ихчам, пастак бўйли, баландлиги 30-40 см. майда(диаметри 1-2 см.) серяпроқ ва ярим серяпроқ гулли бўлиб, у кўп гулли бўлонсимон гулбарглар-

га йиғилған. Совуқ түшгүнча узлұксиз күп гуллайды. Гулларининг ғангалари оқ, пушти, қизил, айрим ҳолларда сариқдир. Навларниң күпчилиги ҳидсиз ёки күчсиз ҳидга әга. Намлик ва совуққа етарли даражада чидамли.

15. Гибридно полиант атиргуллар. Полиант атиргуллари чой гибридли атиргуллар билан чатыштиришдан келиб чиққан. Улар жуда кучли ўсиш (баландлиги 60-100 см.) ва рангининг турлилиги билан фарқланади. Гуллари йирик, оддий, ярим серяпроқ ва серяпроқдир, бўронсимон ёки соябонсимон гулбаргларга йиғилган. Кўпгина навлари деярли ҳидсиз. Совуқ тушгунча гуллайди. Совуққа чидамли.

16. Флорибунда гуруҳи атиргуллари ташқи кўриниши ва ўзининг биологик хусусиятлари бўйича чой гибридли ва гибридполиант атиргулларига жуда ўхшашдир. Тупининг шакли тарвақайлаган, баландлиги 60-70 см. Гуллари йирик (диаметри 8-12 см.), шакл ва ранги худди чой гибридли атиргуллар сингари, лекин гибриднopolиантлар сингари бир нечтадан соя-бонсимон гулбаргга йифилган. Узлуксиз гуллайди. Ҳозирги вақтда флорибунда гуруҳи атиргуллари навлари юқори талабгорларга эгадир, чунки улар кесишга, иссиқхоналарда етиштиришга ва очиқ ердаги гулли экинзорларни безатиш учун жуда кўп ишлатилади.

17. Гажаксимон ёки чирмашувчи атиргуллар. Кўп рангли ва Вихура атиргулларини чой ҳамда чой гибридли ва бошқа гуруҳларнинг турли навлари билан чатиштириш натижасида келиб чиққан. Гажаксимон атиргуллар узунлиги 2-5 м. бўлиб ер бағирлаб ёки юқорига қараб ўсувчи пояларга эгадир. Гуллари майда ёки йирик, ним ёки зич серяпроқ, пирамидасимон, бўронсимон гулбаргларга йиғилган. Гулларнинг ранглари турлича: оқ, пушти, қизил, қирмизи.

Күпгина навлари деярли ҳидсиз ёки кучсиз ҳидга зга. Бир марта жуда қуюқ ва давомий ҳолда гуллайди. Гуллаш давомийлиги турли босқычдаги шохларда жойлашган гулбарглар гуллашининг бошланиши ва гулбарглардаги гулларнинг турли вақтда гуллаши билан аниқланади. Фақат ярим гажаксимон Нью Даун нави совуқ тушгунча гуллайди.

18. Миниатюра атиргуллари ҳинд, бенгалия ва хитой атиргулларининг пастак (карлик) шаклидир. Сўнгги йилларда кенг тарқалди. Миниагюра атиргулларининг тарқалган маданий манзураси барча анибонларни оидига ишондай сабаблардан туради.

гулларининг гуллари диаметри 1,5-2 см. гача, ранги бўйича турличадир, чиройли шакли билан ажралиб туради, серяпроқ, айрим ҳолларда хушбўй. Туплари пастак (баландлиги 20 см. гача), ихчам. Гуллаши узлуксиз ва жуда қуюқдир. Пастак ҳошиялар, клумбалар ташкил қилишда, тезлаштириб етиштиришда ва хона ўсимлиги сифатида ишлатилади. Миниатюра атиргулларининг айрим навлари (Пикси, Литл Беккеру, Перла де Мосеррат) очиқ ерда яхши қишлоайди.

Настарин зайдундошлар оиласига мансуб. Ёввойи ҳолда Европа, Узоқ Шарқ, Хитой, Японияда ўсади. Ҳозирги вақтда 28 та тури ва 1000 дан ортиқ нави маълум. Настарин — барг тўқувчи бута ёки дараҳт бўлиб, баландлиги 2-6 м. га етади. Барглари кенг тухумсимон бўлиб, қарама-қарши жойлашган, ранги оч ёки тўқ яшил. Гуллари найсимон, 4 та гулбаргчали, ингичка бўронсимон гулбаргларга йиғилган. Меваси икки табакали узунчоқ идишча шаклида, 2 тадан 4 тагача уруғи бўлади.

Гулбаргларининг жуда чиройли шакли ва ранги ҳамда хушбўй ҳиди учун қадрланади. Айниқса, офтоб жойларда, юмшатилган унумдор, нейтрал ёки кучсиз реакцияли тупроқларда яхши ўсади ва гуллайди, лекин ярим соя жойларда озуқавий моддалар етарли тупроқларда ҳам яхши ўсади. Настарин учун ер ости сувларининг яқинлиги, нам ва пастқам жойлар ёмон таъсир қиласиди. Кўп илдиз бачкилари ҳосил бўлади, уларни тупнинг ривожланишини секинлаштирмаслиги учун кесиб ташлаш керак. Бундан ташқари, илдиз бачкиларини экиш манбай (материали) сифатида ўз вақтида ва тўғри ишлатиш настаринни кўпайтириш усулларидан биридир.

Уруғ, илдиз бачки, қаламчалар ва пайвандлаш йўли билан кўпайтирилади. Настаринда гул куртаклари бир йиллик пояларда ҳосил бўлиб, улар кейинги йили гуллайди. Настаринни кўкаламзорлаштиришда гуруҳли ва алоҳида экиш учун, тезлаштириб етиштириш ва гулларидан фойдаланишда кесиш учун ишлатилади. Кўкаламзорлаштириш учун кўпинча оддий, венгер ва амур настаринлари ишлатилади. Ўзбекистон шароитида булар март ойининг охиридан май ойи ўрталариғача гуллайди.

Оддий настарин. Жанубий ва Марказий Европадан келтирилган. Бутанинг баландлиги 3-4 м. Ўсимликнинг илдиз бачкилари доимий кесиб турилса, унинг баландлиги 5 м. дан ошади, дараҳт кўринишига эга

бўлади. Пўсти тўқ-яшил, пояси силлиқ, хира яшил рангда. Барглари қарама-қарши жойлашган, юраксимон, узунчоқ. Гул куртаклари пояларнинг юқори қисмida жойлашган.

Гул попуклари асосан жуфт бўлиб ривожланади, аммо айрим ҳолларда иккитадан фақат битта куртак гуллайди, иккинчиси эса ўсиш поясини ҳосил қиласди. Гулбаргларнинг шакли ва катталиги турли навларда турлича, яъни майдадан йириккача, пирамидасимондан, конуссимонгача, юмaloқдан цилиндрсимонгача, эгилувчандан тик ўсувчиғача, юмшоқдан зичгача бўлади. Боғ навларининг гуллари оқ, зангори, бинафша- зангори, бинафша-пушти, қирмизи-пушти, қирмизи ва бинафша рангда бўлади. Оч-сариқ рангдаги гулли навлари ҳам мавжуд. Бундан ташқари, настаринни сеярпроқ, ярим серяпроқ ва оддий кўринишдагиларга бўлиш мумкин.

Венгер настарини— Венгрияда ўсади. Унинг баландлиги 3-5 м. га егади. Барглари тўқ-яшил рангда, пасти оқроқ, кучли буралган, узунчоқ шаклда. Гулбарглари тик ўсувчи, гуллари майда (диаметри 1 см. гача) кучли ҳидли, серяпроқ эмас. Гулларнинг ранги бинафша рангда, ҳаво шароити, ўсиш жойи ва тупроқ таркибига кўра ҳар хил тусда бўлиши мумкин. Оддий настаринга нисбатан, 7-12 кун кейин гуллайди. Умумий гуллаш даври 15-20 кунга тенг.

Тупроқ шароитига талабчан эмас. Юқори қурғоқчиликка ва қишига чидамлилиги билан ажралиб туради. Вегетацион даврининг ихтиёрий вақтида кўчириб ўтқазишга чидамли. Илдиз бачкилари кам ва кўпинча настариннинг боғ навлари учун пайвандтаг сифатида ишлатилади. Аммо, шуни таъкидлаш керакки, боғ навларининг унга пайвандланган поялари кўпинча пайванд қилинган жойидан синиб тушади.

Амур настарини. Ватани Узоқ Шарқ, Хитой ва Кореядир. Бу бутанинг баландлиги 8-10 м. Барглари шакли ва ўлчами бўйича оддий настарин баргларини эслатади. Гулбарглари йирик, кенг бўронсимондир, узунлиги 20 см. гача, жуда майда (диаметри 0,5 см.) оч сариқ гуллардан ташкил топган. Ўткир асал ҳидига эга. Апрел ойи охири май ойида, венгер настаринидан 10-15 кун кеч гуллайди. Гуллаш давомийлиги икки ҳафта. Совуқча чидамли, лекин қурғоқчилик ва иссиқча чидамсиз. Ноунумдор қуруқ, қумли тупроқларда майдалашади ва кўпинча гулламай қўяди. Уруғидан (баҳорги экиш

1,5 ойлик стратификациядан сўнг) ва пархиш йўли билан кўпайтирилади.

Сертук настарин. Ватани Кавказ. Ташқи кўринниши венгер настарининг ўхшайди, йирикроқ, кучли буралган барглари билан фарқланади. Май ойида гуллайди.

Чубушник ёки ёлғончи ясмин, қорақатдошлар оиласига мансуб. Ёввойи ҳолда Жанубий Европа, Шимолий Америка, Шарқий Осиё ва Кавказда ўсади. Чубушникнинг тури ва навлари жуда кўп.

Чиройли гулловчи бута турли баландликда 0,6 дан то 4 м. гача ўсади. Туплари сершоҳ, тарвақайлалган, поялари тик ўсуви ва осилган. Барглари қарама-қарши жойлашган, катталиги ва шакли бўйича турлича. Гуллари оқ ва сарғиш рангларда, майдада (диаметри 2 см) дан то йирик (диаметри 3-5 см) гача, оддий, ярим серяпроқ ва серяпроқ кўпчилик навлари жуда хушбўй ҳидга эга, лекин ҳидсиз навлари ҳам бор. Июн ойи бошларидан июл ойи охиригача (навига кўра) гуллайди. Сояга чидамли, аммо очиқ қуёшли жойларда кўпроқ гуллайди. Тупроққа талабчан эмас. Сернам тупроқларда яхши ўсади, аммо ер ости сувларининг туриб қолишига чидамсиз. Чубушник учун мўлжалланган чуқур жойларни (50-60 см. га) қайта ишлаш керак. Чубушникнинг парвариши мураккаб эмас. Кўп йиллик буталарда қари шохларни узлуксиз кесиб туриш зарур. Яшил қаламчалар, уруғлар, тупни бўлиш пархишлаш йўли билан кўпайтирилади. Гуруҳлаб ва алоҳида экиш учун, жонли деворлар ва ҳошиялар кўрининшида ишлатилади.

Энг кўп тарқалган тури ва навлари:

Майдада баргли чубушник. Ватани Шимолий Америка. Баланд бўлмаган (1,5 м. гача) тури ингичка кўн пояларга эга. Барглари майдада, ништарсанмон. Гуллари оқ, йирик эмас, серяпроқ ва ярим серяпроқ, жуда хушбўй, ўзига хос қулупнай ҳидига ўхшаш. Июн ойи охири июл ойи бошларидан гуллайди. Совуқ қишлоарда музлайди. Майдада баргли чубушникнинг серяпроқ ва ярим серяпроқ боғ турларини айрим ҳолларда Лемуан ясмини деб ҳам аташади.

Оддий ёки гулчамбарли чубушник. Бутур бир неча юз йилдан бери маълумдир. Жанубий-Фарбий Европадан келиб чиққан. Ёввойи ҳолда Кавказда учрайди. Тупининг баландлиги 3 м. га етади. Ихчам,

зич шохбаргларга эга, поялари кучли, барглари йирик бўлади. Гуллари оқ, сарғиш-оқ рангда, оддий, серяпроқ ва ярим серяпроқ, майда ва ўрта (диаметри 3,5 см. гача), ҳиди жуда кучли. Барги тилла рангли ва оқ ҳошияли бўлган бօғ шакллари ҳам мавжуд.

Йирик гулли чубушник Шимолий Америкадан келиб чиққан. Баландлиги 3 м. га етади. Барглари йирик (узунлиги 10—12 см.). Гуллари жуда йирик (диаметри 6—8 см.), оқ рангда, ҳидсиз. Июн ойининг ўрталарида гуллайди, қишига чидамли.

Момики чубушник Шимолий Америкадан келиб чиққан. Буганинг баландлиги 3—4 м. Барглари паст тарафга буралган, гуллари йирик, сарғиш-оқ рангда, деярли ҳидсиз. Бошқа тур чубушникларга нисбатан кеч, (июн ойи бошларидан) бир ой давомида гуллайди.

Юқорида келтирилган чубушникларнинг турли турлари ва бօғ шаклларини чатиштиришдан кўпгина янги навлар олинган.

Чиниз Калина — шилвидошлар оиласига мансуб бута. Қалинанинг барча турларини алоҳида ва гуруҳлаб экиш, истироҳат боғларида ўрмон бутазорларини ташкил қилиш учун ишлатиш мумкин. Қуидаги турлари энг кўп тарқалган:

Оддий калина. Тупининг баландлиги 2—3 м., ярим ҳолларда 4 м. га етади. Шохбарглари тарвақайлаган, кенг тухумсимондир, поялари тўғри, кучли шохланган. Барглари йирик (узунлиги 12 см. гача), қарама-қарши жойлашган, кузда енгил қизаради. Гуллари оқ рангда, йирик соябонсимон ёки қалқонсимон гулбаргларга йифилган. Майнинг иккинчи ярмида июн ойигача гуллайди. Меваси йирик, қизил ялтироқ рангда, истеъмол қилса бўлади. Бута гулаш даврида ҳам, мева туғиш даврида ҳам жуда чиройлидир. Сояга чидамли, тупроққа талабчан эмас, аммо унумдор тупроқларда яхшироқ ўсади ва гуллайди, намсевар. Нисбатан тез ўсади. Уруғ билан (кузда сепилади, баҳорги сепишда стратификация зарурдир, ҳаётининг 5—6 йилида гуллайди), қаламча, пархишлаш йўли билан кўпайтирилди. Кесишга чидамли. Серяпроқ шаклга эга — Қорли шар (Бульде Нейж) — диаметри 15 см., оқ рангда шарсимон. Гулбарги турининг гуллаши кечроқ ва узоқроқ бўлиб 25 кунга чўзилади. Ярим соя жойларда ҳам ўсиши мумкин. Совуқ қишиларда музлайди. Фақат вегетатив усулда — пархишлаш, яшил қаламчалар ва

ұатто тупини билиш билан күпайтирилади. Калина бульденейж қесишига ва шакл беришга чидамли.

Городовина оддий калинаси. Ёввойи ҳолда асосан жанубий ўрмонларда ўсади. Бутанинг баландлиги 4—5 м., жуда ихчам, чиройли кенг ва зич шохбаргларга эга. Барглари ясси шаклида, юқориси буришган, паст томони букланган. Гуллари оқ хира рангда, зич соябонсимон гулбаргларга йигилган, гуллари ўтган йилги поялар учида ҳосил бўлади. Июн ойининг биринчи ярмида гуллайди. Меваси қора рангда, истеъмолга ярамайди. Фақат гуллаш даврида манзарали. Сояда бемалол ўсади, қурғоқчиликка ва қишига чидамли. Уруғлар, бачки илдизлар ва пархишлаш ўйли билан күпайтирилади.

Городовина канада калинаси шохланган бута бўлиб, баландлиги 5—6 м. Барглари кенг чўзинчоқсимон, тўқ яшил рангда, силлиқ, кузда қизғиши рангга кириб жуда чиройли манзара беради. Гуллари оқ, меваси кўкиш қора рангда, ейишга ярамайди. Сувуқقا ва сояга, тутунга чидамли. Тупроққа талабчан эмас, лекин нам жойларда яхши ўсади.

Гортензия — тош ёрувчилар оидасига мансуб ўсимлик. Ёввойи ҳолда Шимолий ва Жанубий Америкада, Хитойда, Японияда ва Сахалиннинг жанубида ўсади. 35 га яқин турлари маълум. Чиройли манзарали буталардан бири, баландлити 1—2 м. айрим ҳолларда 3—4 м. га етади, ихчам ёки тарвақайлаган бўлади. Барглари оддий, йирик, оч-яшил рангда, қарама-қарши жойлашган. Гуллари майда, зич, жуда чиройли қалқонсимон ёки бўронсимон гулбаргларга йигилган. Гулларнинг ранги оқ, пушти ёки зангори. Гулбарглар бутада узоқ вақт айниқса, кесилган ҳолда яхши сақланади. Гуллаши август ойидан бошланади ва кеч кузгача давом этади.

Ўғитланган тупроқларда яхши ўсади. Сояга чидами ва намсевар. Ўрта миңтақада қишида устини ёпиши керак. Кузда ёки баҳорда ўтган йилги шохларда 1—3 жуфт куртаклар қолдириб кесилади. Қаламчалар, тупни бўлиш ва пархишлаш ўйли билан күпайтирилади. Очиқ ер гортензияларидан қуйидагилар энг кўп қизиқиши уйғотади.

Бўронсимон гортензия. Ватани Япония, Хитой ва Сахалиннинг жануби. Бутанинг баландлиги одатда 1,5 дан 3 м. гача етади. Японияда баландлиги

10 м. гача дарахт күринишида ўсади. Бута тарвақайлаган, қуюқ шарсимон шохбаргли, поялари ингичка, барглари чүзинчоқ. Гулбарглари жуда чиройли пирамида ёки конус шаклида, узунлиги 30 см. Гуллари майда, олдин оқиш-күк бўлиб, аста-секин оқаради, кузга бориб эса, қизғишиш-пушти рангга киради. Август-сентябр ойларида гуллайди.

Йирикроқ гулбарглар олиш учун, баҳорда майда шохларни кесиб ташлаш керак, йирик шохларда эса кўпроқ ривожланган куртакларнинг 2/3 қисми қолдирлади.

Кўп гулли — йирик гулбаргли ва йирик гулли;

Йирик гулли гулбарглардаги йирик гулли ва эрта — бўронсимон гортензияга нисбатан 5—6 ҳафта олдин — июл ойининг ўрталарида гулловчи турлари ҳам мавжуд.

Дарахтсимон гортензия. Ватани Шимолий Америка. Бутанинг баландлиги 3 м. Гуллари оқ ялтироқ рангда, унча катта эмас (диаметри 2 см.), диаметри 15—20 см. бўлган ясси гулбаргларга йифилган. Структурали тупроққа ва ўсиш жойига талабчан эмас, лекин намсевар. Совуқ қишлоарда музлайди.

Чирмашувчи гортензия. Ўрта минтақа шароитларида вертикал кўкаламзорлаштириш учун ишлатилиши мумкин бўлган лианалардан бири бўлганилиги учун алоҳида қизиқишиш уйғотади. Гортензиянинг иссиқсевар — боғ япон ва бошқа турлари ойнавон айвонларда ва хоналарда етиштириладиган тувак ўсимлиги сифатида ишлатилади.

Юқорида келтирилган ўсимликлардан ташқари, кўкаламзорлаштиришда қуйидаги чиройли гулли ва баргли буталардан фойдаланиш мумкин: япон беҳиси, магония, дейция, клен Гиннала, бояришник, кизильник, барбарис, сперяянинг ҳар хил турлари ва бошқалар.

X. ГУЛ ОЛИНАДИГАН ЎСИМЛИКЛАР ГУРУХИ

Гул олинадиган ўсимликлар кўп йиллик бўлиб, алоҳида гуруҳни ташкил этади. Уларни ойнавон айвонларга бир неча йилга экиласди. Тувак ўсимлигидан фарқли равишда, уларнинг маҳсулоти фақат кесиб олинади. Бу ўсимликларнинг биологик тавсифларига кўра ўши мавсумий хусусиятга эга. Ремонтант чиннигули гул

олиш учун ўстириладиган ўсимликлар орасида мұхим үринлардан бирини әгаллайды.

Ремонтант чиннигули — чиннигулдошлар оиласига мансуб ўсимлик, ўтсимон, тупи кучли ривожланган. Уларни парвариш қилиш учун ип ёки 15—30 см. уячали түрдан фойдаланилади. Агротехника яхши олиб борилса, баландлиги 100—120 см га етади. Барглари яшил рангда, ингичка. Гуллары серяпроқ, тұлық очилғанда диаметри 8—12 смга етади, ранги — оқ, пушти, қизил, сарық, бир тусли ёки ола-була (чизиқчали ва доғчали); алоқида навларининг гуллари ҳидсиз.

Яшил қаламчалар билан күпайтирилади, бунинг учун қуйи құлтық поялар тайёрланади, селекция ишида эса уруғ билан күпайтирилади. Қаламча олиш учун энг яхши вақт — феврал-апрел ва август ойн охиридан октябр ойигача. Кузги күпайтиришда ва қишлошнинг яхши шароитларда ўсимликлар кучли ривожлапади. Синдирилган қуйи поялардан иккита (айрим ҳолларда учта) тугунчали, ўртача узунлиги 15 см. бўлган қаламчалар кесилади ва гетероауксин билан қайта ишланади. Барглари калталаштирилади. Кучли сўлиганинг қаламчаларни сувда 10 дақиқа ивтиш мақсадга мувофиқдир. Қаламчалар кўчатларни кўчириб ўтказувчи яшикларга, токчалар тупроғига, ойнавонли айвонлар ёки жўякларга экиласди, тупроқни 17-18° гача иситиш мақсадга мувофиқ бўлади. Қаламчалар тезроқ илдиз отиши учун туман ҳосил қилувчи қурилмаларни қўллаш мумкин. Олдин зовур қатлами 1—2 см. қалинликда йирик донали қум, шағал, керамзит ёки торфкукуни, сўнгра серажриқ тупроқ, гўнг ва торфлардан бир хил миқдорда олиниб, 3—4 см. қалинликда солинади. Устидан ювилиб, 1—1,5 см. да қум сепилади. Ёзда секин қурийдиган майда қум, кузда эса қаламча асосига ҳавони яхши ўтказувчи йирик донали қум ишлатилади. Ишлатилаётган субстратларни олдин марганецли нордон калий, буғ, қайнаган сув билан дезинфекция қилинади. Тупроқ намланади ва 3x4 см. масофада белгилар қўйилади. Қаламчалр 1—1,5 см. чуқурликда экиласди ва яхши сугорилади. Илдиз отгунча ҳарорат 12—14° да ушлаб турилади, субстрат ҳарорат эса 4—6° юқори бўлиши керак. Қаламчаларни баҳорда тик қуёш нурларидан сақлайдилар ва субстратни ортиқча намламасдан, сув пуркалади. Келтирилган шароитларда 18—24 кундан кейин илдиз отади. Кўпай-

тиришни бошлагандан 30—40 кун ўтгандан сўнг, илдиз отган қаламчалар туваклар ёки токчаларга экилади. Уларни экиш учун тупроқ аралашмаси 4 қисм енгил серажриқ, 2 қисм сербарг, 1 қисм қум ва 1 қисм чириндили тупроқдан ташкил топади, бунда рН 6,5—7. Майда толали торфни қўшиш тавсия этилади. Экишдан олдин субстрат намланади. Ўсимлик эҳтиёткорлик билан кўчириб ўтқазилади, енгил синувчи илдизчаларга зарар етказмаслик керак. Янги жойга қаламчаларни худди ўша чуқурликда экилади. Экилгандан сўнг 10—15 кундан кейин кўчватларнинг учинчи тугунчаги олиб ташланади. Парвариш — сугориш, юмшатиш, ўташ, озиқлантириш, вентиляция, касалликлар ва зааркундалар билан курашиш, 3—4 та пояли тупни шакллантириш ва белгиланган ҳароратни сақлаш: қишида — кундузи 10—13°, 15° гача, кечаси 6—9°, ёзда — 16—20° гача. 30—40 кундан кейин шаклланган ўсимликни эҳтиёткорлик билан кавлаб, тупроғи билан олинади ва доимий жойига — ойнали иссиқбинолар (ерга, токчаларга, туваклар)га экилади. Қаламча қилингандан сўнг 8—12 деганда гуллайди. Епиқ ер шароитида кесиш учун чиннигулни етиштириш ютуғи, тупроқни тайёрлаш сифатига боғлиқдир. Олдин 35—45 см. чуқурликдаги хандиқда шағал, шлак, қумдан 10—12 см. қалинликда зовур ҳосил қилинади, унинг устига дезинфекцияланган, яхши оҳакланган, озуқавий, чириган мол гўнги ерга солинади. Тупроқнинг умумий қатлами 35—40 см. ни ташкил қилиши керак. Ер текислангандан сўнг, ўсимликларни экиш учун жойлар белгиланади (ўсимликлар ораси 10 см. ва жўяклар ораси 20—25 см.). Уларни яхиси шахмат тартибида эккан маъқулдир. Чиннигул — ёруғсевар ўсимлик ва унинг учун ортиқча зичлик заарлидир. Аввал чиннигул ўсимлиги мустаҳкам тик турувчи пояларга эга бўлади, лекин ойнали иссиқ бинолар шароитида янги пояларнинг ривожланиши билан улар нозик бўлиб қолади. Шунинг учун, 20—30 см. баландликда экинлар узунасига ва бўйига, руҳланган ингичка симлар, капрон иплар, смолаланган ёки мумланган каноп иплардан 15 дан 30 см. гача ўлчамли уячали тўрлар ҳосил қилинади. Ўсимлик 20-30 см. га ўсиши билан, янги тўр тортилади, бу иш тўртингичи ярусгача амалга оширилади. Экилгандан сўнг яхши сугорилади, илдиз отгандан кейин эса вақти-вақтида шамоллатилади. Ҳаво намлиги 60—70 фоиз че-

гарада ушлаб турилади. Ёнлама ғунчалари узлуксиз олиб ташланади. Баҳорда ва ёзда, кучли ўсиш вақтида, чиннигулни 20—25 кун орасида мол гўнги ва 1 л. сувга 2—3 г. ҳисобида минерал ўғитлар аралашмаси билан озиқлантирилади. Ер бетиним суғориб ва юмшатиб турилади. Чиннигул етарли намликни талаб қиласи, лекин ортиқча суғориш ва тупроқда сувнинг туриб қолишидан нобуд бўлади. Чиннигулнинг гулли поялари кесилмайди, тугунча ўрнида синдирилади. Поя узунлиги стандарт бўлиши керак. Гуллари ярим очилган ҳолда синдирилади, бунда ўсимликда 2—3 та кучли қўлтиқпоялар қолдирилади, булар гулли пояларнинг кейинги ривожини таъминлайди. Яхши агротехникада бир йилда 1 m^2 дан 100—150 тагача гул олиниади. Маҳсулотнинг кўп қисми баҳорги — ёзги даврда олинади. Чиннигулнинг иккинчи йилдаги парвариши биринчи йилдаги сингари бўлади. Учинчи йили ўсимлик олиб ташланади. Айрим хўжаликларда чиннигулнинг илдиз отиши ва етиштириш учун гидропон айвонлар ишлатилади. Озуқавий суюқликнинг ва субстратнинг мос тайланганлигидан яхши натижаларга эришиш мумкин.

Чиннигул гулдасталар, оранжировкалар ясаш учун кесилади.

Кала, белокрилник, ричардия, занедесхия — кўп йиллик кучаладошлар оиласига мансуб ўсимлик. Жанубий Африкадан келтирилган. Ботқоқ ўсимлиги, намсевар, сояга чидамли, нордон торфни pH 5—5,5 ни ташкил қиласиган ҳисоб билан қўшилган чириндили тупроқда яхши ўсади. Тупининг баландлиги 80 дан 120 см. гача. Барглари катта, ялтироқ, кенг ёйсимон шаклда. Гуллари ўзининг шакли билан уйғунлашган. Сувли, узун гул ёйи кенг асимметрик растрруб — тўшак билан тугайди, унинг ранги оқ ёки сариқ. Бу тўшак ингичка, бармоқсимон сариқ ёки олов рангли зич ёпишган, хира гулчалардан ташкил топган сўта ўраб туради. Илдизлари боғич кўрининишида, семиз бўлади, сувли тугунаксимон илдиздан ривожланган, унинг атрофига бир йил давомида катта миқдорда «болача»лар нимжон баргчалар билан ривожланади, бу болачаларни узлуксиз олиб ташлаш керак. Уруғ ва бачки илдизлар билан кўпайтирилади. Бунда катта ўсимлик икки йилдан сўнг ҳосил бўлади. Амалиётда, калалар вегетатив кўпаяди, бунда катта ёшдаги ўсимликлардан

бачкилар май—июл ойларида эҳтиёткорона кичкина куракча билан ажратиб олинади (ҳар бир ўсимликдан 3 дан 10 тагача бачки илдиз олиш мумкин). Улар салқин иссиқхонанинг озуқали тупроғига мол гүнгининг чириндиси билан қўшиб экилади. Нордөнроқ муҳитни олиш учун нордон (юқори) торфни қўшиш мақсадга мувофиқдир. Экишдан олдин ўсимликлар ўлчами бўйича навланади ва шунга кўра оралиқ 8 дан 16 см. гача масофада экилади. Тугунаксимон илдизнинг юқориси тупроқнинг юзарогида туриши зарур. Ўсимликлар илдиз отгунча, иссиқхона кам шамоллатилади ва тик қуёш нурларидан сақланади. Экинларга тез-тез сув пуркаб туриш тавсия этилади, бунда ўсимликда барглар яхши ўсади, сарғаймайди ва бундан ташқари, соvuқ сув пуркаш ўсимликни ўргимчак канасидан ҳимоя қилади. Сентябр ойида ўсимликларни иссиқхоналардан олиб, айвон токчалари ерига экилади, ойнавон бино ҳарорати 10—12°, нисбий намлиқ 80—85 фоиз ва яхши ёритилган бўлиши керак. Ўсимликлар унча кўп бўлмаса, тувакларга эккан маъқул, чунки иссиқхона бўйлаб енгил жойлаштириш имконини беради. Тувакларга экишда қуйидаги тупроқ аралашмаси ишлатилади: 1 қисм серажриқ тупроқ, 1 қисм янги торф, 2 қисм чириндили тупроқ, 1 қисм қум. 1 м³ тайёрланган тупроққа 10 кг суперфосфат ва калий селитраси ҳамда 5 кг шохли қиринди қўшилади. Кейинги йилнинг апрел ойида калаларни яна иссиқхона ерига 25—30 см. масофа да экилади. Соя ҳосил қилинади, сув пуркалади, секинаста ташқи муҳит шароитларига ўргатилади. Совуқ уриш эҳтимоли ўтгандан сўнг, уларнинг усти очиқ қолдирилади. Иссиқ кунлар бошланishi билан (май ойидан август ойигача) калада тинч давр бошланади, бу вақтда унинг барглари сарғаяди. Бу вақтда тупроқ кам суғорилади, лекин қуришга йўл қўйилмайди, шунинг учун тупроқни мульчалаган маъқулдир.

Август ойида кўп суғорилади, чунки янги баргларнинг ривожланиш палласи бошланади. Бу вақтда 1 м². га 40—50 г. ҳисобида 15—20 кун оралиғида иккى марта қуруқ минерал ўғит билан озиқлантириш амалга оширилади. Иккинчи йили сентябр ойида ўсимлик доимий жойига (токча ерига) экилади. Кала, атиргул ва бошқа ўсимликларни иссиқхона ерида етиштириш учун кенглиги 1,5 дан 2 м. гача, баландлиги 25 дан 50 см. гача ён деворлари қирраланган жўяклар ҳосил қили-

нади. Жүйклар орасидаги йўлакча кенглиги 55—60 см., экилган ўсимликлар оралиғи эса 40—50 см. бўлиши лозим.

Кўчатлар юзароқ экилади, чунки илдизининг юқори қисмига ҳаво осон кириб туриши керак. Қалаларни бу жўяклардан бошқа жойга кўчириб ўтқазмасдан бир неча йил давомида ўстириш мумкин. Агар уларни бодринг иссиқхонасида зичловчи сифатида ишлатилаётган бўлса, у ҳолда март ойининг охири апрел ойи бошларида ўсимлик яна иссиқхонага сентябр ойигача олиб чиқилади. Узоқ вақт бир жойда ўсувчи қалаларни тез-тез (1,5—2 ойда) сўлиган қари барглардан, янги бачки ва нимжон поялардан тозалаб турилади, бунда 5—6 та кучтироқ поялар қолдирилади. Апрел-май ойларида гуллаш секиц-аста камаяди, янги тиним даври бошланади ва бутун айланма ҳодиса қайтадан бошланади. Агар қалалар туваклarda етиштирилаётган бўлса, у ҳолда улар май ойидан кузгача иссиқхона ерига кўчириб экилади. Қалаларни гидропон усулларда ҳам етиштириш мумкин, бунда ўсимликлар бир неча йил давомида жуда зўр ўсади ва гуллайди. Субстрат сифатида шағал, керамзит, торф ва бошқалар ишлатилади. Қала борган сари усти ёпиқ майдонлардаги гулчиликда кўп ишлатилаяпти, чунки у ноябр ойидан май ойигача юқори сифатли гуллар беради ва хона шароитида давомий гуллайди. Сабзавот иссиқхоналари учун яхши зичловчи ҳамдир. Бир ўсимликдан ёшига ва агротехникасига кўра йилига 3—6 та гул олиш мумкин. Ўртacha 1 m^2 дан 48 та кесилган гул олса бўлади. Бунда майдонга 12 тадан ўсимлик экилади. Қаланинг барглари ҳам жуда манзарали, уларни кесиб, гулли композиция ясалади. Ер гулдонларига, сопол идишларга солинган қалада кўркам кўринишга эга бўлади. Кесилган гуллар сувда 10—15 кун сақланади.

Атиргул. Ойнавон иссиқ биноларда атиргулнинг барча турини ўстириш мумкин эмас. Чой гибридли, флорибунда ва пернеция атиргулларини етиштириш энг катта патижга беради. Бу атиргулар стандартга мос бўлган юқори сифатли гуллар беради. 1 m^2 дан 76 та гул олиш меъёр ҳисобланади. Ойнавон иссиқ биноларда пайвандланган ҳамда ўз илдизига эга атиргулларни етиштириш мумкин. Уларни ойнавон бинога баҳорда жўяклар орасидаги масофа 30 дан 40 см. гача ва ўсимликлар оралиғи 20 дан 25 см. гача қилиб экилади. Пай-

вандланган атиргуллар шундай әкилиши керакки, бунда пайванд ўрни тупроқ юзасида жойлашсина. Жүйклар яхиси (ўсимликларни парваришилаш қулагай бўлиши учун) йўлчага перпендикуляр жойлаштирилгани (оранжерия узунлиги бўйича) маъқул. Тупроқ олдиндан чуқур қилиб қайта ишланади, сўнг чириган гўнг ва минерал ўғитлар билан озиқлантирилади. Тупроқ реакцияси нейтралга яқин (pH 6,6—7) бўлиши мақсадга мувофиқ.

Ойнавон иссиқ биноларда атиргуллар парвариш қилинганда қўйидаги агротехника усулларини бажариш лозим. Ҳар куни шамоллатиш, иссиқ ёз кунларида кучли исиб кетишининг олдини олиб ойналарни оқлаш; тупроқни юмшатган ҳолда, нам ва тоза сақлаш; тўлиқ минерал ўғитлар билан узлуксиз (таксминан 30—50 кунларда) озиқлантириш; чириган гўнг билан ерни мульчалаш, зараркунанда ва касалликларга қарши зарурий химикатлар пуркаш. Биринчи марта гулларни калтароқ ҳолда иложи борича тутида кўпроқ барглар қолдириб кесилади. Кейинчалик қўлтиқ куртаклардан янги, жуда кучли поялар ўсиб чиқади. Йирик гулар олиш учун ёнлама фунчалар кесилади. Ярим очилган гуллар эса эрталаб кесиб олинади. Совуқ тушиши билан ҳарорат $12-15^{\circ}$ чегарасида ушлаб турилади, чунки унинг кескин ўзгариши барглар тўкилишига олиб келади. Шу даврда суғориш ҳам тўхтатилади. Декабр ойида тиним давр бошланиши билан $2-4$ та яхши ривожланган куртаклар қолдирилиб кесилади. Ҳамма нимжон поялар ҳам кесиб ташланади. Биринчи йили битта поя, кейинги йилларда эса кўпроқ поялар қолдирилади. Тиним даврда ҳарорат $0-3^{\circ}$ гача пасайтирилади. Феврал ойи бошларидан ҳарорат аста-секин $5-6^{\circ}$ гача, барглар ҳосил бўлғандан сўнг эса $8-10^{\circ}$ гача кўтарилади. Ёруғлик тартиби яхшиланганда, ҳарорат $12-15^{\circ}$ гача кўтарилади. Баргли юзалар кўпайиши билан суғориш кучайтирилади. Қуёшли кунларда ойнавон бино шамоллатилади. 2,5—3 ойдан кейин гуллаш бошланади. Бир йилда ҳар бир ўсимликдан 8-12 та гуллар кесиб олиш мумкин. Кейинги йилларда атиргуллар иссиқхоналарда гидропоникларда ҳам етиштирилалаяти. Атиргуллар гулдасталар тайёрлашда оранжировкалар ва ҳоказоларда ишлатилади.

XI. ДОИМИЙ ЯШИЛ ҮСИМЛИҚЛАР

Манзарали гулчиликда ва боғдорчиликда хона үсимликлари ўз аҳамиятига эгадир. Улар хоналарни бе-зайди, бу билан замонавий интеръер яратишга ёрдам беради ва хоналарнинг микроқлимини яхшилашга таъсир қиласди. Хона үсимликлари ҳаво қуруқлигини юмшатади, чангни ўзида йиғади ва ушлаб қолади (шунинг учун уларни ювиг туриси керак), касаллик тарқатувчи микробларни ўлдирувчи фитонцидларни ажратиб чиқаради ва ҳавони кислород билан тўйинтиради.

Хона үсимликларининг ассортименти — субтропик ва тропик флоравинг кучли ва мустаҳкам, ҳар доим кўмкўк турларини кўп йиллар мобайнида ташлаш асосида олинган. Айниқса, драценалар, пальмалар, филодендронлар ва бошқа ёруғ, иссиқ хоналарда яхши ўсуви үсимликлар кенг тарқалгандир. Ёруғ, лекин етарли намликтаги, салқин хоналарда аукуба, бускус, камелия, лавр, рододендрон, цитрус үсимликларини етишириш мумкин. Салқин, ёруғ, қуруқ ҳаволи хоналарда эса агава, алоз, кактус суккулент ҳамда айрим игнабаргли, қишида 4—6° ҳароратга чидамили үсимликларни (кипарис, кедр, тута) кўкартириш мумкин. Ҳар доим кўм-кўк үсимликлар ёпиқ ерда вегетатив усул билан кўпаяди, яъни қаламчалар, пархишлаш йўли билан, тупларини бўлиш орқали кўпайтирилади.

Доимий яшил үсимликлар (ёпиқ ерда ўсуви) қуйидаги гуруҳларга бўлинади: манзарали-баргли, иғнабаргли, ампел ва чирмашувчи, папоротниклар, сувда ўсувилиар ва суккулентлар. Турли гуруҳ ва тур үсимликлари етишириш хусусиятлари билан фарқланади. Бу үсимликларининг ёруғликка муносабати турличадир. Лекин ёруғлик уларнинг меъёрида ўсиши ва гуллаши учун зарурдир. Ёритишнинг интенсивлиги ва давомийлиги йил мавсумига ҳамда кун вақтига кўра сезиларли ўзгаради. Хона үсимликларини етарли миқдорда ёруғлик билан таъминлаш учун, уларни биологик хусусиятига кўра хоналарда жойлаштирилади. Аммо үсимликлар ойналарга жойлаштирилганда ҳам улар ёруғлик билан бирхил даражада таъминланмайди. Фақат жануби-шарқий ва жанубий ойналаргина эрталабдан кечгача етарли ёритилганлик шароитини яратадилар. Бу ойналар қишики даврда үсимликлар учун энг қулайдир. Баҳорда

ва ёзда жанубий ойналарда турган ўсимликларни енгил соя билан түсиш керак, акс ҳолда улар қизиб, сўлиши мумкин. Фарбга қараган ойналар камроқ, шимолга қараган ойналар эса жуда кам ёритилади. Уларда нисбатан хонаки гул ўсимликлари кам етиштирилади. Ўтсимон ва барча гулловчи ўсимлик ёруғликка жуда талабчан бўлади. Бўялган, ола-була баргли ўсимликлар учун ҳам кўп ёруғлик зарур. Улар кам ёритилганлиги учун баргларининг ёрқин рангини тез йўқотади. Зич семиз баргли ўсимликлар ёруғликни кам талаб қиласди. Булар — фикус, аспидистра, мирта, аукуба, филодендрон ва бошқалар. Улар ёруғлик етишмовчилигига чидайди. Бундай гуруҳга папаротникларни ҳам қўшиш мумкин, чунки тик қуёш нурларидан куйиши ва ҳатто нобуд бўлиши мумкин. Катта ойнали хоналарда бу ойналарга оч рангли пардалар осилган бўлса ва хона деворлари ва шипи оч рангда бўялган бўлса, ўсимликлар ёруғлик билан жуда яхши таъминланадилар. Хона ҳавоси қуруқ бўлмаса, гуллар яхши ўсади. Хона ҳавосини намлаш учун (буғ ва иссиқ сув билан иситилувчи хоналарда), батареяларга ва ўсимликлар орасига усти очиқ сувли идишларни қўйиш тавсия этилади. Ўсимликлар баргига сув пуркаш ҳам жуда фойдалидир, бу унинг атрофидаги ҳаво намлигини оширади. Кўпгина хона ўсимликлари сувсевардир. У ёки бу ўсимликларга ҳаётининг ва йилнинг турли даврларида тупроқ намлигининг турлича миқдори талаб қилиниши аниқланган. Баҳорги-ёзги даврда ўсиш кучайганда, уларнинг ҳаммаси кўп суфориш ва сув пуркашни талаб қиласди. Кузда ўсимликлар кам вегетациялағади, айримлари тиним даврига ўтади ва шунинг учун камроқ суфоришни ва намликини талаб қиласди. Қишик даврда кўпгина хона ўсимликларининг ўсиши тўхтайди, улардан айримлари баргларини тўкиб, вақтинчалик уйқу ҳолатига ўтадилар. Бундай ўсимликлар кам суфорилади, лекин уләрни парвариш қилишда шунн эсда тутиш керакки, тувакдаги тупроқ қуриб қолмаслиги лозим. Тувак ўсимликларининг меъёрий ҳолати кўпинча тўғри ва ўз вақтида суфоришга боғлиқ. Тувак ўсимликларини ўстиришда айниқса, катта аҳамиятга эга. Очиқ ер ўсимликларидан фарқли равишда, уларнинг илдиз системаси чегараланган тупроқ ҳажмида жойлашган, бу эса тез илдизчалар билан тўлиб, ҳолдан кетади. Шунинг учун хона ўсимликлари учун, боғ тупроқларини тайёрлаш ва

турли гурух ўсимликлари учун турлича озуқали тупроқ аралашмалари ҳозирлаш зарурдир. Туваклардаги тупроқ бир вақтда ўз кучини йўқотади, шунинг учун барча хона ўсимликларини ўғитлар билан, айниқса, уларни ўсиши кучайган ва ғунчалаш фазасида озиқлантириш зарур. Озиқлантириш учун органик ва минерал ўғитлар аралашмалари ишлатилади. Хона ўсимликларини етиштиришда муҳим усул — бу тупроқни алмаштириш учун уларни катта идишга олиш ва эски чириган илдизларни кесишdir, чунки тувакдаги тупроқ узоқ вақт алмаштирилмаса, у чарчайди ва заарли тузлар йифилади. Хона ўсимликлари турли материаллардан тайёрланган идишларда (пиширилган лой, ёғоч, турли пластмассалар) етиштирилиши мумкин, лекин энг яхшиси сопал туваклар бўлгани маъқул. Турли ўсимликларнинг иссиқликка эҳтиёжи ҳам турличадир. Улардан кўпчилигига кескин ўзгармайдиган ҳарорат зарур. Ўсимликларни тўғри жойлаштириш учун хоналарда ҳарорат қандай ўзгаришини билиш керак. Маълумки, қишида ҳарорат ойналар олдида хона ҳароратидан $1-2^{\circ}$, ойна токчасида эса, $3-4^{\circ}$ паст бўлади, булар ташқи ҳаво ҳароратига, иситиш тизимларига, хоналардаги ташқи деворлар сонига ва уй қурилган материалга боғлиқdir. Агар дераза ойналари музласа, у ҳолда ҳарорат фарқи $5-8^{\circ}$ гача бўлади. Хона гулчилиги тажрибаси шуни кўрсатадики, ўсимликларни иситгичлар, печлар олдига қўйиш мумкин эмас. Уларни қишида хона шамоллатилаётган вақтда ойналардан олиб қўйиш керак.

Ўсимликларнинг меъерида ўсиши учун атроф-муҳитнинг ҳаво ҳарорати, айниқса, қиши даврида катта аҳамиятга эгадир. Турли хонаки ўсимликлар учун хона ҳавосининг турлича ҳарорати зарур. Улардан айримлари паст ҳароратда ($8-12^{\circ}$) яхши ўсади, бошқалари эса бундай шароитларда гулламаслиги ва ҳатто бир меъерда ўсмаслиги мумкин.

Барча хона ўсимликларини иссиқликка муносабати бўйича қўйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

I. **Салқин хона гуллари.** Салқин хоналарда қиши даврида ҳарорат 10 дан 14° гача бўлади. Бундай шароитларда қўйидаги ўсимликлар яхши ўсади:

1) манзарали-баргли — аралия, аукуба, лавровича, циперус, аспидистра ва хлорофитум;

2) чиройли гулловчи — олеандр, мирта, азалея,

атиргул, лакфиоль, гортензия, фуксия, пеларгония, примула ва гибрид цинерария, гортензия ва примуланинг гуллаши учун энг юқори ҳарорат 14 дан 18° гача зарур, гуллаш бошлангандан сўнг эса ҳароратни пасайтириш мумкин, бу гулаш давомийлигини узайтиради;

3) ампел — аспарагус, саксифрага, традесканция;

4) чирмашувчи — печаксимон узум, печак ва бошқалар.

Бундай салқин ҳароратли хоналар учун пальма хамеропсни экиш тавсия этилади. Бу сингари хоналарда яна айрим игнабаргли ўсимликларни етиштириш мумкин: кипарис, шарқ түяси, криптомерия ва ҳамиша яшил бута — буксус (самшит). Бу ўсимликларни ҳар хил шаклда кесиш мумкин.

II. Иssiқ хона гуллари. Айрим ўсимликлар иссиқ хоналарда меъёрида ривожланади ва яхши гуллайди. Салқин хоналарда ўса олса ҳам, гуллаш узайиб кетади. Уларнинг гуллари нимжон, ривожланмаган бўлади ва ўсимлик манзарасини йўқотади. Иссиқ, ҳарорати 14—18° хоналар учун қўйидаги ўсимликлар тавсия қилинади:

1) манзарали-баргли — антириум (баргли турлари), фикус филодендрон (монстера), кенг баргли бегония (рекс, металлика) ва бошқалар;

2) манзарали-гулловчи — антуриум (гулловчи турлари), бромелия, глоксиния, гибискус (хитой атиргули) ва бошқалар;

3) ампел — бегония ва қўнғироқгул;

4) чирмашувчи — печак, чирмашувчи атиргул, печаксимон узум (циссус) ва бошқалар.

5) иссиқ хоналарда пальмалар — кокос, финик ва кентия яхши ўсади.

III. Ойнаси Жанубга қараган хона ўсимликлари. Утсимон, айниқса, гулловчи ўсимликлар ёруғсевардир. Хона ўсимликлари ичida жуда ёруғсевар, қуёш ёруғлигига талабчанлари ҳам мавжуд. Масалан, хона заранг дараҳти (абутилон), кринум, цитрус экинлар ва бошқалар. Жанубий хоналарда яна кактус, эхевериялар яхши ўсади, уларни ойна ёнига биринчи қаторга қўйиш тавсия этилади. Кейинги қаторда азалея, гелиотроп, глоксиния, хона ясмини, камелия, олеандр, хитой атиргуллари қўйилади. Ойна олдидағи гул столчаларида аукуба, бегония, рекс, мирта, пальмалар яхши ўсади ва амариллис, антуриум, кала, кливия,

панкрайціум ва бошқалар яхши гуллайди. Жанубий хоналар интенсив ёритилғанлығы сабабли ҳам, барча хона үсимликлари учун қулайдир.

IV. Ойнаси шимол томанда жойлашған хона үсимликлари. Агар жанубий хоналарда деярли барча хона үсимликларини яхши етиштириш мүмкін бўлса, шимолий хоналарда эса кўпгина, айниқса, гулловчи үсимликлар ёруғлик тақчиллигига чидамсиз бўлади. Бундай хоналарда фақат ойна олдида, ёруғсевар чиройли гулловчи үсимликлар учун у ёки бу миқдордаги ёруғлик етарли бўлади. Ойналардан узоқда ёруғлик кам ва хонани манзарали қилиш учун камроқ ёруғсевар үсимликларни танлаш керак. Бу ерда аспидистра, папоротник, хлорофитум яхши ўсади ва бу ойналарда бегония қуюқ гуллайди.

Чирмашувчи үсимликлардан шимолий хоналарда печак, традесканция ва печаксимон узумни етиштириш мүмкін, булар ўзининг яшил ранги билан маҳсус триль-яжларни яхши безайди. Бу хоналарда баҳорда ва ёзда игнабаргли үсимликлар — кипарис, тұя ва бошқалар ўстирилади. Улар қиши даврида жанубий ойналарга қўйилади. Ёзда жанубий ойналарда қолдирилган игнабаргли үсимликларни соя қилиш керак, чунки унинг иғналари тик қуёш нурларидан сарғайиши мүмкін.

Хона үсимликларини танлаш учун энг яхши вақт — бу баҳор ва ёз бошларидир, бунда үсимликлар хона шароитларига ўрганадилар. Үсимликларни қуруқ ва салқинроқ иссиқхоналардан олиш тавсия қилинади. Ўстириш учун ёшроқ үсимликларни олиш керак, чунки улар яхши ўсади ва хона шароитларига қари үсимликларга қараганда тезроқ кўнинади.

Үсимликларни жойлаш ва ташиш. Үсимликлар қанча масофага ташилса ҳам, унинг ҳолатини сақлаш учун, мос равишда жойлаш (упаковка қилиш) керак, чунки ихтиёрий транспортировкада жойланмаган үсимликларга зарари тегиши мүмкін (сўлиши, музлаши ва ҳ.к.). Ёзда үсимлик тувак тупроғига тиқилган ёғочга боғланади ва бутун үсимлик тувак билан бирга қофоз билан ўралади, каноп ип билан боғланади. Тарвақайлаган үсимликларни экишда тувак четларига бир нечта ёғоч қўйилади, сўнгра қофоз ўралади. Қишида үсимликларни музлатиб қўймаслик учун, уларни 2-3 қават қофоз билан ўраш керак, устидан эса юпқа шолча, кўрпалар ва

ҳ.к. лар билан иситиш лозим. Бунда бутун ўсимликни тувак билан бирга иситиш керак, акс ҳолда илдизи музлаб қолиши мумкин.

ХII. ЎТСИМОН ЯШИЛ ЎСИМЛИКЛАР

Ўтсимон, ҳамиша яшиллик беруб турувчи ўсимликлар хона шароитида ўстирилувчи ўсимликларнинг катта қисмини ташкил этади. Йшлатиш бўйича уларни манзарали—баргли ва манзарали—гулловчи ларга бўлиш мумкин. Бундан ташқари, барча ўтсимон ўсимликлар габитуси бўйича бўлниадилар—миннатюр (сенполия, пеперомия) дан то йирик ўлчамли (бегония, циперус ва бошқалар) гача.

Ҳамиша яшиллик берувчи ўтсимон ўсимликлар кўпайтириш усуллари, ишлатиш муддати, ўсиш шароитларига муносабати ва энг муҳими манзаралилиги бўйича фарқланади. Баргларининг катталиги, шакли, ранги ва жойлашиши турличадир. Улар йил мавсумлари ва ҳаёти мобайнинда ўсимлик турига кўра жуда қисқа ва узоқ муддатда ўзгаради. Ҳамиша яшил бўлган ўтсимон ўсимликлар ассортиментини мос равишда билишда оригинал композицияли бурчаклар, майдончалар ва ҳ. к. ларни тузиш мумкин.

Аспарагус, спаржа — лилиялар оиласига мансуб ўсимлик. Шарқий ярим шарнинг мўътадил ва иссиқ вилоятларидан келтирилган. Аспарагус доғли (плюмозус) ва Шпренгер аспарагуси энг кўп тарқалган. Ёпиқ ернинг манзарали—баргли ўсимликлари орасида аспарагулар жуда кенг тарқалган. Улар хоналарни безатишда, турли оранжировкаларда яъни, саватчалар, гулдасталар ва ҳоказолар ясашда ишлтилади.

Аспарагус уруғидан, қаламчасидан ва тупини бўлиш йўли билан кўпайтирилади. Уруғлар пишиши билан экиш керак, чунки улар жуда тез униб чиқиши қобилиятини йўқотади. Экиш учун тупроқ аралашмаси 1 қисм чириндили ва 1 қисм торфли тупроқдан ташкил топади. Экишини уяли усулда ёки қаторлар билан амалга ошириш тавсия қилинади, бунда ўсимликлар парвариши қулагай бўлади. Янги йиғилган ва экилган уруғлар 16—20 да одатда 25—30 кундан сўнг униб чиқади. Кўчатларни, катта ёшли ўсимликлар сингари ёруғ ис-

сиқхоналарда, лекин тик қүёш нурларидан ҳимоя қилиб сақлаш керак. Кўчатларни экиш учун тайёрланган яшиклар ёки токча ерига, 4x4 ёки бхб см. масофа-да кўчириб кўчат қилинади. Ёш кўчатлар ҳавонинг юқори намлиги ва $20-24^{\circ}$ да яхшироқ ўсади. Парваришининг асосий усулларидан бири — бу органик ёки тўлиқ минерал ўғитлар (азотлиси кўпроқ) билан, 10 л. сувга 30 г. ҳисобида суюқ ҳолда озиқлантиришдир. Энг қоронғи ойларда (ноябрдан—февралгача) суфориш тўхтатилади, иссиқхоналардаги ҳарорат $10-14^{\circ}$ гача пасайтирилади. Аспарагусни кўчириб ўтқазиш яшиклар ёки токча ерига, йирикроқлари эса (қишида сепилганлари) диаметри 9 см. бўлган тувакларга вегетация даври охирида экилади ва шу тувакларда қишлияди. Тупроқ аралашмаси 3 қисм чиринди ва 1 қисм серажриқдан ташкил топган бўлиши лозим. Бундан ташқари бу аралашманинг 1 м³ га 3 кг. шохли пайраха ва 1 кг. суяқ уни ҳамда 1 кг. олтингугуртли нордон калий қўшилади. Тувакларга экилаётганда, зовур тешикчаларга синган сополлар солинади. Эрта баҳорда диаметри 11 см. бўлган тувакларга кўчирилади, чунки бу вақтда диаметри 9 см. бўлган тувакдаги тупроқ илдизлар билан тўлиқ қопланади. Худди шу вақтда яшиклар ва точкаларда қишилаган кўчатлар ҳам тувакларга экилади. Кўчириб ўтқазилган ўсимликлар илдиз отгандан сўнг, органик ёки тўлиқ минерал ўғитларнинг суюқ ҳолида (яъни 10 л. сувга 20—30 г. ҳисобидан) узлуксиз озиқлантирилади. Ўсимликлар ўсиши кучайганда, вегетатив массаси ошганда озиқлантириш ҳафтасига 2—3 марта амалга оширилади. Аспарагус ҳаётининг 3—5-йилида мева туга бошлайди. Катта ёшли ўсимликларни катта диаметрли тувакларга кўчириш 3—5 йилдан сўнг амалга оширилади. Аспарагус тупини бўлиш йўли билан кўпайтиришда, ҳар бир бўлинган қисмда 2—3 тадан кам бўлмаган поялар ва яхши ривожланган илдиз тизими бўлиши шарт. Лат еган ва қари илдизлар кесиб ташланади.

Ширенгер аспарагуси — жуда чиройли ампел ўсимлик бўлиб, хоналарни кўкаламзорлаштириш ва турли оранжировкалар учун кенг-қўлланилади. Катта ёшли ўсимликларда поялар узунлиги 2—3 м. га етади.

Аспарагус плюмозус — олдинги турдан бирмунча чиройлироқ, хоналарни кўкаламзорлаштириш

учун гулдасталар, саватчалар ва ҳ. к. лар ташкил қи-лишда ишлатилади. Шпренгер аспарагусига қараганда секинроқ ўсади, шунинг учун экишда ва кўчириб ўтқа-зишда кичик ўлчамли туваклар ишлатилади ҳамда кам-роқ озиқлантирилади.

Аспидистра, иноқ оила — лилиядошлар оиласига мансуб ўсимлик. Япониядан келтирилган. Манзарали—баргли ўсимлик. Поялари ер бағирлаган. Барглари се-миз, тўқ яшил рангда, чўзинчоқ шаклда, узунчоқ оёқ-чаларда бўйи 50—60 см. га етади. Ола-була, оқ ва оч-сариқ раигдаги бўйлама чизиқли шакллари мавжуд. Гулларни хира, илдиз поядга, ерда жойлашган, диаметри тахминан 1 см. ликоплар кўриннишида. Феврал ойидан май ойигача илдизпояларни бўлиш билан кўпайтирилади. Аспидистра учун энг яхши тупроқ — бу яхши боғ тупроғига қўшилган қумдир. Ўсимлик 2—3 йиллар орасида кўчириб ўтқазилади, акс ҳолда, ҳаддан ташқари ўсиб кетиб, ўз манзарасини йўқотади. Аспидистра жуда беор, сояга чидамли, лекин ёруғ жойларда ҳам яхши ўсади, намлик тақчиллигини ҳам, ортиқчалигини ҳам бошидан кечиради. Ўсимликни ёзда очиқ ерга олиб чиқиш мумкин. Турли нитеръерлар учун ва айниқса, етарли ёритилмаган хоналарни кўкаламзорлаштириш учун ишлатилади.

Аукуба ёки тилла дарахт — қизиллар оиласига мансуб. Япониядан келтирилган. Ўсимлик ёшига, етиштириш шароитларига, шаклланишига, кесиб турилишига ва ҳоказоларга кўра турли баландликда бўлади. Барглари семиз, ясси, чиройли бўлади, ола-була баргли шаклларида мармар оч сариқ рангда бўлади. Гулларни манзарали эмас, қизил рангдаги мевалари эса жуда манзарали. Епиқ ерда япон аукубаси экилади. Қаламчалар билан феврал—март ойларида кўпайтирилгади. Қаламчалар қумга экилади. Илдиз отишдаги ҳарорат $16-20^{\circ}$ дан паст бўлмаслиги лозим. Илдиз отган қаламчалар диаметри 7—9 см. бўлган тувакларга, тупроқ аралашмаси 2 қисм серажриқ ва 1 қисм баргли, компостли ва қумдан ташкил топган тупроққа экилади. Ўсимлик ҳаётининг дастлабки уч иилида ҳар йили кўчириб ўтқазилади, кейинчалик эса ўсимлик ривожига кўра 2—4 йилда кўчирилади. Парвариш усулларидан ҳар йили баҳорда шакллантиришга катта аҳамият бериши керак. Ёзда кўпроқ суғорилади ва озиқлантирилади. Қишида $10-12^{\circ}$ да сақланади ва етарлича суғо-

рилади. Ўсимлик беор, ёруғлик тақчиллигига яхши ўсади.

Бұксус, самшит — самшитлилар оиласига мансуб ўсимлик. Қавказ ва Балеар оролидан келтирилган. Ўсимликнинг баландлиги ёшига, етиштириш шароитларига, шаклланишига ва ҳоказоларга кўра ўзгаради. Танааси жуда ихчам. Баргларни семиз, маңда, тўқ-яшил рангда, ялтироқ. Тувак ўсимлиги сифатида бир нечта тури экилади (кавказ, карлик ва бошқалар). Уруғ ва қаламча билан кўпайтирилади. Серажриқ ва чириндили тупроқ аралашмасида яхши ўсади. Енгил шаклланади. Кўчириб ўтқазмасдан 4—6 йил давомида ўстириш мумкин. Беор ўсимлик, сояга чидамли, аммо ёруғлика ҳам яхши ўсади. Нам ҳавони афзал кўради. Салқин, ҳарорат 5—7° бўлган хоналарда қишлияди; юқори ҳарорат ва қуруқ ҳавода барглари тўклилади. Гуруҳлаб ва алоҳида экиш учун, жонли деворлар, ҳошиялар ташкил қилиш учун ва хонаки тувак ўсимлиги сифатида ишлатилади.

Драцена, кордилина — лилиядошлар оиласига мансуб ўсимлик. Тропик Африка ва Янги Зеландиядан келтирилган. Иккала тур ўсимлик манзарали боғдорчиллик амалиётида драцена деб номланади, лекин биринчиси сариқ рангдаги илдизга эга, бачкилари йўқ, уруғ бачкилари олтитадан ошмайди, кордилинада эса илдизи оқ рангда ва 18 тадан кам бўлмаган уруғ бачкилари мавжуд.

Драцена ва кордилинанинг турли навлари экилади. Ола-була баргли шакллари ҳам учрайди. Ўсимлик 5 ёшида баландлиги 60—90 см. га етади, бу вақтда поялари ёғочлашади. Барглари тўғри ва чўзинчоқ. Ҳаво орқали парҳишлиш ва қаламчалар билан, кордилина эса уруғ билан ҳам кўпайтирилади. Қаламчалар илдиз отиши ва уруғлар униши учун маъқул ҳарорат 18—22° дир. Катта ёшли ўсимликлар серажриқ, баргли ва чириндили тупроқларнинг озгина торф қўшилган аралашмасида яхши ўсади. Парваришланиш тартиби — озиқлантириш, суғориш ва тупроқни юмшатишдир. Кўчирмасдан 2—4 йил ўстириш мумкин. Қишки боғлар ва бошқа интерьерларда хонаки тувак ўсимлиги сифатида ишлатилади.

Кливия — амариллислар оиласига мансуб ўсимлик. Жанубий Америкадан келтирилган. Үтсимон хона ўсимлиги. Тупининг баландлиги 50 см. семиз пояли. Барг-

лари лентасимон, семиз, түқ-яшил рангда, 2 қатор бўлиб жойлашган. Ола-була рангли шакллари ҳам мавжуд. Гуллари соябон бўлиб йифилган, сариқ, қизил ва олов рангда. Қиши охири баҳор бошида, айрим ҳолларда ёзда ҳам қайта гуллайди.

Бачкилар ва уруғлар билан кўпайтирилади. Кўчатлар 2—3 йилда гуллайди. Ёш ўсимликлар баргли ва серажриқ тупроқларнинг бир хил миқдоридан тузиленган аралашмасига экилади. Ўсимликнинг гуллаш даврида уни озиқлантириш ва кўпроқ суфориш керак. Гуллаб бўлгандан кейин, туккан мевалари олиб ташланади, ўсимликнинг ўзи эса соя жойларда сақланади. Ёзнинг иккинчи ярмида суфориш тўхтатилади. Қиши даврида сақланинг энг яхши ҳарорати $10-12^{\circ}$. Фунчалаш даврида ҳарорат 16—20° гача кўтарилади ва кўп суфорилади.

Беор ўсимлик. Қари ўсимликлар 2—3 йилдан кейин кўчириб ўтқазилади, бунда семиз, серэт илдизлар сақланади. Хона ўсимлиги сифатида ишлатилади.

Орхидея — орхидеялар оиласига мансуб ўсимлик. Бутун ер шари бўйлаб тарқалган. 20 000 гача турлар маълум. Уларнинг кўпчилиги тропик минтақада ўсади. Ҳаёт фаолияти ва иссиқликка талабчанлиги бўйича фарқланади. Барглари оддий, майда, алоҳида турларида эса қаттиқ, этдор, яшил рангда, кўпинча ола-була бўлади. Гулларининг диаметри 1—2 дан 8—12 см. гача, ранги ва тузилиши оригинал, наисимон, бошоқсимон ёки бўронсимон гулбаргларда жойлашган. Гулларининг шакли ўзгача жуда чиройли, мураккаб, ранги ҳам турлича, кўпинча бир неча тусда бўлади. Алоҳида турларининг гуллари хушбўй ҳидга эга. Гуллаш вақти турлича, аммо кўпинча баҳордан кузгача гуллайди. Орхидеялар тупини бўлиш йўли билан, қаламчалар, бульбалар, уруғлар билан кўпайтирилади. Экиш учун кўпинча папоротниклар илдизининг майдалангани, моҳ ва толали серажриқ тупроқ ишлатилади, унга қум, майда сополчалар, тошкўмир, ғишт парчалари ва ҳ. к. лар қўшилади. Айрим турларини экиш учун сопол туваклар, бошқаларига — ёғоч саватчалар (бук ва дуб новдаларидан тўқилган), учинчи турга — дараҳт пўсти қисмлари (унга мос тупроқ солинади) ишлатилади. Орхидеяларни жуда эҳтиёткорлик билан экиш ҳамда кўчириб ўтқазиш керак. Ўсимлик иссиқ сув билан суфорилади. Суфориш интенсивлиги ўсиш фазасига боғ-

лик, уйқу вақтида камроқ, ўсиш даврида эса күпроқ. Орхидеялар учун ҳавонинг юқори намлиги зарур, бунинг учун ўсимликка, деворларга, токчаларга сув пуркалиб турилади. Ҳавонинг тозалиги, етиштириши жойнда чангнинг бўлмаслиги — орхидеялар етиштиришнинг зарурий шартларидир. Иссиқхоналар шамоллатилиб турилади, аммо елвизак ҳосил бўлмаслиги керак. Зараркунандалар ва касалликларга қарши кураш олиб борилади. Кесилган гуллар сувда 10—30 кунгача сақланади. Ишлаб чиқаришда кўпинча орхидеяниң қўйидаги турлари экиласди: ангрекум, брассия, гонгора, дендробиум, ванда, каланта, лелия, одонтоглоссум, туния ва кўпгина бошқа гуллар.

Папоротниклар асосан кўпоёқлилар оиласига, папоротниклар синфиға мансуб. 3800 га яқин тури жуда катта оиласи ташкил этади, унинг кўп қисмийни етиштириш тропик миintaқага тўғри келади. Оранжерияларда қўйидаги турларини етиштириш мумкин: адантум, нефролепис ва бошқалар.

Кўпгина папоротниклар илдизояни бўлиш, (масалан адантум), споралар ва (pteris) ёш ўсимликлар билан кўпайтирилади. Папоротниклар учун арчагулли, баргли ва қумли торф тупроқларининг бир хил миқдордаги аралашмаси ишлатилади. Агар арчагулли тупроқ бўлмаса, у ҳолда баргли ва торфли тупроқларни ишлатиш мумкин. Бу аралашмага оз миқдорда чириндили тупроқ, шохли пайраха ёки суяк унини қўшиш мумкин. Кўпгина пароротниклар 10—15° да қишлиайди. Папоротниклар асосан соя ва намсевардир. Шимолий ёки Гарбий томондаги ойналарда яъни соя ёки кам ёруғ тушадиган жойда яхши ўсади. Сув пуркашга, нам ҳавога, узлуксиз суфоришга жуда таъсирчан. Тупроқнинг қуриб қолишига йўл қўймаслик керак, чунки бунда барглар нобуд бўлади. Папоротникларни тоза, чангдан асраб сақлаш лозим. Туваклар 4—5 йилда алмаштирилади, лекин бунда тувакдаги тупроқнинг 2—3 см. қатламини ҳар йили янгисига алмаштириш шарт.

Пароротникларнинг барглари турли оранжеровкалар (гульдасталар, саватлар ва ҳ. к. лар) учун, ўсимликнинг ўзи эса хоналарни безашда фойдаланилади.

Сансевьера, сансевиерия ёки «ит думи» — лилиядошлар оиласига мансуб ўсимлик. Африка ва Осиённинг тропик вилоятларидан келтирилган. Бир неча турлари

экилади. Үсимликнинг баландлиги 1,2 м., барглари илдиз олдида ўсан, тик ўсувчи, қаттиқ, ола-була ранга, илдизпояси семиз ва чирмашувчи бўлади. Гуллари оқ ранга, яшил туслари мавжуд, хушбўй ҳидли, лекин манзараси кам, юмшоқ найсимон гулбаргларга йифилган.

Эски үсимликларни бўлиш йўли билан ва барг кесимлари орқали кўпайтирилади. Бунинг учун яхши пишган барглар ишлатилади, уларни 6—8 см. узунликдаги қисмларга бўлинади, бунда баргнинг пасти белгилаб олинади (қаламда, кесиш шаклида ва ҳ. к.). Баргли қаламчалар тоза кўл қумнда яхши илдиз отади. Янги барглар ўсиши билан үсимликлар диаметри 7—9 см. бўлган тувакларга кўчирилади.

Сансевьера кенг идишда, қум, баргли ва серажриқ тупроқларнинг бир хил миқдоридан ташкил топган, юмшатилган тупроқда яхши ўсади ва ривожланади. Қиши даврида камроқ, ёзда эса кўпроқ суфорилади. Иссиқ ва салқин, қуёшли ёки етарли ёритилмаган хоналарда ўстириш мумкин. Кўчириш ва бўлишни ҳар 2—3 йилда амалга ошириш зарур. Хоналарни кўкаламзорлаштириш, қишки боғлар, композициялар ташкил қилиш учун ва ҳоказоларга ишлатилади.

XIII. СУВ ҲАВЗАЛАРИДА ҮСТИРИЛАДИГАН ГУЛ ҮСИМЛИКЛАРИ ВА УЛАРГА ҚИСҚАЧА ТАЪРИФ

Сув ва ботқоқ үсимликлари алоҳида гуруҳни ташкил қиласи. Ҳозирги вақтда марказий иситиш тармоғдан фойдаланиш хоналардаги ҳавони намлаш учун катта аҳамиятга эга. Афсуски, бу гуруҳнинг чирой берувчи хона үсимликлари хиллари унчалик кўп эмас. Кўпгина сув үсимликларини аквариумда, сув ҳайвонлари ва балиқлар билан бирга етиштириш мумкин. Сув үсимликлари асосан уруғ, қаламча, илдиз бурчаклари ва бўлиш йўли билан кўпайтирилади. Аквариумдаги үсимликлар парвариши сувнинг тоза ва хил миқдорда бўлишига боғлиқ. Үсимликлар жуда қуюқлашиб кетганда, уларнинг қуриган ва эски қисмлари олиб ташланади. Баҳорда үсимликлар кўчириб ўтқазилади. Еруғлик ва ҳавонинг оптималь режимида барча сув үсимликларининг яхни ўсишига эришиш мумкин. Аквариум ва сув ҳавзаларида (бассейнларда) қўйидаги энг кўп тар-

қалган ўсимлик турлари етиштирилади: циперус, элодея, валлиснерия, кабомба, людвигил, мириофиллюм, сагиттария, сальвиния ва бошқалар.

Циперус, папирус, ситовнит — қиёқүтлар оиласига мансуб ўсимлик. Африкадан көлтирилган. Ботқоқ ўсимлиги ҳисобланади. Силлиқ пояли, баландлыги 70—120 см. га етувчи күп йиллик ўсимлик. Барглари поялар учига соябон шаклида йигилган. Асосан, яшил ва ола-була баргли цинерус экилади. Гуллари майда, хира, оқиши рангда.

Қаламчалар ёрдамида, эски ўсимликларни бўлиш йўли билан, жуда кам ҳолларда уруғидан кўпайтирилади. Тупроқ юмшоқ, енгил, яшил баргли турлари учун жуда озуқали, ола-була баргли турлари учун эса кам озуқали бўлиши керак. 12—15°C ва ундан юқори ҳароратда етиштириш мумкин. 3—4 йилдан сўнг бошқа жойга кўчириб ўтқазилади. Аквариум ва хона ўсимлиги сифатида ишлатилади, иккинчи ҳолда тувакда, ҳар доим сувли ҳолда ўстирилади.

Элодея — сув ўсимлиги. Сувда ўсади, тез ривожланади, яхши шохланади. Барглари майда, оч—яшил рангда, чўзинчоқ шаклда. Қаламчалар билан кўпайтирилади, уларни сув остидаги қумда илдиз отдирилади. Жадал ўсанлиги учун кўчатларни узлуксиз яганалаш ёки бутун ўсимликларни олиб ташлаш тавсия қилинади. Сақлашнинг мақбул ҳарорати 18—20°, лекин ўсимликни тик қуёш нурларидан сақлаш керак. Аквариум ва сув ҳавзаларини (бассейнларни) безаш учун ишлатилади.

XIV. ГУЛ ЎСИМЛИКЛАРИНИ КЎКАЛАМЗОРЛАШТИРИШДА ИШЛАТИЛИШИ

Гулзорлар ташкил қилиш ва уларниң турли хил шакллари

Ихтиёрӣ яшиллик бунёд этишининг (яшил қурилишнинг муҳим асоси — бу клумбалар, рабаткалар, гуруҳлар, газон (майсазор) фонидаги алоҳида ва бошқа экинлар ҳисобланади. Лекин гулли безатишда аниқ муносабатлар ва ўлчамларга бўйсуниш керак. Ҳиёбон-

лар, истироҳат боғлари ва кўкаlamзорлаштиришнинг бошқа объектларини гулзорлар билан ўта тўлдириб юбориш рационал эмас ва ҳар доим ҳам ўзини оқламайди. Гулзорларни лойиҳалашда бош тамойилга таяниш керак, яъни гулли безак берилган кўкаlamзорлаштириш объектининг умумий мақсадига бўйсуниши зарур, бунда гулзорни қандай объект олдида—маданият саройи, мемориал, ҳиёбон, маъмурӣ бинолар олдидалиги ҳисобга олинади. Бу ҳолда гулзорлар архитектура иншоотига (монумент, бино ва ҳ. к.) диққатни жалб қилиши ва унинг ўзига хос ҳусусиятини ажратиб кўрсатиш керак.

Лекин бошқа мақсад ҳам бўлиши мумкин. Масалан, томошабинда (дам олувчи) гулларнинг гўзаллиги, уларнинг ранги, шакли, ҳиди, янгилиги ва такрорлан-маслиги билан яхши кайфият ҳосил бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Бу ҳолда умумий архитектура мақсадига безатиши бўйсунмайди, яъни тескариси, архитектура ансамбллари ва уларнинг деталлари ўсимликлар шаклининг ўзига хослигини ажратиб кўрсатади, уларга қўшилиб кетади ва ўзига хос гармония касб этади.

Партерли ва турли композицияли ранг-баранг, чироили гулзорлар алоҳида ҳусусиятга эга иншоотларни безатиша ишлатилади. Жумладдан, бу ишлар кўргазмалар, маданият саройлари, ҳайкаллар, мемориаллар, музейлар, театрлар рўпарасида амалга оширилади. Гуллар ва бошқа ўсимликларнинг барча сифатларини яхши кўрсатиш учун, боғлар, ҳиёбонлар ва алоҳида гулзорларни кўкаlamзорлаштиришда турли классик усуллардан — регуляр (геометрик, француз) ва ландшафт (инглиз) усулларидан фойдаланиш мумкин. Бу усуллар тинч, шоирона муҳит ва табиатга бевосита яқинлик тасаввурини акс эттиради. Шаҳарлар ва бошқа йирик аҳоли пунктларинда маданият ва дам олиш боғлари шундай ташкил қилинадики, улардà гулзорлар, газон (майсазор)лар дараҳт-буталар бир нечта минтақаларда турлича мақсад ва ҳар хил кўрининида жойлашиши мумкин. Кўкаlamзорлаштиришда ҳиёбонлар, даҳалар, маҳсус боғлар — розариялар, сиренгариялар, георгинариялар ва ҳоказолар ҳам катта аҳамият касб этади.

Гулзорларни ташкил қилиш — бу лойиҳалаш ва уларни амалиётда бажаришдан иборатдир. Гулзорлар лойиҳасини ҳиёбонлар, истироҳат боғлари ва бош-

қа қурилишлари мүлжалланган жойдан ажратилған ҳолда амалға ошириш мүмкін земас.

Гулзор деганда, турли обьектларни безатиш учун мүлжалланган ва ўзида майсазорлар, йўлакчалар, бир йиллик ва кўп йиллик гулловчи ҳамда манзара берувчи баргли ўсимликлар ва кичик архитектура шаклларини мужассам этган майдон тушунилади. Гулзорлар қисқа вақтли дам олиш ва безатиш учун ишлатилади, шунингдек, жойнинг конфигурациясига кўра турли шаклда—тўрт бурчак, чўзинчоқ, юмалоқ, тўғри бурчак бўлиши мүмкін. Гулзорлар турли ўлчам ва шаклдаги клумбалар, майсазорнинг яшил фонидаги работкалар ва ҳошиялардан ташкил топади. Гулзорлар майдони кичикроқ майдончадан (4—5 дан 20 м² гача) 1 гектаргача ва ундан кўпроқ бўлиши мүмкін.

Гулзор аниқ таркибий қисмларга эга: 1) турли шаклдаги гул экинлари; 2) йўлакчалар; 3) майсазор. Уларнинг классик мос тушиши, гул экинлари майдони, йўлакчалар ва майсазорларнинг 3:5:8 муносабати ҳисобланади. Сўнгги йилларда майсазорлар учун кўпроқ, гуллар учун эса камроқ жой ажратиляпти. Объектларни кўкаlamзорлаштириш турли элементларининг фоизли муносабати ҳам мавжуд. Дараҳтларга 40—50 фоиз (жанубда бирмунча кўпроқ), буталарга 10—20 фоиз (шимолда кўпроқ), майсазорлар учун 8—18 фоиз, гул экинларига 4—8 фоиз ва йўлакчаларга 15—20 фоиз жой ажратиш тавсия қилинади. Кўрсатилган элементларнинг фоизли муносабатини аниқлагандан сўнг, лойиҳалар тузилади, бунда вертикал кўкаlamзорлаштириш, тошли тоғчалар, сув қурилмалари (ҳавзалар, фавворалар ва бошқалар), дам олиш ва хизмат кўрсатиш айвончалари, киоскалар, кичик архитектура шаклларининг жойлашиши ҳисобга олинади. Лойиҳалашда шунингдек, берилган обьектнинг меҳмонлари сони ҳам ҳисобга олинади. Шунга кўра йўлакчаларга ажратилган майдонни кўпайтирадилар ёки камайтирадилар, кичик архитектура шакллари сони ҳисобланади. Гулзорнинг меҳмонлари кўп бўлса, йўлакчалар эни кенгайтирилади.

Гулзор қисмлари жуда чиройли, кўзга ташланиб туриши, ёрқин бўлиши керак, шу масалани ечишда «олтин пропорция» қоидасидан фойдаланиш ёрдам беради, бунда биринчи икки соннинг йифиндиси учинчи сонни беради ҳамда биринчи сон иккинчи соннинг ярмиси-

дан катта, яъни, $3:5:8$ ($3+5=8$), $5:8:13$ ($5+8=13$), $8:13:21$ ($8+13=21$), $13:21:34$ ($13+21=34$).

Юқорида айтилганидек, энг чиройли гулзорлар гул экинлари, йўлаклар ва майсазорларнинг $3:5:8$ ёки $5:8:13$ мўнособатида ҳосил қилинади.

Мисол. Гулзор учун 400 m^2 ер ажратилган. «Олтин пропорция» қоидасига кўра, $(3:5:8)$ йиғиндида 16 та қисм ҳосил бўлади: $400\text{ m}^2:16=25\text{ m}^2$ ни «олтин пропорция» сонларига кўпайтирасак қўйидагиларни оламиз: $25\text{ m}^2 \times 3 = 75\text{ m}^2$ — бу майдон гул экинлари (клумбалар, рабаткалар, ҳошиялар, гуруҳлар, алоҳида экинлар) учун ажратилади; $25\text{ m}^2 \times 5 = 125\text{ m}^2$ — бу майдон йўлакчалар учун ишлатилади; $25\text{ m}^2 \times 8 = 200\text{ m}^2$ бу майдон майсазор учун ажратилади.

Лойиҳалашда энг олдин жойнинг ўлчамлари ва конфигурацияси аниқланади. Бунинг учун бурчакли асбоблар ва ўлчов лентаси ёрдамида ер майдони ўлчанади. Ер режаси керакли масштабда қоғозга кўчирилади. Сўнгра шу жойдаги барча коммуникацион линиялар (иситиш, канализация, электр ва бошқа тармоқлар) белгиланади. Режада кўкаламзорлаштириш майдонидаги барча обьектларни ҳамда у ёки бу гул экинлари экиш мўлжалланган келгуси обьектдаги йўл ва йўлакларнинг йўналишини аниқловчи барча бандларни белгилаш зарурдир.

Амалиётда кўкаламзорлаштириш обьектининг қуидаги ўрганиш усули ишлатилади. Кўкаламзорлаштириш учун ажратилган жойни тайёрлайдилар, режалаштирадилар, ўғит соладилар, ҳайдайдилар, бороналайдилар ва кўп ўйллик бошоқли ўтлар сепилади. Утлар яхши ўсиб, ўрганилгандан сўнг, устидан юришга рухсат этилади. Босилган йўлчалар келгусида ҳам йўллар тармоғи, йўлчалар, гулли безашнинг майдончалари ва элементлари (клумбалар, рабаткалар ва ҳ. к.) ни лойиҳалаш учун асос бўлиб хизмат қиласи.

Даҳа ва мавзелар ичини кўкаламзорлаштиришда ва боғлар ташкил қилишда, тинч дам олиш жойларини, қумдонларни, аргамчиларни, зинапояларни ва ҳоказоларни жойлаштиришни кўзда тутиш керак. Идоралар ва бошқа маъмурий бинолар олдида машиналар, мотоцикллар, отлар учун туриш жой, эълонлар, рўзнома ва ҳурмат тахталари учун майдончалар ажратилади.

Лойиҳалашда гиламли клумбалар, рабаткалар ва ҳоказоларнинг мураккаб расмларидан фойдаланмаслик

керак. Ҳозирги вақтда чиройли, оддий ва аниқ композицияларга талаб ортмоқда.

Гулзорлар учун қүёш тушадиган очиқ жойлар ажратилади. Жойнинг шимолий ва ғарбий чегараларида дарахт ва буталардан ҳимоя чизиги тортилади. Бундай чизиқларни кўчалар, йўллар билан чегараланган томонларга тортиш мақсадга мувофиқдир. Бу эса чаңг ва ортиқча шовқиндан сақлайди. Агар зарурат бўлса, ўтиб бўлмас жонли деворлар яратиш лойиҳалаштириллади. Агар лойиҳаланаётган объектга қишида ҳам кишилар келиб турсалар ва фойдалансалар, у ҳолда баргли ўсимликлардан ташқари иғнабарглиларни ҳам экиш мумкин. Шундан сўнг безатишнинг бошқа элементларини — гулли экинлар, кичик меъёрий шаклларни режалаштиришга киришиллади. Спецификация (ассортимент танланади, объектда ишлатилувчи ўсимликлар сони ҳисобланади, уларнинг алмашиши, уруғликнинг керакли миқдори ва ҳ. к. лар) ишлаб чиқариллади. Жойлар, йўллар, клумбаларнинг чегаралари аниқлангандан сўнг, дарахтлар, буталар, ўсимликлар экилишини ҳисобга олган ҳолда, гулзорнинг нусха лойиҳаси тузиллади. У кўпинча 1:10 масштабда бажарилади, лекин бошқа нисбатларни, яъни кўкаламзорлаштириш объекти тўғрисида яхши тасаввур ўйботувчи нисбатларни ишлатиш мумкин.

Гулзорлар ташкил қилишда қуйидаги қоидалардан фойдаланиш тавсия қилинади:

1. Гулзор — клумбанинг ўрта, марказий қисми энг ёрқин, диққатни жалб қилувчи бўлиши керак. У ҳавза, ҳайкал ёнида ёки ўзича мустақил объект бўлиши мумкин.

2. Гулзордаги гул шакллари майдада бўлмаслиги керак, акс ҳолда у хунук кўриниши мумкин. Оддий чизиқли йирик шакл ҳосил қилиниши маъқулроқдир.

3. Гулли шакллар камроқ ва маълум масофаларда газон (майсазорлар) билан ажратилган бўлиши керак.

Нусха лойиҳасини тузиш ва тасдиқланиш декабр ойининг охири январ ойининг бошидан кечиктирмаслик керак, чунки кўкаламзорлаштириш учун керакли ўсимлик кўчатларини етиштириш бўйича ишлаб чиқариш топширигини олдиндан бериш лозим. Шундан сўнг экишининг ишчи чизмаси масштабда, бўёқсиз бажарилади, бунда йўлларнинг эни, клумбаларнинг диаметри, работкалар эни ва узунлиги, экиш учун ўсимликлар ва

жўяклар орасидаги масофа кўрсатилади. Экиш чизмаси лойиҳани амалда бажариш расмлар, работкаларнинг режаси тузилади.

Кўкаламзорлаштириш обьектида биринчи навбатда турли коммуникацион йўллар (водопровод, электропроводка ва ҳ. к.) ўтказилади. Шундан сўнг дараҳт ва буталар экилади, йўл тармоғи, турли майдончалар қурилади, майса́зорлар ва гулли безатишнинг турли кўринишлари учун озуқали тупроқ солинади, майдон режалаштирилади, майсалар аралашмаси экилади ва охирги навбатда гулли ўсимликлар экилади ва уруғлари сепидади.

Гулли экинзорларнинг шакллари. Гулзорлар ташкил қилишда гулли экинзорларнинг турли шакллари клумбалар, работкалар, нақшлар, гуруҳлар, ҳошиялар, масивлар, альпинариялар, миксбордерлар ва алоҳида экинзорлар ишлатилади.

Клумбалар — шакли деярли бир хил ўлчамдаги, турли перпендикуляр йўналишдаги, геометрик тугалланган контур шаклида бўлади. Бошқача қилиб айтганда, гулзор—бу жимжимадор гулли жўяқ, барча йўналишларда деярли бир хил ўлчамга эга. Клумбаларни атрофидаги майсазор ёки йўлакчалардан юқорироқ қилиб ҳосил қилинади ва манзарали ўсимликлар экилади. Клумбалар одатда майсазор фонида жойлаштирилади, очиқ майдонларда эса уларнинг четлари ажриқ билан ҳошияланади. Майсазордаги гулзорлар бир вақтнинг ўзида гулзор қисм ёки унинг маркази бўлиши ёки партерда марказий ҳолатни эгаллаши мумкин. Клумбалар шакл бўйича юмaloқ, қвадрат, тўғри бурчак, чўзинчоқ, юлдузсимон ва бошқача бўлади. Гулзор катталиги турли чадир: 0,75 см. дан 7 м. гача ва ҳатто диаметри 20 м.ли, лекин кўпинча 4 дан 6 м. гача (эни кўп тарқалган). Клумбалар юзаси доим дўнг, 5—10° га қия қилинади, яъни юза радиусининг ҳар бир узунасига ўлчанганд метрида 5—15 ва ундан кўпроқقا кўтарилади. Дўнг гулзорларда гуллар жуда яхши кўринади ва сувнинг туриб қолиши бўлмайди. Жуда баланд ёки «ёпиштирилган» гулзорлар ноқулай бўлади, чунки суғориш ва ёмғир сувларидан тупроқ ювилиб кетиши мумкин ва бундай гулзорлар тезда қуриб қолади. Клумбаларнинг энг катта баландлиги 50—80 см., қоши майсазорлардан 8—10 см. баланд бўлади ва четлари ажриқ ёки 25—50 см. кенгликдаги майсазор экинларнинг аралаш уруғини сепини

билин ҳошияланади. Марказга нисбатан унчалик дүнг бўлмаган гулзорларнинг ўттарофига баландроқ четларига эса пастак ўсимликлар экиласди. Акс ҳолда, гулзорларнинг марказини кўриш мумкин бўлмай қолади.

Ўсимликларнинг қайси гурухга мансублигига кўра, клумбалар қўйидаги турларга бўлинади:

1. Гиламли, яъни пастак, гулловчи ёки манзарали-баргли, турли хил ўсимликлар экилган клумбалар. Ўсимликларни бир хил баландликда сақлаш ва расмнинг чизиқларини аниқ сақлаш учун уларни узлуксиз кесиб туриш керак.

2. Гулли, асосан йиринкроқ гулловчи ўсимликлар ҳамда манзарали-баргли ўсимликлар ҳам қўшиб экилган клумбалар. Бунда бир йилликлар, ҳам, кўп йилликлар ҳам, очиқ ерда қишлоғчи ва қишиламайдиган ўсимликлар қўлланилади. Бир йилликлар алмашувчи (вегетация даврида ўсимликлар алмаштирилади) ва алмашмайдиганларга бўлинади. Алмашувчи клумбаларда баҳорда кўпинча пастак (20 см. гача) ўсимликлар ишлатилади. Клумбаларда баҳорда виола, незабудка, лола, ва бошқалар яхши кўринади.

Рабаткалар (жўяклар) — гулзор қисми, жўяк кўришидаги узун ер майдони — гулли экинзор шакли. Унда гулловчи ва манзарали-баргли ўсимликлар экиласди. Рабаткалар — йўлакчалар, майдончалар ёки қурилмалар бўйлаб жойлашган гулли жўяклардир. Рабаткалар ишлатилишига ва безатилаётган майдонга кўра турли узунлик ва кенглигга эгадир. Энг калталари 2—4 м., узунлари эса бир неча юз метргача бўлади. Рабаткалар кенглиги 0,5 дан (жуда кам) 3—4 м. гача, кўпроқ тарқалганининг кенглиги 1—1,25 м. Рабаткалар юзаси ҳар доим текис, сувнинг туриб қолмаслиги учун фақат марказга нисбатан озроқ кўтарилиган бўлади. Кенглиги 3 м. бўлган лентасимон экинларни, кўп йилликларнинг 5—8 та жўякли ёки бир йилликларнинг 8—12 та жўякли экинларини рабаткаларга мансуб деса ҳам бўлади. Рабатканинг четлари майсазор билан баравар ёки ундан 4—10 см. баланд бўлиши мумкин. Кўп йиллик ўсимликли рабаткаларни гулзорлар четида, унинг рамкаси сифатида жойлаштирилади. Қурилишига хослилиги ва жойлашишига кўра рабаткалар бир томонлама (асимметрик) ва икки томонлама (симметрик) бўлади. Бир томонлама рабаткалар баланд ўсимликларни кўринмас жойларда — девор, жонли де-

вор, бино фасади ва ҳоказолар ёнида юзага келтирилди. Икки томонлама работкалар гулзорнинг марказий қисмида жойлаштирилди. Жуда узун работкалар узлуксиз ёки узилган, бўлакчаларга бўлинган бўлиши мумкин.

Узилган работкалар квадрат ёки юмaloқ клумбачалар, йўлчалар, йирик ўсимликларнинг алоҳида экилгани ва бошқалар билан узилиши мумкин, бу эса уни жонлантириб, бир хил чизиқнинг зерикарли таассуротини йўқотади. Рабатка ўзининг умумий узунлигига кўра ҳар 5—15 м. да узилиши мумкин. Бундай ҳолларда работкаларнинг узилиш жойларида штамбали ёки атиргуллар, георгиналар, функциялар ва бошқа баланд ёки ўрта бўйли чиройли ўсимликларни экиш тавсия қилинади. Рабатканинг кенглиги ўсимликлар экиш жўякларининг сонига боғлиқ. Уларда ўсимликларнинг тур ва навтаркиби хилма-хил бўлиши мумкин ва кўпинча гулзор клумбаларида экилган ўсимликларга мос тушиши зарур.

Арабеска гулли экинзор шакли сифатида ҳозирги вақтда жуда кам ишлатилади — бу майдони қичикроқ, ясси ёки бироз кўтарилиган (дўнг) клумбалардир, ўзининг абриси, яъни ташқи кўринниши ва контурлари бўйича барглар, гуллар, гирляндалар, гулчамбарлар, капалаклар ва бошқа расмларни эслатади. Арабескалар асосан па; тер ва гулзорларнинг ён қисмларига, майсазор бурчакларига жойлаштирилди. Тартибга кўра гилами ўсимликлар билан ҳосил қилинади. Арабескаларда ўсимликларни экиш ва парваришлаш (унинг атрасфидаги майсазор билан бирга) работкалар ва бошқа экинзорларга нисбатан жуда кўп меҳнат ва сарф-харажат талаб қиласиди.

Гуруҳ — бу гулзорнинг қисми, қичикроқ сонли бир тур ёки нав ўсимликларининг экилган жойини ўзида акс эттирувчи гулли экинзорларнинг битта шаклидир. Гуруҳлар учун кўпинча баланд бўйли гулловчи ҳамда манзарали-баргли бир йиллик ёки кўп йиллик ўсимликлар, буталар ёки дараҳтлар ишлатилади, бунда улар яқин масофаларда экилади.

Гуруҳ икки хил бўлади:

1) девор олди хили—деворлар, дараҳтлар пояси, ахлат қутилари, ҳожатхоналар, деворчалар ва бошқаларни манзаралаштириш учун баланд бўйли чиройли баргли ўсимликлар (клешевина, манзарали каноп ва бошқалар) ишлатилади;

2) эркин ўсувчи хили, майсазорда озод композицияда экилади, бу гуруҳлар учун турли баландликдаги ўсимликлар ишлатилади.

Экилаётган ўсимликлар сони 3—5 тадан кам бўл-маслиги керак. Кўпинча гуруҳлар атрофига, кўринадиган тарафига пастроқ ўсимликлар экилади. Юқорида айтилганидек, гуруҳ кўпинча бир тур ўсимликтан ташкил топади, аммо айрим ҳолларда уни ўзаро баландлиги, ранги ва бошқа сифатлари билан мос бир неча (2—3) хил ўсимликлардан ҳосил қилиш ҳам мумкин.

Алоҳида ёки солитер экиш деб, алоҳида бир йиллик ёки кўп йиллик ўсимликлар экилган экинзорнинг бир шаклига айтилади. Бу майсазор, гулзор, истироҳат боғи ёки ҳиёбон фонида, гуруҳлар, клумбалар, работкалар, кичик меъморий шакллари ва ҳ.к.лардан узоқроқда жойлашади. Экиш учун ўсимликларни алоҳида ҳол учун баландлиги, габитуси, барглар, гуллар, мевалар ранги ва бошқа ўзига хос хусусиятлари бўйича танланади ва безатилаётган объект ва гулзор ҳам, албатта ҳисобга олинади. Алоҳида экинлар (солитерлар)нинг кўркамлиги барча йўналишларда тўлиқ бўлиши керак: сербарглийлик, чиройли габитус, баргларнинг оригиналлиги, гуллашнинг (гулловчи ўсимликлар учун) тўлиқ ҳамда кетма-кетлиги ва ҳ.к.

Солитерлар сифатида қоида бўйича, ёруғсевар ўсимликлар қўлланилади. Майда баргли, тўқ рангдаги гулли ўсимликларни йўлакчалар ва кўринадиган жойларга аксинча, йирик баргли, йирик ва ёрқин гулли ёки гулбаргли ўсимликларни эса узоқроққа экиш мумкин.

Бордюрлар (ҳошиялар) — гулзор қисми, гулли экинзорлар шакли, клумбалар контури, йўлакчалар чизифи, работкалар, майсазорлар, аллеялар бўйлаб экилган гулловчи ёки манзарали-баргли бир йиллик ҳамда кўп йиллик ўсимликлар бўлиб, улар ҳошия ҳосил қиласиди. Айрим ҳолларда бордюрлар **рамка** ёки **ҳошия** дейилади.

Бордюрлар ўсимликтининг катталиги ва ҳошиянинг хусусиятга кўра, 10—40 см. кенглика 1—5 та қаторда ҳосил қилинади. Гулловчи, гиламли, бир йиллик ёки кўп йиллик пастак (20 см. гача), манзарали-баргли ўсимликлар қатор-қатор қилиб экилади. Булар табиий ўсувчи ёки кесиб турилувчи, жонли девор кўринишидаги буталар бўлиши мумкин. Уларнинг бўйин 0,7—1 м. дан ошмаслиги ва кенглиги, кичикроқ бўлиши керак, шу

билин бирга уларнинг туплари бирлашиб турувчи оралық масофада өкилади.

Бордюрларнинг баландлиги ҳошияланаётган обьектга кўра, жуда ўзгариб туради. Бордюрлар кўкаlamзорлаштирилаётган жойнинг манзарали меъморий безаш учун хизмат қиласди, улар гулзорли безатишнинг тугалланган кўринишини яратади.

Партер — бино олдидаги ёки истироҳат боғи, ҳиёбон бошида ва бошқа жойлардаги тантанали гулзор. Истироҳат боғ санъатида партер ёnlама текисликдаги манзарали қурилма ҳисобланади. У гулли — манзарали безатишнинг қатъий усулида бажарилиб, ҳиёбонлар ва истироҳат боғларининг кириш жойларига, бино олдига аниқ, тўғри шаклда ўрнатилади. Партер бир нечта таркибий қисмлардан (майсазорлар, маҳсус танланган манзарали — баргли ва гулловчи ўсимликлар, йўлакчалар, кичик меъморий шакллар) ташкил топган. Бу қисмлар ўз навбатида гул композициясида бирлашиб, бир бутунликни ташкил қиласди.

Партернинг умумий режаси одатда тўғри тўртбурчак шаклида бўлади. Катта томони кичигидан 2,5 баравар катта ҳисобланади, бу эса унинг teng майдончаларига бўлиб, композицияларни тўғри жойлаштириш имконини беради, бунда керакли симметрияларни сақлаш ва партерга кирувчи барча таркибий қисмларнинг гармоник мос тушишини ҳисобга олиш мумкин.

Партернинг марказий қисмини бир ёки бир неча турли ўлчамдаги клумбаларни, бассейнларни, гулдонларни, ҳайкалларни ўз ичига олувчи майсазор эгаллайди. Партер майдони кўкаlamзорлаштирилаётган обьект ўлчамларига мос равишда режалаштирилади. Партернинг кўкаlamзорлаштириш обьектига гармоник муносабати 1:1,5 дир. Бунда бирлик кўкаlamзорлаштирилаётган майдон обьектидир, партер эса 1,5 баравар катта майдонни эгаллайди.

Массив — бу йирик ўлчамли ўсимликлар (кўпинча дарахт ва буталар) экилган, етарлича кенг майдонни эгаллаган экинзордир. Массив яратишда унинг мақсадига таянилади. Ўрмон боғларини ташкил қилиш кўпинча табиий ўрмон массивларида амалга оширилади. Кўп ҳолларда янги массивлар яратишда ёруғсевар ўсимликлар ишлатилади.

Чирмашувчи ўсимликлар — асосан деворлар, айвончалар, балконларни безатиш, пергол яратиш учун иш-

латилади, лекин улардан гулзорларда ҳам фойдаланиш мумкин. Бундай ҳолларда майсазорларда каркаслар ўрнатилади ёки ип тортилади. Шу тариқа ўсимлик чирмасиб ўсади ва вертикал деворлар, колонналар, конуслар ҳамда бошқа шакллар ҳосил бўлади.

Альпинарий — тошли боғ ёки тоғча, альп флораси қўлланилган тоғ ландшафтининг ўзига хос чиройини акс этирувчи сунъий яратилган қурилмадир. Альпинария комплексида тош ҳамда ўсимликларнинг бир йиллик, кўп йиллик ва буталари чиройли қўшилиб яхлит бир бутунлик ҳосил бўлади. Альпинариянинг ўлчами ва жойи маҳаллий шароитлар ва имкониятлар билан аниқланади: қонда бўйича, бу майдон 2 дан 200 м² гача ва бўйи 0,5 дан 10 м. гача бўлган жойдир.

Альпинариялар кўпинча ландшафт стилидаги паркларда ишлатилади. Тоғ-тошли ландшафт кўринишидаги бурчакни акс этирувчи альпинарийни қоидаларга бўйсундириш мумкин эмас, шунинг учун у тўлиқ меъморнинг санъати ва бадиий савиясига боғлиқдир. Альпинарияда тошни қўллаш билан бир вақтда сувни ирмоқ, каскад кўринишида ишлатиш мақсадга мувофиқдир. Альпинария кузда ташкил қилинади. Баҳорда ернинг чўкиши тўхтайди. Шағалсимон дренажланган асосга торф, йирик донали қум ва бир неча миқдор майда шағал қўшилган яхши озуқали серажриқ тупроқ солинади. Алоҳида секторларда ўсимликнинг индивидуал хусусиятларига кўра маҳсус тупроқ ҳосил қилиш мумкин. Шундан сўнг, тупроқ тепалиги турли ўлчам ва шаклли, бир ёки бир неча, аммо минерал таркиби бўйича бир-биралига яқин тошлар билан қопланади. Ўсимликлар баҳорда экилади.

Кўпгина баланд тоғ ўсимликларининг етарли даражада қишига чидамлигига қарамай, альпинарияларда қиши вақтида уларнинг айрим турлари қисман ёки тўлиқ ҳимояланishi керак.

Миксбордерлар — деворлар, бинолар, баланд бўйли экинлар олдида табиий гуруҳлар кўринишида жойлашган манзарали ўсимликлар (кўп йилликлар, икки йилликлар ва бир йилликлар)нинг кўп гуруҳли ва қаторли аралаш экинзордир. Миксбордерлар учун ўсимликлар ҳили шундай танланади-ки, бунда уларнинг гуллаши эрта баҳордан совуқ тушгунча узлуксиз давом этади. Ўсимликлар гуруҳи шундай жойланishi лозимки, бунда бутун мавсум давомида майдон турли тусдаги гуллар

билин қоплансин. Миксбордер четлари ўзига хос ўсимликлар билан ҳошияланади. Кўпинча қуёшли жойларни эгалловичи миксбордерларда ёруғсевар ўсимликлар экилади.

Ҳавзалар. Кўпинча ҳиёбон ва истироҳат боғларида турли ўлчамдаги сунъий ҳавзалар ўрнатилади, унинг қирғоқларига манзарали намсевар ўсимликлар экилади, бу ўсимликлар фақат ҳиёбон ёки истироҳат боғи билан уйғунлашмай, ҳавзанинг ўзига ҳам уйғун бўлиши керак. Одатда, қирғоққа ирислар, незабудкалар, ҳавзага эса намфалар, рогоз ва бошқа сув ўсимликлари экилади.

XV. ГУЛЛАРНИ ТАНЛАБ ўТҚАЗИШ

У ёки бу шалкдаги гулли экинзорларни яратишда ўсимликларни тўғри танлашга катта аҳамият берилади. Бу масалани ҳал қилишда ўсимликларнинг биологик хусусиятлари ва агротехникасидан ташқари, бадиий дидга ҳам эга бўлиши керак.

Ўсимликларни баландлик бўйича танлаш. Агар клумба марказида ҳайкал ёки бошқа меъморий қурилма бўлмаса, у ҳолда марказда баланд кўримли ўсимлик (агава, пальма ва бошқалар), марказдан узоқроққа эса бўйи пастроқ клумба четларига ундан ҳам кичик бўлган ўсимликлар экилади. Бундай жойлаштиришда ўсимликлар бир-бирини тўсмайди, ҳатто озгина дўнг клумбалар ҳам жуда манзарали кўринади.

Ўсимликларни гуллаш вақти бўйича танлаш. Бу масалани ечишда, эрта гуллайдиган ва гуллаш муддати давомий бўлган ўсимликларни ишлатишга интилиш керак. Ўсимлик ассортименти шундай бўлсинки, клумбалар, гулли экинзорлар ва бошқа шаклларда экилган ўсимликлар икки ҳафтадан сўнг гулласин. Турли вақтда гуллашга йўл қўймаслик керак (миксбордерлардан ташқари).

Ўсимликларни гуллар ёки барглар ранги бўйича танлаш. Тўрли хил ва нав ўсимликларида фақат гулларининг тусларигина эмас, балки баргларининг тузи ҳам турличадир. Йил давомида — баҳорда, ёзда ва кузда тусларининг ўзгаришини гапирмаса ҳам бўлади. Гул бирлигини шундай танлаш керак-ки, у жуда чиройли бўлсин.

Гулларні колер бүйича танлашда қуидагиларга таяниш мүмкін:

- 1) колерлар контрасти қонунига;
- 2) колерлар гармонияси қонунига;
- 3) нейтрал туслар ақамияти.

Колерлар контрасти қонуни. Призмадан ўтган қуёш нури—қызил, олов ранг, сариқ, яшил, күк, бинафша рангларини беради. Энг чиройли ранг бирлікті: қызил билан яшил, олов ранг билан күк, сариқ билан бинафша ранглардир. Бу колерлар контрасти қонунига мөс келади. Шу билан бир вақтда, қызил, олов ранг ва сариқ ранглар — энг актив, иссиқ дейилувчи колерлардир, бунда олов ранг энг иссиқ рангдир. У жуда чиройли ва ўзинга диққатни жалб қиласы, иссиқлик ҳиссини уйғотади. Яшил, күк, бинафша ранглар — пассив колерлар, совуқ ранглардир, улардан күк — энг совуқ ранг ұсисбланади. Бу туслар гулзорга қатъйлық беради. Жуда қатъй контрастни юмшатиш учун айрим ҳолларда бу гурухлар орасынан нейтрал тусли үсимликлар әкиласы. Барча түқ колерлар (түқ-қызил, түқ — күк түқ — бинафша) томошабинларга яқынроқ жойлаشتырылади, чунки узоқдан яхши күрінмайды.

Колерлар гармониясі қонуни у ёки бу туспенінг жадаллігини секін-аста күпайишини ёки камайишини билдиради. Шу қонунга бүйсунған ҳолда клумбаларда ёки бутун гулзорда үсимликларни әкішда ихтиёрий колерни, турлы жадаллікта құллаш мүмкін. Агар колернінг интенсивлігі клумба марказига қараб күпайса, масалан, оч — пуштидан пуштига, оч-қызилға, уннан маркази оч — қызил рангда бўлса, у ҳолда бу клумба нисбатан, четдан марказға қараб жадаллікни пасайтирганга қараганда күпроқ чиройли, ранг-баранг күрінади.

Нейтрал колерлар ақамияти. Нейтрал туслар — оқ ва қора туслардир. Улар күп ишлатылади. Лекин қора рангли үсимликлар табиатда мавжуд әмас (виола, колеус деярли қора рангга әга), оқ рангли үсимликлар эса жуда күп. Оқ ва бошқа оч туслар узоқдан яхши күрінади, улар қоида бүйича жуда чиройли. Оқ ранг колерлар диссонансини текислайды, дисгармонияни йўқотади. Қызил ва бинафша рангларнинг бирлигі мавжуд бўлса, улар оғир қабул қилинади, қўпол кўринади, оқ билан тўлдирилса, у ҳолда бу бирлик сезиларли юмшайди. Оқ ранг кескин фарқни ёки туспи бир

текис юмшатади, қора ранг эса туснинг ёрқинлигини кучайтиради.

Газон — французча сўз бўлиб, майсазор маъносини англатади. Майсазор — бу ўт билан қопланган, табиий ёки сунъий равишда яратилган майдондир. Манзарали боғдорчиликда бу табиий ёки сунъий равишда яратилган ўтсимон майдон кўкаламзорлаштириш учун ҳам, спорт майдончалари ва бошқа мақсадларда ҳам ишлатилади.

Яшил майдонлар бунёд этишда (яшиллик қурилишда) майсазорларга катта эътибор берилади. Майсазорлар иккى гуруҳга ажратилади:

- а) манзарали майсазорлар;
- б) маҳсус майсазорлар.

Манзарали майсазорлар ўз ўрнида қўйидагиларга бўлинади: партерли, ўтлоқ кўриниши (боғ ва ўрмон-боғдорчилигида), кўп йиллик чиройли гулловчи ва мавритания (бир йилликлар, хилма-хил гулловчилар).

Маҳсус майсазорлар — булар спорт (футбол ва бошқалар), аэрором, магистралларда транспорт ва пиёдалар ҳаракатини ажратувчи (тартибга солувчи), йўл четларидаги чизиқларни мустаҳкамловчи майсазорлардир.

Пarterli майсазорлар боғнинг марказий қисмида ва гулзорнинг асосини ташкил қилувчи бошқа майдонларда жойлашади. Бу майсазорларга жуда катта талаблар қўйилади: улар, айниқса, юқори сифатли, серяпроқ, туси бўйича, бир хил, текис, майсаси зич, пастак бўлиши керак. Партерли майсазорлар кичик майдонни эгаллайди. Қоида бўйича уларга майда нозик баргли, барглари асосан тупнинг пастки қисмида жойлашган ва кесиладиган сўнг тез ўсувчи бошоқли ўтлар экилади.

Ўтлоқ кўринишидаги майсазорлар кенроқ майдонни эгаллайди, чунки уларни манзарали ва бошқа боғ ҳамда ўрмон — боғдорчилигининг очиқ жойларида ишлатилади.

Кўп йиллик чиройли гулловчи майсазорлар — майсазор фонида гуруҳ-гуруҳ бўлиб жойлашган, чиройли гулловчи кўп йиллик ўсимликлардан ташкил топади.

Мавритания ёки хилма-хил гулловчи майсазорлар кўпгина гулловчи бир йиллик ўсимликларни бошоқли ўтлар билан аралашмасидан ташкил топганлиги билан аҳамиятлидир. Мавритания майсазорлари учун асосан бир йиллик ўсимликлар, жуда кам ҳолларда экилган йили гулловчи кўп йиллик ўсимликлар ишлатилади.

Яхши партерли майсазорни яратиш жуда катта эъти-

бор ва меҳнатни талаб қилади. Олдин майсазор учун майдон тайёрланади. Барча қурилиш ахлатларини олиб ташланади, шундан сўнг тупроқнинг ўсимлик учун зарур қатлами мавжудлиги ва унинг миқдори текширилади. Партерли майсазорлар учун яхши ўғитланган енгил қу-моқ ёки қора тупроқни ишлатган афзалдир. Партерли майсазорларни яратишда ўсимликлар учун зарурий қат-лам қалинлиги 15—20 см. дан кам бўлмаслиги керак. Тупроқнинг механик таркибига кўра қум ёки лой қў-шиш мумкин.

Ўсимлик учун зарур қатламни солмасдан олдин, тупроқ 12—15 см. чуқурликда кавланади. Шундай қилиб, етарли даражада қайта ишланган қалин қатlam ҳосил бўлади. У албатта текисланади, ўғит солинади ва яна кавланади. Кузда секин таъсир қилувчи шаклдаги яъни кам эрувчи, 1 гектарга 80—150 кг азот, фосфор ва ка-лийнинг таъсир қилувчи моддалари ҳисобидан мине-рал ўғитлар солинади. Баҳорда ҳам худди шу миқдор-даги тез таъсир қилувчи ўғитлардан фойдаланилади.

Агар тупроқ қайта ишлашга тайёр бўлса, борона қилинади, сўнгра яна кавланади ва яхшилаб текисла-нади. Майсазор майдонини режалаштиришда марказдан четга қараб, радиус узунасининг ҳар бир ўлчангандан метридан 3—5 см. га пасайтирилади. Агар уруғни ба-ҳорда сепиш режалаштирилган бўлса, у ҳолда қайта ишланган тупроқни зичлашиши учун 2—4 ҳафта қол-дирилади.

Майсазорлар учун кўпинча бошоқли ўтлар, кам ҳол-ларда эса ловия ўтлар ишлатилади. Майсазор ўтлари айниқса, пастки қисмида кўп баргли пояга эга бўлиши, яхши чим ҳолис қилиши, ўрилгандан сўнг тез ўсиши, пайҳон қилиннишга, ивишга, мөгорлашга, қурғоқчиликка чидамли ва манзарали бўлиши керак.

Барча бошоқли ўтларни уч гуруҳга бўлиш мумкин:
а) пастки; б) юқориги; в) ўртача.

Пастки бошоқлиларга ўтлоқ мятниги, қизил овсяница, оқ ва оддий полевица, яйлов райграси кира-ди. Пастки бошоқлилар кўпинча партерли майсазорлар учун ишлатилади.

Юқориги бошоқлилар асосан ўтлоқ тикида-ги майсазорларда ишлатилади — ўйғма ёжа, костер бе-зостий; житняк, ўтлоқ овсянищаси, чирмашувчи пирей ва бошқалар.

Уртacha бошоқлиларга тимофеевка, лисохвост ва бошқалар киради.

Бошоқли ўтлардан ташқари, майсазор аралашмасига 5—7 фоиз ловия ўсимликларини қўшиш мақсадга мувофиқдир. Ловия ўсимликларидан кўпинча оқ клевер ишлатилади. Айрим ҳолларда бошқа ўсимликлар ҳам қўшилади.

Боғ саҳнидаги майсазорлар учун ўрта минтақа шароитида ўтлоқ мятлики, оқ полевица, қизил ва ўтлоқ овсянициаси, яйлов ва бир йиллик райграс ишлатилади. Охиргиси экилгандан сўнг тез ривожланиши, биринчи йилнинг ўзида яхши майса ҳосил қилиши билан ажраби туради. Унинг камчилиги шундаки, у узоқ яшай олмайди, қурғоқчиликка ҳам, совуққа ҳам чидамсиз. Исиқроқ, етарли намлик бўлган жойларда ишлатилади.

Ўтлоқ майсазорга 3—5 тур бошоқлилар экилади. Костер безостий, йиғма ежа, полевица, ўтлоқ овсянициаси, чирмашувчи пирей ва нозик пирей, гребенник, зитняк, лисохвост, тимофеевка ишлатилади. Қоида бўйича, озгина оқ клевер, лядвенц ва бошқа ўтлар, кўпинча кўп йилликлар қўшилади. Ўтлоқ майсазорлар кўпинча маҳаллий шароитларга кўнишиб кетган ёввойи ҳолда ўсуви чирим бошқа турлардан ҳосил бўлади.

Мавритания майсазорлари ингичка пояли кўп йиллик ўтлардан чиройли гулловчи ўсимликлардан ташкил топади. Улар ўзида чиройли гулловчи ўтлоқчаларни акс эттиради, булар бутун ёз давомида манзарали бўладилар. Уларнинг асосий фони баланд бўлмаган ўтлардан — яйлов райграси ва бир йиллик райграсдан ҳосил қилинади. Булардан ташқари, ўтлоқ мятлики, оқ ва оддий полевица, гребенник бир хил миқдорда экилади. Аралашма тайёрлашда, 1 қисм бошоқли ўтлар уруғи ва 2 қисм головчи ўсимликлар уруғи ишлатилади. Гул аралашмасига 10—15 тур бир йилликларни қўшиш мумкин. 10 м². ерга 150 г. уруғ аралашмаси ҳисобидан экилади. Гулловчи ўсимликларнинг навлари баланд бўлмаган, бўйи 30—40 см. дан ошмаган бир йилликлардан, яъни смолевка, қизил ва зангори зигир, бир йиллик кўкнори, василек, кларкия, бир йиллик дельфиниум, хитой чиннигули, эшшольция, гипсофилла, иберис, нигелла, календула, бир йиллик хризантема, льянка ва бошқалардан ташкил топади.

Чиройли ва хилма-хил гулловчи кўп йиллик майсазор пролески, подснежник, мускари, лола, наргис, во-

добсор; қүнғироқгул, шарқ күкнориси, ромашка, маргаритка ва бошқа ўтлардан, ўтсимон гулловъчи ҳамда манзарали қишига чидамли кўп йиллик ўсимликлардан ҳосил қилинади. Майсазорлар баҳорда (лалми донли экинларни экиш вақтида), эрта кузда (қишки донли экинларни экиш вақтида) ва айрим ҳолларда кеч кузда — октябрнинг охири, ноябрнинг бошларида кўчатлар кейинги йилнинг баҳорида униб чиқишини мўлжаллаб экиласди. Суғориш имконияти бўлган шаҳар ва бошқа аҳоли пунктларида уруғларни ёзда ҳам сепиш мумкин.

Бошоқли ўтлар уруғининг катталиги турличадир. Энг майда уруғлар: оддий полевица уруғларининг 1 кг. да 7 млн. тага яқин, тимофеевкада 2 млн. тагача, райграс, костер безостийда 400—600 мингтacha бўлади. Шунинг учун уруғни экиш меъёри мавжуд эмас. Оқ полевица 1 m^2 га 1 г., мятник 2,5—3 г., костер, райграсни 6—8 г. ҳисобида экиш тавсия қилинади. Лекин уруғнинг хўжаликка яроқлилиги ва дала унумдорлигини ҳисобга олган ҳолда, 1 m^2 га йирик уруғли ўтлар 40 дан 50 г. гача, ўрта уруғли 20—30 ва майда уруғли 5—10 г. ҳисобида экиласди. Шундай қилиб, майсазор ўтларининг озиқланиш майдони бир ўсимлик учун жуда кичик — 1 дан 3—4 cm^2 гача белгиланади.

Боғ саҳнидаги майсазорда қуюқ ўтларни ташкил қилиш учун уруғ экишнинг катта миқдорлари зарур бўлади. Шунинг учун, уларнинг миқдорини 8-жадвалда кўрсатилгандек 10—30 фоизга оширилади (боғдаги майсазорлар учун). Ўтлоқ туридаги ва катта майдонларда маҳсус майсазорлар кам ҳаражат талаб қилинади ва улар учун 3—4 тур ўтлар аралашмаси ишлатилади. Агар ўтлар аралашмасида 25—35 фоиз илдизпояли, 50—65 фоиз юмшоқ туплилар ва 10—20 фоиз қаттиқ туплилар мавжуд бўлса, у ҳолда майсазор юқори сифатли ҳисобланади. Илдизпояли ўтларнинг миқдори (фоизи) енгил ва кам озуқали тупроқларда 40—50 фоизгача, соя жойларда 70—80 фоизгача, қияликларда эса 60—70 фоизгача кўпайтирилади.

Берилган уруғни экишнинг бу меъёри максималдир, лекин маҳаллий шароитларга, яъни тупоқнинг унумдорлиги ва намлиги, уруғларни униб чиқиши ва ҳоказоларга кўра экишнинг намунали миқдори аниқланиши ҳамда муайян томонга 25 фоизгача ўзгартирилиши мумкин. Ўтлар аралашмасидаги уруғни экиш миқдори берилган ўт турининг уруғ экиш меъёри унинг аралашмасидаги фоиз

**Майсазорлар учун экиладиган кўп йиллик тоза ўтлар ургининг
намуна меъёри**
(II-синф ургини I гектарга неча кг. экиш ҳисобида)

Ўтларниң турлари	Экиладиган уруг меъёри
Чирмашувчи ширей	70—80
Нозик ширей	70—80
Костер безостий	80—90
Ўтлоқ райграси	60—90
Бир йиллик райграс	50—60
Йигма ежа	60—70
Ўтлоқ овсяницаси	60—80
Қизил овсяница	50—70
Бурушуқ овсяница	50
Форс бедаси	60
Қизил беда	50
Оқ беда	20—40
Гибридли беда	20—30
Ипичка баргли житняк	50
Ўтлоқ лисохвости	40—50
Кўк беда	45
Сариқ беда	40
Минг барг	40
Гребеник	32—45
Шохли лядвенец	35
Мятник дубравний	30
Ўтлоқ мятники	15—25
Ўтлоқ тимофеевкаси	18—25
Оқ полевица	8—10
Оддий полевица	10

зига кўпайтирилади ва 100 га бўлинib ҳосил қилинади. Ҳар бир ўт турининг олинган натижалари йифилади ва бутун аралашманинг уруг экиш меъёри (1 гектарга кг. ҳисобида) белгиланади. Ўтлар нави танлангандан сўнг, майсазор майдони аниқланади ва керакли уруғлар миқдори ҳисобланилади. Сўнгра мавритания майсазорлари учун гулли ўсимликлар нави ташланади ва аралашмадаги уларниң муносабати аниқланади ҳамда ҳар бир тур гулли ўсимлик миқдори граммларда ҳисобланади (9-10-жадваллар).

Чиройли гулловчи майсазорларда кўп йиллик ўсимликларни клумбалар, работкалар ва ҳоказоларга тавсия қилинган масофаларда экилади. Ўтлар отли ва тракторли сеялкаларда, кичикроқ майсазорларга эса қўлда эки-

Түрли майсаорларда үтлар аралап мискинде ҳар бир түр үтнинг фоизли таркиби

Үтлар түри	Хиёбон үйлөлдүн ва башка майсаорлар										Спорт майдончалардын боситтуучи майдончаларда										
	Бар	Голлер	Кыпкар	Түншкіндер	Енгіз	Гана	Сою жойлар-	Сою жойларда-	Хүчкүк турилгаги	Хүчкүк турилгаги	Хүчкүк турилгаги	Хүчкүк турилгаги	Хүчкүк турилгаги	Хүчкүк турилгаги	Хүчкүк турилгаги	Хүчкүк турилгаги	Хүчкүк турилгаги	Хүчкүк турилгаги	Хүчкүк турилгаги	Хүчкүк турилгаги	
	I	II	III	I	II	III	VІ	I	I	I	I	I	I	I	I	I	I	I	I	I	I
• Варианттар																					
Оддий полевица	70	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—
Оддий грэбенник	30	—	20	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—
Кизил овсяница	—	—	70	20	30	20	40	15	25	—	—	25	—	—	—	—	—	—	—	—	—
Үтлөк мятниги	—	—	20	50	70	50	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—
Яйлов райграси	—	—	10	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—
Хүнбүй колосок	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—
Оқ беда	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—
Үтлөк овсяницаси	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—
Үтлөк лисохвости	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—
Урмон мятниги	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—
Оқ полевица	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—
Гостер безостий	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—
Үтлөк тимофеевкаси	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—

лади. Экишдан олдин майдонга 1,5—2 м. көнгликтеги чизиқларда, иккى ўзаро перпендикуляр йўналишларда эса ариқлар олинади. Перпендикуляр йўналишларда экиш уруғни майдон бўйича бир текис ва тўғри тақсимлаш имконини беради. Майсазорнинг четларига зичроқ экилади. Уруғ шамол эсмаганда экилса, у майдонга бир текис тақсимланади.

Уруғни сеялка билан экишда сошиклар чуқурроқ қилиб ўрнатилади. Қўлда уруғ экилгандан сўнг, уруғни хаскаш ёрдамида 0,5—1 см. га тупроқ билан кўмилади. Чуқурроқ қилиб кўмиш мумкин эмас, чунки ўтларнинг уруғи жуда майдадир. Уруғ сепилгандан сўнг майдоннинг устки қисми босиб чиқилади. Бу тупроқ остидаги сувларнинг уруғ жойлашган юқори қатламига кўтарилишини таъминлайди, чунки уруғларнинг униши учун катта миқдорда намлик зарурдир.

10-жадвал

Мавритания майсазорида гул экинлари уруғини экини миқдори

Экин	1 г. даги уруг сони (дона ҳисобида)	Хўжаликда ишлатишга яроқлилик фоизи	1 гектарга экилувчи уруг (кг. ҳисобида)
Аллисум	4000	55	1,82
Василек	350	37	11,12
Гипсофилла	1200	60	2,78
Иберис	500	60	3,34
Ленок	160	60	41,68
Ёзги хризантема	200	57	3,35
Маттиола	1500	50	5,34
Бир йиллик кўкнори	4000	60	1,67
Калеидула	120	55	30,30
Немезия	6000	55	1,21
Резеда	1000	40	5,00
Эшиольция	860	60	3,88

Турли катталиктаги уруғни экишда уларни аралаштирмастан, алоҳида сепиш керак. Мавритания майсазорида ҳам худди шундай экилади. Бир йўналишда ўтлар, перпендикуляр йўналишда эса гул ўсимликларининг уруғи экилади. Қуруқ ҳамда ивитилган уруғни экиш мумкин. Ёзда яхшиси ивитилган уруғ экилгани маъқул. Бу ҳолда экин майдонлари кўчатлар ҳосил

бўлгунича ҳар куни суғорилади ва сўнгра камайтириб борилади. Ивитилган уруғ экилганда кўчатлар тез ва тўлиқ униб чиқади. Ўз вақтида баҳорги экишда тупроқ етарли нам бўлади ва бошоқли ўтлар уруғи тезроқ униб чиқади. Қуруқ ҳавода кўчатларни кунинга 1—2 марта суғориш керак. Кичик майдонлар лейка билан, катта майсазорлар эса пурковчи шланка билан суғорилади. Ўт майсалари униб чиққандан сўнг суғориш бирмунча камайтирилади. Кўчатлар экилганидан сўнг 7—10 кундан кейин кўкаради. **Майсазорларни парваришлаш.** Майсазорлар сифати уларнинг парваришига боғлиқ. Эрта баҳорда, қорлар эрий бошлиши биланоқ, майсазорлар атрофига, улар устидан юрилмаслиги ва ўтлар босилмаслиги учун, вақтинча штакетник ёки 50—60 см. баландликда тўсиқлар ўрнатилади.

Тупроқ қуриб, қайта ишлашга қулай бўлганда, майсазорларни хаскаш билан, катта майдонларни эса борона билан тозалаш керак. Бу ишнинг мақсади — узоқ қиши даврида йиғилиб қолган ахлатларни олиш ва қотиб қолган тупроқ қатламини юмшатишdir. Шу вақтда майсазорнинг кемтик жойлари аниқланади, сўнгра қайта экишга ёки ажриқлашга, яъни майсазорни таъмирлашга киришилади. Агар майсазор бир жинсли бўлмаса, тупроғини текислаш учун мотижжа билан юмшатилади ва бутун майсазорга экилган ўтлар уруғи хаскаш билан кўмиб чиқилади. Янги кўчатлар эски жойдаги ўтлардан фарқ қиласди, шунинг учун ажриқлаш қўлланилади. Ташқаридан, заҳиралини майдончада маҳсус ажриқ учун ўтлар экилади. У катта майдонда от таянчи билан, кичикроқ майдонда эса қўлда кесилади. Ажриқ (чим)лар одатда 7 дан 10 см. гача қалинликда, кенглиги 30-40 см., узунлиги 40-60 см. қилиб кесилади. Майсазор тупроғи тайёрланган чим қалинлигига чуқур қилиб олинади. Ўрнатилган чимларни босиб, ёғоч шипилкалар билан маҳкамланади. Уланган жойларига тупроқ сепиб, ўт экилади.

Майсазор парваришининг кейинги босқичи — кесиш ёки ўришdir. Уни одатда майсазор ўроқлари (косилкалари) билан кесилади. Боғ саҳнидаги майсазорлар айниқса, нам билан етарли таъминланганлик шаронтиларида ҳар 6—16 кунда кесиб турилади. Шундай қилиб, бутун вегетация даврида 10—12 марта кесилади. Ўрилгандан сўнг ўтларнинг баландлиги 6 см. дан

ошмаслиги керак. Ўтлоқ туридаги майсазорлар ойда бир марта, яъни йилда 2—4 марта ўрилади. Ўрмон боғларидағи майсазорлар ёзда 1—2 марта ўрилади. Ўрилган ўтлар 1—2 кун мобайнида йифиб олинади.

Ўтлар кесиб олиниши билан майсазор кўринишини бузувчи бир йиллик ёввойи ўтлар йўқотилади. Кўп йиллик ёввойи ўтлар — репейник, осот, одуванчик, подорожник, куриное просолар майсазорлар учун жуда заарлайдирлар. Улар барглари билан майсазор ўтларини ёпиб, заарар етказади. Шунинг учун айрим ҳолларда ёзда 4—5 марта гача қўлда юлиб ташлашга тўғри келади. Агар ёввойи ўтлар жуда кўп бўлса, бутун майсазор ёки унинг алоҳида жойлари кавланаб, қайтадан ўт экилади. Мавритания ва кўп йиллик хилманихил гулловчи майсазорларда сўлиган гулбарг ва гулларни узлуксиз кесиб турш керак. Кўп йиллик майсазорларда бошоқли ўтлар ёз мобайнида 1-2 марта ўрилади. Майсазор парваришининг муҳим шарти — мунтазам суғоришдир.

Майсазор бошоқлиларига, яъни озиқ майдони кичик бўлган ва узлуксиз кесиб турладиганлар учун катта миқдордаги озиқ моддалари зарур. Экилган майсазорга ҳар гектарига 300 кг. азотли ва фосфорли, 150-250 кг. калийли ўғит солинади. Ўғитлар ёз давомида ўтлар ўрилганидан сўнг 3-4 марта солиниб кейин суғорилади. Ўтлар кузги юзаки компост кўринишидаги органик ўғитларга жуда таъсирчандир. Ўғит 0,2-2 см. қалинликда солинади ва хаскаш билан текисланади.

Ез охирида ўриш тўхтатилади, чунки ўтлар келгуси қишига кучга тўлиши керак. Баҳорда майсазор четлари текисланади. Катта майдонларда бу иш дискли пичоқ билан, йўл олдидағи чимни четидан кесиб амалга оширилади, кичикроқ майсазорларда эса шнур ва ўткир белкурак билан бажарилади.

Гулзорлар барпо этиш. Гулли экинзорлар (клумбалар, работкалар ва ҳ.к.) контурларини ўтказгандан кейин апрел ойи охири, май ойи бошларида, майдонларда тупроқни тайёрлашга киришилади. Аввал ўғит 1 гектарга 40-60 т. органик ўғит, 90-120 кг. фосфор ва 75-90 кг. калий солинади. Шундан сўнг, клумба ва гулзорнинг бошқа элементлари чегарасидан чиқмай, тупроқ 18-25 см. чуқурликда кавланади. Кавлашда ёввойи ўсимликлар ва уларнинг илдизлари, тошлар ва бошқа ахлатлар

олиб ташланади. У ёки бу жой ўзлаштирилаётганда тупроқнинг юза қатламини яхшилаш учун 2 қисм ажриқли, 1 қисм чириндили ва 1 қисм баргли тупроқлардан ташкил топган махсус тайёрланган боғ тупроги келтирилади. У бир текисда солинади ва шу жой яна бир марта кавланиб текисланади. Тупроқ чўкиши билан, икки ҳафтадан кейин, у қайта текисланиб, клумба ва бошқа гул расми шакллари чизилади. Экиш учун гул кўчатларини биологик хусусиятларига кўра, январ, феврал, март ёки апрел ойларидан тайёрлаш бошланади. Экиш муддатигача яъни совуқлар тугаши билан кўчат тайёр бўлиши керак. Бу даврда иссиқсевар ўсимликларни экишга киришилади. Совуққа чидамли ўсимликлар эса эртароқ экилади. Баҳорги совуқларда ўсимликларнинг усти ёпилади.

Расмларни натурага ўтказишда, ўсимликларни экмасдан аввал, кўпинча клумбалар, работкалар ва ҳоказоларнинг қайтарилувчи таркибий қисмлари учун, олдиндан тайёрланган андозалар ишлатилади, улар махсус мосламалар ёрдамида майдонларга белги қўйиш билан амалга оширилади. Уларни одатда қишида, фанер, картон, тунука ва ҳоказоларни ишлатиб тайёрланади. Расм андозага кенглиги 2 см. узунлиги 5-10 см. бўлган чизиқлар (пунктир) чизилади ва шулар бўйича кесимлар (тешиклар) ҳосил қилинади. Андозани тайёр майдонга қўйиб, устидан майдаланган ғишт, қум ёки бошқа сочилувчан оч рангдаги аралашма сепилади. Қум ва бошқа материаллар кесимлар (тешиклар)дан ўтиб, андозани олгандан сўнг ерда аниқ шаклли расм қолади.

Экишда ўсимликларнинг озиқланиш майдонини тўғри аниқлаш жуда муҳимdir. Ўсимликлар экилганидан сўнг албатта, сугорилади. Гулзорнинг кейинги парвариши суғориш, ёввойи ўтлардан тозалаш, тупроқни юмшатиш, озиқлантиришдан иборат бўлади. Гулзорларни натурага ўтказиш лойиҳаларни қофоздан томорқага ўтказишдан иборатdir. Гулзорларни ташкил қилиш учун қуйидаги асбоблар зарур ўраладиган ўлчов тасмаси (рулетка), юкларни узатувчи машина тирсаклар, 2 м. гача бўлган ёғоч циркул, уни темир бўлган чўп, 0,25 дан 0,5 м. гача бўлган қозиқчалар, арқон, сим.

Қуришни режалаштириш гулзорларнинг таркибий қисмларини кўкаламзорлаштириш объектига ёки шу

томорқани лимитловчи чегараларга боғлаш билан бошланади. Масофаларни ўлчаб бўлгандан сўнг, йўлаклар, работкалар ва ҳоказоларниң боши бўлган биринчи тўғри чизиқ ўтказилади. Ишни енгиллаштириш учун, айрим ҳолларда турли рангдаги қозиқчалар ишлатилади (йўлаклар учун бир рангда, клумбалар, работкалар учун бошқа рангда). Шундан сўнг, йўлаклар контури белгиланади, унинг эни учи темирли чўп билан ёки кенглиги ва чуқурлиги 4—5 см. бўлган ариқча билан белгиланади. Айрим ҳолларда чизиқлар оҳак, мел ва бошқалар билан белгиланади. Сўнгра режага кўра, перпендикуляр чизиқ тортилади, уларнинг узунлиги аниқланади, клумбалар, миксбордерлар белгиланади, алоҳида экинлар экилади, кичик архитектура шакли аниқланади ва режа бўйича бошқа барча ишлар бажарилади.

Амалиётда ерда қўйидаги линия ва шаклларни белгилаш ҳамда чизиш керак.

Тўғри бурчакни қуриш

1. 3, 4 ва 5 м. узунликдаги учта арқон бўллаги кесиб олинади. Агар бу арқонлардан учбурчак ясалса, 5 м. ли томон қаршисидаги бурчак тўғри бурчак бўлади.

2. Тўғри чизиқда тенг масофаларда (1, 5, 3 ёки 5 м.) кейинги перпендикулярдан белгилар олдирилади. Кесишиш нуқтасига арқонли қозиқча ёки циркул қўйилади ва кейинги перпендикулярдан битта қозиқчагача бўлган масофа 1,5 баравар катта радиус билан биринчи ва иккинчи нуқталарда ёйлар чизилади. Кесишиш жойидан ўтган чизиқ бошланғич белгиланган тўғри чизиқка нисбатан перпендикулярdir.

3. Айрим ҳолларда бурчаклар тирсаклар, юк узатувчи машиналар, андозалар бўйича ясалади.

Ўтмас ёки ўткир бурчакларни қуриш у ёки бу бурчак ҳосил қилувчи тўғри чизиқларнинг кесишиш нуқтасидан шу тўғри чизиқларда бир хил радиусда ёйлар чизилади. Тўғри чизиқлар ва ёйлар кесишиш нуқталардан, олдинги радиусдан 1,5 баравар катта радиусда бурчак ичига ёй чизилади. Уларнинг кесишиш нуқтасини бурчак маркази билан бирлаштирилади. Олинган чизиқ бурчакни тенг ярмига бўлади. Шуни ҳисобга олиш керак-ки, радиус айлана узунлигини 6 қисмга

бүләди, яъни бу 60° , 30° , 15° , $7,5^\circ$ ва ҳоказо бурчакларга эга бўлиши мумкин. Тўғри бурчак бир неча марта тенг бўлакларга бўлинса, $67,5^\circ$, 45° , $22,5^\circ$, $11,25^\circ$ ва ҳоказо бурчаклар олинади.

Параллел тўғри чизиқлар ўтказиш керакли йўналишда тўғри чизиқ ўтказилади. Унга ихтиёрий масофа да иккита перпендикуляр чизилади. Параллеллар орасидаги режалаштирилган масофа шу перпендикулярларда белгиланади ва бу нуқталар арқонлар билан бирлаштирилади, бу параллел чизиқ бўлади.

Бурчакларга радиус қуриш. Ўткир ёки ўтмас бурчак ҳосил қилувчи икки тўғри чизиқнинг кесишиш нуқтаси А дан бир хил радиусда тўғри чизиқларда ёйлар чизилади. Радиус ва тўғри чизиқларнинг кесишиш нуқталари Б дан бурчак ичига бирмунча катта радиусда ёйлар чизилади. Иккита радиусли ёйлар кесишган нуқта В ни тўғри чизиқларнинг кесишиш нуқтаси А билан тўғри чизиқ орқали бирлаштирилади. Олинган АВ тўғри чизигида керакли радиусда бурчакларга айланалар чизилади.

Айлана чизиш. Перпендикуляр ўтказилиб, айланада маркази аниқланади. Шу жойга қозиқ қоқилади. Клумба диаметрига тенг арқоннинг бир учи қозиққа боғланади. Арқоннинг иккинчи бошига темирли ёғоч ўрнатилади. Арқон таранг тортилиб, қозиқ атрофида айлантирилади ва шу тариқа темир учли ёғочда айланади.

Овал чизиш. Перпендикуляр ўтказйлади. Бунинг учун аввало марказ аниқланади, ундан овалнинг узунлиги ва кенглиги ўлчанади, сўнгра унинг келгусидаги шакл ва ўлчами билан боғлиқ бўлган фокуслар белгиланади. Фокуслар орасидаги масофа К овалнинг кенглиги Д га тахминан тенг бўлиши керак. Фокус нуқталари Е ва Г да қозиқчалар ўрнатилади. Агар улар бирбирига жуда яқин масофада ўрнатилган бўлса овал шакл бўйича айланага ўхшаб қолади. Агар оралиқ масофага жуда катта бўлса, у ҳолда овал таранг тортилган бўлиб қолади ва унча чиройли бўлмайди. Шунинг учун зарурий ҳолларда, четлари айланали рабаткаларни қурган афзалдир. Учинчи қозиқни овал кенглиги нуқтаси Ж га қўйилади. Барча қозиқларга арқон тортилади, учлари бирлаштирилиб боғланади ва учинчи қозиқ билан зич тортилиб, ерда овал чизилади.

Беш томонли юлдуз чизиш (айлана ичидә) айлана ва унинг марказини кесувчи ўзаро перпендикуляр чизиқлар ўтказилади. Перпендикулярнинг бир учи кейинги юлдуз нурининг юқори нуқтаси С бўлиши керак. Айлана маркази О дан ва диаметрининг ўнг тарафи билан кесишган нуқтаси А дан, радиус ярмидан катта радиусда бир-бири билан кесишгунча ёйлар чизилади. Ёйлар кесишган нуқталар бўйича, радиусни тенг ярмига бўлувчи тўғри чизиқ ўтказилади. Тўғри чизиқ ва радиус чизиғи кесишган В нуқтадан, юлдузнинг юқори нуқтаси С дан диаметр чизигигача ёй ҳам чизилади. Юлдузнинг юқори нуқтаси С дан олдинги ёйнинг диаметри билан кесишган нуқтаси Д гача бўлган кесим берилган айланадаги беш бурчак томонига тенгdir.

Клумбалар расмларини натурага концентрик айланалар, ёйлар, доиралар ва ҳоказолар ўтказиб амалга ошириш мумкин. Натурага ўтказиб бўлгандан кейин, ер ишлари бажарилади (йўлчалар, газонлар, экиш ўралари ва ҳоказоларни ўрнатиш). Ер ишларининг асосийларини кузда бажариш тавсия этилади, чунки баҳорда барча эътибор ўсимликларни экишга қараганди.

Йўлчалар ва майдончаларни ўрнатиш йўлчаларни қуриш — ишнинг масъулиятли босқичидир. Олдин асосий йўллар, кейинчалик иккинчи даражали йўллар қурилади. Йўл ва йўлчаларнинг кенглиги жойнинг ўлчами ва гулзорга келиб-кетувчиларнинг сонига боғлиқ бўлиб, 0,5 м. (йўловчилар учун)дан 3—4 м. гача ўзгариб туради, айрим ҳолларда 6—10 м. ҳам бўлиши мумкин. Скверлар, гузарлар ва бошқа жойларда йўлчалар кенглиги 2 м. дан кам бўлмаслиги лозим. Йўлчалар қаттиқ, ёмғирдан сўнг тез қурийдиган, ёввойи ўтларсиз бўлиши керак. Уларнинг қуидаги турлари бўлиши мумкин: асфальтли, шағалли, ерли, плиткали. Йўлчаларнинг четига пастак бутасимон чегара ўсимликлари экиш самарали кўринади. Йўлчаларни гулли тўсиқлар ёки рабаткалар билан ҳошиялаш ҳам жуда яхши натижада беради. Ҳар йили баҳорда йўлчаларга каток билан ишлов берилади. Ёзги парвариш қуидагилардан иборат: газонлар четларини кесиб тўғрилаш, ёввойи ўтларни гербецидлар ёки яганалаш билан йўқотиш, ёрилган жойларга синган фишт бўлаклари ёки қум солиш ва ахлатдан тозалаш.

Гулзор парвариши. Агар ўсимликлар ўз йўналишига жавоб берса ва тўгри экилиб, ишлатилган бўлса бундай гулзорлар самарали бўлиб, кишида яхши кайфият уйғотади. Бундан ташқари, гулзорлар ҳар доим тоза, чиройли, яъни яхши парваришланган бўлиши керак. Гулзорлар парваришида асосан унинг сифати муҳим аҳамият касб этади. Ўсимликлар парвариши бўйича сарфларни камайтириш учун уларнинг ўсиш ва ривожланиш хусусиятларини ҳисобга олиш керак ва шунга мос равишда қуидаги қондаларга таяниш лозим:

1. Ўсимликларни оптималь масофаларда экиш.

2. Ўсимликларни тезроқ ўсиб, бир-бири билан бирлашиб кетиши ва ер юзини яшиллик билан қоплашини ҳисобга олган ҳолда жойлаштириш.

3. Гуллаш хусусияти ва кетма-кетлигини ҳисобга олиш.

4. Ўсимликларни паст ҳароратга чидамлилигига кўра, уларни очиқ ерга баҳорги совуқлар эҳтимоли кетгандан сўнг экиш.

Гулзор парваришида қуидаги усуллардан фойдаланилади:

а) экилиши билан суғорилади. Заруриятга кўра суғориш такрорланади;

б) экилгандан сўнг биринчи ҳафталарда тутмаган кўчатлар ўрнига, ўша навдаги янги ўсимлик кўчати экилади. Бунинг учун 10—25 фонз миқдорда ўсимликлар заҳирда етиштирилади.

в) ўсимликлар бирлашиб кетгунча, тупроқни узлуксиз юмшатиш ва ўсимликни ягана қилиш. Бирлашиб кетгач ва кучли ёмғирдан сўнг уларни бажаришга ҳожат йўқ; чунки, бу вақтда ёввойи ўтлар маданий ўтлар томонидан эзилади ва тахминан гулзор кўрининини бузмайди;

г) ўсимликлар тутиши ва ўса бошлишида органик ва минерал ўғитлар билан озиқлантирилади. Бунда микроўғитлар камроқ фойдаланилади;

д) алоҳида ўсимликларнинг гуллаб бўлиши билан сўлиган гулбарг ва гуллар кесиб ташланади. Гулзор кўрининини бузувчи, сўлиган ва тўкилмаган гул ва гулбарглардан ҳам тозаланиб туриши керак. Гуллаш даври айтарли узоқ бўлган ўсимликларда бу иш тахминан ҳафтада бир марта бажарилади. Кесиб турилса, ўсимлик манзараси узоқроқ сақланади.

Сентябр ойи охири октябр ойи бошларида биринчи күзги совуқлар тушади, улар иссиқсөвәр ўсимликлар — бегония, ирезине, альтернантера ва бошқаларга зарар етказиши мүмкін, совуқдан кейин иссиқ ҳаво даври келса ҳам, бу ўсимликларнинг айримлари нобуд бўлиши эҳтимоли бор. Шунинг учун сентябр ойи охирида эҳтиёт чораси учун ўсимликларнинг бир қисмини (10—15%) заарланмаган она тўпларни иссиқхоналарга киритилади. Улар тувакка экилади ёки зич қилиб яшикка жойлаштирилади. Сув ўсимликлари ҳам ҳавзалардан олиб қўйилади. Ўсимликлар гулзорнинг ташқи кўринишини бузмасдан танлаб олинади.

Енгил совуқларда она туп юзаси дока, шохли пайраха ёки плёнка билан ёпилади, чунки кучсиз совуқлардан сўнг, иссиқ ҳаво келиши ва гулзорлар ўзининг манзарасини яна бир неча ҳафта сақлаши мүмкін. Ҳозирги вақтда ТСҲАнинг Сабзавотчилик тажриба станциясида сунъий йўл билан ҳосил қилинувчи қўпикни яратиш устида иш олиб бориляпти. Совуқлар эҳтимоли туғилиши билан, ўсимликлар кўпик билан қопланади ва 8—10 соатдан кейин кўпик қотиб, ингичка қатламли плёнка из қолдирмай учиб кетади. Октябр ойи бошларида ҳаво совуши билан, она туп сифатида қўлланилмайдиган кўп йиллик, бир йиллик ва гиламли ўтларнинг ер усти қисми қирқилади ёки суғуриб, компост қилинади. Ўсимликлардан тозаланган майдонлар ўғитланади ва кавланаади. Қишига чидамсизроқ кўп йиллик ўсимликларни (атиргул, гиацинг наргиснинг айрим навлари, регали лилияси ва бошқалар) қарагай шохлари ва бошқа материаллар билан ёпилади. Гулдасталар тайёрлаш. Қадимдан инсон ўз ҳаётининг барча тантанали кунларида гулдасталардан фойдаланишган. Қадимги юон ва римликлар байрамларда безак сифатида гулдасталар ва гулшодаларни ишлатганлар. Гулдаста ясаш эса ўзинга ҳос санъат ҳисобланарди.

Ҳар бир гул ўсимлиги аниқ бир мақсадга йўналтирилган бўлиб, ўзига хос хусусиятга эга. Лаврдан тайёрланган гулдасталар билан машҳур спортчилар, ҳофизлар, олимлар фахрий белги сифатида тақдирланганлар (лауреат сўзи юончадан таржимада «лаврлар билан тақдирланган» маъносини англатади). Ўрта асрларда мирта ва розмарин гулдасталарини тўй куни келинга

тақишигандар. Россияда ҳам гулдасталар қизларнинг байрамлар ва тантаналар вақтидаги севимли безаги ҳисобланган. Ҳозирги вақтда Хиндистан, Бирма ва Индонезияда фахрий меҳмонларга гулшодалар тақиши одати сақланиб қолган.

Гулдасталар Европада XIV—XV асрларда пайдо бўлган. «Букет» сўзи французча бўлиб, бирга йифилган чиройли гуллар гуруҳи маъносини англаради. У вақтларда кучли ҳидли гуллар ва ўтлардан (резеда, чиннигул, ялпиз, левкой ва бошқалар) кичикроқ дасталар тайёрланар эди ва уларни безак учун эмас, балки ҳидманбай сифатида ишлатишарди. Уларни кўйлакларга ёки тугма тешикларига ўрнатганлар.

XVIII—XX асрлар давомида гулдасталар шакли сезиларли ўзгарди ва кўпинча модага боғлиқ бўлиб қолди. XIX асрнинг биринчи ярмида концентрик айланалар билан жойлашган юмaloқ гулдасталар анъянавий бўлган. Гулдастани яшил папоротник ёки бошқа яшил ўсимлик шохлари билан безаб, каштали қофозга ўралган. XX асрга келиб гулчилар баҳайбат қимматбаҳо гулдасталар ясашни бас қилиб, гулларни боғловчи симларни ишлатмай қўйдилар. Гулдасталарни безаш учун айрим ҳоллардагина ленталар ва кашталар ишлатиладиган бўлди.

Гулдасталар ва гулли композициялар шакллари ривожлануви ва мукаммаллашуви давом этаяпти. Замонавий гулдасталар шакли оддийлиги, гулларнинг табиий жойлашиши ва камроқ миқдори билан ажраби туради. Гулдаста тайёрлаш учун маҳсус қоида ва қатъий меъёрлар мавжуд эмас, бу ерда тузувчидан маълум малака, бадиий маҳорат ва дид талаб қилинади. Гулдаста шакли гулларнинг тури ва гулдаста мақсадига боғлиқдир. Гулдаста юмaloқ, чўзинчоқ, бир томонли, кичик ёки катта бўлиши мумкин.

Гулдастанинг чиройли чиқиши учун унинг шакли қандай бўлиши мухим эмас. Бунда танланган гулларнинг ранги катта аҳамиятга эга бўлади. Шунинг учун алоҳида колерларнинг юқорида айтиб ўтилган маҳсус хусусиятларини билиш керак. Ранг фазо ҳақида тасаввурни ўзгартириши, уни оптик кичик ёки катта қилиши мумкинлиги ҳам ҳисобга олиниши зарур.

Гулдаста тузишининг энг осон йўли — бир хил ўсимлик ва гулларнинг бир хил рангининг турли туслари-

дан фойдаланишдир. (масалан, хушбўй нўхатнинг турли навларидан ва пушти рангли қўёнгулдан гулдаста). Турли нав ва рангли гуллардан тузилган ғулдаста мурракаб бўлиб, уни тайёрлашда катта маҳорат талаб қилинади. Гулдаста тузишда, қизил ранг жадаллик таъсирга эгалиги ва ҳар доим рельефли ажралиб туришини, албатта, ҳисобга олиш керак. Қизил ранг ёзи ёки оқ ва оч пушти тусларнинг кичикроқ миқдори билан мос тушади. Сариқ ва олов ранглар энг иссиқ ранглар ҳисобланади ва ҳаёт, ёруғлик, севинч маъноларини билдиради. Кўк рангнинг бўлиши, уларнинг иссиқлигини камайтиради. Кўк ранг энг совуқ тонларга киради. Кўк ва зангори ранглар сариқ, олов рангларнинг барча туслари, пушти рангнинг нозик туси ҳамда оқ ранг билан яхши мослашади. Оқ ранг колоритли композицияда нейтрал таъсир қиласиди. Оқ ранг барча бошқа ранглар билан уйғунлашади ва ўзи ишлатилганди ҳам яхши натижа беради. Ранглар шкаласида ўртада жойлашган яшил ранг кўзимизга жуда яхши таъсир қиласиди. Яшил рангнинг барча тусларидаги барглар барча ранглар билан мослашади, гулли композицияларни чиройига чирой қўшади.

Гул ранглари рамз сифатида ҳам қабул қилинади, шунинг учун гулдасталар ҳар бир мамлакатдаги ранглар хусусиятини ҳисобга олган ҳолда тайёрланади. Масалан, оқ ранг тозалик, нозикликни билдиради, шунинг учун тўйларда оқ рангли гуллар: чиннигуллар, атиргуллар, калалар ишлатилади.

Қизил рангнинг рамзий хусусияти — ҳаёт, севги, озодликдир. Францияда XIX асрда қизил чиннигуллар кураш ва революция белгиси бўлган. Бизнинг асрга ҳам шундай бўлиб кириб келди. Гулдаста тайёрлашга киришишидан олдин, гулдаста нима учун ва кимга тайёrlанаётганлигини ҳисобга олиш керак. Шуни эсда тутиш керак-ки, эркак ва аёлга, қари ва ёшга бир хил гулдаста бериб бўлмайди, болалар учун эса тамомила бошқа композициядаги гулдасталар берилади. Гулдасталар тантанали маъракаларга, хоналарни байрам ва ҳар кунги безаги ҳамда тўй ва юбилейлар, мактаб ўқувчилари куни ёки севимли қиз учун тайёрланади. Ҳар бир гулдаста ўзига хос чуқур маънода бўлиши ва берилиган кун воқеаларига жавоб бериши керак.

Гулдаста учун гул танлаш йил мавсумига боғлиқдир,

Қиши ёки кеч қузда, гуллар кам пайтларда гулдасталарни кўпгина дарахт ва буталарнинг (рябина, бояришка, қорсизмон яода, кизильник, шиповник ва бошқалар) ёрқин мевали шохларидан тузиш мумкин. Оц рангдаги баргли шохларни (клен, осина, қайнин ва бошқалар), ҳам ишлатса бўлади, шунингдек, сосна ёки арчанинг шохларидан ҳам камроқ гул қўшиб (ремонтант чиннигули, гербера, цикламен) гулдаста тузиш мумкин. Базорда ва ёзда, гуллар танлови бой бўлганда, гулдастани гулларнинг бир тури ва навидан ёки бир турнинг турли навларидан тузса бўлади. Масалан, қўқонгул ва чиннигулнинг турли навларидан тузилган гулдасталар. Шуни эсада тутиш керакки, чиройли гуллар ва чиройли гулдаста бир хил нарса эмас, гулдастадан олинган таассурот, алоҳида жуда чиройли гулларнинг ўзидан олинган таассуротдан муҳимроқдир. **Гулдасталар тузиш техникаси.** Гулдасталар учун гуллар эрталаб, ўсимликлар салқин кечадан кейин ҳали янги бўлиб турганида узилгани яхшидир. Гул сувга солиб қўйиладиган бўлса, кесилган гулларнинг пастки қисмидаги баргларининг бир қисмини олиб ташлаш керак. Юмшоқ пояли гуллар пичноқ билан зич, ёғочсимон пояли гуллар эса секатор билан кесилади. Гулнинг сўрувчи юзасини кенгайтириш учун поячаси бурчак остида кесилади. Бундан ташқари, тўғри кесилган поя гулдан тубига зич бўлиб қолади ва ўтказувчи тўқималардан сув ўтиши тўхтаб қолади.

Гуллар ўзининг янгилигини узоқ сақлаши учун: лилия, кўкиори, чиннигулларни ғунча даврида; хушбўй нўхат, гладиолусларни битта ёки иккита пастки гулбарглари очилганда, қўқонгуллар, левкой, картошка гулларни гулбарги тўлиқ очилганда кесилади. Ташин учун гуллар махсус тешниклар очилган картон контейнер кутичага жойланади, уларнинг турларига кўра бўглаб-боглаб ёки қатор-қатор қилиб қофозга ўралади. Гулдаста тузишда гулбанднинг сувга солинадиган қисмини қайтадан кесиш керак, чунки кесилган жойда ўтказувчи тўқималарда ҳаво тиқини ҳосил бўлади, бу эса тўқималардан сув ўтишига ҳалақит беради. Гуллозчи шохларга (настарин, гортензия, ясмин, атиргул) сув яхши кириши учун поянинг қўйи қисми 2—3 қисмларга ажратиб кесилади ёки теша билан чопиш керак. Агар гуллар сўлиган бўлса, уларни қайта жонлантириш мум-

кин. Бунинг учун пояларни чуқур сувга солиб, гулларни эса ҳўл қоғозга ўраб, бир ёки икки соат совуқ хонада сақланади.

Айрим кесилган гуллар тургор ҳолатини фақат иссиқ сувда сақлайди (настарин, ясмин, атиргул, черемуха ва бошқалар). Сўлиган ўсимликларнинг сув остида поясининг учи 2—3 см.га кесилади ва ҳарорати 50—55° бўлган сувли идишга, 20—30 дақиқадан сўнг эса улар олиниб совуқ сувга солинади. Кўпгина ўсимликларнинг кесилган гуллари олtingугуртли нордон магний, марганецли нордон қалий ёки борат кислотасининг кучсиз эритмасига солинса ўз ҳолатини узоқроқ сақлайди. Атиргул, чиннигул, хризантема гулдасталири 3 л. сувга 0,5 таблетка аспирин қўшилган аралашмада узоқ сақланади. Кўпгина кесилган гулларнинг ҳаёт муддатини узайтирувчи турли кимёвий моддалар мавжуд. Аммо, ихтиёрий тур кесилган гулларни сақлаш муддатини узайтирувчи аралашмалар ҳозиргача маълум эмас. Гулдаста тайёрлашдан аввал, унга уйғунлашувчи гулдон бўлиши керак. Гулдонлар шакли бўйича баланд, паст, юза ва гулдон-таглик бўлиши мумкин. Гуллар учун гулдонлар қавариқ шаклли, ёрқин рангли ва турли безакларга эга бўлмаслиги зарур. Гулдон сифатида ихтиёрий идишни ишлатиш мумкин (салат ва нон солинадиган идишлар, пиёла, тарелка ва ҳ.к.), фақат бу идиш гуллар билан органик бутунликни ташкил қилиши керак.

Оригинал гулдон сифатида қайта ишланган чиройли илдизпоя ёки илдиз, береста, ива, рангли полиамил илларидан ясалган миниатюрали саватчалар ишлатилиши мумкин. Бундай гулдоннинг чуқурчасига сувли банка қўйиб, унга незабудка, бинафша, ландиш, ромашка ёки дала ўтларидан гулдаста жойлаштирилади.

Гуллар гулдон билан фақатгина ранги бўйича эмас, балки фактраси бўйича уйғунлашиши керак. Атиргуллар, калалар, чиннигуллар биллур ёки шиша гулдонларда яхши кўринади. Цинния, ноготка, василек ва дала ўтлари гулдасталарини яхшиси керамик гулдонларга жойлаштирган маъқул бўлади. Гулдаста шакли гулдон шаклига мос тушиши керак. Дельфиниум, гладиолус, йирик гулли хризантемалардан тузилган баланд гулдасталарни ингичка зўн баланд гулдонга солган афзалроқдир. Кўқонгуллар, левкой, бархате才算лардан тузилган

гулдасталарни пастроқ бўлган кенг гулдонларга солган маъқулроқ. Гулларни керакли ҳолатда, паст, ясси гулдонларда ҳам, баланд гулдонларда ҳам маҳкамлаш учун юмшоқ сим, нинасимон ушловчилар, тешикли тагликлар, губка, моҳ ишлатиш мумкин. Гулдаста чиройли бўлиши учун, баргларнинг ва гулларнинг устма-уст тушиб қолишига йўл қўймаслик керак: баргнинг орқаси, чиройли бўлмаган томони кўринмаслиги, гулдастанинг асоси эса тугалланган бўлиши зарур. Ортиқча шохчаларни, баргларни, ғунчаларни ва ҳатто гулларни кесишдан қўрқмаслик керак. Гулдастага енгиллик ва ҳавойилик берниш учун, чиройли гажакли яшил ёки майда гулли ўсимликларни ишлатиш мумкин (аспарагус плюмозус, аспарагус Шпренгера, бир-йиллик ва кўп йиллик гипсофилла, спаржа, папоротниклар ва бошқалар). Гулдасталарга агар гуллари ўзининг яшил баргларига эга бўлмаса (гербера, наргис ва бошқалар) ёки гулларнинг барглари кўримсиз бўлса (чиннигул ремонтант) манзарали яшил барглар қўшилади.

Агар гулдастадаги барглар ёки яшил баргли шохлар бир-икки жойда гулдон четларидан пастга осилиб турса, гулдаста чиройли кўринади.

Гулдасталар, композициялар. Гулдаста ва композициялар ўлчамлари бўйича кичик, ўрта ва катта бўлади. Кичик гулдасталар (бутонъеркалар) билан кўйлаклар безатилади, улар шляпаларга, сочга ва костюмларга тақилади. Бутонъерка бинафша, хушбўй нўхат, миниатюрали атиргул, анютанинг кўзлари, левкой, монтбрегия ва бошқалар майда гуллар ва ғунчалардан ясалади. Одатда улар бир хил гуллардан ясалади ва яшил гажаксимон барг қўшилади, бу барг сифатида аквилегия, пиретрум, дельфиниум, спаржа, папоротник барглари ишлатилади. Бутонъеркани ингичка ёрқин рангли лента билан безатиб, кичкина тўғноғиҷ билан тақилади.

Келин учун гулдаста атиргул, кала, чиннигул, лола, гербер ва бошқа оқ ҳамда нозик пушти рангли гуллардан тузилади. Одатда тўй гулдастаси бир тур гуллардан тузилиб, аспарагус ёки гипсофилла барглари билан безатилади. Гул ва барглар фақат ўз пояси билан ишлатилади, бу ҳолда сим қўлланилмайди. Тўй гулдастаси оғир бўлмаслиги керак. Энг мақбули 5 тадан 9 тагача гулли гулдастадир, улар оқ ёки оч яшил лента билан

қаттиқ ва чиройли қилиб боғланади, у келиннинг кўйлаги билан мос тушиши лозим.

Гулдаста учун осилиб турувчи яшил гажакли баргларни ёки учлари узун тасмани ишлатиш мумкин. Агар тўй гулдастаси лилиялардан тузилган бўлса, у ҳолда гулларнинг чанглари ювиб ташланади, акс ҳолда чанглар келин кўйлагини ифлос қиласди, агар гулдаста атиргулдан тузилган бўлса, у ҳолда поясидан тиканлари олиб ташланади. Куёв учун ҳам келин гулдастаси учун ишлатилган гуллардан бутоньерка тайёрланади ва костюмининг чап чўнтағига маҳкамланади.

8 Мартга, янги уй олганга ва ҳоказоларга табрик гулдасталарини турлича шакл ва ўлчамдаги ранг-баранг гуллардан тузиш мумкин. Аммо шуни эсда тутиш керакки, тақдим этилаётган гуллар фақатгина бизнинг таъбимизни эмас, балки гул тақдим этилаётган кишига муносабатимизни ҳам билдиради. Агар гулдаста яқин кишига тақдим этилаётган бўлса, у ҳолда гулдастани иложи борича шу кишига ёқувчи гуллардан тузиш мақсадга мувофиқдир. Тантанали маросимларга мўлжалланган гулдасталар атиргул, чиннигул, гладиолус, хризантема, пион каби ёрқин рангли, йирик гуллардан тузилади. Туғилган кунга мўлжалланган гулдаста кичикроқ тузилади ва уни чиройли лента билан совғага боғлаб қўйиш ҳам мумкин.

Болалар учун аталган гулдасталар қиммат бўлмаган чиройли гуллардан тузилади: қиз болага пушти тусли, ўғил болага зангори тусли гулдаста ўйинчоқ билан бирга берилади.

Сотиб олинган гуллар янгилигини сақлаб қолиши ва ўйлда зарар кўрмаслиги учун, улар қофоз ёки цеплофана ўралади. Гулларни бераётганда эса ўрам ечиб ташланади.

Жонли гуллар, шохлар ва турли табиат материалларидан тузилган композиция — ҳаётимизга кириб келаётган оранжировканинг янги туридир. Паст гулдонлардаги гуллар сув, шохлар ва тошлар билан биргаликда миниатюрали боғларни эслатади, улар хоналар, йўлаклар, вестибиуллар, кўргазма заллари учун безак сифатида хизмат қилиши мумкин.

Композициялар ўлчами, мураккаблиги ва мавзуси бўйича турлича бўлади. Уларни қуруқ пўстлоқдан, тупдан, дараҳт бўлакларидан, пенопластдан ҳам ясаш мумкин.

Композициялар учун гулдан сифатида салатниналар, тарелкалар, ясси идишлар, пиёлалар хизмат қилиши ҳам мүмкін. Үнга материал танлашда уни жойлаштириш үрнини ва үсимлик хусусиятларини ҳисобға олиш керак. Шунга күра, тиқинли пўстлоқ ва қўзиқорин-трутовиклар девор композицияси, ўрмон илдизлари эса осма композициялар учун афзалроқдир. Агар композиция суккулентлардан тузилаётган бўлса, торф, тошкўмири шлак, пеноойна, агар намсевар үсимликлардан тузилаётган бўлса, поролон, губка ишлатган маъқул.

Композицияларда гулловчилар билан бир қаторда манзарали — баргли үсимликлар ҳам кенг қўлланилади. Чиройли композиция тузиш учун жуда кўп гулга эга бўлиш шарт эмас. Айниқса, композиция гул ва баргларни иқтисод қилиб ишлатишга имкон яратади. Композиция тузишда битта гул ва икки-учта шохлардан фойдаланиш билан чегараланиш ҳам мүмкін. Лекин шохлар, гуллар ва гулданни шундай танлаш керакки улар ўзаро мос тушсин.

Паст бўйли гулданларга композицияларни жойлаштиришда зарурий ҳолатга шох ва гулларни маҳкамлаш учун яхши металл наколкани ишлатиш мақсадга мувофиқдир. Металл наколкадан ташқари, пластилин, рангли ойналар, чиройли тошлар, юмшоқ, зангламайдиган симлардан ушловчи восита сифатида фойдаланиш мүмкін. Баланд бўйли гулданларда композициялар ясаш учун наколка ишлатилмайди, шох ва гуллар ингичка сим билан боғлаб қўйилган ёрдамчи таёқчалар асосида маҳкамланади.

Композицияда шохларга муҳим ўрин ажратилади, улар баргли ва баргсиз бўлиши мүмкін. Агар шохлар баргсиз бўлса, у ҳолда хлорофитум, кала, аспарагус, анжир ва ихтиёрий бошқа чиройли, берилган композицияга мос тушувчи үсимлик яшил баргларини ишлатиш мүмкін. Композицияларда, айниқса, игнабаргли турларнинг шохларини, верба ва ивани қўллаган афзалроқдир, чунки улардан керакли шакл ва бурчаклар енгил ясалади.

Композиция чиройли чиқиши учун, оригинал шаклда чиққан шохчани танлаш муҳимдир. Шох чизигини яхшироқ ажратиш учун, барча ортиқча шохчалар кесиб ташланади ва бир неча қисмларга эътибор қаратилади.

Шох баландлигини гулдон ўлчамлари билан мослаш керак. Одатда бундай баландлик гулдон узунлигининг бир ярим қисмидан катта бўлмаслиги зарур. Тайёрланган шохдан керакли узунлик белгиланади, поя секатор билан кесилади, гулли матога олдин вертикал сўнг эса керакли оғиш бурчагида жойлаштирилади.

Сув ўтларидан ажратиб олинган гуллар ҳам сув остида юзаси текис ҳолда кесилади ва керакли оғиш бурчаги остида жойлаштирилади. Агар гул поялари нимжон бўлса ва гулли матога ёмон жойланса, уларга ёвоч бўлаги қўшиб, қофоз ёки юмшоқ жияк билан ўраш мумкин.

Композициядаги гуллар, барглар ва шохларни шундай жойлаштириш лозимки, гулли мато ёки тиргакли мослама кўринмасин. Ясси гулдонларда гулли мато ёки тиргакли мослама гуллар, моҳ, барглар ҳамда чиройли майдада тошлар ёки шиша маржонлар билан беркитилади. Ёзда иссиқ ҳавода кенг ясси гулдонлардаги композициялар яхши таассурот қолдиради. Бундай гулдонларда гулли, баргли ва шохли тўр безак шундай жойлаштирилиши керакки, бунда гулдондаги сув кўриниб турсин. Шох поялари ва гуллар сувда акс этиб, қўшимча чирой беради.

Игнабаргли шохлар, гуллар ва шамлардан (ёнғин қоидаларига риоя қилган ҳолда) тузилган янги йил композицияси байрам столининг безаги сифатида хизмат қилиши ёки деворга осиб қўйилиши мумкин. Уни сервантда, ойнома столида ёки ердаги баланд гулдонга ҳам қўйилса бўлади. Агар композиция столда жойлаштирилса, у ҳар томондан чиройли кўриниши ва бўйи жуда баланд бўлмаслиги керак. Янги йил композициясининг асосини чиройли чизиқларга эга бўлган 2-3 та игнабаргли шохлар ташкил қиласи. Улар металл мосламага маҳкамланади. Янги йил композициясини чиннигул, хризантема ёки цикламеннинг 2-3 та гуллари жуда безайди.

Гуллар ва шохлардан тузилган композиция — ике ба на қадим замонлардан бери Японияда кенг ишлатилади. Япон композициясининг асосини учта чизиқ, гулдонда эгри учбурчак ҳосил қилувчи ва рамзий қийматга эга чизиқлар ташкил қиласи. Энг узун шох ёки гул «син» ўзида осмонни мужассам қиласи ва бошланғич асосни ташкил этади, ўртаси — «соэ» — инсон, энг

кичкинаси — «хикае» — ер маъносини билдиради. «Син», «сое» ва «хикае» таркибий қисмининг поя узунлиги гулдон ўлчамига боғлиқ.

«Син» учун энг чиройли катта шох танланади. Кичик композициядаги асосий шох узунлиги гулдон диаметри ва баландлигининг йифиндисига тенг бўлиши керак ($d+H$). Улчами бўйича ўртача композиция учун бу қиймат гулдоннинг бир ярим диаметри ва баландлигининг йифиндисига $1/2d+H$ / ва катта композиция учун гулдон ўлчамларидан икки баравар катта бўлиши керак $/2d+2H/$. Иккинчи шох — «соэ» «син»нинг $3/4$ қисмига, учинчиси — «хикае» эса энг қисқа $3/4$ «соэ» бўлади. Бош қисмлар «син», «соэ» ва «хикае» гулдасганинг асосий негизини ташкил қиласди. Асосий қисмларни кучайтириш учун шохлар ёки гуллар қўшилади. Уларни ихтиёрий миқдорда ишлатиш мумкин, лекин узунлиги бўйича асосий шохлардан калтароқ бўлиши керак.

Икебананинг икки асосий шақли, тик ва қия шакли мавжуд. Булар барча бошқа шакллар асосини ташкил қиласди.

Тик турувчи шакл: асосий шох «син» тўғри қўйилиб, ўзидан чапга 15° бурчак остида оғдирилади. Иккинчи шох «соэ» 45° бурчак остида қўйилиб, юқоридагидек чапга олдинга оғдирилади. «Хикае» шохи бир йўла 75° бурчак остида қўйилади ва олдинга ўнгга оғдирилади.

Кия шакл тик турувчи шаклдан асосий шохнинг жойлашишига кўра фарқ қиласди. Асосий шох «син» 45° бурчак остида олдинга ўнгга оғдирилади, иккинчи «соэ»-ни чапга 15° бурчак остида, учинчисини эса ўнгга 75° бурчак остида оғдирилади.

Баланд гулдонда гуллар ва шохларни паст гулдонларда ўрнатилган коида ва шартли чизмаларга кўра жойлаштирилади. «Син» шохнинг баландлиги гулдон диаметри ва баландлиги билан аниқланади. Бунда шохнинг узунлиги гулдоннинг юқори четидан бошлаб хисобланади. Баланд гулдонларда икебана тузишда тўғнағичлар ишлатилмайди, лекин гул ва шохларни ўрнатиш учун бошқа бир қатор усуллар ҳам қўлланилади.

1. Диаметри 1.5—2 см. ва узунлиги гулдон узунлигидан озгина калта бўлган таёқчанинг юқори қисми кесиб қўйилади. Кесиб олинган бўлакка олдиндан тайёрланган шох ёки гуллар ўрнатилади ва керакли холатда ингичка сим билан боғлаб чиқилади.

2. Юмшоқ ёғочсимон, узунлиги бүйича гулдан диаметрига тенг бўлган иккита таёқча энг йўғон жойидан хоч шаклида маҳкамланади ва гулдан ичига солинади. Бундай хоч гул ёки шохларни керакли ҳолатда ушлаб туришга ёрдам беради.

3. Шох шундай кесилсан-ки, унинг чети деворга тиралиб, шохни керакли ҳолатда ушлаб турсин.

Гулли саватлар замонавий интеръер (бино ва иншоотларнинг ички қиёфаси, бадиий безалиши ва жижозланиши) учун ягона безак бўлиб хизмат қилиши мумкин. Саватлар бутун ёки кесилган тол шохлари ҳамда бўялган лубдан тўқилади. Миниатюрали саватчалар береста ёки полиамид иплардан ясалади. Саватлар турли шакл ва нақшли бўлиши мумкин.

Ихтиёрий сават ичига сув ўтказмайдиган металл қоплама шакли ёки полиэтилен плёнка солинади. Қоплама шаклнинг ярмиси чириндили тупроқ билан тўлдирилади. Тувак гули ёки манзарали-баргли ўсимликларни саватга экишдан олдин яхшилаб сугорилади, сўнgra ерқатлами сув билан тўйингандан сўнг, тувакдан олиниб, саватга жойлаштирилади. Ундаги очиқ қолган жойларга ўғитли тупроқ солинади ва юза қисми моҳ билан беркитилади. Учи ўткир ёғоч таёқчалар билан моҳли қатламда чуқурча ҳосил қилинади ва у ерга гуллар учун сувли пробирка ёки кичикроқ идишлар жойлаштирилади.

Саватлар оранжировкасида олдин манзарали-баргли ўсимликлар жойланади — асосий таг ранги яратилади, сўнgra гуллар жойлаштирилади. Гулларни жойлаштиришда сиртқи шакллар саватча расмини аниқлаш ва асосий чизиқларни белгилаш жуда муҳимдир. Саватнинг симметрик ёки асимметриклигига кўра, гуллар жойлаштирилади. Одатда орқа томонга узун гулоёқли гулар керакли ҳолатда маҳкамлаб, сўнг гулоёқлари калтароқлари жойлаштирилади. Олд томонга калта гулоёқли йирик гуллар жойлаштирилади, улар орқа қисмга жойлашган гулоёқларни ҳамда сувли идишларни тўсиб туради. Гулларга камроқ миқдорда оранжировка учун кесилган барглар қўшилади. Таёёр сават юзаси моҳ, селагинелла ёки бошқа ер бағирлаб ўсувчи ўсимликлар билан қопланади. Чиройни кучайтириш учун айрим ҳолларда сават банди ипакли жияк ёки ампел ўсимликлари билан безатилади.

XVI. ХОНАЛАРДА МАНЗАРАЛИ ГУЛЗОРЛАРНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ

Замонавий интеръерда гуллар ҳозирги вақтда ишлаб чиқариш корхоналари, бино ва иншоотлар, ишхоналар, маданият уйлари ва хоналарни безатиш учун кесилган жонли гуллар ва манзарали ўсимликлардан түзилган композициялар ишлатилади. Гуллар ва манзарали ўсимликларни хоналарда турли яшиклар, кашполар, махсус столчалар ва ҳоказоларда жойлаштириш мумкин. Ампел ва чирмашувчи ўсимликлар осма ва деворий кашполарга ўрнатилади. Агар безатилаётгандын хона катта бўлса, у ҳолда гулли ва манзарали ўсимлик солинган гулдон ҳамда саватларни ерга (полга) қўйиш мумкин. Ясси гулдонларда ранги, баландлиги ва шакли бўйича бир-бирига мос тушувчи гулли ва манзарали-баргли ўсимликлар жойлаштирилади. Бундай ўсимликлардан тузилган композициялар, агар ампел ўсимликлари бир томонидан осилиб турса, жуда чиройли кўринади. Яшикларни турли материаллардан ясаш мумкин. Улар девор тусига хос ёки ёрқин бўлмаган ранга бўяб лакланади. Яшиклар ёки кашполарга жойлаштирилган гул туваклари яшик четларидан бирмунча паст бўлиши керак. Тувакларни юқорисига янги моҳ, керамзит, вермикулит ёки ювилган тошчалар солинади. Туваклар орасидаги бўш жойлар ҳам шу материалларнинг бири билан тўлдирилади.

Турли шакл ва турли баландликдаги гуллар учун тагликлар ҳам жуда қулай ва чиройли кўринади. Гуллар учун ясалган оёқли тагликлар бир қатор қулайликларга эгадир. Хоналарни тозалаш вақтида уни енгиллик билан суриб қўйиш мумкин. Бундай тагликларда жойлашган гуллар осонлик билан суфорилади ва уларнинг парвариши қулай кечади.

Айрим ҳолларда ерга (полга) квадрат ёки кўпбурчакли, бир неча ячейкалрга бўлинган яшиклар қўйилиб, уларнинг бир қисми манзарали-баргли ўсимликлар, бир қисми кесилган гуллар ва яна бир гуруҳи бирон-бир сочилувчан материал билан (тошчалар, бўлинган ғишт бўлаклари, керамзит, мармар бўлаклари, қум ва бошқалар) тўлдирилади.

Яшиклар ўрнига ерга (полга) баланд бўйли пол гулдонларини қўйса ҳам бўлади. Улар шиша, фарфор, керамика ёки пластмассали бўлиши мумкин. Баланд

бўйли пол гулдонларига бир нечта йирик гуллар (гладиолус, стрелиция, кала, пион ва бошқалар) ёки ёрқин мевали ва дўланали шохлар қўйилади. Қишида хоналарни ругозанинг жигар ранг сўталари билан қуруқ ўтлар ёки оригинал силуэтдаги қуруқ шохлар билан безатиш мумкин. Замонавий интеръерни безатишда гулдонларга таглик, чирмашувчи ўсимликлар учун таянч бўлиб хизмат қилувчи илдизпоялар, тўнкалар, дараҳт пояси ва тошлар кенг ишлатилади.

Хоналардаги гулларнинг жойлашиши симметрик бўлмаслиги керак, баланд бўйли ўсимликлар шакллари пастак ўсимликлар билан мос тушиши лозим. Гулларни кашпо яшчикларига жойлаштиришда уларнинг баландлиги ва ёруғликка талабини ҳисобга олиш лозим. Ёруғсевар ва паст бўйли ўсимликлар ёруғликка яқинроқ, сояга чидамли, балинд бўйли ўсимликлар эса девор олдига жойлаштирилади. Кашпо яшчикларини манзарали ўсимликлар билан тўлдиришда, йирик ўлчамларни пастак ва ампел ўсимликлари билан мослаштириш яхши самара беради.

Замонавий интеръерларни безатишда тувак ўсимлиги ва табиат материалларидан тузилган композициялар ҳам кенг тарқалган. Улар кесилган гуллардан тузилган композициялардан фарқли равишда жуда узоқ сақланиши мумкин. Бундай композициялар керамик ясси гулдонларда ёки кенг тувакларда ишлатилади. Композициялар учун хона ўсимликларини танлашда уларнинг экологиясини ҳисобга олиш керак ва суккулентлар билан намсевар ўсимликларни, ёруғсевар билан сояга чидамли ўсимликларни бирга экмаслик зарур. Одатда битта йирик ўсимлик бундай композициянинг асоси бўлиб хизмат қиласи. Унинг атрофига кичикроқ ўсимликлар, гулдоң четларига эса ампел ўсимликлари экилади. Суккулентлардан тузилган композицияларга турли ўлчамдаги, лекин бир хил ранг ва ўзига хос бир неча тошларни қўшиш мумкин.

Хизмат хоналарини кўкаламзорлаштириш учун беор ўсимликлар, яъни ёруғлик ва намлика унча талабчан бўлмаган ўсимликлар ишлатилади. Яшил ўсимликлар ола-була баргли ўсимликлардан хлорофитум, мармарли пеперомия, аукуба, ола-була баргли традиесканция ва бошқалар ишлатилса чиройли кўринади. Тупроқни беркитиш учун чирмашувчи ёки ампел ўсимликлари (седум, зибольди, селагинелла, қирмизи сетkreазия, традескан-

ция ва бошқалар) ишлатилади. Хоналарни мавсумида гулловчи ўсимликлар: азалея, глоксиния, цикламен, кальцеолярия ва бошқалар жуда яхши безайди. Гулловчи тувак ўсимликларини ва кесилган гулларни йил мавсумига кўра алмаштириб туриш интеръерларни гул билан безатишнинг турли-туманлигини таъминлайди.

Кўргазмаларни безатиш. Гуллар кўргазмаси маҳорат мактаби ва гуллардан тузилган замонавий оранжировкаларни тарғиб қилиш жойи бўлиши керак. Бундай кўргазмалар хоналарда ҳам, очиқ ҳавода ҳам жойлаштирилади. Гулларни очиқ ҳавода жойлаштиришда уларнинг сифати шамол ва ортиқча қуруқликдан ёмонлашиши мумкинлигини ҳисобга олиш керак. Гулларни хоналарга жойлаштиришда ёруғ, кенг ойналари шимолий-шарққа қараган залларни танлаш зарур. Кўргазма залларда ола-була сопол, ялтироқ-ёрқин пластика ва стендларнинг тушуниб бўлмайдиган шаклларидан қочиши керак. Гулар учун таг ранг сифатида майсазорлар, тошчалар, қум ва чиганоқлар хизмат қилиши мумкин. Гулларни турли баландликдаги тагликларда ҳам, кичикроқ столларда ҳам жойлаштириш мумкин.

Интеръерга ёғочсимон, металл, пластикали панжаларни киритиш мумкин, уларга ампел ўсимликлар ёки гулли осма гулдонлар ўрнатилади. Кўргазмани безатишнинг самарали қисми бўлиб, ҳайкалчалар, миллий руҳдаги манзарали гулдонлар, сув ҳавзалари ва ҳоказолар хизмат қиласи. Стендларда гулларни жойлаштиришни яхшилаб ўйлаб кўриш ва томошабинлар диққатини тортадиган асосий нуқталарни белгилаш зарур. Бу нуқталарга эса энг қизиқарли ва оригинал навли ўсимликлар ўзига хослик билан жойлаштирилади.

Гул пештахталарини безатиш. Гул дўконини безатишнинг умумий режасини тузишда кўкарамзорлаштиришнинг учта обьектини, яъни зал, витрина ва пештахталарни ажратиш қулайдир. Залга гуруҳлар бўйича ажратилган тувак ўсимликлари жойлаштирилади (игнабаргилар, қирқулоқдошлар, чиройли гулловчи ва манзарали-баргли ўсимликлар).

Махсус контейнерлар, кашполар, деворий гулдонлар, тагликлар ёки полларда жойлаштирилган ўсимликлар залнинг асосий безагини ташкил қиласи. Савдо залининг безагини кўпроқ манзарали қилиш учун юқорида айтилган табиат материалларидан ҳам фойдаланиш мумкин. Пештахталарга махсус сопол ёки шишасимон

гулдонларда кесилган гуллар қўйилади. Пештахтанинг бир қисми савдода мавжуд гуллар ва идишлардан тузилган композиция ва гулдасталарни намойиш қилиш учун ажратилади. Пештахталар, айниқса, жуда чиройли қилиб безатилади. Пештахталарга гулнинг таг рангини ва ойнабандларни ҳисобга олган ҳолда бадиий йўл билан жойлаштирилади. Шундай қилинганда харидор ташқариданоқ дўконда нималар мавжудлигини кўриши мумкин.

XVII. ГУЛЧИЛИКДА УРУҒЧИЛИҚНИ ТАШҚИЛ ЭТИШ

Очиқ ерда етишириувчи гулли ўсимликларнинг уруғчилиги айрим йўналишларда бир қатор сабзавот экинларининг уруғчилигига ўхшаб кетсада, лекин ўзига хос хусусиятларга ҳам эгадир. Гулчиликда ўсимликнинг биологик мос тушиши ҳар доим ҳам унга қўйиладиган хўжалик талабларига мос келавермайди.

Гулли ўсимликлар уруғчилигининг асосий мақсади—уруғлардан юқори ҳосил олиш эмас, балки кам уруғ берувчи кўркам манзарали ўсимликлардан уруғ олишdir. Шундай қилиб, гулчиликда уруғлар ҳосили бўйича нав ва унинг манзарали сифатлари ҳақида мулоҳаза юритилмайди.

Уруғ ҳосил бўлиши — муракаб физиологик жараёнидир. У чангланиш хусусиятларига, ташқи муҳит шароитлари билан ўсимликнинг муносабатига ва ҳоказоларга боғлиқдир. Ўз иқлим шароитида етиширилган ва маҳаллий шаронтларга мослашган уруғдан энг яхши ҳосил олинади. Гул ўсимликлари уруғчилигини жанубий минтақаларда олиб бориш энг осон ва қулайдир, чунки у ерда уруғни етишириш учун деярли ёпиқ ер талаб қилинмайди ва уларнинг кўпчилигининг ҳосилдорлиги сезиларли даражада юқори бўлади. Аммо жанубий репродукция уруғидан нимжон ўсимликлар ўсади, улар шимолроқ туманларда барча манзарали хусусиятларини намоён қилаолмайди. Шунинг учун уруғчиликни ҳар бир жустрофий иқлим минтақаларида олиб бориш керак.

Кўкламзорлаштириш ва кесиш учун гуларни етиширишда, уларнинг манзараси сезиларли даражада уруғ сифатига боғлиқ бўлади. Демак, уруғчилик—гулчиликнинг муҳим тармоғидир. Юқори сифатли уруғ олиш учун

урұғ берувчи ўсимликлар биологияси ва агротехникасияни яхши биліш керак.

Гулларнинг серяпроқлилиги. Манзарали ўсимликларнинг анвойи навларини күпайтириш ва яхшилашга интилиб, боғбонлар қадимдан уларнинг тузилишидаги турли оғишларга алоқыда зәтибор билан қараганлар. Агар бу оғиш ва ўзгаришлар ўсимликни чиройлироқ ва оригиналроқ күрсатса, у ҳолда уларни экиб, янги пайдо бўлган авлодлардаги хусусиятларни мустаҳкамлашга интилганлар. Серяпроқ гул тузилиши шундай ўзгаришга киради. Серяпроқлик маъно жиҳатдан — мойиблиkdir, лекин у гулни жозибалироқ қилгани учун селекционер ва уруғчилар серяпроқликни қимматбаҳо нарса деб қабул қиласидилар. Асрлар давомида боғбонлар серяпроқ шаклларни яратгандар ва уларни сақлаш учун мос шароитлар танлаганлар. Ўсимликларнинг кўпгина серяпроқ навлари боғдорчилик адабиётида маҳсус номлар: «асир шакли» ёки «флора асири шакли» номлари билан аталади. Айрим серяпроқ бўлмаган гулли ўсимликлар (левкої, чиннигул, тубероза ва ҳ.к.) манзарали боғдорчиликда ҳеч қандай қийматга эга бўлмаган, фататгина серяпроқ шаклларнинг пайдо бўлиши билангина улар кенг тарқалган. Бошқа ўсимликларда серяпроқ ва кам япроқли шакллари бир хил миқдорда ишлатилади (петуния, эшшольция, шер оғзи ва бошқалар) лекин бу ўсимликларнинг серяпроқ гулли навлари катта қизиқиши уйғотади.

Ҳозирги вақтда серяпроқ шаклга барча гул ўсимликлари эгадирлар. Серяпроқ ўсимликларда гул тузилишида ўзгаришлар юз беради, гулбарглар сонининг ўсимлик гулидаги оталикнинг тўлиқ ёки қисман ўзгариши ҳисобига ортиш қузатилади ҳамда генератив органлар тузилмасида жуда кўп ўзгаришлар юз беради. Айрим ҳолларда гулбаргларга гулнинг бошқа қисмлари ҳам айланади, масалаи, қўнғироқсимон баргчалар, нектар желеzekлари, мева баргчалари, уруғпоялари ва ҳ.к. ҳамда асосий ёки ёрдамчи ҳосил бўлувчи баргчалар бўлишини ҳам юз беради.

Серяпроқлик қисман бўлиши мумкин, бу ёввойи ҳолда ўсуви турлар учун тавсифлидиr ва тўлиқ бўлиши ҳам мумкин. Шунингдек, бу маданий-манзарали ўсимликларнинг энг яхши навлари учун ҳам хосдир. Кўпгина тадқиқотчилар қўқонгуллилар (ёлғонгуллилар) оила-сига мансуб «ёлғон серяпроқ»ли ўсимликлар гуруҳини ало-

ҳида ажратадилар. Бу ўсимликларда «гулбарглар серяпроқлилиги» одатда ўрта найсимон гулларнинг тилчаларга айланиши натижасида ҳосил бўлади (серяпроқликнинг тилчали тури — қўёнгуллар, георгина, календула ва бошқалар). Серяпроқликнинг иккинчи тури камроқ учратилади — найсимон серяпроқлик, бунда барча тилчали гуллар узунчоқ бўялган найсимон гулларга айланади (пиретрум, матрикария, маргаритка ва ҳ.к.). «Ёлғон серяпроқлик»да алоҳида гулларда баргчали қисмларнинг ҳеч қандай кўпайиши кузатилмайди, гулнинг генератив аъзолари сонининг ўзгариши ҳам юз бермайди. Ҳақиқатан серяпроқлик дастадаги баргчалар сонининг ошиши билан бир қаторда, яна бир қанча гулдаги ўзгаришларни, ҳамда генератив органлар ўзгаришини ўз ичига олади. Серяпроқликда оталикларнинг бир қисми, айрим ҳолларда эса ҳаммаси баргчаларга айланади. Худди шундай, серяпроқ Шабо, Гренадин чиннигуѓларида оталиклар баргчаларга айланади.

Чиннигулдан фарқли равишда петруниянинг серяпроқлилиги боғниң баргчаларга ўзгариши билан тушунирилади, улардаги оталик эса ҳар доим меъёрида ривожланган бўлади, айрим ҳолларда серяпроқ шаклларда оталиклар сони оддий гулли ўсимликларга қараганда кўпроқдир. Серяпроқ петруниялар умуман уруғ ҳосил қилиш хусусиятига эга эмас, шунинг учун уларда серяпроқлик хусусияти чанг ёрдамида, меъёрдаги гулли ўсимликларни серяпроқ шакли ўсимликлар оталиги билан чанглаш йўли орқали авлоддан авлодга ўтказилади.

Тўлиқ серяпроқлик барча оталик ва пастликлар гулдаги баргчаларга айланганда кузатилади. Бунга мисол қилиб, левкойларни олиш мумкин. Уларда серяпроқ гулли ўсимликлар навнинг уруғ беришида деярли қатнашмайди. Шунинг учун уруғ фақат серяпроқ бўлмаган ўсимликлардан олинади. Левкойларнинг серяпроқ бўлмаган турлари ҳар доим бўлинади ва авлодда оддий ҳамда серяпроқ шаклли ўсимликлар беради. Серяпроқ гулли ўсимликлар сони 0 дан 100 фоизгача тебраниб туради, бу қайта ишланган навга боғлиқдир.

Манзаравийлик ва рентабеллик нуқтаи назаридан гулларнинг серяпроқлилиги — ўсимликни жуда чиройли қилувчи ажойиб хусусиятдир, шунинг учун серяпроқликни кучайтириш ҳар доим уруғчилар ва селекционерлар диққат-марказида бўлиши керак.

Фазовий изоляция. Мамлакатимизнинг уруғчилик хўяликларида бир йиллик, икки йиллик ва кўп йиллик ўсимликларнинг катта миқдордаги навлари ва турлари етиштирилади. Гулчиликда ўсимликуносликнинг бошқа тармоқлари каби нав деб ўзаро генетик жиҳатдан яқин бўлган ўсимликлар гуруҳига, морфологик ва биологик хусусиятлари бўйича бир жинсли бўлган ўсимликларга айтилади.

Уруғчининг вазифаси гул ўсимликлари юқори навларининг бир жинсли энг тоза навли уруғларнинг керакли миқдорини беришдан иборатdir. Уруғчиликда навнинг механик ёки биологик ифлосланиши учратилиди. Механик ифлосланишда турли навлар уруғларни оддий аралашиши юз беради. Бу тур ифлосланишни уруғчилик қоидаларига амал қилган ҳолда осонлик билан тузатиш мумкин. Бу қоидалар навлар бўйича ажратиш, алоҳида терим, транспортировка, қуритиш, янчиш, фасовкалаш, уруғларни алоҳида сақлаш ва ҳ.к. лардир.

Биологик ифлосланиш навларнинг чорраҳали чангланиши натижасида юз беради. Шунин ҳисобга олиш керакки, гул ўсимликларини облигат (мажбурий) ва факультатив (мажбурий эмас) ўз-ўзини чангловчиларга бўлинниши қатъий эмас. Битта тур (масалан, хушбўй нўхат) мамлакатнинг шимолий туманларида ўз-ўзини чанглаши мумкин, жанубда эса ўз-ўзини чанглаш билан бир қаторда у ҳашаротлар ёрдамида ҳам чангланади. Биологик ифлослантирмаслпк учун фазовий изоляцияга ва навларни вақт бўйича изоляциясидан фойдаланиш керак.

Фазовий изоляция меъёри мамлакатнинг барча иқлими минтақалар учун бир хил бўлмаслиги керак.

Фазовий изоляция масофаларини танлашда уруғчи қўйидагиларни билиши керак: берилган иқлим минтақада қандай ўсимликлар одатда ўз-ўзини чангловчи ва қандайлари четдан чангланади, чангланиш қандай юз беради — шамол ёки ҳашаротлар ёрдамидами, чангланишда ўз чангидан кўра бегона чанг қандай миқдорда чанглантирилиши мумкин ва ҳ. к.

Четдан чангланиш имкони навнинг ўзига ҳам боғлиқ. Оддий серяпроқ бўлмаган қўёнгуллар кўп ҳолларда четдан чангланувчилардир, шунинг учун уларнинг уруғчилигида яхши фазовий изоляция зарурдир. Қичикроқ масофалар йирик гулли серяпроқ навлар ва айрим қў-

қонгууллар гурухи уруғчилигиде зарурдир. Бұ гурух құйқонгууллар наисимон бүялган гулларга әгадір (Принцесса, Помпон навлари ва ҳ. к.). Улар учун жуда сезилмас фазовий изоляция етарлидір, усиз ҳам ўсимликларни етнштириш мүмкін.

Агар бое ҳимоя чизиқлари, бинолар ва қоказолар мавжуд бўлса, фазовий изоляция масофалари камаяди.

Киев гулли ва манзарали ўсимликлар тажриба станцияси олингандан ва умумлаб берилганлар асосида фазовий ҳимоянинг қўйидаги меъёрларини тавсия этади (11-жадвал).

11-жадвал

Ўсимликларнинг фазовий ҳимояси (м. да)

Чангланиш тавсифи бўйича ўсимликлар гурухи	Уруг категориялари	Очиқ жойда ва гул мас-сивида эмас	Үрмон ва бошқа экин-зорлар билан кесиши-ган участкада ёки умуман уруг-чилик масси-виде
Облигат четдан чангланувчи ўсимликлар	Элита Репродукция	400 200	200 100
Факультатив четдан чангланувчи ўсимликлар	Элита Репродукция	300 150	100 50
Факультатив ўз-ўзини чангловчи ўсимликлар	Элита Репродукция	100 50	30 15

Фазовий ҳимоянинг келтирган меъёрлари 1000 м^2 дан ошмаган экин майдонлари учун берилган; нав учун экин майдонларининг ортириш билан ҳимоя учун масофалар ҳам мутаносиб равишда кўпаяди.

Униб чиқини қобилиятини бир неча йил сақловчи облигат четдан чангланувчи ўсимликлар уруғини вақт бўйича ҳимоя қилиши мүмкін. Бу ҳолда навларнинг бутун коллекцияси 2–3 та партияга бўлинганди ва ҳар йили навниң ҳаммаси эмас, балки бир қисми экилади, бу эса ўз вақтида навни тоза сақлашга имкон беради. Вегетация қисқа даври экинлар навларини (кўкнори, живокость ва бошқалар) бир вегетация даврида турли вақтларда экиш мүмкін.

Навни тозалаш ва энг яхши уруғларни танлаш

Навли уруғчилуккин олиб бориши—экинларни ҳар доим текшириши ва баҳо беринши талаб қиласы. Вегетация бошданишидан ва уруғчилук ривожланишининг бутун даври мобайнида экинларни кузатиш ва даладан барча нимжон, ўсишдан орқада қолган ва касал ўсимликларни, гуллаш вақтида эса ҳар куни барча аралашмаларни олиб ташлаш, тиник бўлмаган ўсимликлар сонини дала дафтарида белгилаш керак. Гуллаш сўнгида ҳар бир нав бўйича аралашма сони ҳисобланади ва далолатнома тузилади.

Қўқонгул, бархатең, гайлардия, цинния, календула, мальва ва бошқа ўсимликларнинг серяпроқ шакллари навини тозалашда япроги кам бўлган ўсимликлар олиб ташланиши керак. Улар серяпроқлиларга кўра кўпроқ уруғ беради, навни тез ифлослантиради ва унинг сифатини пасайтиради. Шабо, Гренадин, Геддевига ва Перистая чиннингуллари сингари ўсимликларни яхши чанглаш учун 15—20 фоиз япроги кам бўлган ўсимликлар қолдирилади, лекин уларнинг уруғи йигиб олинмайди.

Левкой уруғларини танлашда серяпроқ ўсимликлар стериллиги ва уруғ бермаслигини ҳисобга олиши керак. Шунинг учун уларда уруғлик олиши мақсадида япроги кам бўлган ўсимликлар таъланади. Левкой ўсимликлари тўртта турга бўлинини мумкин: серяпроқлилар — улар уруғ бера олмайди; оддий турлар — уларнинг уруғидан фақат япроги кам бўлган авлод олинади; оддийлари — булат 70—80 фоиз оддий ва 20—30 фоиз серяпроқ ўсимликлар беради ва оғмалар — булат 60—70 фоиз серяпроқ ўсимликлар ва 30—40 фоиз оддий ўсимликлар беради. Уруғчилар кўпроқ оғмалар гуруҳи билан қизиқадилар.

Левкой ўсимлиги қадимнйлигига қарамай, унда серяпроқликни ҳосил қилувчи хусусиятлар аниқланмаган. Уруғчиларга левкойларда серяпроқ ўсимликларнинг юқори фоизини таъминловчи бир қатор усууллар тажрибадан маълум.

Алоҳида гулчилар левкой уруғларини ўзаро морфологик хусусиятлари бўйича фарқланадиган уч гуруҳга ажратадилар: «серяпроқ», «кам япроқли» ва «аралаш». Нимжон шохланишли учлари қисқа, юмалоқ тугаган, аниқ ажралган рожкаларга эга бўлмаган ва қочвачоқлари пояга ёпишган ўсимлик уруғидан, қоида бў-

йича. 70 фоиздан кўп серяпроқ шаклли ўсимликларни олиш мумкин.

— Кучли ривожланган, кўп шохланган, узунчоқ, ингичка қовачоқларининг учлари кучли ривожланган рожкали уруғлик авлоди серяпроқ ўсимликлар ҳосил қилмайди ёки серяпроқлари жуда кам бўлади. Бундай уруғликни ажратиб ташлаш зарур. Аммо кўп ҳолларда наваниқ ажралган уруғликка эга бўлмайди ва шундай пайтда серяпроқ ўсимликларининг юқори фоизини ушлаб туриш учун индивидуал—оилавий танлов ўтказилиди. Бунда юқори серяпроқ оилалар ажратилиб, ярим серяпроқ ва серяпроқ бўлмаган оилалар олиб ташланади.

Асrimизнинг 30-йилларида немис олимни Каппер левкойнинг шундай шаклини топдики, у ҳарорат режимига амал қилинганда, уруғи оч-яшил рангда бўлган серяпроқ ўсимликлар ва уруғи тўқ-яшил рангда бўлган япроқлари кам бўлган ўсимликларни беради.

Хозирги вақтда уруғчилик ишлари натижасида серяпроқликнинг сигналли эфекти мавжуд бўлган кўп навлар олинган. Бу қавларнинг уруғи — униб чиққунча 18—20° сақланади, сўнгра эса 12—14° иссиқхоналарга ўтқазилади. Бундай шароитда оч рангли уруғ доналигига кўра серяпроқ ўсимликлар уруғини ажратиш ва шу йўл билан серяпроқликда 100 фоизга эришин мумкин.

Гул ўсимликлари уруғчилиги билан шуғулланувчи хўжаликларни ва ҳатто ишлаб чиқариш майдонларини элита уруғини экиш билан тўлдириш қерак. Элита уруғи суперэлита уруғидан етиштирилган ўсимликлардан олинади. Элита уруғи юқори нав ва экиш сифатларига эга бўлиши зарур. Суперэлита уруғи узлуксиз индивидуал—оилавий ёки оммавий танлаш усули билан олинади, бу иш навнинг хўжаликда қадрли ҳусусиятларини яхшилаш учун амалга оширилади.

Индивидуал—оилавий танлаш қуйидагича амалга оширилади: биринчи йили бошланғич популяция экилади, бундан соғлом, ҳосилдор ва бир жинсли ўсимликларнинг бир қанча миқдори танлаб олинади. Уруғлар ҳар бир ўсимликтан алоҳида терилади. Кейинги йили ҳар бир ўсимликтан олинган уруғ алоҳида экилади. Олинган бир ўсимлик авлоди ўрганилади ва баҳоланади.

Авлодга хос бўлмаган оилалар ажратиб ташланади, унга хослари орасида эса, суперэлита уруғ берувчи энг

яхши гул туплар ташлаб олинади. Элита уруғиниң экишда, албатта, навли тозалаш амалга оширилади, бунда дала апробациясида олиб ташланадиган аралашма 10 фоиздан ошмаслиги керак.

Дала апробацияси — етиштириладиган уруғнинг тоза навлигини текшириш давлат назоратининг асосий шаклидир. Бу ишни апробация бўйича курсларни тамомланган агрономлар олиб борадилар. Апробацияга оммавий гуллаш вақтида кирнишилади. Апробатор участкани диагонал бўйича айланиб чиқади ва ҳар бир 50 та ўсимлик бўйича 10 тадан кам бўлмаган намуналар олади. Умумий экинлардан элита ўсимлигининг тўғри ажратиб туришига алоҳида аҳамият беради. Намуналар таҳлили натижалари барча касал ва шикастланган ўсимликлар ҳолати ёзиладиган «Апробация» блокнотига қайд этилади.

Суперэлита учун олинган намуналар элитага солиштириб баҳоланади. Ажратилган ўсимликларни баланд қозиқчалар ёки пергамент ёрлиқлар билан белгиланади.

Элита ўсимликлари бўйича кузатиш бутун вегетацион давр давомида олиб борилади ва улар гуллагунча ажратилади, оммавий гуллаш даврида эса якуний ташланади. Элита ўсимликларини ажратишда, гул ёки гулбаргнинг ўлчами, шакли ва рангига, тупнинг габитусига, гуллаш вақти ва давомийлигига алоҳида эътибор берилади, барча нимжон, касал, кеч ривожланган ва берилган нав учун хос бўлмаган бошқа ўсимликлар бутун ёз давомида узлуксиз равишда бир неча марта олиб ташланади. Агар элита экинларида қизиқарли ўзгаришли ўсимликлар (туп ёки гулнинг шакли, ўлчами, тезпишар, қишга чидамли ва ҳ.к.) мажуд бўлса, улар қозиқча ёки ёрлиқ билан белгиланади. Кейинчалик белгиланган ўсимликлар уруғчилик иши учун бошланғич материал бўлиб хизмат қиласди. **Уруғлар пишишини тезлатувчи агротехник усуллар**. Уруғлик сифат хусусиятлари бўйича бир хил бўлмайди. Турли тартибдаги шохлардан, турли гулбарглар ва ҳатто битта мевадан олинган уруғлардан униб чиқсан ўсимликлар ўзаро фарқ қиласди.

Қўқонгулларнинг биологик хусусиятлари ва манзарийлик сифатларини ўрганиш шуни кўрсатадики, битта ўсимлика ҳосил бўлган уруғ сифати уларнинг она ўсимлика жойлашиши ва уруғнинг пишиш вақтига боғ-

лиқ бўлади. Уруғ қанчалик эрта пишса, улардан униб чиққан ўсимликлар ҳам тез ривожланади. Кўқонгулларнинг «қора оёқ» билан касалланиш даражаси ҳам уруғ материалининг шаклланиш жойига боғлиқ. Энг чидамли ўсимликлар биринчи тартиб гулбарглардан йиғилган уруғдан униб чиқади. Шохланишнинг учинчи-тўртинчи тартибдаги пояларида шаклланган уруғ майдароқ, енгил бўлади ва уларда униб чиқиш даражаси жуда пастдир. Ўрта минтақада уруғ жуда кам ҳолларда тўлиқ пишувчи бир йилик қўқонгулларда гулбаргларни бош ва биринчи тартибдаги 3–4 поялар қолдирилади. Бундан ташқари қолган поялар кесилади ёки синдириб ташланади.

Кўп гул ҳосил қилувчи ёки ремонтант гуллаш билан тавсифланадиган ўсимликларда гулларнинг бир қисми-ни фунчалаш ёки гуллаш фазасида олиб ташлаш тавсия этилади, бу қолган уруғларнинг биргаликда пишишини таъминлайди. Левкой уруғларида август бошларида гулбарглар учинчи чилпилади. Бунда бош поянинг 1/5 қисми, биринчи ва иккинчи тартиб поялари кесилади. Юқори тартиб поялари эса бачкиланади. Агар ҳаво иссиқ ва нам бўлса, у ҳолда чилпиш ва бачкилашни сентябр бошларида такрорлашга тўғри келади. Иккинчи марта гуллашга йўл қўймаслик учун дефолнантлардан фойдаланиш мумкин.

Кларкия, антирринум, резеда, кўп йиллик люпин, дельфиниум ва бошқа ўсимликларнинг найсимон гулбаргларининг учинчи чилпиш қилиш ҳам тавсия этилади. Кучли шохланган ўсимликларда (тагетес, цинния, Шабо чиннигули ва бошқалар) биринчи гулларнинг гуллаш вақтида ёнлама поялари бачкиланади, гул ва гулбарглар месъёрланади.

Жанубий уруғчилик хўжаликларида кўчатларни 3-4 барг устидан чилпиш яхши натижা беради (антиринум, хушбўй нўхат, Шабо ва хитой чиннигуллари ва бошқаларда). Пришипка гуллаш ва уруғ пишишини бир неча кунга кечиктирса ҳам, лекин ўсимликнинг эрта шохланишига ва гулли пояларнинг катта миқдорда ҳосил бўлишига ёрдам беради, бу эса ўз вақтида уруғ ҳосилини оширади.

Ёпик ер мавсумида гуловчи ўсимликлар уруғчилигига (цикламен, глоксиния, цинерария, левкой, примула ва бошқалар) оммавий гуллаш фазасида уруқча энг яхши типик ўсимликлар ажратилади ва уларни маҳ-

сүс ёруғ, салқын иссиқхоналарда сақланади. Деярли барча мавсумда гулловчи ўсимликлар, қишки левкойдан ташқари, сунъий йўл билан чамгланади. Қишки левкой ўз-ўзидан чангловчидир. Сунъий чангланаш учун қуёшли кунда битта гулнинг чанг мўйқалам ёки маҳсус чанглатгич ёрдамида бошқа гул оналигига ўтказилади. 2—3 кундан кейин чангланаш қайтарилади. Чангланган уруғликларни тўғри тушаётган қуёш нурларида сақланаш керак. Май ойининг охири — июн ойи бошларида уруғ (левкой, цикламен, цинерария) ишина бошлаши билан суғорни секин-аста тўхтатилади. Уруғни таплаб уруғ пробкалари қизара бошлаши билан йиғилади, бунда уларни шикастланишига йўл қўймаслик керак.

Уруғлар йиғиш. Уруғлар пишини секин-аста амалга ошади. Бу об-ҳавога ва уларнига она ўсимликдаги жойлашувига боғлиқ бўлади. Гул уруғчилигининг шимолий ва марказий туманларида уруғ йиғиш даври кўп ҳолларда иоқулай об-ҳаво шароитига тўғри келади. Бундай об-ҳаво шароитида уруғларни шаклланиш жараёни секинлашади ва унинг сифати ёмонлашади. Шунинг учун кўпгина ўсимликлар (қўқонгул, цинния, левкой, чиннигул, тагетес ва бошқалар) уруғини йиғишида уларни қиздириш керак. Бунда уруғнинг шира олиши жараёни ва пишиши тугалланади, улар биологик тўла қўйматли бўлади.

Уруғнинг биргаликда пишиши бўйинча гул ўсимликлари икки гуруҳга бўлиниади. Биринчи гуруҳга левкой, алиссум, резеда, годеция, кларкия ва бошқалар киради. Бу гул ўсимликларининг мевалари ёрилмайди ва уруғи тўкилмайди. Уларнига уруғи тўлиқ пишгунича тупида қолдирилади, сўнгра кесилади ёки илдизи билан суғорилади, ўрам қилиб бойланади ёки пишиши учун омборхонага жойланади.

Иккинчи, кўп сонли гуруҳга қўқонгуллар, гелихризум, ёзги хризантема, виола, хушбўй нўхат, флокслар ва кўпгина бошқа ўсимликлар киради. Уларнига уруғи турли вақтда пишади, мевалари тез ёрилиб, уруғи тўкилади. Улар ўз навбатида пишганлигига қараб бир неча бор йиғиб олинади.

Ноготкаларнига уруғ саватлари осон тўкилади, шунинг учун уларни тўлиқ пишмасидан териш тавсия этилади, яъни уруғ қизара бошлаши билан йиғилади. Уларнига кўп қисми кесилган саватчалар ҳолида пишади ва яхши униб чиқиш қобилиятига эга бўлади. Аюта-

нинг кўзлари ва бинафшанинг уруғи пишган кўсаклардан енгил тўкилади. Бу ўсимликларнинг узоқ гуллашини ҳисобга олган ҳолда, уларнинг уруғи пишган заҳоти қўлда йиғилади. Бунда кўсакларнинг ёрилишига йўл қўймаслик зарур. Шунинг учун мунтазам равишда бир неча кун жўяклар бўйлаб юриб, оқарган кўсаклар йиғиб чиқилади. Настурцияда оқарган мевалар бир неча марта йиғилади. Бу меваларга салгина қўл теккизилса ҳам уруғи тез тўкилади. Шу боисдан эҳтиёт бўлиш ва ер устига тўкилиб қолган мевалар ҳам йиғиб олинниши лозим. Хушбўй нўхат йиғим учун тайёр ҳисобланади, бунда унинг нўхатлари оч-жигарранг бўлиши керак. Нўхат пишишига қараб бир неча бор қўлда йиғилади. Гренадин чиннигули уруғи юқори кўсаклар қизарса ёки ёрила бошлаганда йиғилади.

Уруғ қуриши ва пишиши учун омборхонага қоғоз устига тўкилади. Петуния, бархатең, космея, сальвия, цинниялар уругини йиғиша, бутун ўсимлик ёки алоҳида шохларни ташлаб кесилади, улар омборхоналарда сақланади. Яхши пишган ва қуруқ уругни йиғиш муҳим восита ҳисобланади. Ноқулай об-ҳаво шароитида тўлиқ пишмаган уруғни йиғишига тўғри келади. Бундай ҳолда бутун ўсимлик йиғилади, қуриғиш ва уруғликни сақлашга алоҳида эътибор берилади.

Уруғни йиғиши приб олгандан сўнг сақлаш. Уруғни йиғиб бўлгандан кейинги пишириш ва қуритиш уларнинг ривожланишини якуилайди. Бу қуруқ моддалар тарқибининг ошиши билан тушунтирилади. Йиғилган хом-ашё (гульбарглар, мевалар) қоғоз ёки фанернинг юпқа қатламига жойлаштирилади. Хушбўй нўхат, люпин, виола, флокс мевалари қуритиш вақтида ёрилиб, уруғи ҳар томонга сочилиб кетади. Шунинг учун, нав ва ўсимликларнинг механик аралашмаслиги учун йиғилган хом-ашёни дока ёки юпқа қоғоз билан ёпиб қўйилади. Қуритиш хонасида ёки томда очиладиган деразалар ва сунъий шамоллатгичлар бўлиши керак. Қуритилган уруғликлар ёки мевалар машиналарда, камроқлари эса қўлда майдаланади.

Гулчиликда ҳозиргача уруғни майдалашда катоклар ишлатилади. Кўпгина гул ўсимликларида майдалана-диган уруғ сони шунчалик кам бўлгани сабабли машина ишлатиш самара бермайди. Бу ҳолда хўжалик уруғни қайта ишлаш учун сетка ва маҳсус сеткалар йиғмасига эга бўлиши керак. Қатта миқдордаги уруғларни қайта

ишилаш учун донли ва ем-хашак ўсимлигининг уруғини тозалаш учун ишлатиладиган уруғчилик молотилкала-рини қўллаш мумкин.

Тоза, қуруқ уруғ тараларга солинади (яшиклар, қоплар ёки қоғоз пакетлар). Ҳар бир яшик ёки пакет ўсимлик номи, нави ҳосил йигилган йил ва инвентар номери ёзилган ёрлиқларга эга бўлиши керак.

Қуруқ уруғ — бу жонли организм бўлиб, уларда жуда сёкин бўлса ҳам ҳаётни жараёнлар кечади ва тоза ҳавога эҳтиёж туғилади. Республика сабзавот экинлари селекцияси ва уруғчилиги илмий-текшириш институти ахбороти бўйича уруғни сақлаш учун ҳаво ҳарорати 12—16° ва иисбий намлик 55 фониздан ошмаслиги зарур.

Гул ўсимликларининг уруғи ўртача 2—3 йил униб чиқиши қобилиятини сақлади, айрим ўсимликлар (лев-кой, чиннигул, сальпиглосис ва бошқалар) эса 5—7 йилдан сўнг ҳам униб чиқиши мумкин. Уруғнинг ҳаёт фаолияти кўпинча сақлаш шароитларига: намлик, ҳарорат ҳамда уларни қуритиш ва қайта ишилаш шароитларига боғлиқ бўлади. Қуруқ омборхоналарда бир текис совуқ ҳароратда уруғ ҳаёт фаолиятининг давомийлигини узайтириш учун қулай шаронит яратилади. Уруғнинг камроқ қисми халтачалар ва қутиларда, катта қисми эса бўз қопларда сақланади. Ҳар бир қоп ички ва ташқи ёрлиқларга эга бўлиши керак. Унга ўсимлик номи, нави, ҳосили йигилган йил ва бошқа асосий сифат кўрсат-кичлари ёзилади.

Элита ва репродукцияга мўлжалланган уруғ алоҳида сақланади. Уруғни тарқатишда ҳар бир элита қисми учун сертификат берилади. Бундай ҳужжатсиз уруғ элита ва ҳатто нав уруғи сифатида тан олинмайди.

Манзарали гүлли ўсимликларнинг морфо-биологик ва

Манзарали ўсимликлар номлари	1 г. даги уруглар сони	1 г. ургудан чиқадиган ўсимлик сони	Уругуни сепинш вақти, ойи		Очиқ ерга экниш муддати	Ўсимлик орасидағи масофа (см. хисобида)
			хисмоя килингани ер	очиқ ер		
1	2	3	4	5	6	7
Бир йиллик						
Антирипум	8000	3000	II	III—IV	IV	20—50
Астры	500	170	II	IV	IV	20—40
Бальзамин	120	60	I	IV,X	IV	25—40
Бархатцы	300	100	II	III,IV	IV	20—50
Бегенция всегда						
цветущая	200000	12500	II	III,IV	IV	10—15
Василёк	350	120	II—III	III,IV	IV	15—25
Вербена	350	100	II—III	III,IV	IV	20—40
Гайлардия	500	200	II	III	V	20—40
Гвоздика китайская	1000	450	II	III	IV	10—25
Гвоздика Шабо	500	250	I—II	III	IV	30—40
Георгиана немахровая	160	90	III	IV	V	20—30
Дильфи- ниум летний						
Иберис	450	250		III	IV	20—30
	500	300	I—IV		IV—IV	15—20
Календула	120	50	II	III	IV	20—30
Кореопсис	4000	1500	II—III	III,IV	IV—V	15—30
Мак	4000	1700	—	IV	V	20—30
Петуния	7000—12500	20000	III	—	V	10—20

ХҮЖАЛИК БЕЛГИЛАРИ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ

Ўсимликни муносабати			Ўсимлик-нинг бўйи (см. ҳисобида)	Гуллаш вақти	Гул ва бирг ранги
тупроқ	намлик	ёргулик			
8	9	10	11	12	13

ГУЛЛИ ЎСИМЛИКЛАР

II	II—III	I—II	15—90	V—X	кўк раигдан ташқари.
I—II	II	I	15—80	VII—XI	сариқ, қизгиш раигдан ташқари
I	II,—III	I	40—60	VII—IX	оқ, қизил, пушти, бинафша,
I—II	II—III	I	15—120	V—XI	сариқ, қизгиш, жигар ранг.
I—II	II	I	15—35	V—XI	оқ, қизил,
II—III	II	I	40—60	V—VII	пушти.
I—II	II,—III	I	20—50	VII—IX	оқ, пушти, сариқ, бинафша,
I—II	I—II	I	40—80	V—X	оқ, қизил, тўқ кўк,
I—II	II	I	20—30	V—VI	бинафша.
II	II—III	I	40—60	V—VI	сариқ, сариқ—қизгиш, қизил.
II	II	I	40—80	VII—X	оқ, пушти, сариқ, қизил.
I—III	I—II	I	40—60	V—VI	тўқ кўк.
I—III	I—III	I—II	15—40	VI—VII	оқ, қизил, пушти, имсиёҳ ранг
I—III	II	I—II	40—75	V—X	сариқ, сариқ—қизгиш.
I—II	I—II	I—II	45—100	V—X	сариқ, қизил.
I—III	II—III	I	60—400	IV—V	жигарранг
II	II,—III	I	20—60	VII—X	оқ, пушти, қизил, бинафша.
					оқ, пушти, қизил, бинафша

1	2	3	4	5	6	7
Портулак	10000	3500	II	III	IV	10—15
Резеда	1000	300	II	IV—V	VI	15—20
Сальвин	850	400	II	III	IV—VI	20—25
Сальвиг- лоссис	6000	2500	—	III	IV	15— 25
Хризанте- ма летняя	2000	800	II	III	V	15— 25
Флокс лет- ний	750	200	II	III	IV	20—30
Целозия	1100	400	II	III	IV	20—30
Цинния	130	50	II	III—IV	VI	20—40
Гиламсимон (2-катаңда қаламчалар сони,						
Ирезине	8—10	—	II	—	IV	8—12
Колеус	—	—	II—III	—	IV	25—35
Седум	10—20		III	III	IV—V,IX	6—15
Душистый горохник	12	8	II	III	IV	15—20
Иномея	35	15	III	IV	IV	15—20
Тыква фи- гунная	14	10	II	III—IV	IV	20—35
Фасоль де- коратив- ная	1	0,8	II	III	IV	15—20
Хмель японский	—	—	II	III	IV	30—40
Құритиладиган						
Гелихри- зум	800	350	II	III	IV	20—30
Икки йиллик						
Виола	850	300	II	III	IV,III	15—20

8	9	10	11	12	13
I-II	I-II	I	10—20	V—X	оқ, сариқ, са-риқ—қизғиши, пушти, қизил.
II	II—III	I-II	204—40	VI—VIII	оқ, сариқ, қиз-ғиши.
II	I-II	I-II	40—80	V—X	очик, қизил, пушти.
I-II	II	I	60—80	VI—VIII	сариқ, қизил, жыгарранг мовий, бинафша. рангли.
II	II	I-II	25—60	VII—X	нимсариқ, раңғыл.
I-II	I-II	I	15—45	VI—X	оқ, қизил.
II	II—III	I	25—90	VII—X	қизил, сариқ.
I-II	II—III	I	30—100	VI—X	оқ, пушти, са-риқ—қизғиши, сариқ, қизил.

Үсимликлар

4-катаңда қаламчалаш вақти)

II	II	I	30—40	—	түк қизил
II—III	I—III	I	30—70	—	яшил, сариқ, түк қизил, оч бинафша
I-II	II	I	3—16	VI—VIII	кумуш, күнгир.

Үсимликлар

I-III	II-III	I-II	150—300	V—IX	оқ, пушти, қи-зил, күк, мовий, бинафша.
II-III	II	I	200—400	VI—IX	оқ, пушти, қи-зил, күк, би-нафша.

I-III	II	I	150—250	V—VI
-------	----	---	---------	------

сариқ

I-II	II	I	400—500	VI—X
------	----	---	---------	------

оқ, пушти, қи-зил, ола-була.

I-III	II-III	I-II	300—500	VI
-------	--------	------	---------	----

бүгінгі ранг.

Гүллар

I-II	II	I	80—100	VII—IX
------	----	---	--------	--------

оқ, пушти, са-риқ, қизил, түк бинафша, са-риқ—қизғиши.

Үсимликлар

II	II—III	I-II	20—30	V—IX
----	--------	------	-------	------

хар хил, ола-була, бир тус-ли.

1	2	3	4	5	6	7
Гвоздика Гремадия	700	300	II	III	IV	20—25
Гвоздика турецкая	1200	500	II	III	IV	25—30
Колоколь- чик сред- ний Мальва	5000 80	1500 50	V II	IV III	IV IV	30—40 40—60
Маргарит- ка Наперст- янка	3000 7500	1000 2700	II	III	IV	15—20 25—30
Незабудка	1800	700	II	III—IX	IV,IX	10—15
Ночная фиалка	700	250	II	III—IX	IV	25—35
Күп йиллик						
Аквилигия	570	—	—	IX—IV	V	20—30
Аконит Анемон	— —	— —	— —	IV IX—IV	V IV	20—30 15—25
Арабис Астра мно- голетняя Ахиллея Бадан	— — 1000 —	— — — —	— II — —	IX—IV III IV IV—IX	IV—V V IX—V VIII—IX	20—25 30—40 20—25 20—25
Вероника Гайлардия	200	—	— II	V—IX III	VIII,—IX IV	15—40 20—70
Гвоздика перистая Дельфи- ниум Ирис са- довый Ландыш Лилейник	— 1400 — — — 80	— — — — — —	II II — III IX III	III III,—IX III IX VIII,—IX	IV IX IX VIII,—IX	15—50 30—40 25—30 12—16 30—50

8	9	10	11	12	13
II	II	I	25—70	IV—VII	оқ, сариқ, пушти, қизил, бинафша.
II—III	II—III	I	35—45	VI—IX	оқ, пушти, қизил, бир тусли, ола-була.
II	II	I—II	50—90	V—VII	оқ, пушти, мовий.
II—III	I—III	I—II	180—250	VII—VIII	оқ, пушти, сариқ, қизил, бинафша, сариқ қизғиши.
II—III	II—III	I—II	12—20	IV—V	оқ, пушти, қизил.
I—III	I—II	I—II	60—150	VII—VIII	оқ, пушти, қизил, сариқ, оч бинафша.
I—III	II—III	II—III	15—40	IV—V	оқ, бинафша.
III	I—II	I—II	60—80	VI—XI	оқ, мовий, пушти.
Үсімліктер					
I—II	II—III	I—II	40—100	V—VI	оқ, пушти, қизил, сариқ, күк мовий.
II	II—III	I—II	35—100	V—VI	күк, сариқ.
II	II	I—II	40—70	III—IV	оқ, пушти, қизил, бинафша, мовий.
I—II	I—II	I	15—20	V—VI	оқ
II	II—III	I—II	30—160	VI—XI	оқ пушти, күк, бинафша
I—III	II—III	I—III	40—75	VI—X	оқ
I—III	II—III	I—II	12—20	IV—V	қизил, пушти
II	II—III	I	15—100	V—VII	мовий, оқ, күк.
I—II	II	I	35—70	V—IX	сариқ, сариқ-қизғиши, жигарранг.
I—II	I—II	I	20—25	IV—VI	оқ, пушти қизил, ола-була.
II	I—II	I—II	80—250	IV—V	оқ, мовий, күк, бинафша
I—II	II—III	I—II	30—90	IV—V	оқ, сариқ, мовий, қизил
II	II—III	II—III	15—30	IV—V	оқ, пушти.
II	II	II—III	60—100	V—VI	сариқ, оқ, пушти, қизил, ола-була, сариқ, қизғиши.

1	2	3	4	5	6	7
Мак вос- точный Неоп	4000	—	—	IX—III VIII—IX	V,—IX IX	40—50 80—100
Ромашка белая Рудбекия «Золотой шар»	—	—	—	VIII,—IX —V	VIII—IX —V	30—40
Спрахза Фиалка ро- гатая	—	—	II	IV,—V III	IV,—V III	40—50 40—60
Флокс ме- тальчатый	—	—	II	III—IV	IV	30—50
Пиёз гулли						
Гиацинт	—	—	—	—	IX	15—25
Лилия ко- ролевская Лилия тиг- ровая Мускари	—	—	—	X	VIII—IX	25—35
Нарцисс Тюльпан	—	—	—	VIII	IX	20—30
Шафран	—	—	—	—	IX	5—10
Күп йиллик қишиламайдыган						
Георгина	—	—	II	III	IV	40—90
Гербара	—	—	II	III	III	25—30
Гладиолус	—	—	II	III,—IX	II,—III, VIII,—IX	20—30
Канибы	—	—	XII	XI,—I	IV,—V	50—75
Чиройли гуллайдыган ва						
Айва япон- ская Дейция Калина	—	—	II	III	IV	30—50
	—	—	—	IX—X	III—IV	40—50
	—	—	—	IX—X	III—IV	60—120

8	9	10	11	12	13
II II	II II	I—II	60—100 60—120	V—VI V—VI	қизил, пушти оқ, қизил, пушти.
I—III	I—III	I—II	50—90	IV—VIII	оқ.
I—III I—II	I—III I—III	I—II I—II	150—250 100—180	VI—IX IV—IV	сарық, — оқ, сарық, мовий, күк, бинафша.
II	II	I	20—25	VII—IX	оқ, пушти, қизил, бинафша.
II—III	II	I—II	25—150	IV	
ўсимликлар					
I—II	II	I	20—50	IV	оқ, пушти, қизил, сарық, бинафша.
I—II	II	I	60—150	VI—VII	оқ
I—III I—III	I—II II—III	I I—II	60—120 10—25	VII—VII IV	қизғаш, сарық оқ, күк, бинафша.
I—II I—II	I—II I—II	I—II I—II	20—60 10—70	IV V—VI	оқ, сарық түқ күқдан ташқари ҳар хил
II	II	I	12—15	III	оқ, сарық, күк, бинафша.
гулли ўсимликлар					
I—II	II—III	I—II	30—260	VII—IX	күқдан ташқари ҳар хил.
II	II	I	50—60	VI—IX	оқ, пушти, сарық, қизил, сарық-қизғаш.
I—III	II—III	I	40—160	VII—IX	күқдан ташқари ҳар хил
I—III	II—III	I	60—150	V—IX	сарық, пушти, қизил, қизғаш-сарық.
манзаралы бута ўсимликлари					
I—III I—III	I—III II—III	I II	25—150 60—190 250—500	III—IV VI—X VI—VIII	қизил оқ оқ, мева-қизил, қора

1	2	3	4	5	6	7
Кизильник	—	—	—	IX-X	III-IV	30-40
Магония	—	—	—	III	III	30-50
Розы вьющиеся	—	—	—	XI	III-IV II,-III,- -IV	100-300 70-100
Розы парковые	—	—	—	XI	V,-VI,- -IX	30-40
Розы первенчанские	—	—	—	XI	II,-III,- -IV	10-30
Розы полиантовые	—	—	—	XI	II,-III,- -IV	60-70
Розы ремонтантные	—	—	—	XI	II,-III,- -IV	30-40
Розы флорибунда	—	—	—	X-XI	II,-III, -IV	30-40
Розы чайно-гибридные	—	—	—	—	II-III II,-III, -IV	80-200 30-40
Сирены	—	—	—	XI-XII	II-III	40-120
Спирея	—	—	—	X-XI	II-III	40-150
Чубушник	—	—	—	X-XI	II-III	40-120
Фарзия	—	—	—	—	I-II	40-120

Эслатма: 8-9-10 катакларда: I-ёргесеварлар, қурғоқчиликка
 II-соясеварлар, ўрта намликсе
 III-соясеварлар, намсеварлар,

8	9	10	11	12	13
I—III	I—III	I—II	120—160	V—VIII	пушти, оқ, мева-қизил, қора
I—II	I—II	I—II	40—60	VI—VII	сарық, мева-күп қопламали, күк
I—II	I—II	I	200—500	V+VI	пушти, қизил, оқ, пушти, қизил,
II	I—II	I	150—300	V—X	пушти, сарық, қизил,
I—II	I—II	I	60—90	VI—VII	қизғыш-сарық.
I—II	I—II	I	60—70	V—XI	оқ, пушти, қизил, қизғыш-сарық.
I—II	I—II	I	100—150	V—XI	оқ, пушти, қизил.
I—II	I—II	I	60—76	V—XI	қизғыш-сарық.
II	I—II	I	200—600	III—IV	оқ, бинафша,
I—II	I—II	I	40—80	V—XI	пушти.
II—III	I—III	I	60—300	IV	оқ, сарық, пушти,
II—III	I—III	I—II	60—400	IV—V	өқ, сарықсім.
II	I—II	I	60—200	II—III	сарық.

чидамлилар, енгил тупроқлар;
варлар, ўртача механик таркибли тупроқлар;
механик таркиби оғир тупроқлар.

Уйға ойнавон иссик бино

Манзарали ўсимлик- ларнинг номлари	Оиласи	Тарқалган жойлари	Күпайтириш усуллари		Оптимал вақти	
			уруги- дан	вегета- тив	уроф сепиш	калаам- чалаш
1	2	3	4	5	6	7

Гулл учуң ўстири

Атиргул	Раъногул- дошлар	Ҳиндистон, Хитой, Эрон	+ қаламча, X—XI	VI—X
Амарил- лис	Чучмұма	Жанубий Аф- рика	+ пиёздан II	IX—X
Глади- олус (шпаж- ник)	Косатиклар	Африка, Осиё, + Жанубий Ев- ропа	пиёздан III	—
Гербера	Мураккаб- гүлдошлар	Жанубий Аф- рика, Ж. Аме- рика, Ҳинди- Хитой, Япония	+ бўлиш, III—III	III—IV
Кала	Кучала- дошлар	—	бўлиш, —	IX—X
Пуанс- тия	Сутлама- дошлар	Ж. Америка — маркази, Ҳин- дистон	қаламча —	III—V
Фрезия	Савсаргул- дошлар	Ж. Африка + орқали	пиёз бо- лалари- да ва бў- лиш	III—V VIII—IX
Хризан- тема	Мураккаб- гүлдошлар	Хитой, Япония, + Корея	қаламча II	II—IV
Чинни- гүл	Чиннигул- дошлар	Хитой, Туркия —	қаламча —	IV—V

Уй шаронтида ўстири

Абути- лён	Гулхайри- дошлар	Үрта ва Жа- нубий Амери- ка	+ қаламча III-II	III—V
Аспара- гус	Пиёзгул- дошлар	Осиё, Африка +	қаламча II—IV	—
Аспидис- тра	Пиёзгул- дошлар	Япония, Хитой —	қаламча —	III—V
Алоэ дре- бовидное вые	Асфодело-	Ж. Африка +	күчатни II—III	V—VII

шароитида ўстириладиган ўсимликлар

Ўсимликлар муносабати			Ўсимлик-ининг бўйи (м. ҳисобида).	Гулдаш даври	Гул ва барг ранги		Ўсимлик тури
тупрок	намлиқ	ёргулик			гулли	барги	
8	9	10	11	12	13	14	15

ладиган ўсимликлар

II	II	I	0,6—1,0	I—XII	ҳар хил	тўқ	яшил	бута
I	II	II	0,5—0,7	XII—V	қизил,	яшил		ўтсимон ўсимлик
					пунти,			
					ок, сар-			
					риқ пуш-			
					ти			
I	II	I	0,5—1,5	IV—X	ҳар хил	яшил		ўтсимон ўсимлик
I	II	II	0,2—0,7	I—XII	ҳар хил	тўқ	яшил	ўтсимон ўсимлик
I	II	II	0,6—1,2	XII—V	ок	тўқ	яшил	ўтсимон ўсимлик
I	II	I	1,2—3,0	I—V		яшил		бута
					пушти,			
					ок			
I	I	I	0,4—0,6	I—III	сариқ, қи-	яшил		ўтсимон ўсимлик
					зил, би-			
					нафша			
I	I	I	0,6—1,2	X—XII	ҳар хил	тўқ	яшил	ўтсимон ўсимлик
II	II	I	0,5—1,0	I—XII	ок, қизил	зангори		ўтсимон ўсимлик
	III				пушти,	кўкиш		
					сариқ,			
					бинафша			

ладиган ўсимликлар

I	II	I	0,5—2,0	II—III	оч сариқ	яшил		бута
I	II	I	0,4—0,8	VI—VII	ок	оч	яшил	чирмашиб ўсадиган
	III							
I	III	II	0,4—0,5	II—IV	сариқ	яшил		ўтсимон ўсимлик
I	II	I	0,5—1,0		қизил	яшил		бута

1	2	3	4 /	5	6	7
Бегония Королевск.	Бегония- дошлар	Африка, Америка	Осіё, +	қаламча	III-IV	III-V
Бегония вечнозве- тущая	Бегония- дошлар	Африка, Америка	Осіё, +	қаламча	III-IV	III-V
Бальза- мин	Хинадош- лар	Осіё, Америка	Африка, +	қаламча	III-IV	IV-V
Воско- вой плющ	Сутпечак- дошлар	Америка	Австралия,	- қаламча	-	III,-IV
Гибис- кус (ки- тай. ро- зан).	Гулхайри- дошлар	Хиндистон	Шарқий	Осіё +	қаламча	III-IV I-III
Глокси- ния		Ж. Америка	+ барг	қа- ламча	II-III	II,-III
Дифен- бахия	Кучала- дошлар	Ж. Америка	+, қаламча	III-IV	II-IV	
Монстера	Кучала- дошлар	Ж. Америка	+	қаламча	IV-V	II-IV
Колеус	Лабгулдош- лар	Осіё, Африка	+ қаламча	III-IV	II-IV	
Кордели- на	Лабгулдош- лар	Африка, Авс- тралия	+	қаламча	I-V	
Кливия		Жанубий Аф- рика	+ түпни бўлиш	IV-V	III-IV	
			билин			
Кодеум (Кротон)		Хиндистон,	- қаламча	-	III-IV	
Плектран- тус	Лабгулдош- лар	Мексика				
Хлоро- фитум	Шиёзгул- дошлар	Осіё, Африка	+ қаламча	III-V	IV-VIII	
Фуксия	Новардош- лар	Япония Ю А Р	- пархеш	-	I-VI	
Фикус	Тутсимон- лар	Янги Зеландия, Урта ва Ж.	- қаламча	-	III-V	
Финико- вая пальма	Пальма- дошлар	Америка	- қаламча	-	XI-XII	
Нефроле- пис		Хиндистон, Шри-Ланка	- қаламча	-		
Олеандр		Африкада тро- ник ва субтро- никлар	-	-	-	
Сансевь- ера	Агавадош- лар	Осіё	- түпни бўлиш	-	I,-III,	
Сцинда- кус	Кучала- дошлар	Индонезия,	билин			
Цисеуо	Узумдош- лар	Малазия	+ қаламча	-	III-VIII	V-VI
		Австралия	- қаламча	-	I-VI	
			- қаламча	-	I-V	

8	9	10	11	12	13	14	15
I	II	III	0,2—1,0	IV—VI	оч пушти	оч қызилдан яшилгача	бута
I	II	III	0,2—0,3	I—XII	ҳар хил	оч яшил	бута
I	II	I	0,2—0,3	III—VII	ҳар хил	оч яшил	бута
II	II	II	1,0—5,0	IV—VI	оч пушти	түк яшил	чирмашиб ўсадиган бута
I	II	I	0,5—2,0	IV—IX	ҳар хил	яшил	бута
I	II	II	0,5—0,7	IX—XI	ҳар хил	яшал	ўтсимон ўсимлик
I	I	I	0,5—2,0	V—VI	оқ	яшил	бута
I	III	I	1,0—3,0	III—V	оқ	түк яшил	чирмашиб ўсадиган
I	II	I	0,2—0,3	VI—VII	опроқ оқ	ҳар хил	ярим бута
I	II	I	0,5—2,5	VI—VII	оч пушти	қызил	бута
II	II	II	0,3—2,5	VI—VII	оч қызғиши	түк яшил	ўтсимон ўсимлик
I	II	I	0,3—2,5	VI—VII	пушти	ҳар хил	бута
I	III	I	0,2	VI—V	очреқ	оч яшил	ўтсимон ўсимлик
I	I	III	0,2—0,3	VI—VII	оқ	түк яшил	ўтсимон
I	II	I	0,3—0,5	VII—IX	оч қызил,		
II	III	I	0,5—3,0	—	қызил	түк яшил	ярим бута дараҳт
II	I	I	0,2—3,0		оч сарық	түк яшил	дараҳт
I	III	II	0,5—0,8	—	—	түк яшил	ўтсимон ўсимлик
II	II	II	1,0—3,0	VI—VIII	оқ, қызил, пушти	түк яшил	бута ярим бута
II	I	I	0,2—1,0		оқ	яшил	
I	III	I	0,3—3,0	—	—	яшил	чирмашиб ўсадиган
II	III	III	0,3—2,5	—	—	яшил	уазум

1	2	3	4	5	6	7
---	---	---	---	---	---	---

Трахи- карпус (Кит- вирная шальма)	Палма- дошлар	Хитой, дистон,{ Япо- ния	Хин- + Япо-	—	—	—
Традес- канция (зебри- на)	Палма- дошлар	Үрта Америка	— қаламча	—	—	

Эслатма: 8—9—10 катактарда: I—ёргесеварлар, қурғоқчилликка
II—соңсеварлар; үрта намликсе-
III — соясеварлар, намликсеварлар,

8	9	10	11	12	13	14	15
---	---	----	----	----	----	----	----

II	II	II	сарық	түк яшил	даражат
----	----	----	-------	----------	---------

I	II	I	0.3—2,5	VI—VII	оқ, пушти	оч яшил, тарам йү- ли билан, янил	оқ ўтсимон
---	----	---	---------	--------	--------------	--	------------

чидамлилар, енгил тупроқлар;
 варлар, ўртача механик таркибли тупроқлар;
 механик таркиби оғир тупроқлар.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ф. Н. РУСАНОВ. Грунтовое цветоводство в Узбекистане. Т.: гос. изд. Уз., 1948.
2. А. А. ЧУВИКОВА, С. П. ПОТАПОВ, А. А. КОВАЛЬ, Т. Г. ЧЕРЖИН. Учебная книга цветовода. М.: Колос, 1974.
3. В. А. ГОДИНА. Цветоводство в школе. Учпедгиз, 1958.
4. С.А. ИЖЕВСКИЙ. Розы М.: «Колос», 1964.
5. П. К. ОЗОЛИН, Л. К. КРАВЧЕНКО. Розы Узбекистана. Т.: «Ўзбекистон», 1967.
6. Л. К. КРАВЧЕНКО. Манзарали ўтсимон ўсимиликлар. Т.: «Ўзбекистон», 1971.
7. П. К. ОЗОЛИН, Л. К. КРАВЧЕНКО Культура сирени в Узбекистане. Т.: «Ўзбекистон», 1970.
8. А. К. КИЯТИН. Цветы Узбекистана. Т.: «Ўзбекистон», 1978.
9. РЕМСКЕВИЧ. Гулчилик. Т.: «Ўзбекистон», 1980.
10. А. К. КИЯТКИН. Ҳаваскор гулчиларга маслаҳатлар. Т.: «Меҳнат», 1987.
1958 г.
11. Н. Ф. ЗИНОВЬЕВА. Хоналарда гул ўстириш. Т.: «Меҳнат», 1985.
12. И. Э. КУЗМИЧЕВ, В. П. ПЕЧЕНИЦЫН. Озеленение городов и сел Узбекистана. Т.: «Ўзбекистон», 1970.
14. З. Н. БОЧАНЦЕВА. Тюльпаны, Т.: «Ўзбекистон», 1968.

МУНДАРИЖА

Кириш	3
I. Гулчилик тарихи, тарқалиши ва истиқболлари	5
II. Гулли ўсимликларни ўсиши ва ривожланишига ташқи муҳитнинг таъсири	13
III. Гулли ўсимликларни очиқ ва ёпиқ ерларда кўпайтириш	41
IV. Иссиқхоналарда жой тайёрлаш	73
V. Бир йиллик гул ўсимликларининг қисқача таърифи	86
VI. Икки йиллик гул ўсимликларининг қисқача таърифи	112
VII. Кўп йиллик гул ўсимликлари ва уларга қисқача таъриф	118
VIII. Пиёзгулдош ўсимликлар ва уларга қисқача таъриф	132
XI. Чиройли гуллайдиган буталар ва уларга қисқача таъриф	137
X. Гул олинадиган ўсимликлар гуруҳи	148
XI. Доимий яшил ўсимликлар	155
XII. Үтсимон яшил ўсимликлар	160
XIII. Сув хавзаларида ўстириладиган гул ўсимликлари ва уларга қисқача таъриф	166
XIV. Гул ўсимликларини кўкаlamзорлаштиришда ишлатилиши	167
XV. Гулларни танлаб ўтқазиш	178

XVI. Хоналарда манзарали гулзорларни ташкил қилиш	205
XVII. Гулчиликда уруғчиликни ташкил этиш	208
Иловалар	220
Фойдаланилган адабиётлар	236

Ҳасан Чұтбоевич БҰРИЕВ,
Лутфулла Абдуллаевич АБДУРАХМОНОВ
Алла Терентьевна ЖОНОНБЕКОВА

ГУЛЧИЛИК

(дарслик)

«Меднаг» нашиёги — Тошкент—1999

Рассом *Л.Дабижа*
Бадий мұхаррир *Х. Құтлуков*
Техник мұхаррир *Ж. Бекиева*
Мусаққиҳа *Д. Холматова*



ОИБ №1430

Терпига берилди 02.02.99. Босишга рухсат этилди. 24.03.99. Бичими $84 \times 108^{1/32}$. № 1. қорозга «Адабий» ҳарфиди юқори босма усулида босилди. Шартли босма табоги 12,6. Нашр табоги 13,5. 1000 нуека. Буюртма № 194. Баҳоси шартнома асосида.

«Мехнат» нашриёти, 700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30. Шартнома № 49—98.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг Тошкент китоб-журнал фабрикасида чоп этилди. Тошкент, Юнусобод даҳаси, Муродов кўчаси, 1-уй.